

НАРГИС ҚОСИМОВА

**ЎЗБЕКИСТОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ БАРҚАРОР
РИВОЖЛАНИШ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДАГИ ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ҲАМКОР
СИФАТИДА**

Тошкент-2017

НАРГИС ҚОСИМОВА

**ЎЗБЕКИСТОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ БАРҚАРОР
РИВОЖЛАНИШ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДАГИ ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ҲАМКОР
СИФАТИДА**

Ўқув қўлланма

Тошкент-2017

Ўқув қўлланма журналистлар ҳамда Ўзбекистон олий таълим муассасалари талабалари учун мўлжалланган

Масъул муҳаррир:

Гулнора Бобожонова,
Журналистларни қайта тайёрлаш маркази директори,
филология фанлари номзоди.

Тақризчилар:

Алишер Матякубов,
филология фанлари номзоди.

Амрулло Каримов,
филология фанлари номзоди.

Мазкур ўқув қўлланма Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети Илмий Кенгашининг 31 май 2017 йилдаги 10-сонли қарори билан тасдиқланиб, нашрга тавсия этилди.

© Н.Қосимова. Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари барқарор ривожланиш манфаатлари йўлидаги таълим соҳасида ҳамкор сифатида. Ўқув қўлланма.–Т., ЮНЕСКО.
2018

МУНДАРИЖА

КИРИШ	
1- БОБ. БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ: КОНЦЕПЦИЯ, ТАМОЙИЛЛАР, МАҚСАДЛАР	
1.1. Барқарор ривожланиш концепциясининг вужудга келиши ва шаклланиш асослари	
1.2. Барқарор ривожланишнинг миллий ҳужжатларда акс этиши: ҳуқуқий асос	
1.3. Барқарор ривожланишнинг мақсадлари ва тамойиллари	
2- БОБ. ТАЪЛИМ ЖАМИЯТ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШДА АСОСИЙ ОМИЛ СИФАТИДА	
2.1. Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда таълимнинг роли	
2.2. Экологик таълим ва барқарор ривожланиш мақсадлари учун таълимнинг ўзаро боғлиқлиги	
2.3. Ўзбекистонда барқарор ривожланиш мақсадлари йўлида таълим: таълим моделларини ўзгартириш	
2.4. Экологик маданиятни шакллантириш: таълим ва тарбия масалалари	
3-БОБ. БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШИШ	
3.1. Ҳамма жойда камбағалликнинг барча шакллариغا барҳам бериш	
3.2. Очарчиликка барҳам бериш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, овқатланишни яхшилаш ва қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишига кўмак бериш	
3.3. Барча учун ҳар қандай ёшда соғлом турмуш тарзини таъминлаш ва фаровонликка кўмаклашиш	
3.4. Барчани қамраб олган ва адолатли сифатли таълимни таъминлаш ҳамда барча учун бутун умр давомида таълим олиш имкониятини қўллаб-қувватлаш	
3.5. Гендер тенгликни таъминлаш ҳамда барча аёллар ва қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш	
3.6. Барча учун сув ресурслари ва санитариянинг бўлишини ва улардан самарали фойдаланилишини таъминлаш	
3.7. Барча учун қиммат бўлмаган, ишончли, барқарор ва замонавий энергия манбаларидан фойдаланиш имкониятини яратиш	
3.8. Сўзсиз, барчани қамраб олувчи ва барқарор иқтисодий ўсишга, барча учун тўлиқ ва самарали бандлик ва муносиб иш таъминотига кўмаклашиш	
3.9. Мустаҳкам инфратузилмани яратиш, барчани қамраб олувчи ва барқарор саноатлаштиришга ва инновацияларни жорий этишга кўмаклашиш	
3.10. Мамлакатлар ичида ва улар ўртасида тенгсизлик даражасини камайтириш	
3.11. Шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг очиклигини, хавфсизлигини, умри боқийлиги ва барқарорлигини таъминлаш	

3.12. Истеъмол ва ишлаб чиқаришнинг рационал моделларини таъминлаш	
3.13. Иқлим ўзгариши ва унинг оқибатларига қарши кураш бўйича шошилиш чоралар кўриш	
3.14. Қуруқлик экотизимини муҳофаза қилиш, қайта тиклаш, улардан оқилона фойдаланилишига кўмаклашиш, ўрмонлардан оқилона фойдаланиш, чўлланишга қарши кураш, ерлар деградация жараёнини тўхтатиш ва орқага қайтариш ҳамда биологик хилма-хилликни йўқотиш жараёнини тўхтатиш	
3.15. Барқарор ривожланиш мақсадларида тинчликсевар ва очиқ жамиятларни қуришга кўмаклашиш, барча учун одил судловдан фойдаланишни таъминлаш, самарали, ҳисобдор ва барча даражадаги муассасаларнинг кенг иштирокига асосланган тизимни яратиш	
3.16. Барқарор ривожланишга эришиш воситаларини мустаҳкамлаш ва барқарор ривожланиш мақсадларида глобал ҳамкорлик механизмлари ишини фаоллаштириш	
4-БОБ. ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ СОҲАСИДА ҲАМКОР СИФАТИДА	
4.1. Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларида барқарор ривожланиш мақсадларини экологик мавзу мисолида ёритиш	
4.2. ОАВда экологик мавзунини ёритиш муаммоси	
4.3. ОАВ кўзгусида экологик назорат	
4.4. Барқарор ривожланиш масалалари бўйича журналистик суриштирувни ўтказиш	
4.5. Экологик журналистикада стереотиплар. Уларни қай тарзда бартараф этиш мумкин?	
4.6. Барқарор ривожланиш масалаларини ёритишда журналист ахлоқи	
ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН АДАБИЁТЛАР	
ГЛОССАРИЙ	
АТРОФ- МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНАДИГАН ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР	

КИРИШ

Бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ривожланиш жамиятнинг барча соҳаларини экологизациялашсиз мумкин эмаслигини инсоният тушуниб етди. Чунки барқарор ривожланиш иқтисодининг муҳим вазифаларидан бири бу экологик муаммоларни ҳал этишдир. Барқарор ривожланиш асосида ётган экологик масалалардан бири - бутун экотизимнинг барқарор фаолият юритишини инсоният эҳтиёжлари учун зарур даражада сақлаб қолишдан иборатдир¹.

Экологик барқарор ривожланиш ҳаёт учун муҳим бўлган фаолиятни ташкил этиш бўлиб, унда ҳавога чиқариб ташланадиган ифлослантирувчи моддалар экотизимларнинг ассимилятив имкониятларидан ортмаслиги зарур. Экологик барқарор ривожланиш доирасида биохилмаҳиллик ва атроф-муҳит компонентлари сифатини (сув, ҳаво, тупроқ ва бошқалар)ни инсониятнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлаш даражасида таъминлашда алоҳида ўрин тутаяди.

“Барқарор ривожланиш” тушунчаси илк мартаба 1987 йилда пайдо бўлиб, бугунги кунга қадар кўплаб қизиқишлар ва баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Барқарор ривожланиш олдига қўйилган масалаларнинг долзарблиги ҳеч кимда эътирозларга сабаб бўлмапти. Ҳозирда мазкур мақсадлар атамасига назар ташлайдиган бўлсак кўпроқ **барқарор ривожланиш атамаси сифатида** қўлланилиб, унинг асл моҳиятида “аҳоли эҳтиёжларни бугун қондириш келажақ авлодларининг ўз эҳтиёжларини қондириш имкониятларини таъминлаб бериши”да ётади².

Бутунжаҳон банки эса мазкур тушунчанинг анча тежамкор тавсифини тавсия этади: **барқарор ривожланиш** — бу одамлардаги мавжуд имкониятларни сақлаш ва кенгайтиришга қаратилган активларни бошқариш жараёнидир³.

Ноосфера (ноосфера – табиат ва жамиятнинг ўзаро алоқадорлиги соҳаси) муаммоси тадқиқотчиларидан бири А.Д.Урсулнинг фикрига кўра⁴, “барқарор ривожланиш” тушунчасини иккита асосий белги ёрдамида аниқлаш мумкин: антропоцентрик ва биосфероцентрик. Антропоцентрик белги кенг маънода инсониятнинг (мамлакатнинг) яшаб қолиши ва унинг кейинчалик ҳозирги авлод эга бўлган шароитлардан кейинги авлод ҳам ўз эҳтиёжларини табиий ва экологик шароитларда қондириш учун эга бўлиши зарур бўлган мунтазам (барқарор) ривожланиш имкониятлари тушунилади.

Биосфероцентрик (умумий экологик) белги кейинчалик инсон ривожини экофобия шаклида амалга ошмаслиги учун Ердаги бутун ҳаётнинг табиий асоси, унинг барқарорлиги ва табиий эволюцияси билан боғлиқ.

Барқарор ривожланиш иқтисодий, экологик ва ижтимоий барқарорликни тақозо этиб, бунга жисмоний, табиий ва инсон капиталини рационал бошқариш орқали эришилади. Барқарор ривожланишни таъминлаш нафақат экологияга сармояларни жалб этиш ёки янги технологиларни жорий этиш, биринчи галда ижтимоий инновациялар, манфаатлар моҳиятининг ўзгариши ва тамаддун ривожини мақсадларини ўзгартиришни талаб этади.

¹ А.Д. Урсул, Т.А. Урсул. На пути к устойчивому развитию цивилизации: информационные факторы. <http://emag.iis.ru/arc/infosoc/emag.nsf/BPA/4cba733f76360798c32575ba0041d744>

² WCED report «Our Common Future», 1987. <https://www.meinlcoffee.com/ru>

³ Бегун Т. В. Устойчивое развитие: определение, концепция и факторы в контексте моногородов [Текст] // Экономика, управление, финансы: материалы II Междунар. науч. конф. (г. Пермь, декабрь 2012 г.). — Пермь: Меркурий, 2012. — С. 158

⁴ А.Д. Урсул, Т.А. Урсул. На пути к устойчивому развитию цивилизации: информационные факторы. <http://emag.iis.ru/arc/infosoc/emag.nsf/BPA/4cba733f76360798c32575ba0041d744>

Ҳар бир давлат мустақиллиги унинг барқарор ривожланиш даражасига етганлиги билан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси ҳам барқарор ривожланишнинг устивор йўналишларини мамлакатнинг ривожини учун асосий мақсад эканлигини тан олади.

1997 йили барқарор ривожланишнинг миллий стратегияси (БРМС) қабул қилиниб, у бугунги кунда Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиш йўлида қадам ташлаши, янги стратегиялар ва меъёрий-ҳуқуқий актларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш учун асосий ҳужжат бўлиб хизмат қилади. Ҳукумат томонидан ишлаб чиқилган ва янгиланган барча айнан БРМС га йўналтирилган бўлиши лозим. Шу билан бирга Стратегияда асосий эътибор атроф-муҳит муҳофазасига қаратилган бўлиб, айнан табиатга зарар етказмай, у билан уйғунликда мамлакатнинг барча соҳалари ривожлантирилиши лозим. Шунингдек, Стратегияда ривожланишнинг иқтисодий ва ижтимоий жиҳатларига ҳам асосий эътибор қаратилган бўлиб, урғу қашшоқликни бартараф этиш, аҳоли фаровонлигини оширишга берилган.

Бугунги кун жаҳон ҳамжамияти олдида турган муаммоларни холис баҳолашни тақозо этмоқда. Табиатга устахона сифатида қараладиган, “у фақатгина инсон эҳтиёжларини қондириши учун хизмат қилиши зарур” деган стереотипларга асосланган фикрлашдан воз кечиш вақти келди. Стереотипларни бартараф этишда оммавий ахборот воситалари муҳим роль ўйнайди. Шу сабабли ҳам мазкур ўқув қўлланма журналистлар, Ўзбекистон олий таълим муассасалари журналистика факультетларининг талабалари, атроф-муҳит муҳофазасига бефарқ бўлмаган, жамиятнинг барқарор ривожланиши борасида тадқиқотлар олиб бораётган изланувчилар учун мўлжалланган. Ўйлаймизки, ушбу ўқув қўлланма барқарор ривожланиш тушунчаси, унинг мақсад ва вазифалари, жамиятнинг барқарор ривожланиш мақсадлари билан ҳамоҳанг ривожини бугунги кун вазифаси эканлигини англашга ёрдам беради. Шунингдек, “Экология журналистикаси” фанини ўрганаётганлар учун яқин ёрдамчига айланади.

1- БОБ. БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ: КОНЦЕПЦИЯ, ТАМОЙИЛЛАР, МАҚСАДЛАР

1.1. Барқарор ривожланиш концепциясининг вужудга келиши ва шаклланиш асослари

Режа:

1. Барқарор ривожланиш концепциясининг ишлаб чиқиши.
2. Атроф -муҳит муҳофазасига бағишланган БМТ конференцияси.
3. “Барқарор ривожланиш” тушунчасининг пайдо бўлиши.
4. “Рио+20” Барқарор ривожланиш бўйича БМТ конференцияси.

Асосий тушунчалар: барқарор ривожланиш, БМТ конференцияси, эгилувчанлик механизми, Киот протоколи, “Рио+20”, Иқлим ўзгариши бўйича доиравий конвенция, соф ривожланиш механизми.

Мавзу бўйича тавсия қилинаётган адабиётлар:

1. Кузнецова Ю. А. *Этапы формирования и развития концепции устойчивого развития // Молодой ученый. — 2013. — №5.*
2. Агапова Е.В., Липина С.А., Липина А.В., Шевчук А.В., *Анализ международных документов по вопросам развития «зеленой» экономики и «зеленого» роста.* <ftp://ftp.repec.org/opt/ReDIF/RePEc/rnp/wpaper/1858.pdf>.
3. *Доклад по целям развития тысячелетия Узбекистан 2015/под общ. ред. Г. Саидовой. - Ташкент: Центр экономических исследований, 2015.*
4. Н.Қосимова. *Иқлим ўзгариши ва журналистика.-Т.: “Турон-Иқбол”, 2016 й.*

Барқарор ривожланиш концепциясининг вужудга келиши бевосита инсоният тарихининг ривожига билан боғлиқ. Тамаддун ривожланиши жараёнида инсоният олдида бир неча маротаба глобал характерга эга бўлган муаммолар вужудга келган. Аммо уларнинг барчаси XX асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлган бугунги глобал муаммолардан фарқ қиларди. 1955 йили дунёнинг йирик шаҳарларида заҳарли газлардан ўлим ҳолатларининг кўпайиши ҳамда атмосферанинг ифлосланишига бағишланган биринчи халқаро конференция ўтказилди. Аммо мувофиқлаштириш, халқаро даражада келишувнинг йўқлиги, бизнес ва атроф-муҳит муҳофазаси борасидаги вазифаларнинг бир бирига тўғри келмаслиги халқаро миқёсда экологик кучларни тўлиқ ишга солиш имконини бермас эди⁵.

1960-йилларнинг бошларида кўпчилик одамлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва атроф-муҳит ҳолати билан ўзаро боғлиқликни тушуниб ета бошладилар. Илк маротаба биолог Рейчел Карсон атроф-муҳит ифлосланиши маълум чегарага эгаллиги, ундан ортса табиий муҳит инқирозга юз тутиши мумкинлигини асослаб берди.



!Рейчел Карсон - америкалик биолог, атроф-муҳит муҳофазаси борасида фаолият юритган олима, ёзувчи. Ўзининг “Атрофимиздаги денгиз” (1951) асарида илмий аниқлик тирик табиатни тасвирлаш билан уйғунлашиб кетади. Халқаро миқёсдаги машҳурликни Карсонга тирик организмларга, айниқса қушларга пестицидларнинг зарарли таъсирига бағишланган “Соқов баҳор” (китоб инглиз тилида “*Silent spring*” биринчи маротаба 1962 йилда, рус тилида эса 1965 йили нашр этилди) асари келтирди. Карсон кимёвий саноатни дезинформацияда, ҳукумат вакиллари эса уларга кўр-кўрона ишонишда айблади. Карсон тадқиқотлари АҚШ ва бошқа мамлакатларда экологик ҳаракатнинг вужудга келишига тўртки бўлди. Унинг ўлиmidан сўнг айнан Карсоннинг

⁵ <ftp://ftp.repec.org/opt/ReDIF/RePEc/rnp/wpaper/1858.pdf>

*фаолияти натижасида халқаро миқёсда ДДТ инсектицидининг тақиқланишига ва АҚШда атроф муҳит муҳофазаси бўйича агентликнинг тузилишига олиб келди*⁶.

1963 йили Халқаро биологик дастур яратилиб, унда атроф-муҳитнинг деградацияга учрашига сабаб бўлаётган механизмлар таҳлили келтирилган эди. Ўн йиллик тадқиқот атроф-муҳитнинг ифлосланишини илмий асосланган ҳолда кўрсатиб берувчи маълумотлар базасини шакллантириш имконини берди⁷.

1960 чи йилларни барқарор ривожланиш бўйича салмоққа эга бўлган илмий тадқиқотларнинг олиб борилиши, ишлаб чиқариш, демографик ҳолат ва атроф-муҳитнинг ҳолатини таҳлил этиш ва моделлаштиришга, экологик муаммоларга бағишланган конференцияларнинг фаол равишда ўтказилиши йиллари деб, тавсифласак муболаға бўлмайди⁸.

1968 йили италиялик ишлаб чиқарувчи Аурелио Печчеи (кейинчалик у клубнинг биринчи президенти бўлган) ва фан масалалари бўйича бош директор Александр Кинг томонидан халқаро миқёсда сиёсий, молиявий, маданий ва илмий соҳа вакиллари бирлаштирган Рим клуби – халқаро жамоат ташкилот (аналитик марказ)ни ташкил этдилар. Ташкилот биосферани ривожлантириш истиқболлари ва инсоннинг табиатга нисбатан гуманистик жиҳатдан муносабатда бўлиши борасида улкан ҳиссасини кўшди. Ташкил топган илк йилиданок Рим клуби жаҳон ҳамжамиятини ўз маърузалари орқали глобал муаммоларга қаратишни мақсад қилиб қўйган эди.

! Рим клубининг маърузаларга буюртмаси фақатгина мавзун аниқлаштириб, тадқиқотни молиялаштиришни назарда тутди. Буюртмачи иш жараёни, унинг натижалари ва хулосаларига аралашимайди; маъруза муаллифлари шунингдек, Клуб аъзолари тўлиқ эркин ва мустақилдилар. Тайёр маърузани олгач, Клуб ҳар йили бўлиб ўтадиган, кенг жамоатчилик вакиллари — илмий, сиёсий соҳа намоёндалари, журналистлар иштирок этадиган конференцияда кўриб чиқиб, тасдиқлайди. Фақат шундан сўнгина тадқиқот натижаларини тарқатишни бошлайди, маърузани чоп этиб, дунёнинг турли мамлакатларда ва турли аудиторияларда унинг муҳокамасини уюштиради.

Халқаро миқёсда ушбу ўн йилликнинг муҳим воқеаларидан бири бу АҚШда “Миллий экологик сиёсат”нинг қабул қилиниши бўлди (1969 йил)⁹. 1970 чи йилларда табиий ресурслар муҳофазасига бағишланган турли хил ташкилот, ҳаракат ва дастурлар шакллана бошлади. 1970 йилда АҚШнинг экологик сиёсатини янада такомиллаштириш мақсадида табиий ресурсларни муҳофаза этиш бўйича Кенгаш ташкил этилди. Шу йили атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича биринчи миллий семинар шаклида Ер куни ўтказилди. 1971 йили Англияда атроф-муҳит муҳофазаси ва тараққиёти бўйича халқаро институт ташкил этилиб, унинг мақсади табиатга зиён етказмай иқтисодий ривожланиш йўллари топишдан иборат эди. 1972 йили Стокгольмда (Швеция) атроф-муҳит муҳофазасига бағишланган БМТ Конференцияси бўлиб ўтиб, унда БМТнинг атроф-муҳит муҳофазаси бўйича дастури ишлаб чиқилди (ЮНЕП). Бу давлат даражасида халқаро

⁶ Карсон, Рахиль. Безмолвная весна: пер. с англ. = Silent Spring. — М.: Прогресс, 1965. — 216 с.

⁷ Кузнецова Ю. А. Этапы формирования и развития концепции устойчивого развития // Молодой ученый. — 2013. — №5. — С. 338.

⁸ Кузнецова Ю. А. Этапы формирования и развития концепции устойчивого развития // Молодой ученый. — 2013. — №5. — С. 339.

⁹ Морозова В.Н. Мировая экологическая политика и международное экологическое сотрудничество. <http://txtb.ru/23/index.html>

хамжамиятни экологик муаммоларни ҳал этишга эътиборини қаратишни аниқлатди.



БМТнинг атроф-муҳит муҳофазасига бағишланган Конференцияси хулосалари қуйидагилар:

- канадалик олим Морис Стронг жамиятнинг иқтисодий ривожини экологиялаштириш зарурлигини қайд этди;

- “жамиятнинг экологик ривожини” тушунчаси киритилиб, бу инсонларнинг ҳаётий фаровонлигининг ўсиши атроф-муҳитнинг ёмонлашуви ва табиий тизимлар деградациясига олиб келмаслиги лозимлигини аниқлаб, экологияга йўналтирилган ижтимоий- иқтисодий ўсишдир;

- Қуйидаги тушунчалар киритилди:

“*Экологик императив*”- бузилиши аҳоли учун оғир оқибатларга олиб келувчи жамиятнинг табиат билан ўзаро алоқдорлиги шартларининг жамланмаси.

“*Экологик мониторинг*” – атроф табиий муҳитининг антропоген ўзгаришларини қайд этувчи глобал назорат тизими.

“*Экологик инқироз*” – экотизимлар компонентларининг ўзаро алоқадорлигидаги тифизлик ҳолати.

“*Экологик ҳалокат*” – экотизим таркибидаги тузатиб бўлмас ўзгаришлар¹⁰.

Жамиятнинг экологик ривожини таъминлаш шакллантирилган. Конференциядан сўнг экологик сиёсат ва дипломатия, атроф-муҳит қонунчилиги ривожлана бошлади. Айнан табиат муҳофазаси бошқарувига асосланган вазирликлар ва муассасалар пайдо бўлди¹¹. Айнан шу йили дунёнинг турли бурчакларида атроф-муҳит муҳофазаси борасидаги тадбирларни ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи Халқаро экологик алоқа маркази ташкил этилди.

1974 йили озон қатламига захарли газларнинг таъсири (Роулэнди Молина), мамлакатларнинг иқтисодий ривожининг пастлиги ва экологик муаммоларнинг ўзаро алоқадорлиги (Барилоче фонди “Қашшоқлик чегараси”)¹² борасидаги тадқиқотлар чоп этилди. В. Феркис, В. Базьюк, Ю. Скольников, Г. Браун, С.Чейз ва бошқаларнинг асарлари

¹⁰ Предпосылки появления концепции устойчивого развития. <https://soullife.info/ekologiya-otvety/314-predposylki>

¹¹ Концепция устойчивого развития. http://testent.ru/publ/studenty/ehkologija_i_ustojchivoe_razvitie

¹² Концепция устойчивого развития. http://testent.ru/publ/studenty/ehkologija_i_ustojchivoe_razvitie

экологик муаммоларга бағишланган эди. 1973 йили швейцариялик олимлар А. Габю ва Э. Фонтела глобал экологик муаммоларни мавжуд адабиётларнинг контент-таҳлил қилиб, экспертлардан олган сўровномалари асосида 14 та катта гуруҳга бўлинган 28 та глобал муаммоларни ажратишди. 1976 йили Фарбда “Жаҳон муаммолари ва инсон салоҳияти” деб номланган тўпلامда айнан инсонлар аралашуви оқибатида вужудга келган муаммоларнинг сони 2,5 мингдан ошди. 1978 йили АҚШ Конгрессининг прогнозлаштириш маркази 286 та глобал муаммони қайд этди¹³. 1980- йилда “Global 2000” маъруза чоп этилиб, унда илк маротаба биохилмахиллик жаҳон экотизимини асоси бўлиб, унинг қисқариши инсониятни ҳалокатга олиб келиши қайд этилди¹⁴.

1980- йилларда россиялик олим Ю.Н. Гладков инсониятнинг асосий глобал муаммоларини таснифлади.¹⁵

- сиёсий ва ижтимоий-сиёсий характердаги “универсал” муаммолар (ядровий урушни бартараф этиш ва тинчликни сақлаш, жаҳон ҳамжамиятининг барқарор ривожланишини таъминлаш, ташкилий жиҳатларини кўриб чиқиш ва уларни бошқариш);

- табиий-иқтисодий характерга эга бўлган муаммолар (экологик, энергетик, хом-ашё, озиқ-овқат, Дунё океани);

- ижтимоий характерга эга бўлган муаммолар (демографик, миллатлараро муносабатлар, маданий, ахлоқий инқироз, демократия ва соғлиқни муҳофаза қилишдаги муаммолар, шунингдек терроризмнинг мавжудлиги);

- аралаш характерга эга бўлган муаммолар, уларнинг ечимсиз қолиши аксарият ҳолатларда инсонларнинг оммавий ҳалокатига олиб келади (худудий келишмовчиликлар, жиноятчилик, технологик авариялар, табиий ҳалокатлар ва ҳоказо);

- илмий характерга эга бўлган муаммолар (коинотнинг забт этилиши, Ернинг ички таркибини ўрганилиши, иқлим ўзгаришини прогнозлаштириш ва ҳоказо);

- “кичик муаммолар” “синтетик характер”га эга бўлиб, инсоният тамаддуни юзага келган кундан бошлаб вужудга келган (бюрократия, эгоцентризм ва ҳоказо).

Айнан шу йилларда оммавий ахборот воситаларида барқарор ривожланишни англатувчи жамиятнинг барча соҳаларида “экоривожланиш” тушунчаси тез-тез пайдо бўла бошлади. 1980- йилда биринчи маротаба ЮНЕП, Табиатни муҳофаза қилиш халқаро кенгаши ва Бутунжаҳон ёввойи табиат жамғармаси ташаббуси билан ишлаб чиқилган Бутунжаҳон табиатни сақлаб қолиш стратегиясида барқарор ривожланиш концепцияси кенг омма эътиборига ҳавола қилинди. Икки йилдан сўнг БМТ томонидан инсониятнинг табиий ресурсларга боғлиқлиги ва уларни қазиб олиш назоратда бўлиши лозимлигини қайд этувчи Бутунжаҳон табиат хартияси чоп этилди.

1983 йил Атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича Бутунжаҳон комиссияси ташкил этилиб, унга Гро Харлем Брундтланд раҳбарлик қилди¹⁶. Уч йил давомида комиссия иқтисодий, ижтимоий-маданий ва экологик омилларнинг ўзаро таъсири ва алоқадорлиги масалаларини ўрганди. Айнан мазкур маъруза “барқарор ривожланиш” (**sustainable development**) тушунчасини оммалаштиришга хизмат қилди.

! Барқарор ривожланиш (ингл. *sustainable development*) — бу иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар жараёни бўлиб, унда табиий ресурслар эксплуатацияси сармоялар

¹³ Морозова В.Н. Мировая экологическая политика и международное экологическое сотрудничество. <http://txb.ru/23/index.html>

¹⁴ Концепция устойчивого развития. http://testent.ru/publ/studenty/ehkologija_i_ustojchivoe_razvitie

¹⁵ Предпосылки и этапы формирования концепции устойчивого развития как цивилизационного императива. http://uchebnik.online/regionalnaya-ekonomika_738/predposylki-etapyi-formirovaniya-kontseptsii.html

¹⁶ Кузнецова Ю. А. Этапы формирования и развития концепции устойчивого развития // Молодой ученый. — 2013. — №5. — С. 339.

йўналиши, илмий-техник ривожланишга йўналтирилганлик, шахс ривож ва институционал ўзгаришлар бир-бири билан боғлиқ бўлиб, инсоннинг эҳтиёжларини қондириш учун бугунги ва эртанги салоҳиятни шакллантиради. Бунда асосан инсон ҳаёти сифатини ошириш назарда тутилади.

1987 йили “Бизнинг умумий келажагимиз” деб номланган маърузада Атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича халқаро комиссия (АМРХК) “барқарор ривожланиш” зарурати қайд этилиб, “бугунги кунда эҳтиёжларни қондириш келажак авлоднинг ўз эҳтиёжларини қондиришига тўсқинлик қилмайди”¹⁷ дейилади. “Барқарор ривожланиш” тушунчасининг ушбу тавсифи бугунги кунда кўпгина мамлакатларда қўлланилиб келинмоқда.

Маърузанинг қайта нашри “Ер сайёрасига ғамхўрлик— барқарор ҳаёт стратегияси” деб номланиб, 1991 йилнинг октябрида чоп этилди¹⁸. Унда ривожланиш тирик табиатни, унинг таркиби, функциялари ва биологик турлар ҳаёти боғлиқ бўлган Ернинг табиий тизимларнинг турфалигини асрашга асосланган бўлиши лозимлиги кўрсатиб ўтилган. Бунинг учун қуйидагилар зарур: ҳаётий тизимларни сақлаш ва ресурслардан барқарор фойдаланишни таъминлаш. Миллий ва глобал хавфсизликнинг бир қисми сифатида экологик хавфсизлик борасидаги тадқиқотлар пайдо бўлди.

1990 йилда Канадада Халқаро барқарор ривожланиш институти ўз фаолиятини бошлади. Айнан шу даврда корпоротив экологик менежментининг халқаро стандарти - ИСО 14001 (ISO 14001) қабул қилинди¹⁹. БМТнинг Рио-де-Жанейро (1992) да бўлиб ўтган атроф-муҳит муҳофазаси ва ривожланишга бағишланган конференциясида жаҳондаги экологик ҳолатнинг таҳлили берилди. Конференция ишида давлатларнинг раҳбарлари қатнашиб, улар илк маротаба инсониятнинг ривожланиш стратегияси ва дунёқарашини ўзгартиришга йўналтирилган мураккаб қарорларни қабул қилишди. Қайд этилишича иқтисодий ривожланган мамлакатларда ўсаётган фаровонлик Осиё, Африка ва Лотин Америкаси каби ривожланаётган мамлакатлар учун босиб ўтилиши зарур бўлган анча мураккаб йўл эди. Конференцияда қайд этилишича, ривожланган мамлакатлар ўзларининг босиб ўтган тараққиёт йўллари табиатга зиён етказилишига асосланиб, дунё ҳамжамиятининг мазкур йўлдан бориши охир-оқибат инсониятни ҳалокатга олиб келиши мумкин эди.

Мунозаралар жараёнида жаҳон ҳамжамияти барқарор ривожланиш йўлини танлаши зарурлиги таъкидланди.

! Рио-де-Жанейро (1992) да бўлиб ўтган атроф-муҳит муҳофазаси ва ривожланишга бағишланган конференциясининг якуний ҳужжатлари:

1. *Ўрмонларга нисбатан тамойиллар хусусидаги баёнот*
2. *Иқлим ўзгариши бўйича БМТ Конвенцияси*
3. *Биохилмахилликни сақлаш бўйича БМТ Конвенцияси*
4. *“Атроф-муҳит ва ривожланиш” Декларацияси. Халқаро ҳамкорликнинг 27 та тамойили ишлаб чиқилди.*
5. *“XXI аср учун кун тартиби” – бу келгуси ўн йиллик учун экологик, иқтисодий ва ижтимоий ҳаракат дастури.*

Халқаро барқарор ривожланиш институти (Канада) томонидан 1990 йилда экологик императив (лотин тилида imperativus — буйруқона, лот. impero — буйруқ бераман) тамойиллари ишлаб чиқилди.

¹⁷ Концепция устойчивого развития. http://testent.ru/publ/studenty/ehkologija_i_ustojchivoje_razvitie

¹⁸ Концепция устойчивого развития. http://testent.ru/publ/studenty/ehkologija_i_ustojchivoje_razvitie

¹⁹ Кузнецова Ю. А. Этапы формирования и развития концепции устойчивого развития // Молодой ученый. — 2013. — №5. — С. 338.

! Экологик императив тамойиллари:

- ✓ экологик ривожланиш мақсадлари иқтисодий мақсадларга нисбатан бирламчидир
- ✓ глобал фикрлаш, локал ҳаракат қилиш
- ✓ оқибатлардан беҳабарлик жамиятни экологик хавфсизликка риоя этмаслик масъулиятдан озод этмайди
- ✓ экологик- иқтисодий мувозанат тамойили

Иқлим ўзгариши бўйича БМТнинг доиравий Конвенцияси (ИЎДК) 1992 йилнинг 9 майида қабул қилиниб, 1994 йил 21 март куни кучга кирди. Ҳозирда Конвенцияни 186 та мамлакат, шу жумладан МДХ давлатлари уни ратификация қилган. Конвенция иқлимдаги хавфли ўзгаришларнинг олдини олиш ва атмосферадаги иссиқхона газлари концентрациясининг хавфсиз даражада бўлишини таъминлаш борасидаги кучларни бирлаштиришдан иборат. 1995 йили Берлинда бўлиб ўтган томонларнинг биринчи Конференциясида (ТК-1) халқаро ҳамжамият атмосферага иссиқхона газларининг чиқарилишини қисқартириш ва мувофиқ экологик-иқтисодий муносабатларни шакллантиришни мақсад қилиб қўйилди.

! Иқлим ўзгариши бўйича БМТнинг доиравий Конвенциясини қабул қилиш бўйича музокаралар (БМТ ИЎДК) 1991 йилнинг февраль ойида бошланган эди. Конвенция Рио-де-Жанейро (1992) да бўлиб ўтган Атроф-муҳит муҳофазаси ва ривожланишига бағишланган конференциясида, яъни 1992 йил 4 июнда имзоланишига тайёр бўлди ва 1994 йил 21 март куни кучга кирди. БМТнинг ИЎДК си халқаро ҳамкорликнинг асосий инструменти сифатида, иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларини бартараф камайтириш ва Ер сайёрасига антропоген юкни камайтириш мақсададида ишлаб чиқилган эди. Аммо Конвенцияда глобал иқлим ўзгариши бўйича фаолиятнинг фақатгина умумий йўналишлари белгилаб берилди (шу сабабли у доиравий, яъни чегараланган характерга эга). БМТнинг мазкур Конвенцияси глобал иқлим ўзгариши ва унинг оқибатларини камайтириш борасидаги биринчи халқаро келишув сифатида тарихга кирди.

ИЎДК ни имзолаган мамлакатлар иссиқхона газларини ҳавога чиқариб ташлашларни камайтириш ва чегаралаш бўйича миллий сиёсатни амалга оширишлари лозим. Конвенция бу борада қатъий халқаро чегаралашни назарда тутмайди. Конвенцияда белгиланган “умумий, аммо дифференциаланган масъулият” билан ҳар бир томон ўз фаолияти доирасини белгилаши лозим эди²⁰.

1994 йили Данияда “Барқарор ривожланиш йўлида Европа шаҳарлари” Ольборг хартияси қабул қилиниб, Европанинг барқарор ривожланиш шаҳарлари ассоциацияси ташкил этилди. Ассоциацияга айни пайтда Европанинг 40 та мамлакатидан 1000 та шаҳарлари аъзодир²¹. 1997 йили эса иссиқхона газларини камайтиришга қаратилган “Киото протоколи” қабул қилинди.

! Киото протоколи — БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича Доиравий Конвенцияси (1992)га қўшимча равишда қабул қилинган ҳужжат бўлиб, Япониянинг Киото шаҳрида 1997 йил декабрь ойида қабул қилинган. У турли хил мамлакатларни ва ўтиш иқтисоди

²⁰ <http://www.ecoaccord.org/climate/comments.htm>

²¹ Предпосылки появления концепции устойчивого развития. <https://soullife.info/ekologiya-otvety/314-predposylki>

Киото протоколи бозор механизмининг бошқарувига асосланган, яъни иссиқхона газларининг чиқарилиши бўйича халқаро квоталар савдосига асосланган атроф-муҳит муҳофазаси борасида биринчи глобал келишув эди. Протоколнинг биринчи босқичи 2008 йил 1 январдан бошланиб, 2012 йил 31 декабрга қадар амалда бўлди. Протокол иловасидаги В рўйхатда турган мамлакатлар мазкур беш йил давомида атмосферага чиқариб ташланадиган иссиқхона газлари миқдорини камайтириш борасида мажбурият олдилар. Чегирма мақсади—мазкур даврда 6 турдаги газлар чиқариб ташланишини (карбонат ангидрид, метан, фторуглеводородлар, фторуглеродлар, азот оксиди, олтингугурт гексафториди) 1990 йилга нисбатан 5,2% га камайтириш эди. Асосий мажбуриятларни индустриал мамлакатлар ўз зиммаларига олишди.²³

- Евроиттифок чиқаришни 8% га;
- АҚШ —7% га;
- Япония ва Канада —6% га;
- Шарқий Европа ва Болтиқбўйи мамлакатлари — ўртача 8%га;
- Россия ва Украина — йилдаги ўртача газларни чиқариб ташлаш миқдорини 2008—2012 йилларда 1990 йил даражасида сақлаш. Хитой ва Ҳиндистонни ўз ичига олган ҳолда ривожланувчи мамлакатлар ўз зиммаларига мажбуриятлар олишмади.

Эгилувчанлик механизми

Протокол шунингдек эгилувчанлик механизмини ҳам назарда тутди:

- квоталар савдоси, бунда давлатлар ёки унинг ҳудудидаги алоҳида хўжалик субъектлари миллий, ҳудудий ва халқаро бозорда парник газларнинг атмосферага чиқариб ташланиши квоталарини харид қилишлари ёки сотишлари мумкин;
- **хамкорликда ўтказиладиган лойиҳалар** — БМТнинг иқлим ўзгариши бўйича доиравий конвенциясига қўшилган мамлакатлардан бирининг ҳудудида амалга ошириладиган лойиҳа ИЎДКни имзолаган мамлакатларнинг бири ёки бир нечтасининг сармояси ёрдамида амалга оширилади;
- **соф ривожланиш механизми** — ИЎДК мамлакатлар (аксарият ҳолатларда ривожланувчи) бирининг ҳудудида амалга ошириладиган ва Конвенцияга аҳзо мамлакатларнинг тўлиқ ёхуд қисман ҳисобидан амалга ошириладиган парник газларни чиқариб ташланишини камайтиришга йўналтирилган лойиҳалар.

Эгилувчанлик механизми 2001 йили Марокашда (Марокко) бўлиб ўтган ИЎДК (COP-7) томонларининг 7 чи Конференциясида ишлаб чиқилиб, 2005 йилда Киото протоколи томонларининг Биринчи учрашувида (MOP-1) тасдиқланган эди²⁴.

2000 йилнинг сентябрь ойида БМТнинг Минг йиллик Саммити бўлиб ўтди²⁵ ва унда БМТнинг Минг йиллик Декларацияси, яъни халқаро ҳамжамиятнинг инсон тараққиёти ва инсон ҳавфсизлигини таъминлаш борасидаги ҳаракат дастури бир овоздан қабул қилинди. Бу ҳужжатга биноан Минг йиллик ривожланиш мақсадлари, яъни 192 давлат ва 23 халқаро ташкилотлар томонидан 2015 йилга келиб қашшоқликни бартараф қилиш, одамларнинг билим даражасини кўтариш, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари тенглигини таъминлаш, касалликларга қарши курашиш, тинчлик ва ҳавфсизликни мустаҳкамлаш борасида эришиш керак бўлган вазифаларга оид

²² <http://unfccc.int/resource/docs/convkp/kprus.pdf>

²³ <http://unfccc.int/resource/docs/convkp/kprus.pdf>

²⁴ <http://unfccc.int/resource/docs/convkp/kprus.pdf>

²⁵ <http://www.unrussia.ru/ru/millennium-development-goals>



мажбуриятлар белгиланди. МРМга эришиш билан боғлиқ ҳолатлар 8 та мақсад, 21 та вазифа ва 60 кўрсаткичларга асосланган ҳолда баҳоланади²⁶. Мақсадларнинг бири экологик барқарорликни таъминлаш бўлиб унда:

- 2010 йили биологик хилма-хилликнинг йўқолишини камайтириш;
- 2015 йили тоза ичимлик сув истеъмолидан маҳрум бўлган аҳоли сонини икки баробарга камайтириш;

–2020 йили 100 миллион нафар қашшоқликда кун кечирувчи аҳоли ҳаётининг фаровонлигини ошириш кўзда тутилган эди. 2002 йили Йоханнесбургда (ВСУР 2002) Барқарор ривожланиш бўйича ўтказилган Бутунжаҳон саммитида “Сиёсий декларация” ва “Барқарор ривожланиш бўйича олий даражада Бутунжаҳон учрашувлар қарорларини бажарилиш режаси” қабул қилинди. Сиёсий декларацияда яна бир маротаба барқарор ривожланишга содиқлик қайд этилди²⁷

! Инсониятнинг глобал муаммоларини ҳал этиш мақсадида БМТ “Мингйиллик ривожланиш мақсадлари”ни қабул қилди. Мақсадлар қашшоқлик ва умумий фаровонликка эришишни назарда тутган эди. Дастур 2000 йилда 147 давлат раҳбарлари ва 189 мамлакат вакиллари, хусусан Ўзбекистон Республикаси иштирокида Мингйиллик Саммитида қабул қилинди²⁸.

Икки йилдан сўнг Йоханнесбургда Барқарор ривожланиш бўйича Бутунжаҳон саммити ўтказилиб, унинг натижаларига кўра “ҳамкорлик” барқарорликка эришиш усули сифатида илгари сурилди ва Барқарор ривожланиш бўйича Йоханнесбург декларацияси қабул қилинди (2002 йил).²⁹ Унда хусусан шундай дейилади:

“Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишимиз учун бизга янада самарали, демократик халқаро ва кўп йўналишли фаолиятга эга бўлган муассасалар зарур”.

Биз яна бир маротаба Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг мақсад ва тамойилларга, шунингдек кўптомонлилиқни мустаҳкамлашга содиқлигимизни тан оламиз.

Биз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг етакчи ролини барқарор ривожланиш соҳасига кўмаклашишга энг яхши имкониятлари мавжуд, дунёдаги ташкилотлар ичида энг универсал ва етакчи сифатида қўллаб-қувватлаймиз.

Биз мунтазам равишда барқарор ривожланиш соҳасидаги мақсадларимизга эришишни ўз зиммамизга оламиз”³⁰.

²⁶ Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисдаги нутқи. – Т.: Ўзбекистон, 2010. 9-б.

²⁷ World Summit on Sustainable Development. Plan of implementation Johannesburg, 2002. –pp.45

²⁸ <http://www.unrussia.ru/ru/millennium-development-goals>

²⁹ http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/decl_wssd.shtml

³⁰ http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/decl_wssd.shtml

Айнан шу йили Глобал ташаббус ҳисоботи ишбилармонлик фаолиятининг иқтисодий, ижтимоий ва экологик жиҳатлари хусусида ҳисоботларини ёзиш бўйича кўлланма чоп этди. 2000–2009 йилларда жаҳон ҳамжамиятинда иқтисод ва жамиятнинг тараққиёти ракурсида табиатни асрашнинг янги усулларини излашга ундаган фаоллашувига сабаб бўлган воқеалар содир бўлди: 2004 йил — Марказий Америка мамлакатларида ОИТС эпидемияси, 2007 йил — экотизим стресси хусусида дунёнинг турли бурчакларидан келган хабарлар; 2008 йил — Бутунжаҳон озик-овқат, ёқилғи ва молиявий инқироз юзага келди, 50% зиёд жаҳон популяцияси шаҳарларда яшаши қайд этилди; 2009 йил — Австралияда ёнғин ва бошқалар³¹. Мазкур ўн йиллик натижаси сифатида 2009 йилда Копенгагенда Иқлим ўзгариши бўйича келишув қабул қилиниб, унда, атмосферага чиқариладиган иссиқхона газларининг миқдорини камайтириш орқали глобал иссиқ даражасини бир маромида ушлаб туриш, ривожланаётган мамлакатларда атмосферага чиқариб ташлашларни камайтириш бўйича фаолиятни лойиҳалаштириш кўзда тутилган эди. Айнан шу йили БМТнинг Атроф-муҳит бўйича дастури (ЮНЕП) биринчи маротаба тизимли равишда жаҳон иқтисодий тизимини экологик барқарор тараққиёт манфаатлари йўлида трансформация қилиш ғоялари қайд қилинган ҳужжатни эълон қилди³². Шундан сўнг жаҳон кун тартибида “яшил иқтисодиёт” тушунчаси пайдо бўлди.

Бир томондан иқтисод ва жамият табиат тизимлари ва уларнинг чекловларини инобатга олган ҳолда ривожланиши зарурлиги англаб етилган бўлса, иккинчи томондан яқинда бўлиб ўтган жаҳон молиявий инқирози жаҳон ҳамжамиятини бундай ҳулосага келишга туртки бўлган эди.

2011 йилнинг декабрь ойида Европа қумитаси 2050 йилгача мўлжалланган “2050 йилнинг энергетик йўл харитаси”ни ишлаб чиқди. Унга кўра 2050 йилга келиб ҳавога чиқарилаётган карбонот ангидрид миқдори 1990 йилга нисбатан 80%га камайтирилиши, қайта тикланадиган қувват манбаини ишлаб чиқарадиган электр қувватидан 75% га фойдаланиш режаси белгиланганди. Мазкур ҳужжатнинг кучга кириши бугунги кунда Европада шамол, қуёш қувватидан, шунингдек биоёқилғидан самарали фойдаланишга ва уларни ишлаб чиқарилишининг арзонлашувига олиб келди³³.

2012 йили Рио-де-Жанейрода БМТнинг барқарор ривожланиш бўйича “Рио+20” номини олган Конференцияси бўлиб ўтди. Саммит очилишида сўзга чиқар экан, БМТнинг Бош қотиби Пан Ги Мун инсоният янги даврга қадам қуяётганлигини қайд этди. У 2040 йилга бориб Ер шарининг аҳолиси 9 млрд.га кўпайишини ҳисобга олиб, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг эски модели ўз аҳамиятини йўқотганлигини таъкидлади. Маърузада 2030 йилга келиб дунё аҳолисининг озик-овқатга бўлган эҳтиёжи 50 фоизга, электр қувватига —45 фоизга, сув захираларига эса 30 фоизга ўсиши таъкидланди. Буни амалга ошириш учун эса зудлик билан “яшил иқтисодиёт”ни жорий этиш зарур, деди Пан Ги Мун. Бугунги кунда яшил иқтисодиётга босқичма-босқич АҚШ, Жанубий Корея, Германия, Швеция, Дания, Голландия ва бошқа ривожланган мамлакатлар ўтмоқда. 2015 йилнинг охирига келиб, Мингйиллик ривожланиш мақсадлари ўрнига БМТнинг Бош Ассамблеяси Саммитида Барқарор ривожланиш мақсадлари ишлаб чиқилди. Унинг асосий йўналишларидан бири қайта тикланадиган қувват манбаларидан фойдаланиш эди. 2018 йилга келиб, 43 та мамлакат қайта тикланадиган қувват манбаларига ўтиш режасини ишлаб чиқишди. 2010 йилда эса илк маротаба шамол трубиналари, биоёқилғи заводлари, қуёш батареялари ишлаб чиқарадиган қувват 381 ГВт (Гигаватт) га етиб, ядровий

³¹ Кузнецова Ю. А. Этапы формирования и развития концепции устойчивого развития // Молодой ученый. — 2013. — №5. — С. 337

³² Агапова Е.В., Липина С.А., Липина А.В. Шевчук А.В., Анализ международных документов по вопросам развития «зеленой» экономики и «зеленого» роста. <http://ftp.repec.org/opt/ReDIF/RePEc/rnp/wpaper/1858.pdf>. - С.17

³³ Планы Евросоюза по модернизации энергетики на период до 2050 г. <http://portal-energo.ru/articles/details/id/507>

электростанциялар қувватидан ошиб кетди. Бугунги кунда дунёдаги барча электростанцияларнинг қуввати 3,54 ТВт (Тераватт)ни ташкил этади. Демак, тикланадиган қувватни ишлаб чиқарадиган электростанциялар барча электр станциялар ишлаб чиқарадиган қувватнинг 10 фоизинигина ишлаб чиқаришади.³⁴

2012 йилда бўлиб ўтган БМТнинг барқарор ривожланиш бўйича “Рио+20” конференциясида илгари саммитларида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган тенденциялар давом эттирилиб, мустаҳкамланди. Хусусан, 2007 йилдан бошлаб барқарор ривожланиш соҳасида кейинги чора-тадбирларни амалга ошириш имконини берувчи бир йилда икки мартаба Стратегияни бажарилиши бўйича



маърузаларни тайёрлашни ўз ичига олган мониторинг механизмини ишлаб чиқиш таклифи илгари сурилди. Мазкур механизмларни амалга оширишда муҳим ролни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўйнаб, унда етакчилик ЮНЕСКОга тегишли бўлсада, бошқа ташкилотлар ҳам мазкур фаолиятдан четда қолишмайди. Уларнинг қаторига БМТнинг Барқарор ривожланиш бўйича бўлими, БМТнинг Тараққиёт дастури, БМТнинг Атроф-муҳит муҳофазаси бўйича дастури (ЮНЕП)ни киритиш мумкин. ЮНЕСКО шунингдек БМТнинг бошқа ташкилотлари, яъни БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси(ЮНПФА), Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (БССТ) ва Халқаро меҳнат ташкилоти(МОТ) билан аҳолининг саводсизлигини бартараф этиш, мамлакатларда оммавий ахборот воситалар тараққиётига хисса қўшиш, маданиятни ривожлантириш борасида ҳамкорлик алоқаларни ривожлантиради. БССТ билан эса соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ишларни ёритишга янгича ёндашиш, БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) билан озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, БССТ ва БМТнинг ОИТС бўйича Бирлашган дастури (ЮНЭЙДС) билан эса мазкур касаллик ва ОИВ га қарши курашиш, БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), БМТнинг қочоқлар масаласи бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош комиссари ҳамда йирик нодавлат нотижорат ташкилотлар билан тарғибот ишларини амалга оширади. Бундан ташқари Европа Иттифоқи, Европа Кенгаши, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг таълим соҳасидаги Тадқиқот ва янгиликлар маркази ҳам атроф-муҳит муҳофазаси ва барқарор ривожланиш манфаатларида таълим йўналишида фаолият олиб боришади.

Назорат учун саволлар:

1. Халқаро биологик дастур қачон яратилган?
2. БМТнинг Атроф-муҳит муҳофазаси бўйича конференциясида қандай дастурлар ишлаб чиқилди?
3. Барқарор ривожланиш бўйича бутунжаҳон саммит қачон ўтказилди?
4. Рио-де-Жанейрода БМТнинг Барқарор ривожланиш бўйича “Рио+20” номини олган конференциясининг ўз олдида қўйган вазифалари нималардан иборат эди?

³⁴ Кузнецова Ю. А. Этапы формирования и развития концепции устойчивого развития // Молодой ученый. — 2013. — №5. — С. 338

1.2. Барқарор ривожланишнинг миллий ҳужжатларда акс этиши: ҳуқуқий асос

Режа:

1. Ўзбекистон Республикасининг экологик хавфсизлик сиёсати
2. Барқарор ривожланиш бўйича Ўзбекистоннинг қонунчилик асоси
3. Орол денгизи ҳавзасида барқарор ривожланиш муаммолари бўйича Марказий Осиё давлатлари ҳамда халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинган Нукус декларацияси
4. Ўзбекистоннинг “яшил иқтисодиёт”га ўтиш стратегияси

Асосий тушунчалар: экологик хавфсизлик, Нукус декларацияси, атроф-муҳит муҳофазаси бўйича Миллий ҳаракат режаси, Оролни қутқариш халқаро фонди, “яшил” иқтисодиёт.

Мавзу бўйича тавсия қилинаётган адабиётлар:

1. *Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.* –Т.: “Ўзбекистон”, 2012 й.
2. *Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида” ги, “Қўриқланадиган ҳудудлар тўғрисида” ги, “Давлат санитария назорати тўғрисида” ги, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида” ги, “Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида” ги, “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида” ги, “Ер ости бойликлари тўғрисида” ги, “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида” ги, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, “Экологик экспертиза тўғрисида” ги, “Ўрмон тўғрисида” ги, “Чиқиндилар тўғрисида” ги, “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида” ги, “Радиациявий хавфсизлик тўғрисида” ги, “Экологик назорат тўғрисида” ги, “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида” ги (янги таҳрирда), “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида” ги (янги таҳрирда) қонунлар.* www.lex.uz
3. *Международный фонд спасения Арала.*
<http://www.osce.org/ru/uzbekistan/75577?download=true>
4. *Рамочная конвенция об охране окружающей среды для устойчивого развития в Центральной Азии.* http://www.cawater-info.net/library/rus/ca_convention_2006_ru.pdf
5. *А.П. Кобзев. Проблемы перехода к устойчивому развитию в Узбекистане, достижения и возможности.* <http://sustainabledevelopment.ru/index.php?cnt=239>

Ўзбекистон Республикаси экологик хавфсизлик сиёсати Конституция, қонунчилик, Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик концепцияси, ўзбекистоннинг халқаро конвенциялари ва келишувлари асосидаги мажбуриятларидан келиб чиққан ҳолда атроф-муҳит ва барқарор ривожланиш бўйича Рио-де-Жанейро ҳамда Йоханнесбург декларациялари, шунингдек етакчи давлатларнинг қонунчилик тажрибасига асосланади.

Ўзбекистон собиқ Иттифок ҳудудида жойлашган бошқа мамлакатлар сингари атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатган ишлаб чиқариш вориси сифатида янги ҳаётга қадам қўйган эди. Маъмурий-буйруқбозлик шароитида бозор иқтисодиётига ўтишда биринчи галдаги вазифа атроф-муҳит муҳофазасига асосланган макроиқтисодий

режалаштиришга ўтиш жамиятнинг барча жабҳаларида биринчи галдаги вазифага айланди. Республиканинг экологик сиёсати табиатнинг алоҳида элементларини муҳофаза қилишдан бутун экотизим муҳофазасига ўтиш, инсоннинг яшаш худудининг оптимал параметрларини кафолатлашдан иборат. Бундай экологик сиёсатнинг амалга ошиши иқтисодни ҳамда жамиятнинг барқарор ривожининг асоси бўлмоғи лозим.

Мустақиллик йилларида республикада атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган қонунчилик базаси эскирдан кескин фарқли равишда қайтадан яратилди. Табиатни муҳофаза этишдаги маъмурий-буйруқбозликка асосланган бошқарув услубидан тежамкор ва экологик жиҳатдан асосланган бошқарувга ўтилди. 1992 йили Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни қабул қилиниб, у табиий муҳит шароитларини сақлашнинг, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб берди. Қонуннинг мақсади инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар уйғун мувозанатда ривожланишини, экология тизимлари, табиат комплекслари ва айрим объектлар муҳофаза қилинишини таъминлашдан, фуқароларнинг қулай атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлади³⁵.

Ўзбекистон Республикасида табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар ушбу қонун билан, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг ер, сув, ўрмон, ер ости бойликлари тўғрисидаги, атмосфера ҳавосини, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонунлари билан, бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Қорақалпоғистон Республикасида табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари билан ҳам тартибга солинади. Айни пайтда мазкур қонун қайтадан кўрилмоқда.

Табиий муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини ҳимоялаш бўйича махсус қонунчилик ҳужжатлари тизимини ривожлантириш ҳамда бошқа соҳалардаги қонунчиликнинг экология талабларига мутаносиблигини, унинг жамият эҳтиёжларига мувофиқлигини таъминлаш ҳамда экологик қонунчилик меъёрлари ва талабларини амалга ошириш механизмларини шакллантириш экологик қонунчиликни такомиллаштиришнинг асосий мезонлари саналади. Шунингдек, ҳал қилувчи халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга кўшилиш, ратификация ва имплементация қилиш, уларнинг ижроси бўйича назорат-таҳлилий фаолият кучайтирилмоқда. Зеро, ҳар қандай давлатнинг барқарор ривожланиши атроф-муҳитни муносиб ҳимоя қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга боғлиқ. Бунинг учун эса экология соҳасидаги ягона давлат сиёсатини босқичма-босқич амалга ошириш талаб этилади. Табиий тизимларнинг сақланиши ҳамда қайта тикланиши эса давлат ва жамият фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлиши шарт.

Махсус қонунчилик ҳужжатлари тизимини ривожлантириш экологик ҳуқуқбузарликлар учун тегишли жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш, уни қўллаш амалиётининг ҳуқуқий тартибларини белгилаш, экологик таълим-тарбияни такомиллаштириш ҳамда бу борадаги муаммоларни ҳал этишга кенг жамоатчилик эътиборини жалб қилишни талаб этади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг табиий ресурслардан фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилиш қонунчилиги ҳамда бошқа соҳалардаги ҳуқуқий меъёрлар ўртасидаги номуносивликларни бартараф этиш, зарур меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш орқали қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлаш, ҳуқуқий тизимда атроф табиий муҳитга антропоген таъсирни камайтиришни таъминловчи халқаро экологик стандартларни жорий этиш керак.

Шунингдек, халқаро шартномалар бўйича мажбуриятлар доирасида мамлакатимиз қонунчилигини мазкур соҳадаги халқаро ҳуқуқ меъёрларига уйғунлаштириш, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида аҳоли, хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат манфаатлари ўртасидаги низоларни ҳал этишнинг суд

³⁵ lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=7065

механизмларини ривожлантириш ва фаоллаштириш, ноқонуний фаолиятни тўхтатиш механизмларининг тўлиқ қўлланилишини таъминлаш лозим.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг шунингдек “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги, “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Давлат санитария назорати тўғрисида”ги, “Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги, “Ўрмон тўғрисида”ги, “Чиқиндилар тўғрисида”ги, “Экологик назорат тўғрисида”ги қонунларини, Ер кодекси ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш зарур.

Ўзбекистон Республикасининг “Фавқулодда экологик вазиятлар ва офатлар ҳудудлари тўғрисида”ги, “Экологик суғурта тўғрисида”ги, “Табиатдан оқилона фойдаланишни иқтисодий рағбатлантириш тўғрисида”ги, “Давлат экологик назорати хизмати тўғрисида”ги ва бошқа янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарурати пайдо бўлмоқда. Маълумки, янги қонунларни яратиш, ўзаро узвий боғлиқ қонунчилик ҳужжатлари билан ишлаш шароитида уларни кодлаштириш муаммоси юзага келади. Ўзбекистон Республикаси экологик сиёсати қонунчилиги асосларининг ҳозирги кундаги ҳолати янги комплекс характердаги умумлаштирилган бош кодлаштириш актини қабул қилишни тақозо этади. Экологик қонунчиликни кодлаштириш жамият ва табиатнинг ўзаро муносабатида сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларга ҳамда янги мазмундаги норматив ҳужжатни ишлаб чиқишни илмий-амалий жиҳатдан асослашга таянувчи мураккаб қонунчилик жараёни ҳисобланади³⁶.



Фотосурат <http://sreda.uz> сайтидан олинди

Экологик қонунчиликни такомиллаштириш табиат қонуниятларига риоя этиш, атроф-муҳитга салбий таъсир қилувчи фаолиятга йўл қўймасликнинг асосий мезонидир. Уларни билиш ва ҳисобга олиш, табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизмларини қўллаш, экологик сертификатлаштириш ва стандартлаштириш, экологик тоза (кам чиқиндилар) технологияларни татбиқ этиш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилишнинг бошқа ҳуқуқий чора-тадбирларини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон экологик ҳаракатининг ташкил топиши, 2009 йил 1 июлда кучга кирган қонунга мувофиқ, Олий Мажлис Қонунчилик Палатасининг 15 депутати ушбу ҳаракатдан сайланиши тартибининг жорий этилганлиги қонун ижодкорлиги ва қабул қилинган қонунлар ижросини назорат қилиш жараёнида атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишга оид масалаларнинг устуворлигини янада кўпроқ инобатга олиш имконини берди.

³⁶ <http://www.uza.uz/ru/documents/o-sovshenstvovanii-sistemy-gosudarstvennogo-upravleniya-v--21-04-2017>

Мамлакатимизда экология соҳасига 2017 йилда янада кучайтирилди. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 21 апрелда имзоланган “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонида мувофиқ Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси этиб қайта ташкил этилди³⁷.

Мазкур фармонни амалга оширилишидан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида фаолият кўрсатаётган давлат назорати ва бошқаруви органларининг тизимли иш олиб бориш самарадорлигини ошириш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги идоралараро самарали ҳамкорликни таъминлаш, атроф-муҳитнинг экологик ҳолати, экологик тизим, табиий комплекслар ва алоҳида объектларни қўриқлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш кўзда тутилган.

Давлат экология қўмитасига қуйидаги вазифалар юкланди:

экология, атроф-муҳит муҳофазаси, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш соҳасида давлат бошқарувини амалга ошириш;

маиший чиқиндиларни тўплаш, ташиш, қайта ишлаш, утилизация қилиш ва қўмиш ишларининг самарали тизимини ташкил этиш;

атроф-муҳитнинг экологик ҳолати мақбул тарзда сақланишини, экология тизимлари, табиий комплекслар ва алоҳида объектларни қўриқлашни, экологик вазият соғломлаштирилишини таъминлаш;

ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмонлар, қўриқланадиган табиий ҳудудлар, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги қонунчиликка риоя қилиш борасида давлат экологик назоратини амалга ошириш;

экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат кадастрини юритиш, шунингдек, ёввойи ҳайвонлар, ёввойи ўсимликлар қўпайтириладиган ва сақланадиган питомниклар, зоология ва ботаника коллекцияларининг давлат ҳисобини юритиш;

экологик тарбия, тарғибот ва маърифий ишларни, шунингдек, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси соҳаси мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш.

Фармонга мувофиқ қуйидаги тузилмалар ташкил этилади:

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаларининг марказий аппаратларида чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, уларни тўплаш, сақлаш, ташиб кетиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш, қўмиш ва реализация қилиш бўйича назорат инспекциялари;

Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари ҳузурида “Тоза ҳудуд” давлат унитар корхоналари ва мамлакатимиз шаҳарларида, шунингдек, туман ҳокимликлари ҳузуридаги ободонлаштириш бошқармаларининг чиқиндиларни олиб кетиш бўйича хизмат кўрсатадиган участкалари негизида уларнинг филиаллари;

табиатни муҳофаза қилиш республика ва маҳаллий жамғармалари негизида Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш бўйича жамғарма ташкил этилади, жамғарма маблағлари биринчи навбатда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тадбирларига, жумладан, чиқиндилар билан боғлиқ ишларга ва биоресурсларни сақлаш ва қайта тиклашга, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза ва мониторинг қилиш соҳасида илмий-тадқиқот ишларини ўтказишга, тарғибот ва маърифий ишларни ташкил этишга, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга йўналтирилади;

^{37 37} <http://www.uz.uz/ru/documents/o-sovershenstvovanii-sistemy-gosudarstvennogo-upravleniya-v--21-04-2017>

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш республика инспекцияси Ўзбекистон Республикаси Экология ва аτροφ-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Биохилма-хиллик ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси этиб қайта тузилади ва унинг ҳудудий инспекциялари ташкил қилинди³⁸.

Хорижий мамлакатларнинг экология ва аτροφ-муҳитни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини ташкил қилишга оид тажрибасидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимиз қонунчилигига Давлат экология қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси олдида ҳисобот бериб бориши юзасидан ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига жисмоний ва юридик шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш, бу борада чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги қонунчиликни бузганлик учун жарима санкциялари миқдорини ошириш, Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги қонунларига кўп жойда учрайдиган фойдали қазилмаларни қазиб олишнинг белгиланган тартибини бузганлик учун жисмоний ва юридик шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш юзасидан ўзгартиш киритилади.

Аτροφ-муҳит ва табиат бойликлари, энг аввало, жамият манфаатлари нуқтаи назаридан муҳофаза қилинади. Зеро, ОНА табиатнинг инъомларидан нафақат биз, балки келажак авлодларимиз ҳам баҳраманд бўлиши керак. Ишлаб чиқаришнинг жуда тез суръатларда ривожланаётгани, аҳоли сонининг ортиб бораётгани, табиий бойликларнинг камайиб, аτροφ-муҳитнинг чиқинди моддалар билан ифлосланаётгани табиат муҳофазасини кечиктириб бўлмайдиган долзарб масалалардан бирига айланганди. Чунки экологик тоза муҳит Ватан ва келажак авлод тақдирини белгиловчи энг асосий омиллардан бири саналади. Аτροφ-муҳитнинг соф ҳолда сақланиши келажак авлоднинг ҳар томонлама соғлом ўсиши гаровидир.

Айтиш жоизки Ўзбекистон Республикаси собиқ Иттифоқ мамлакатларининг ичида биринчилардан бўлиб БМТ, ЕХХТ мамлакатларига аъзо бўлиб, улар томонидан аτροφ-муҳит муҳофазасига бағишланган халқаро ҳужжатларни имзолаб, ратификация қилиб келмоқда. Мамлакатимиз Оролни қутқариш халқаро жамғармасини ташкил этиш (Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг 1993 йил Қозоғистоннинг Қизилўрда шаҳрида бўлиб ўтган йиғилиши қарори) ҳамда табиий ресурсларни бошқариш, аτροφ-муҳит муҳофазаси ва барқарор ривожланиш бўйича муаммоларни ҳал этишга, бу борадаги фаолиятни мувофиқлаштиришга йўналтирилган Барқарор ривожланиш ва сув хўжалигини бошқариш давлатлараро комиссиясини ташкил этиш ташаббускорларидан бири ҳисобланади.

Марказий Осиё давлатлари томонидан экологик масалалар йўналишида “Орол денгизи ҳавзасини барқарор ривожлантириш муаммолари бўйича Марказий Осиё давлатлари ва халқаро ҳамжамиятнинг Нукус декларацияси”(1995 йил 5 сентябрь), “Олмаота декларацияси”, “Ашхобод декларацияси” каби ўта муҳим ҳужжатлар имзоланган. Уларда минтақадаги давлатларнинг экологик сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалаларида ўзаро бир хил ёндашувга эришиш назарда тутилган³⁹.

³⁸ “Экология ва аτροφ-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. <http://www.uza.uz/oz/documents/ekologiya-va-atrof-mu-itni-mu-ofaza-ilish-so-asida-davlat-bo-21-04-2017>

³⁹ Нукусская декларация государств Центральной Азии и международных организаций по проблемам устойчивого развития бассейна Аральского моря (г. Нукус, 5 сентября 1995 г.). http://www.internationalwaterlaw.org/documents/regionaldocs/nukus_declaration_rus.pdf

Хусусан, Декларациянинг “Барқарор тараққиёт тамойилларига содиқлик” деб номланган биринчи бандида шундай дейилади:

“Биз барқарор тараққиёт тамойилларига содиқлигимизни маълум қиламиз ва уларни амалга ошириш учун қуйидагиларни бажаришни лозим деб биламиз:

- барқарор ривожланиш асоси сифатида сув, ер ва биологик ресурсларни тан оламиз;
- кишлоқ ва ўрмон хўжалигини юритишда мувофиқлаштирилган ва илмий асосланган тизимига ўтиш;

- ирригация тизиминининг самарасини сув ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланиш, такомиллаштирилган технологияларни қўллаш орқали ошириш;

- ер ва сув ресурсларидан узоқ муддат фойдаланишни рағбатлантириш. Инсонлар фаровонлигининг пасайишига йўл қўймаслик ва шу билан биргаликда ўсиб келаётган авлод фаровонлигини қуйидагилар орқали таъминлаш: инсонларнинг соғлиғини савлашга қаратилган ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, маданий ва табиий бойликни сақлаш. Табиий ресурсларни бошқариш тизимини қуйидаги йўллар орқали такомиллаштириш:

- атроф-муҳитнинг ҳолати борасида, айниқса сув ресурсларини ҳудудий назорат тизимини ишлаб чиқиш;

- атроф-муҳит мониторинги бўйича ахборот алмашилиш тизимини яратиш;

- экологик стандартлар ва улар билан боғлиқ бўлган қонунчиликни уйғунлаштириш.

Биз Марказий Осиё давлатлари Орол ҳавзаси бўйича сув ресурслари борасидаги муносабатларни бошқарувида оид олдин қабул қилинган келишувлар, шартномалар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни тан олишларини қайд этамиз ва уларни сўзсиз бажарилишини назоратга оламиз”.

Бугунги кунда Ўзбекистон турли соҳалардаги халқаро муносабатларни тартибга солувчи кўплаб конвенция ва келишувларни имзолади ҳамда кўпгина нуфузли халқаро ташкилотларнинг аъзоси ҳисобланади.

Жумладан:

Трансчегаравий очиқ сув оқимлари ва халқаро кўлларни муҳофаза қилиш ҳамда фойдаланиш» бўйича Конвенция (1992 й. Хельсинки);

Иқлим ўзгариши бўйича доиравий Конвенция (1993 й.);

Чўлланишга қарши кураш бўйича Конвенция(1993 й.);

Озон қатламини муҳофаза қилиш бўйича Вена конвенцияси (.1993 й.);

Табиий муҳитга ҳарбий ёки бошқа ҳар қандай зўравонлик билан таъсир қилишни тақиқлаш тўғрисидаги Конвенция (1993 й.);

Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги Конвенция (1995й.);

Бутунжаҳон маданий ва табиий меросларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Конвенция (1995й.);

Йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган ёввойи фауна ва флора 10 турлари билан халқаро савдо қилиш тўғрисидаги Конвенция (01.07.1997 й.);

Ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юрвчи турларини муҳофаза қилиш» бўйича Конвенция (1998 й.);

Асосан сувда сузувчи қушлар яшаш жойлари сифатида халқаро аҳамиятга эга бўлган сув-ботқоқ жойлари тўғрисидаги Рамсар конвенцияси (.2002 й.);

Халқаро очиқ сув оқимларидан кемалар қатнамайдиган турда фойдаланиш тўғрисидаги Конвенция (1997 й).

Умуман олганда ҳозирги кунда ушбу халқаро ҳужжатларда юклатилган мажбуриятларни бажариш бўйича сезиларли ўсишга эришилди.

Миллий даражада Ўзбекистонда 1997 йилдан бошлаб Барқарор ривожланиш бўйича Миллий комиссия (БРМК) фаолият юритиб, кейинчалик у Ўзбекистон Республикаси ҳукумати назорати остидаги ишчи гуруҳга айлантирилган эди. Ўзбекистоннинг вазирлик ва ташкилотларнинг мутахассислари 1998 йилда Ўзбекистон Республикасининг Барқарор ривожланиш концепциясини ишлаб чиқишган ва мазкур ҳужжат БРМК томонидан тасдиқланган эди.

2000 йилда Мингйиллик Декларациясини имзолагач, Ўзбекистон Мингйиллик мақсадларга эришишни ўз зиммасига олди. 2015 йилда халқаро анжуманда Ўзбекистоннинг Мингйиллик мақсадларга эриши борасида амалга оширган ишларини ўзида жамлаган ҳисоботни тақдим этди. Ҳисобот Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати ва Ўзбекистондаги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг агентлиги ташаббуси билан тайёрланиб, у 2000–2013 йиллар давомида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича мамлакат тараққиётининг таҳлили ва унга берилган баҳони ўз ичига олди. исоботни тайёрлаш жараёнида 15 та вазирлик ва идора мутахассислари, БМТнинг 8 агентлиги вакиллари иштирокида 8 та ишчи гуруҳ тузилди. Шунингдек, ҳужжатда ифода этилган асосий ғоялар муҳокамасига бағишлаб 4 та учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этилиб, жараёнга халқаро экспертлар жалб этилди. Унда БМТ Мингйиллик ривожланиш дастури доирасида 2015 йилга мўлжалланган бир қатор мақсадлар мамлакатда ҳозирда амалга оширилганлиги таъкидланди. Хусусан, 2-мақсад - “Бошланғич ва ўрта мактабларда таълим сифатини ошириш” йўналишида: аҳоли саводлилиқ даражаси 2012 йилда энг юқори даражада 99%да сақлаб қолинди, қишлоқ ва шаҳар аҳолиси ўртасидаги фарқ камайишига эришилди. 2002 йилда ўрта-махсус таълим билан аҳолини қамраб олиш 31 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилга келиб 99,5 фоизга етган. 3-мақсад - “Аёллар ва эркакларнинг тенглигини кенгайтириш ҳамда аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ошириш” йўналишида: умумий ва ўрта таълимда гендер тенглиги тўлиқ таъминланган. 4-5-мақсадлар - “Болалар ўлимини камайиши ва оналар соғлиғини яхшилаш” йўналишида болаларни турли инфекция қасалликларга қарши эмлаш 98%га, хомиладорликни эрта аниқлаш ва ушбу даврдаги аёлларга ғамхўрлик кўрсатиш 100%га қамраб олинди. 7-мақсад - “Экологик барқарорликни таъминлаш” йўналишида: энергетика мустақиллигига тўлиқ эришилди, 1995-2012 йилларда атроф-муҳитни чиқиндилар билан зарарлаш кескин камайди, аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш 90%га етган. 8-мақсад - “Ривожланиш йўлида Ўзбекистон ва Халқаро ҳамкорлик” йўналишида: Жаҳон банкининг бизнес юритишга қулай мамлакатлар бўйича ўтказган “Doing business-2013” номли тадқиқотида Ўзбекистон энг кучли 10 та мамлакат қаторига киритилган. HSBS банкининг “Мир в 2050 году” тадқиқотида дунёнинг тез суръатлар билан ривожланаётган 26 мамлакати орасида 11-ўринни эгаллаган⁴⁰.

25 йил давомида Ўзбекистон муҳим экологик муаммоларни ечиш ва мамлакатда барқарор ривожланишга қаратилган муҳим ҳужжатларни қабул қилди:

- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича Миллий ҳаракат режаси ишлаб чиқилди. Унга кўра 1999-2005 йиллар, сўнгра 2008-2012 йиллар учун дастурлар ишлаб чиқилиб, муваффақиятли амалга оширилди;

- иқлим ўзгариши бўйича 1- ва 2- миллий ҳисоботлар тайёрланди;

- Миллий озон офиси ташкил қилинди ва озон қатламини емирилишини олдини олиш бўйича қатор ишлар амалга оширилди;

- чиқиндиларни бошқариш бўйича Миллий стратегия ва ҳаракат режаси амалга оширилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.04.2017 й. ПҚ-2916-сон “2017-2021 йилларда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди;

- биохилма-хилликни сақлаш бўйича Миллий стратегия ва Ҳаракат режаси ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда;

- 2020 йилга мўлжалланган мамлакатда қўриқланадиган янги ҳудудларни ташкил этиш бўйича дастур ишлаб чиқилди. Бундай ҳудудларнинг майдони сўнгги йилларда 70

⁴⁰ Ўзбекистонда БМТ Мингйиллик Ривожланиш Мақсадларининг бир қатор йўналишларига тўлиқ эришилди. <http://sharh.uz/jamiyat/item/12948-bmt-mingyillik-rivojlanish-maqsadlari-gender>

минг гектарга кенгайтирилди, Амударё дарёси қирғоқлари бўйлаб янги типдаги кўриқланадиган ҳудуд– “Куйи Амударё биосфера резервати” ташкил этилди;

- муқобил энергетикани ривожлантириш бўйича ривожланиш стратегияси ишлаб чиқилди;

- Киота протоколига асосан Соф ривожланиш механизмининг Миллий органи яратилди ва бугунги кунда республикада кам углеродли ривожланишни илгари суриш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Халқаро даражада Соф ривожланиш механизми бўйича 17 та лойиҳа амалга оширилмоқда;

- Кимёвий моддаларни бошқариш бўйича Миллий ҳаракатлар режаси бўйича ишлар қилинмоқда.

Ўзбекистонда Барқарор ривожланиш йўлида экологик онг ва маданиятга эга бўлган инсонлар салоҳиятини ривожлантиришга эътибор қаратилмоқда. Тегишли вазирликлар билан ҳамкорликда “Экологик таълимни ривожлантириш, Ўзбекистон Республикасида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш” Дастури ва Концепцияси қабул қилинган⁴¹.

Ирригация тизимидаги қатор муаммо ва камчиликларни тан олган ҳолда Ўзбекистон ҳукумати Сўғориладиган ерлар мелиорациясини яхшилаш жамғармасини ташкилиб этиб, дренаж инфратузилмасини яхшилаш, таъмирлаш ва тиклаш, сув хўжалиги ташкилотларини мелиоратив техника ва қурилмалар билан таъминлаш унинг асосий вазифаси этиб белгиланди.



Ўзбекистон, 1993 йилдан мамлакатда Барқарор ривожланиш бўйича давлатлараро комиссияси, Оролни кутқариш халқаро жамғарма каби ҳудудий тузилмаларни яратишда фаол иштирок этди⁴².

! Ўзбекистон томонидан таклиф этилган ва БМТ Бош Ассамблеяси 68-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилган “Орол денгизи қуришининг оқибатларини бартараф этиш ва Оролбўйида экотизимлар ҳалокатининг олдини олиш бўйича чора-

⁴¹ Круглый стол на тему: «Концепция Республики Узбекистан по образованию в целях устойчивого развития: план и перспективы». <http://www.uznature.uz/?q=ru/node/71>

⁴² Международный фонд спасения Арала. <http://www.osce.org/ru/uzbekistan/75577?download=true>

тадбирлар дастури” ишлаб чиқилган. 1993 йили БМТ ва Марказий Осиёнинг беш давлати томонидан Оролни қутқариш халқаро жамғармаси ташкил этилган. Мазкур Жамғарманинг асосий вазифаси — экологик ҳалокатнинг атроф-муҳитга, муҳими, минтақа аҳолиси ҳаётига салбий таъсирини камайтириш, Орол денгизи ҳавзаси ҳудудидаги биологик хилма-хилликни сақлаб қолишдан иборат. 2008 йил декабрдан буён Оролни қутқариш халқаро жамғармаси БМТ Бош ассамблеяси ва сессиялари кузатувчиси, деган мақомга эга бўлди. Жамғарма Ижроия қўмитаси Тошкент, Олмаота, Бишкек, Душанбе, Тошхөвүз, Қизил-Ўрда ва Нукус шаҳарларида ўз бўлимларига эга. Давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштириш комиссияси, Давлатлараро барқарор ривожлантириш комиссияси, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси GEF агентлиги Жамғарма тuzилмаси таркибига киради.

Барқарор ривожланиш бўйича давлатлараро комиссияси фаолияти доирасида 2006-2010 йилларда “Марказий Осиёда барқарор ривожланиш учун атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Доиравий Конвенция” қабул қилиниб, унинг асосий мақсади Марказий Осиёда барқарор ривожланиш мақсадларидан келиб чиқиб, ҳудудда экологик ҳолатни яхшилаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, шунингдек атроф-муҳитга трансчегаравий зарарни камайтиришдан иборат⁴³.

Бундан ташқари Марказий Осиё мамлакатлари Барқарор ривожланишнинг субҳудудий Стратегияси қабул қилинди⁴⁴. Унинг асосий ҳолатлари Марказий Осиё давлатлари ўртасида конструктив диалогни амалга ошириш, давлат органлари, тижорат сектори, фуқаролик жамияти институтларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилишда мамлакатларни ижтимоий-иқтисодий ривожига бўйича қарор қабул қилишга йўналтирилган.

Амударё дарёсининг қуйи қисмида жойлашган Ўзбекистоннинг ривожига юқорида жойлашган мамлакатларнинг сувдан фойдаланиш борасидаги фаолиятига боғлиқ. Зеро, сувнинг етишмаслиги жиддий экологик муаммодир. Чунки сув агарар мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда муҳим омилдир. Айни пайтда Ўзбекистон олдида трансчегаравий сув ресурсларини мустақил давлатлар билан ҳамкорликда бошқаришда янги ёндашувларни ишлаб чиқишдек масала турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги “Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида суғориладиган ерларнинг ҳозирги даврдаги ҳолати қўйидагича белгиланган:

- суғориладиган ерларнинг ҳозирги мелиоратив ҳолати қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини янада ўстиришга ва қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларнинг даромадларини оширишга тўғоноқ бўлмоқда;

-ҳозирги вақтда суғориладиган ерларнинг ярмидан кўпроғини турли даражада шўр босган, айни вақтда фермер хўжаликларига қарашли суғориладиган ерларнинг 16%дан ортиғи қониқарсиз ҳолатдадир. Ўзбекистон Республикасида суғориладиган ерлар майдони 4,3 млн.га булиб бундан 144 минг гектари кучсиз 668 минг гектари ер ўрта ва 168 минг гектар ерлар кучли шўрланган. Демак, 836 минг гектар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати қониқарсиз даражада. Бунга асосий сабаб - каналлардан сувнинг филтрацияга йўқолиши, далалардан сувларнинг зовур ва коллекторларга оқизиб ташланиши, суғориш ҳамда сувдан фойдаланиш режаларига риоя қилмаслик, суғориш

⁴³ Рамочная конвенция об охране окружающей среды для устойчивого развития в Центральной Азии. http://www.cawater-info.net/library/rus/ca_convention_2006_ru.pdf

⁴⁴ <https://www.mkurca.org/files/ssur.pdf>

ишларининг ёмон ташкил этилиши, хўжалик ички гидромелиоратив тизимлари техник ҳолатининг паст даражада бўлиши, ер текислаш ишларининг сифатсизлиги, ҳамда шўр ювиш ишларининг самарасизлигидир. Суғориладиган майдонларни сув билан таъминлаб туриш учун умумий сув сарфи 2500 м³/сек.дан ортиқ бўлган 75 йирик каналлар, умумий ҳажми 18,6 млрд.м³бўлган 53 сув ва 25 сел омборлари, 32,4 минг км. хўжаликлараро, 174,5 минг км. хўжалик ички суғориш тармоқлари, 31 минг км. хўжаликлараро, 106,3 минг км. хўжалик ички зах қочириш тармоқларидан фойдаланилмоқда. Суғориш ва зах қочириш тизимларининг нотўғри эксплуатация қилиниши- уларнинг гидротехника иншоотлари билан кам таъминланганлигидир. Каналларнинг сув ўтказгичлар билан жиҳозланиши 20-30% дан, сув тусувчи иншоотлар билан таъминланиши 15-20% дан, гидрометрик пост ва сув ўлчагичлар билан таъминланиши эса 30-40% дан ошмайди. Хўжаликдаги мавжуд гидромелиоратив тизимлари техник ҳолатининг қониқарсизлиги ва улардан фойдаланишда йўл қўйилаётган қатор камчиликлар натижасида қишлоқ-хўжалик механизмлари сонининг ортиб боришига, минерал ўғитлардан кўп миқдорда ҳамда олий навли уруғлардан фойдаланилганлигига қарамасдан қишлоқ-хўжалик экинларидан олинаётган ҳосилдорлик пастлигича қолмоқда.⁴⁵

Истиклол йилларида Ўзбекистонда ер деградациясини олдини олиш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, бугунги кунга келиб, юртимизда қишлоқ хўжалигининг кўп сув талаб этувчи тармоқлари сезиларли даражада қисқартирилди, соҳага юқори технологиялар жорий қилинмоқда. Мамлакатимизда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси тузилиб, манзилли дастур доирасида амалга оширилган ишлар натижасида республика бўйича 1 миллион 200 минг гектардан ортиқ суғориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди.

Ўз навбатида, 2013-2017 йиллар давомида жами 25 минг гектар майдонда томчилатиб суғориш тизими, 45,6 минг гектар майдонда плёнка тўшаб суғориш усули ҳамда 34 минг гектар майдонда эса ўқариқлар ўрнига кўчма эгилувчан қувурлар ёрдамида суғориш усуллари жорий этилиши белгиланганлиги ўта ижобий ҳолдир. Эътиборли томони шундаки, бундай саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. Айни пайтда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган сувнинг умумий миқдори ўтган асрнинг саксонинчи йилларидагига нисбатан йилига қарийб 13 миллиард куб метргача камайтирилди. Жумладан, мустақилликнинг дастлабки йилларида бир гектар суғориладиган майдонга 18 минг куб метр обиҳаёт ишлатилган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич 10,5 минг куб метрни ташкил қилмоқда. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг берган маълумотиغا кўра, бугун Ўзбекистон ҳудудининг 85 фоизи чўл ва яримчўл ерлардан ташкил топган, яна бу фоиз Орол денгизининг қуриб бориши ҳисобига тобора ортмоқда. Агар чўлланиш ва ер таназзули тўхтатилмаса, ер қатламининг бузилиши шундоқ ҳам мураккаб экологик аҳволни чуқурлаштириб юборади. Жумладан, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича узлуксиз чора-тадбирлар бажарилаётир. Кейинги йилларда юртимизнинг турли ҳудудларида бу борада ҳаётга татбиқ этилган лойиҳалар натижасида 240 минг гектардан зиёд майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланди.

Мамлакатимизда 2013 йил 19 апрелдаги “2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида бу борадаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда. Айниқса, 2017 йил 10 февралда БМТнинг “Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп шериклик фондини ташкил қилиш орқали Орол денгизи

⁴⁵ А.П. Кобзев. Проблемы перехода к устойчивому развитию в Узбекистане, достижения и возможности. <http://sustainabledevelopment.ru/index.php?cnt=239>

фожиасидан зарар кўрган аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш ва мустаҳкамлаш” дастури амалга оширила бошланганлиги ҳам муҳим қадамлардан биридир.

Шуниси эътиборлики, Президентимиз Шавкат Мирзиёев Туркменистон Президенти Г.М.Бердимухамедов билан учрашувида ҳамда Россия Федерацияси Президенти В.В.Путин билан Қўшма баёнотида трансчегаравий дарёлардан оқилана фойдаланиш, чўлланишга қарши курашиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларига алоҳида эътибор берилганликлари, жумладан, Орол денгизи ҳавзаси экотизмини қайта тиклаш, Оролбўйида ижтимоий-иқтисодий ва экологик ҳолатни яхшилаш, ер-сув ресурсларидан халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормалари асосида ҳамда минтақанинг барча мамлакатлари манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратди.

Умуман олганда, экологик мувозанатнинг бузилиши ва ерлар деградациясининг олдини олиш, биохилмаҳилликни сақлаш, чўлланиш ҳамда қурғоқчиликка қарши курашишда биологик ресурсларни муҳофаза қилиш талабларига тўлиқ риоя этилишини таъминлаш, шамол ва сув эрозиясига қарши курашиш самарадорлигини ошириш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мақсадида:

биринчидан, ер ва сув ресурсларини бошқаришдаги иқтисодий механизмлар ҳамда ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига қатъий риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш;

иккинчидан, ер ҳамда сув ресурсларини барқарор бошқариш ва кенг ўрмонларни барпо этиш йўли билан биохилмаҳилликни сақлаш, озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, иқлимнинг ноқулай оқибатларига мослашиш;

учинчидан, умуман ер тузиш ишлари нафақат тупроқ муҳофазасида, балки давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида зарурий тадбир эканини эътиборга оладиган бўлсак, ҳозирги пайтда экологик мувозанатнинг бузилиши ва тупроқ эрозияси ҳамда ерлар деградациясининг олдини олиш мақсадида “Ер тузиш тўғрисида”ги, “Тупроқ унумдорлиги тўғрисида”ги, “Яйлов тўғрисида”ги қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишга эҳтиёж борлиги сезилмоқда.

тўртинчидан, мамлакатимизда БМТ саммитида қабул қилинган Барқарор ривожланиш мақсадларини самарали амалга оширишга доир глобал миқёсда кўриладиган чора-тадбирларни амалга ошириш борасида ҳам бир қатор ижобий тадбирлар катта аҳамиятга эга бўлиб, уларни янада мустаҳкамлаб бориш замон талабидир⁴⁶.

Иқлим ўзгариши юзадан сувларни буғланиши ҳисобига сувнинг юкотилишини 10-20% га кўпайтиради, ҳавонинг исини натижасида ўсимлик ва ҳайвонлар, одамлар томонидан ундан кўпроқ фойдаланишни 18%га оширади. Марказий Осиёда сув билан таъминлашни мураккаблигини инобатга олсак, албатта трансчегаравий сувларни мақсадли бошқаришни тақозо этади.

Табиий ресурслардан барқарор фойдаланишни рағбатлантиришнинг Ўзбекистондаги иқтисодий усуллари 4 та гуруҳга бўлиш мумкин:

-атроф-муҳитни ифлослантирганлик учун тўловлар;

-солиқлар;

-имтиёзлар;

-лицензиялар. Айни пайтда мазкур фаолият билан Ўзбекистон давлат экология ва атроф-муҳит муҳофазаси давлат кумитаси шуғулланиб, тушаётган маблағларнинг 40% табиатни муҳофаза қилиш жамғармларига, 60% эса бюджетга тушади.

Иқтисодий рағбатлардан бири Ўзбекистонда киритилган “камайтириш коэффициенти” бўлиб, у чиқариб ташланадиган чиқиндиларни бир неча маротабага камайтирган ташкилот ва корхоналарга жаримани 5-10 баробаргача камайтириш имконини беради. Агарда чиқариб ташланадиган чиқинди, оқова сув ва захарли газлар белгиланган меъёрдан кўп бўлса, жарима миқдори 10 маротабагача кўпайтирилади. Ушбу

⁴⁶ Холмуминов Ж. Заминни асранг! <http://www.insonvaqonun.uz/?q=runklar/3002>

механизм атроф-муҳитнинг ифлосланишини олдини олиш, табиатга инсон фаолияти оқибатида келтириладиган зарарларни камайтиришга имкон беради.

1993 йилда 24 майда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Табиатни муҳофаза қилиш фондлари тўғрисидаги Низомни 246-сон қарори билан тасдиқлаб, унга кўра:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар томонидан ўсимликлар дунёсига етказилган зарар учун ундириладиган жарима миқдорлари, ўсимлик дунёсига етказилган зарарни ундиришдан олинган маблағлар агар ҳуқуқбузарлик давлат ўрмон фонди ерларида Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон кўмитасининг ўрмонларни кўриқлаш инспекторлари томонидан аниқланган ҳолларда – республика бюджетига, агар ҳуқуқбузарлик давлат кўриқхонаси ёки миллий табиат боғи ҳудудида содир этилган бўлса, у ким томонидан аниқланган бўлишидан қатъи назар, давлат кўриқхонаси ва миллий табиат боғининг ҳисоб-китоб счётига ўтказилиши белгилаб берилган эди. Мазкур ҳужжат 27.10.2014 йилда ўз кучини йўқотиб, Табиатни муҳофаза қилиш фондлари тўғрисидаги Низом эса қайтадан кўриб чиқилмоқда⁴⁷.

Шу билан бирга республикада 2013 — 2017 йилларда атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастури қабул қилинган эди. Унда қайд этилишича, республиканинг экологик сиёсати табиатнинг алоҳида элементларини муҳофаза қилишдан экологик тизимларни умумий муҳофазасига ўтишни амалга оширишга, инсон яшаш муҳитининг мақбул кўрсаткичларини кафолатлашга ва ўзаро алоқани иқтисодиёт тармоқларини “яшил иқтисодиёт” тамойилларига асосан ривожлантириш механизмлари билан уйғунлаштиришга йўналтирилган. Дастур табиий ресурслардан, шу жумладан, сув, ер, минерал-хом ашё ва биологик ресурслардан оқилона ва комплекс фойдаланиш, ишлаб чиқаришда экологик тоза технологияларни жорий этиш ва технологик жараёнларни такомиллаштириш ҳисобига ҳаво муҳити, сув ва ер ресурсларининг ифлосланишини босқичма-босқич камайтириш, атроф табиий муҳитни мунтазам баҳолаш ва унинг ижтимоий-экологик ҳолати прогнозини тузиш учун атроф табиий муҳит мониторинги механизмини такомиллаштириш, экологик офат минтақасида — Оролбуйи ва мамлакатнинг бошқа экологик жиҳатдан ноқулай ҳудудларидаги экологик ҳолатни тиклаш ва соғломлаштириш чора-тадбирлари комплексини амалга оширишни кўзда тутган бўлиб, айтиш жоизки мазкур дастур билан аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва йирик шаҳарлар ва аҳоли пунктларидаги канализация тармоқлари тизимлари ва тозалаш иншоотларини яхшилаш, атроф табиий муҳит муҳофазаси соҳасида илмий-техник салоҳиятни ривожлантириш ҳамда фан ва техника ютуқларидан фойдаланиш чоралари кўрилиши лозим эди. Аммо мазкур дастур тўлиқ амалга оширилмади.

Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза этиш борасида амалга оширилган ишлар, иқтисодиёт, жамият ва сиёсатдаги сифат ўзгаришлари барқарор ривожланиш мақсадларига йўналтирилган кейинги босқичга ўтишни тақозо этади. Ана шундай самарали механизмлардан бири “яшил” иқтисодиётга ўтишдир.

Мутахассисларнинг фикрича, Ўзбекистон иқтисодиёти иқтисодиётнинг асосий секторларини ривожлантириш учун етарлича салоҳиятга эга. Айнан ана шу нуқтаи назардан келиб чиқилмайдиган бўлса, UNEP таърифида кўра, “яшил” иқтисодиёт келажакда инсонлар фаровонлиги, соғлиғини таъминлаш, ижтимоий адолатга эришиш, шу билан биргаликда экологик хавфларнинг олдини олиш ва табиий ресурсларни сақлаш имконини беради.

Ўзбекистоннинг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясини бугунги кунда қуйидаги асосий йўналишларда амалга ошириш лозим⁴⁸:

⁴⁷ Ўзбекистон Республикаси ўсимлик дунёсига етказилган зарар учун ундириладиган жарима миқдорини ҳисоблаш таксаларини тасдиқлаш тўғрисида. http://www.lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=458683

⁴⁸ А.П. Кобзев. Проблемы перехода к устойчивому развитию в Узбекистане, достижения и возможности. <http://sustainabledevelopment.ru/index.php?cnt=239>



Қайта тикланадиган қувватни тадбиқ этиш соҳасида:

- 2030 йилгача узоқ туман ва кишлоқларни тўлиқ электрлаштириш мақсадида фотоэлектрик қурилмаларни жорий этиш;
- энергетика соҳасида йирик фотоэлектрик станцияларни қуриш;
- иссиқлик таъминоти тизимига қуёш панелларини ўрнатиш.

Уй-жой коммунал хизмати соҳасига:

- иссиқлик тугунини модернизациялаш (ташқи теплоизоляция ва термостатлар, қувур тизимини модификациялаш);
- пассив-қуёш иситиш тизимини жорий этиш;
- биноларни ёритиш ва иситишда қайта тикланувчи энергия манбаидан кенг фойдаланиш.

Транспорт соҳасида:

- транспорт воситалари томонидан истеъмол қиладиган ёқилғининг қувват тежамкорлигини ошириш;
- муқобил “яшил” ёнилғи турларидан фойдаланишни кенгайтириш (асосан суюлтирилган газ ва пластмассадан олинадиган синтетик ёнилғи).

Чиқиндиларни бошқариш соҳасида:

- мавжуд полигонларларни яхшилаш ва чиқиндиларни қайта ишлаш заводларини қуриш;
- Ўзбекистонда чиқиндиларни бошқариш тизимини ривожлантириш стратегияси республикада мавжуд чиқадиган қаттиқ чиқиндиларни тўлиқ қайта ишлашга йўналтирилиши;

Ер ва сув ресурсларини бошқариш соҳасида:

- сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва ерларнинг кейинчалик шўрланиши ва сифатининг ёмонлашувини сувни тежаш технологияларини қўллаш, сув хўжаликлари тизимини модернизациялаш, каналларнинг фойдалилик коэффициенти кўтариш, каналларда фильтрацияга қарши қопламаларни қуриш орқали олдини олиш;

- “тоза” кишлоқ хўжалиги тамойилларини тадбиқ этиш, аграр соҳада минерал ўғитлар ва пестицидлардан фойдаланишни қисқартириш;

- ичимлик суви таъминоти тизимини такомиллаштириш ва экологик хавфсиз канализация тизимини ривожлантириш.

“Рио+20” учрашувида мамлакат томонидан қилинган маърузаси, Конференциянинг қарорларига асосланган ҳолда Ўзбекистонда барқарор ривожланиш мақсадларининг

амалга оширидан келиб чиқиб республикада барқарор ривожлантириш Дастури ва Стратегияси ишлаб чиқилди⁴⁹:

Конференция қарорларига асосан республиканинг барқарор ривожланиши мақсадларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги фаолиятни амалга ошириш лозим:

- мавжуд барқарор ривожланиш Концепцияси асосида Ўзбекистонни барқарор ривожланишининг узоқ муддатли Стратегияси ва Дастурини ишлаб чиқиш;

- иқтисод секторларини “экологиялаштириш”, иқтисодни кейинчалик модернизациялаш дастурларини ишлаб чиқиш;

- аτροφ-муҳит муҳофазаси ва иқлим соҳасида Миллий мониторинг тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш, ахборот сифатини ошириш ва мувофиқ қарорлар қабул қилиш мақсадида Миллий кузатув тармоғини модернизациялаш;

- трансчегаравий сув ресурсларини самарали бошқариш ва табиий ресурсларнинг трансчегаравий ифлосланишини, иқлим ўзгаришининг олдини олиш, биохилма-хилликнинг йўқолишини олдини олиш бўйича ҳудудий ва халқаро даражада фаоллаштирувчи чора-тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича ҳудудий ҳамкорликни кучайтириш.

Шу билан биргаликда табиий ресурслардан фойдаланишда барқарорликка эришиш ва экотизимни сақлашда барқарорликка эришиш учун⁵⁰:

1. Табиий ресурслардан экологик жиҳатдан фойдаланишда экотизим барқарорлигини сақлаш мақсадида мувофиқ жараёнларни амалга ошириш. Ушбу мақсадларда экологик хавфсизлик ва табиий ресурслардан фойдаланиш барқарорлигини таъминлашга қаратилган илмий тадқиқотлар ўтказилишини таъминлаш, янги авлод технологияларини ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга тадбиқ этиш.

2. Республиканинг барча ҳудудларида аτροφ-муҳит ифлосланиш даражасини пасайтириш, табиий ресурслар ва чиқиндиларни утилизация қилиш бўйича мувофиқ вазирлик ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш.

3. Оролбўйи аҳолиси ва бошқа экологик инқирозга учраган ҳудудларни ижтимоий қўллаб-қўвватлашни кучайтириш ва аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш ва яхшилаш бўйича чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш. Локал ва ҳудудий даражада, айниқса Оролбўйининг табиий муҳити деградациясини олдини олиш мақсадида табиатни тиклаш ва барқарорлаштиришнинг ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш.

4. Республика аҳолисини янги сифат стандартларига эга бўлган тўлиқ сифатли ичимлик суви билан таъминлаш.

5. Чиқиндисиз жамиятни яратиш, муқобил қувват турларини олиш бўйича технологиялардан фойдаланиш, мазкур соҳада янги технологияларни ишлаб чиқиш, транспортга экологик жиҳатдан зарарсиз ёқилғи турларидан фойдаланишни тадбиқ этиш (бензинни газга алмаштириш, темир йўлларни электрлаштириш ва ҳоказо).

6. Экологик маркетинг ва ишлаб чиқарувчиларни давлат томонидан рағбатлантириш тизимини яратиш, ишлаб чиқаришни экологиялаштириш.

7. Экологик инқирозга учраган ҳудудларда экологик хавфсизликни таъминлаш учун барқарор ривожланиш экспериментал экологик ҳудудларни яратиш, реал экологик ҳолатнинг мониторингини ўтказиш.

8. Мавжуд амалдаги мониторинг, кузатув ва назорат хизматлари асосида ягона Экологик мониторинг давлат тизимини яратиш ва унинг доирасида аτροφ-муҳит ҳолатини башорат этишни йўлга қўйиш;

⁴⁹ Ўзбекистон Республикаси делегацияси номидан чиқариш “Ўзбекистон барқарор ривожланиш йўлида” (Барқарор ривожланиш бўйича БМТ Конференциясининг 5 - Пленар кенгаши, Рио-де-Жанейро, Бразилия, 20-22 июня 2012 г). https://rio20.un.org/sites/rio20.un.org/.../uzbekistan_statement_5th_plenary_rus.doc

⁵⁰ А.П. Кобзев. Проблемы перехода к устойчивому развитию в Узбекистане, достижения и возможности. <http://sustainabledevelopment.ru/index.php?cnt=239>

9. Табиий ва техноген халокатларда тезда муносабат билдирадиган тизимни ташкил этиш, авария-қутқарув хизматларини замонавий моддий-техника воситалари билан жиҳозлаш;

10. Марказий Осиё ва Европа – Осиё экологик хавфсизлик тизимини яратиш, биринчи галда глобал ва ҳудудий экологик хавфни бартараф этиш. Бунинг учун МДХ ва Марказий Осиё мамлакатларининг экологик хавфсизлик, миллий ҳаракат режасини айнан экологик муаммоларни бартараф этишга йўналтириш, трансчегаравий экологик муаммоларни аниқлаш, уларнинг хавфини баҳолаш ва бартараф этиш чораларини кўришга қаратилган ягона ахборот-таҳлилий тармокни яратиш;

11. Экологик муаммоларни бартараф этишда жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорликни йўлга қўйиш. Биринчи галда Оролбуйи ҳудудлардаги муаммоларни ҳал этиш, сув ресурсларини тежаш, улардан фойдаланишда бир қарорга келиш, ландшафтларнинг чўлланишини, иқлим ўзгаришини олдини олиш, биохилма-хилликни сақлаш⁵¹.

МДХ мамлакатлари халқларининг тарихи, маданияти, дини, ресурслари, ҳудуди умумийликка эга. Экологик муаммоларнинг трансчегаравий характерида келиб чиқадиган бўлса МДХ мамлакатлари ҳукумат раҳбарларининг мазкур муаммоларни биргаликда ҳал этиш зарурати ҳамкорликни кучайтиришни талаб этади. Шундай экан, бу муаммоларнинг ечими барча давлатларнинг моддий, техник, технологик, интеллектуал имкониятларини бирлаштиришдан ташқари, бу жараёнда инсон омили ролини ривожлантиришни тақозо этади. Шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирда экологик сиёсат борасида олиб борилаётган ишларнинг самарали, кўп жиҳатдан, фуқаролар экологик онги ва маданиятини ривожланишига боғлиқ. Шундай экан, инсоният ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий ҳаёт тараққиётининг мезонлари тизимида экологик онг ва экологик маданият устиворлашуви қонуният мақомига эга бўлиши шарт. Шундагина экологик онг ва маданият асосида инсонлар табиий атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ вазифаларни ўрганиш, уларни ҳал этиш ва бажариш муаммолар ечимини топишга уринадилар.

Бугунги кунда фуқароларда юксак экологик онг ва маданиятни шакллантириш давлатимиз олдидаги муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Бу борада аниқ дастурлар ва тавсиялар ишлаб чиқилиши ҳамда аҳоли орасида тарғибот-ташвиқот ишлари янада кучайтирилиши лозим. Она табиатимизни асраб-авайлаш, унинг неъматларидан оқилона фойдаланиш ва жамиятда соғлом экологик муҳитни яратиш нафақат табиатни муҳофаза қилиш органларини, балки шу заминда яшаётган ҳар бир инсонни муқаддас бурчидир. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда экологик муаммоларга бутун инсониятга нисбатан таҳдид сифатида қараш лозим. Бу таҳдидни бартараф қилишда биринчи навбатда инсоннинг табиатга бўлган муносабатини ўзгартириш, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатида экологик хавфсизлик масалалари муҳим ўрин эгаллашига эришиш, экологик барқарорликни таъминлашда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, “Экологик хавфсизлик муаммоси аллақачонлар миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган. Табиат ва инсон ўзаро муайян қонуниятлар асосида муносабатда бўлади. Бу қонуниятларни бузиш ўнглаб бўлмас экологик фалокатларга олиб келади”⁵².

Назорат учун саволлар:

1. Ўзбекистоннинг экологик хавфсизлиги нимада намоён бўлади?
2. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида Ўзбекистон қонунчилиқ базасини тавсифланг?

⁵¹ А.П. Кобзев. Проблемы перехода к устойчивому развитию в Узбекистане, достижения и возможности. <http://sustainabledevelopment.ru/index.php?cnt=239>

⁵² Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: Ўзбекистон. – Б.55.

3. Ўзбекистон Республикасининг Барқарор ривожланиш концепцияси қачон ишлаб чиқилган?
4. Ўзбекистоннинг “яшил” иқтисодийга ўтиш Стратегияси қайси йўналишларда амалга оширилмоқда?

1.3. Барқарор ривожланишнинг мақсад ва тамойиллари

Режа:

1. Барқарор ривожланиш мақсадлари
2. Давос шаҳридаги Бутунжаҳон иқтисодий форуми
3. Барқарор ривожланиш мақсадларига (ЮНЕСКО)қўшилишнинг аҳамияти

Асосий тушунчалар: БМТнинг Бош Ассамблеяси, Барқарор ривожланиш мақсадлари, инклюзив ва сифатли таълим, гендер тенглик, шаҳарлар барқарорлиги, очиқликни таъминлаш.

Мавзу бўйича тавсия этилаётган адабиётлар:

1. *Цели в области устойчивого развития.* <http://www.un.org/sustainabledevelopment/ru>
2. *Барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ва инсон тараққиёти принципларини амалга оширишнинг парламент томонидан таъминланиши. Амалий қўлланма.* www.uz.undp.org/.../Toolkit%20for
3. *Нигматов А.Н., Шивалдова Н.С., Султонов Р.Н. Барқарор ривожланишнинг экологик жиҳатлари // Қўлланма. – Т.: Bioekosan, 2004.*
4. *Экологик таълимдан барқарор ривожланиш таълими сари. А.Н.Нигматовнинг умумий таҳрири остида // Қўлланма: - Т., Talgin, 2007.*
5. *Азизов А.А., Акишина Н.Г. Образование в интересах устойчивого развития.-Т., 2008.*
6. *Турсунов Х.Т. Экология ва барқарор ривожланиш.-Т., 2009.*

2014 йилнинг июль ойида БМТ Бош Ассамблеясининг Барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича ишчи гуруҳи барқарор ривожланишга эришиш йўлида иқтисодий, ижтимоий, экологик масалаларни ҳал қилишга қаратилган хужжатни имзолади⁵³. Хужжатда кўрсатиб ўтилган 17 та мақсад бутун дунёда қашшоқликни бартараф этиш, тенгсизликни олдини олиш, сайёрамизни ишлаб чиқаришнинг салбий оқибатларидан сақлаш ва Мингйиллик ривожланиш мақсадларини модернизациялашни ўз олдига қўйган эди.

2015 йил 23 январь куни БМТнинг Бош котиби Пан Ги Мун Давос шаҳрида бўлиб ўтган Бутунжаҳон иқтисодий форумида сўзга чиқиб, мамлакатларни барқарор ривожланишнинг 17 та мақсадини тезроқ амалга оширишга чақирди. Ўз сўзини Бош котиб қуйидаги сўзлар билан якунлади: “Келинглари ўз олдимишга улкан мақсадлар қўйиб, уларни биргалликда амалга оширайлик. Мен ҳар бирингизни шунга чақираман: 2015 йилни қаттиқ ҳаракатлар йили қилайлик!”.

2015 йил 25 сентябрда Нью-Йоркда БМТнинг 193 та аъзо мамлакатлари 2015 йилдан кейин амалга ошириладиган ҳаракатлар борасида барқарор ривожланиш соҳасида Кун тартибини қабул қилишди. Башоратларга кўра мазкур дастур қашшоқлик 2030 йилга келиб бартараф этилади ва барқарор келажак курилади.

⁵³ Цели в области устойчивого развития. <http://www.un.org/sustainabledevelopment/ru>



Янги мақсадлар ва янги вазифалар комплекс ва ажралмас характерга эга бўлиб, унинг марказида барқарор ривожланишнинг уч тамойили – иқтисодий ўсиш, ижтимоий тараққиёт ва атроф-муҳит муҳофазасини чамбарчас боғловчи ва барчани, айниқса аёллар, болалар, ёшлар ва келажак авлоднинг фаровонлигини таъминлашга қаратилган 17 та Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ) ва уларга бириктирилган 169 та вазифа туради.⁵⁴

- ҳамма жойда камбағалликнинг барча шакллариغا барҳам бериш;
- очарчиликка барҳам бериш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, овқатланишни яхшилаш ва қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишига кўмак бериш;
- барча учун ҳар қандай ёшда соғлом турмуш тарзини таъминлаш ва фаровонликка кўмаклашиш;
- барчани қамраб олган ва адолатли сифатли таълимни таъминлаш ҳамда барча учун бутун умр давомида таълим олиш имкониятини қўллаб-қувватлаш;
- гендер тенгликни таъминлаш ҳамда барча аёллар ва қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш;
- барча учун сув ресурслари ва санитариянинг бўлишини ва улардан самарали фойдаланилишини таъминлаш;
- барча учун қиммат бўлмаган, ишончли, барқарор ва замонавий энергия манбаларидан фойдаланиш имкониятини яратиш;
- сўзсиз, барчани қамраб олувчи ва барқарор иқтисодий ўсишга, барча учун тўлиқ ва самарали бандлик ва муносиб иш таъминотига кўмаклашиш;
- мустаҳкам инфратузилмани яратиш, барчани қамраб олувчи ва барқарор sanoatlashтиришга ва инновацияларни жорий этишга кўмаклашиш;
- мамлакатлар ичида ва улар ўртасида тенгсизлик даражасини камайтириш;
- шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг очиқлигини, хавфсизлигини, умри боқийлиги ва барқарорлигини таъминлаш;
- истеъmol ва ишлаб чиқаришнинг рационал моделларини таъминлаш;
- иқлим ўзгариши ва унинг оқибатларига қарши кураш бўйича шошилиш чоралар кўриш;
- барқарор ривожланиш манфаатлари йўлида океан, денгиз ва денгиз ресурсларини сақлаш ва улардан оқилона фойдаланиш;

⁵⁴ Technical report by the Bureau of the United Nations Statistical Commission (UNSC) on the process of the development of an indicator framework for the goals and targets of the post-2015 development agenda (Working draft) (англ.). *Sustainable Development Knowledge Platform*. United Nations (19 March 2015). <https://ru.wikipedia.org/wiki>

- куруклик экотизимини муҳофаза қилиш, қайта тиклаш, улардан оқилона фойдаланилишига кўмаклашиш, ўрмонлардан оқилона фойдаланиш, чўлланишга қарши кураш, ерлар деградация жараёнини тўхтатиш ва орқага қайтариш ҳамда биологик хилма-хилликни йўқотиш жараёнини тўхтатиш;

- Барқарор ривожланиш мақсадларида тинчликсевар ва очиқ жамиятларни қуришга кўмаклашиш, барча учун одил судловдан фойдаланишни таъминлаш, самарали, ҳисобдор ва барча даражадаги муассасаларнинг кенг иштирокига асосланган тизимни яратиш;

- Барқарор ривожланишга эришиш воситаларини мустаҳкамлаш ва барқарор ривожланиш мақсадларида глобал ҳамкорлик механизмлари ишини фаоллаштириш.

РМ га эришиш учун ҳаракат 2016 йилнинг 1 январиди бошланиб, 2030 йилнинг 31 декабрь куни якунланади. Аммо илгари имзоланган халқаро келишувларда кўтарилган баъзи бир масалалар 2030 йилдан олдин амалга оширилиши ҳам кўзда тутилмоқда. БРМ қуйидаги ҳолатларга асосан амалга оширилиши белгиланган:

- мамлакатлар Барқарор ривожланиш бўйича мустақил равишда ўз ривожланиш Стратегияларини амалга оширадilar, режалар тузиб, фаолият дастурларини қабул қиладilar. БРМ давлатлар глобал ориентирларга мувофиқ равишда ўз фаолиятини амалга оширишда маёқ вазифасини бажаради;

- янги Дастурда кўзда тутилган Барқарор ривожланишнинг 17 та мақсади ва 169 та вазифасини амалга ошириш Глобал кўрсаткичлар мажмуаси ёрдамида назорат қилиниб, унинг мониторинги ўтказилади. Мазкур мажмуа Муассислараро ва эксперт гуруҳи томонидан ишлаб чиқилиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Статистика комиссияси томонидан 2016 йилнинг март ойида тасдиқланади. Шундан сўнг мазкур кўрсаткичлар Бош Ассамблея, Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш томонидан тасдиқланади. Ҳар бир вазифа учун иккита кўрсаткич ишлаб чиқилади. Улар ўз навбатида мақсадларга эришиш ва вазифаларни амалга оширишни назорат этиш мақсадида аъзо-давлатлар томонидан ишлаб чиқилadиган худудий ва маҳаллий даражадаги кўрсаткичлар билан тўлдирилади;

- юқори даражадаги барқарор ривожланиш бўйича Сиёсий форум доирасида ҳар йили БМРга эришиш йўллари ва натижалар ўрганилади ҳамда Бош Котиб томонидан тайёрланган маъруза асосида кейинги чора-тадбирлар белгиланади;

- Аддис-Абебада қабул қилинган Ҳаракат дастурида белгиланганидек молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш мақсадида БМРга эришиш йўлларининг назорати ва сарфланаётган маблағ шарҳи амалга оширилади;

- технологияларни ривожлантиришга кўмаклашиш механизми ривожланаётган мамлакатлар эҳтиёжларини қондириши ва салоҳиятни кўтариш, мазкур эҳтиёжларни қондиришнинг муқобил вариантини амалга ошириши лозим. Барқарор ривожланишда техник ҳамкорликнинг марказий роли сифатида аъзо-давлатларнинг раҳбарлари ана шундай механизмни яратиш хусусида Молиявий ривожлантириш конференцияси доирасида келишиб олдилар.

Турли хил давлатларнинг етакчилари “Ерни деградациядан асраш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, муқобил энергия манбаларини қўллаш, глобал иқлим ўзгаришини олдини олишда зудлик билан чоралар кўриш” ҳақида баёнот беришди.


Шунингдек улар адолатли, тинчликпарвар, қурқув, зўравонлик ва ижтимоий тўсиқлардан ҳоли жамият қуришлари ҳақида ваъда беришди⁵⁵.

! Барқарор ривожланиш мақсадлари (БМР) (ингл. Sustainable Development Goals (SDGs)), 2030 йилгача бўлган барқарор ривожланиш соҳасидаги Кун

⁵⁵ Устойчивое развитие: концепция, принципы, цели. <http://csrjournal.com/ustojchivoe-razvitie-konceptsiya-principy-celi>

тартиби (ингл. Transforming our world: the 2030 Agenda for Sustainable Development) — 2015 йилда Мингйиллик ривожланиш мақсадлари ўрнига қабул қилинган келажакдаги халқаро ҳамкорлик учун мақсадлар мажмуаси. Янги мақсадлар ва янги вазифалар комплекс ва ажралмас характерга эга бўлиб, унинг марказида барқарор ривожланишининг уч тамойили – иқтисодий ўсиш, ижтимоий тараққиёт ва атроф-муҳит муҳофазасини чамбарчас боғловчи ва барчани, айниқса аёллар, болалар, ёшлар ва келажак авлоднинг фаровонлигини таъминлашга қаратилган 17 та Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ) ва уларга бириктирилган 169 та вазифа мавжуд⁵⁶.

“Халқлар, халқлар томонидан шакллантирилган ва халқларнинг манфаатларини акс этган” ушбу мақсадлар универсал ва буюк бўлиб, барқарор ривожланиш соҳасидаги Кун тартибини шакллантиради. Уни тайёрлашда ЮНЕСКО фаол иштирок этган эди.



ЮНЕСКО Барқарор ривожланиш мақсадларини қабул қилишнинг муҳим аҳамияти ҳақида баёнот берди⁵⁷:

- барқарор ривожланишни таъминлаш мақсадида инклюзив ва сифатли таълимга эришиш;
- маданий меросни сақлаш ва маданий қадриятларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш;
- бугун жаҳон ҳамжамияти дуч келган табиий-илмий, техник, муҳандислик ва математик таълим соҳасидаги инқирозни бартараф этиш;
- ёшларни қўллаб-қувватлаш ва экстремизмга қарши курашишда сифатли таълимга эга бўлиш учун сармояларни киритиш;
- фикрларни эркин баён этиш ва барқарор ривожланиш бўйича ахборот ва билимларга эга бўлиш;
- барқарор ривожланиш мақсадлари ва мустаҳкам тинчлик йўлида аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кенгайтириш, гендер тенгликни қўллаб-қувватлаш⁵⁸.

Ҳар бир мамлакат барқарор ривожланиш мақсадларига эришишнинг ўз йўлини ишлаб чиқади. Ўзбекистонда ҳудудий ҳамкорлик, ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий

⁵⁶ <https://ru.wikipedia.org/wiki>

⁵⁷ <http://ru.unesco.org/sdgs>

⁵⁸ А.П. Кобзев. Проблемы перехода к устойчивому развитию в Узбекистане, достижения и возможности. <http://sustainabledevelopment.ru/index.php?cnt=239>

алоқалар Барқарор ривожланиш мақсадлари концепциясида белгиланганидек қуйидаги асосий тамойилларга таянади:⁵⁹:

- ўзаро манфаатлар инобатга олинган ҳолда миллий-давлат манфаатларининг устиворлиги;
- тенглик ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа давлатларнинг ишига аралашмаслик;
- мафкуравий ёндашувлардан қатъи назар ҳамкорлик учун очиқлик, умуминсоний кадриятларга содиқлик, тинчлик ва хавфсизликни сақлаш;
- халқаро ҳуқуқ меъёрларининг ички меъёрларга нисбатан устиворлиги;
- икки ва кўптомонлама ташқи алоқаларни ривожлантириш, ўзаро манфаатли келишувларни имзолаш⁶⁰.

Назорат учун саволлар:

1. 2015 йилдан кейин Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун Кун тартиби қачон қабул қилинган эди?
2. БРМ ни қабул қилишда қайси халқаро ташкилот фаол иштирок этди?
3. 2015 йил 25 сентябрда Нью-Йоркда Барқарор ривожланишнинг нечта мақсади қабул қилинди?

2- БОБ. ТАЪЛИМ ЖАМИЯТ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШДА АСОСИЙ ОМИЛ СИФАТИДА

2.1. Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда таълимнинг роли

Режа:

1. Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида таълим
2. Тўртинчи мақсад вазифалари
3. Ўзбекистон Республикасининг Барқарор ривожланиш мақсадларида таълим концепцияси

Асосий тушунчалар: Барқарор ривожланиш мақсадларида таълим, ЮНЕСКО, Инчхон декларацияси, концепция, барқарор ривожланиш мақсадларида таълим бўйича Ташкилотлараро мувофиқлаштирувчи кенгаш

Мавзу бўйича тавсия этилаётган адабиётлар:

1. *Eleanor Bird Richard Lutz Christine Warw. Media as partners in education for sustainable development. 2008.*
<http://unesdoc.unesco.org/images/0015/001587/158787E.pdf>
2. *Азизов А. Киншина А. Образование в интересах устойчивого развития.*
<http://www.unesco.org/fileadmin/MULTIMEDIA/FIELD/Tashkent/pdf/part1correct.pdf>
3. *Образование в интересах устойчивого развития.*
<http://ru.unesco.org/themes/obrazovanie-v-interesah-ustoychivogo-razvitiya-0>
4. *На пути к образованию в Целях устойчивого развития.*
<http://www.uznature.uz/?q=ru/node/2474>

Барқарор ривожланиш фикрлаш ва фаолият усулларида ўзгаришни тақозо этади, бунда асосий ролини таълим ўйнайди. Барқарор ривожланиш манфаатлари йўлида таълим

⁵⁹ А.П. Кобзев. Проблемы перехода к устойчивому развитию в Узбекистане, достижения и возможности.
<http://sustainabledevelopment.ru/index.php?cnt=239>

⁶⁰ А.П. Кобзев. Проблемы перехода к устойчивому развитию в Узбекистане, достижения и возможности.
<http://sustainabledevelopment.ru/index.php?cnt=239>

(БРТ) нафақат барқарор келажакка эришиш, балки унга етишишнинг самарали воситаси ҳамдир⁶¹.

Бугунги кунда дунёда 7 миллиарддан ортиқроқ одам яшайди, аммо табиий захиралар чегаралангандир. Бундай шароитда инсоният ўзаро ҳамкорликда фаолият юритиб, қабул қилинган қарорлар дунёнинг бошқа қисмида яшаётган инсонлар, келажак авлод ҳаётига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўришлари лозим. Замонавий дунёда ўқув муассасаларнинг самарали фаолияти давлатларнинг ривожига бошқа ижтимоий-иқтисодий омиллар билан биргаликда ҳисса қўшмоқда. Таълим Барқарор таълим мақсадларидан бошқа мақсадларга ҳам эришишга ёрдам беради. Агарда барча инсонлар сифатли таълим олсалар, улар қашшоқликдан қутилишлари мумкин. Шу сабабли таълим тенгсизликни камайтириш ва гендер тенгликка эришиш воситасидир. Шу билан биргаликда у дунёдаги барча одамларнинг соғлом ва фаровон ҳаёт кечиришларига омил бўлиб хизмат қилади⁶².



Фотосурат <http://naesmi.uz> сайтидан олинди

Биринчи галда Барқарор ривожланиш манфаатлари йўлида таълим - бу динамик концепция бўлиб, барқарор тараққиётга эришиш учун таълим, кадрлар тайёргарлиги, тарбия, билим ва кўникмаларни тизимининг барча жиҳатларини ўз ичига олади. Айтиш жоизки, Барқарор ривожланиш манфаатлари йўлидаги таълим – бу динамик концепция бўлиб, ҳар қандай ёшдаги ва ҳар қандай ижтимоий гуруҳга эга бўлган инсонлар томонидан таълим тизими, кадрлар тайёрлаш, таълим, тарбия, билим ва кўникмаларга эга бўлишнинг барча жиҳатларини ўз ичига олади. Атроф-муҳит муҳофазаси бўйича БМТ Дастури (ЮНЕП) Барқарор манфаатлари йўлидаги таълимнинг қуйидаги стратегик мақсадларини ажратиш кўрсатди⁶³:

- иқтисодиётнинг барча секторларини малакали мутахассислар билан таъминлаш;
- соғлом ва самарали ҳаёт учун аҳолини билимга бўлган эҳтиёжини қондириш;
- таълим дастурларига атроф-муҳит ва аҳолини ахборот билан таъминлаш масалаларини киритиш.

⁶¹ Урсул А.Д. Урсул Т.А. Ключевая роль образования в достижении Целей устойчивого развития. http://e-notabene.ru/pr/article_18218.html

⁶² http://www.un.org/ru/development/devagenda/pdf/Russian_Why_it_matters_Goal_4_Education.pdf

⁶³ Азизов А. киншина А. Образование в интересах устойчивого развития. <http://www.unesco.org/fileadmin/MULTIMEDIA/FIELD/Tashkent/pdf/part1correct.pdf>

Барқарор ривожланиш учун таълим анъанавий экологик ва табиий-илмий ютуқларнинг барча ижобий натижаларини маҳаллий ўзига хосликларни инобатга олган ҳолда ижтимоий, иқтисодий ва маданий контекстда қўллаши лозим.

Фақат шундагина ўқувчилар истеъмолчиларнинг эҳтиёжлари ва хатти-харакатларини тушиниб, келажакни башорат этишни ўрганишлари лозим. Барқарор дунёда яшашлари учун инсонлар барқарор келажакни ва бунга етишиш имконини берадиган йўллар, воситаларни тасаввур эта олишлари лозим.

Барқарор ривожланиш ғоялари ўқувчилар учун ҳақиқатдан ҳам қизиқарли бўлиши учун педагоглар барқарор ривожланишнинг у ёки бу режа ва дастурларини амалга оширишдан шахсий манфатдорлик хусусида кўпроқ бахслашишлари лозим.

Фактлар ва рақамлар

- *Ривожланаётган мамлакатларда бошланғич таълим билан қамраб олинган болалар сони 91 фоизга етди. Аммо бутун дунёда мактабга қатнамайдиган мактаб ёшидаги болалар сони 57 миллиондир.*
- *Мактабга бормайдиган болаларнинг ярмидан кўпроғи Саҳрои Кабир чўлининг жанубидан жойлашган Африка мамлакатларида истиқомат қилади.*
- *Баъзи бир кўрсаткичларга кўра кичик мактаб ёшидаги болаларнинг 50 фоизи, ҳарбий низолар оқибатида талафот кўрган ҳудудларда яшашади.*
- *Сайёрамиздаги 103 миллион ёшлар тўлиқ мактаб таълимини ўташмаган, уларнинг 60 фоизини қизлар ташкил этади.*

Шунингдек таълим инсонлар ўртасидаги муносабатлар толерантлигига таъсир кўрсатади ва тинчликпарвар жамиятларнинг шаклланишига ёрдам беради. Таълим инсонлар мавжуд муаммоларга нисбатан масъулиятни ҳис этишлари ва уларни ҳал этишда тўғри қарор қабул қила олишлари учун зарур. Таълим танқидий фикрлашни қўллаб-қувватлаши, биргаликда қарор қилиш ва келажакни башорат этиш кўникмаларини шакллантиришга кўмаклашиши лозим. Бунинг учун таълимга янгича ёндашувлар лозим, у динамик ва экологик жамиятни қуриш, шунингдек глобал фуқароликни тарбиялашда муҳим роль ўйнайди⁶⁴.

Барқарор ривожланишнинг устивор мақсадларидан бири – бу 4 мақсаддир.

! Барқарор ривожланишнинг 4 мақсади: “Ҳар томонлама ва адолатли, сифатли таълимни таъминлаш ва барчага бутун ҳаёт давомида таълим олиш имкониятларини рағбатлантириш”⁶⁵.

Мазкур мақсад ўз ичига қуйидаги вазифаларни олади⁶⁶:

“4.1. 2030 йилгача барча ўғил ва қиз болалар мувофиқ ва самарали билим олиш натижаларига эришиш учун текин, адолатли ва сифатли бошланғич ва ўрта таълимга эга бўлишлари лозим.

4.2. 2030 йилгача барча ўғил ва қиз болалар бошланғич таълим олишлари учун кичик ёшдаги болаларга мўлжалланган мактабгача таълим, парвариш ва сифатли ривожланиш тизимларига эга бўлишлари керак.

⁶⁴ Образование в интересах устойчивого развития. <http://ru.unesco.org/themes/obrazovanie-v-interesah-ustoychivogo-razvitiya-0>

⁶⁵ <http://www.un.org/sustainabledevelopment/ru/issues/people/education/>

⁶⁶ Урсул А.Д. Урсул Т.А. Ключевая роль образования в достижении Целей устойчивого развития. http://e-notabene.ru/pr/article_18218.html

4.3. 2030 йилгача барча аёллар ва эркеклар учун қиммат бўлмаган ва сифатли, техник, профессионал ва олий таълимга, шу билан биргаликда университет таълимига эга бўлиш.

4.4. 2030 йилгача мувофиқ билим, шу жумладан профессионал-техник кўникмаларга, муносиб иш жойига эга бўлган ва тадбиркорлик фаолиятини олиб бораётган ёшлар ва катта ёшдаги одамлар сонини кўпайтириш;

4.5. 2030 йилгача таълим соҳасида гендер тенгсизликни йўқ қилиш ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами, хусусан ногиронлар, маҳаллий аҳоли ва болалар учун барча даражаларда таълим ва касбий тайёргарликдан ўтишга имкон яратиш;

4.6. 2030 йилгача барча ёшлар ва аҳолининг катта ёшдаги қисми, эркеклар ва аёллар ўқиш ва санашни билишларига эришиш;

4.7. 2030 йилгача барча ўқувчилар барқарор ривожланишга кўмаклашиш учун билим ва кўникмаларга эга бўлишлари, шу билан бирга барқарор ривожланиш масалалри бўйича, барқарор ривожланиш ҳаётини, инсон ҳуқуқларини, гендер тенгликни, тинчлик ва зўравонсиз ҳаётни, глобал фуқаролик концепциясини, маданий турфахиллик ва барқарор ривожланишга маданиятнинг қўшган ҳиссасини тушунган ҳолда тарғиб.



Фотосурат <http://naesmi.uz> сайтидан олинди

4.a. Болалар, ногиронлар манфаатлари ва гендер жиҳатларини яратиш ва такомиллаштириш, хавфсиз, зўравонликдан ва ижтимоий тўсиқлардан, барча учун самарали бўлган таълим соҳасини яратиш ва такомиллаштириш;

4.b. 2020 йилгача бутун дунёда олий таълимга эга бўлиш, профессионал-техник тайёргарликка ва ахборот-коммуникацион технологиялар масалалари, муҳандислик ва илмий дастурлар бўйича ривожланаётган мамлакатларга, айниқса ривожланишдан орқада қолаётган мамлакатларга берилаётган стипендиялар миқдорини кўпайтириш;

4.c. 2030 йилгача малакали ўқитувчиларни сонини кўпайтириш, шу жумладан ривожланаётганамда кичик орол мамлакатларида ўқитувчилар тайёргарлиги сифатини ошириш” .

Айтиш жоизки, барча қабул қилинган мақсадлар таълим билан узвий боғлиқ ва барқарор ривожланиш учун таълимнинг асосини ташкил этади. Шу сабабли учинчи минг йилликни ривожлантириш модели фақатгина таълим ёрдамидагина шаклланиши мумкин.

ЮНЕСКО мамлакатларга барқарор ривожланиш учун таълим (БРМТ) соҳасидаги салоҳиятни оширишга кўмак беради ва ўз фаолияти доирасини доимо кенгайтириб боради. Шу билан биргаликда асосий эътибор иқлим ўзгариши, биохилмаҳилликни сақлаш ва табиий офатлар оқибатларини юмшатиш борасида иш олиб бориб, барқарор

ривожланишни таъминлаш методларини таълим ёрдамида амалга оширилишини таъминлайди.

Барқарор ривожланишнинг 4 мақсадини амалга ошириш ЮНЕСКО миссиясини ташкил этади.

!ЮНЕСКО (ингл. UNESCO — *United Nations Educational, Scientific and Cultural Organization*) — ЮНЕСКО, БМТнинг Таълим, фан ва маданият соҳасидаги ташкилотига, 1945 йилнинг 16 ноябрь кунда асос солинган. ЮНЕСКО дунёда тинчликни ўрнатилиш, қашшоқликни йўқ қилиш, барқарор ривожланишни таъминлаш, таълим орқали маданиятлараро мулоқот тузиш, фан соҳаларини ривожлантириш, халқаро маданий ва маълумот алмашинувида ёрдамлашни каби соҳаларда фаолият юритади⁶⁷.

ЮНЕСКО таълим, ижтимоий ва гуманитар фанлар, маданият, ахборот ва маълумот технологиялари соҳаларида ўз фаолиятини юритади.

Таълим

ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси мамлакат ҳукуматини таълим соҳасининг сифатини ошириш, мазкур соҳада тегишли андозалар, стандартларни жорий этиш, турли инновацион лойиҳаларни амалга ошириш, мутасадди ташкилотларнинг салоҳиятини ошириш борасида қўллаб-қувватлайди.

Фан

ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси фан бўйича алоҳида дастури доирасида ер ва сув ресурсларидан тежамкорона, оқилона фойдаланиш имконини берувчи технологиялар, билим вакўникмаларни ҳаётга тадбиқ этишга интилади; шунингдек биологик хилма-хилликни асраш ва янгиланувчи муқобил энергия манбаларини жорий этиш, турли соҳаларда, хусусан ерларнинг таназзулга учраши ва иқлим ўзгариши билан боғлиқ масалалар юзасидан тадқиқотларни амалга оширишда Ўзбекистонга ўз ёрдамини бериб келмоқда.

Маданият

ЮНЕСКОнинг маданият соҳасидаги мақсадлари мамлакатнинг бойлиги бўлмиш маданий-тарихий меросини кейинги авлодлар учун асраб қолиш, қолаверса мазкур бойликлар мамлакатнинг барқарор тараққий этиши, аҳоли даромадининг доимий равишда ошиши, айниқса хотин-қизлар ва ёшлар учун чексиз имкониятларни очиб бериши мумкинлигини кўрсатиб беришдан иборатдир. Шу мақсадда ЮНЕСКОнинг Тошкент шаҳридаги ваколатхонаси Жаҳон мероси рўйхатига киритилган обидаларни муҳофаза этишда, мамлакатнинг моддий ва номоддий бойликларини асраш, авлоддан авлодга ўтиш ҳамда маданий туризмни ривожлантиришга қаратилган бир қатор ташаббус ва лойиҳаларини амалга ошириб келмоқда.

Ахборот ва маълумот алмашинуви

Ўзининг миллий ҳамкорлари билан биргаликда ЮНЕСКО барча инсонлар маълумотни излаш, ундан фойдаланиш имкониятига эга бўлишини таъминлашга, ривожланиш, демократия ҳамда жамоатчилик орасидаги мулоқотни ўрнатишга қаратилган ташаббусларини амалга оширади⁶⁸.

БРМТ усулларини таълимга киритишга кўмаклашиш мақсадида ЮНЕСКО педагогик таълимни, масалан иқлим ўзгариши масалалари таълим соҳасини ўрта мактаб ўқитувчилари янги интернет курсларига ўзгартиришни рағбатлантиради. ЮНЕСКОнинг

⁶⁷ <https://ru.wikipedia.org/wiki>

⁶⁸ <http://ru.unesco.org/sdgs>

ассоциатив мактаблари тармоғининг ижобий тажрибаси БРМТ дунёнинг турли мактабларида қай даражада қўлланаётгани борасидаги яхши намунадир⁶⁹.

Барқарор ривожланиш мақсадлари учун таълим бўйича ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон конференцияси 2014 йилнинг 10-12 ноябрида Япониянинг Нагоя шаҳрида бўлиб ўтган эди. Ушбу анжуман БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари учун таълим ўн йиллигини (2005-2014 йй.) якунлади. Конференция натижалари БРМТ бўйича Айти-Нагоя декларацияси ва БРМ соҳасида Глобал ҳаракатлар дастури қабул қилиниб, ЮНЕСКОнинг 37 чи Бош конференцияси ҳамда БМТ Бош Ассамблеясининг 69 чи сессиясида тасдиқланди⁷⁰.



Фотосурат uznature.uz сайтидан олинди

ЮНЕСКОнинг 2015 йилдан сўнг таълим соҳасидаги кун тартиби шакллантиришдаги муҳим ҳиссаси бу 2015 йилнинг май ойида Жанубий Корея Республикасида бўлиб ўтган “Таълим-2030” Инчхон декларацияси бўлиб, унинг асосий тамойиллари Таълим масалалари бўйича бутунжаҳон форумида шакллантирилган эди. БРМни умумий мувофиқлаштириш доирасида Декларация ЮНЕСКОга таълим билан боғлиқ бўлган мақсадларни бошқариш ва мувофиқлаштириш ролини юклади.

! Инчхон декларацияси 2015 йилда Корея Республикасининг Инчхон шаҳрида Таълим масалалари соҳасидаги кун тартибини қабул қилиш борасида мамлакатлар ва бутунжаҳон таълим ҳамжамиятининг интилишини акс этади.⁷¹

⁶⁹ Образование в интересах устойчивого развития. <http://ru.unesco.org/themes/obrazovanie-v-interesah-ustoychivogo-razvitiya-0>

⁷⁰ Образование в интересах устойчивого развития. <http://ru.unesco.org/themes/obrazovanie-v-interesah-ustoychivogo-razvitiya-0>

⁷¹ Мировое образовательное сообщество приняло и предложило к осуществлению Рамки действий «Образование-2030». <http://www.bashedu.ru/unesko/mirovoe-obrazovatelnoe-soobshchestvo-prinyalo-i-predlozhilo-k-osushchestvleniyu-ramki-deistvi>

Инчхон декларацияси инсонлар ҳаётини таълимнинг янги концепцияси асосида ўзгартириш ва “Барча учун таълим” мақсадларига глобал равишда қўшилишга қаратилган тарихий мажбуриятдир. Ушбу мақсадлар “барча учун таълим” масалалари бўйича 1990 йилда Джомтьенеда бўлиб ўтган Бутунжаҳон конференцияда ва 2000 йилда Дакарда таълим масалалари бўйича бўлиб ўтган Бутунжаҳон форумда қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларининг 2011 йил 19 июлда 2/20/305-сонли “Ўзбекистон Республикасининг барқарор ривожланиш мақсадлари учун таълим (БТТ) концепцияси тўғрисида” қўшма қарори қабул қилинди. Ушбу қарор БМТ Бош Ассамблеясининг “2005-2014 йилларда Барқарор ривожланиш таълими ўн йиллиги тўғрисидаги” резолюцияси ва БМТ Европа Иқтисодиёт комиссиясининг БТТ бўйича Стратегияси асосида ишлаб чиқилди. Барқарор ривожланиш қоидаларига риоя этиш 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида, Олий Мажлиснинг 2011 йил 26 мартдаги 181-II-сонли ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “2008-2012 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари дастури тўғрисидаги” 212-сонли қарорларида ҳам акс эттирилган. Шунинг учун ҳам барча таълим босқичларида, айниқса, эколог магистрлар учун барқарор ривожланиш ва унинг экологик жиҳатларига оид ўқув курсини ўтиш ўта долзарб масаладир⁷².

Ушбу чораларни амалга ошириш муддатларининг яқунланиши билан 2015 йилда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири томонидан 2016 йил 10 февралда Ўзбекистон Республикаси миллий таълим тизимига Барқарор ривожланиш концепциясини киритиш бўйича ҳаракат дастури ишлаб чиқилиб, тасдиқланди⁷³.

Назорат учун саволлар:

1. Таълим барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда қандай роль ўйнайди?
2. Барқарор ривожланишнинг 4-мақсади ўз ичига қандай вазифаларни олган?
3. ЮНЕСКОнинг барқарор ривожланиш учун таълим бўйича Бутунжаҳон конференцияси қаерда бўлиб ўтди?
4. “Таълим-2030” Инчхон декларациясининг асосий вазифаларни нимадан иборат эди?

2.2. Экологик таълим ва барқарор ривожланиш мақсадлари учун таълимнинг ўзаро боғлиқлиги

Режа:

1. Экологик таълим тушунчаси
2. Экологик масъулият
3. Таълим тизимини экологиялаштириш

Асосий тушунчалар: экологик таълим, экологик масъулият, экологик муаммолар, таълим тизимини экологиялаштириш, медиаэкология.

Мавзу бўйича тавсия этилаётган адабиётлар:

1. *Eleanor Bird Richard Lutz Christine Warw. Media as partners in education for sustainable development. 2008.*
<http://unesdoc.unesco.org/images/0015/001587/158787E.pdf>

⁷² “Барқарор ривожланиш мақсадлари учун Ўзбекистон Республикасининг концепцияси: режа ва истикболлар” мавзусидаги давра суҳбати. <http://www.uznature.uz/?q=ru/node/71>

⁷³ Барқарор ривожланиш мақсадлари йўлида. <http://www.uznature.uz/?q=ru/node/2474>

2. *Азизов А. Киншина А. Образование в интересах устойчивого развития.*
<http://www.unesco.org/fileadmin/MULTIMEDIA/FIELD/Tashkent/pdf/part1correct.pdf>
3. *На пути к образованию в Целях устойчивого развития.*
<http://www.uznature.uz/?q=ru/node/2474>

Глобал ривожланиш кун тартибидаги муҳим масалалардан бири таълим муаммоси бўлиб, у Барқарор ривожланиш концепцияси доирасидаги халқаро ҳамкорликнинг стратегик устивор йўналиши сифатида тан олинди.

Барқарор ривожланиш учун таълим куйидагиларга кўмаклашади:

- жамият, табиат ва иқтисодиётнинг ўзаро боғлиқлиги борасидаги тасаввурларни кенгайтиришга;
- ❖ экологик муаммолар моҳиятини тушинишга;
- ❖ Ўзбекистонда яшайдиган халқларнинг атроф-муҳит муҳофазасини ўз ичига олган анъаналарини ўрганишга, ҳамда ёшларни табиий-маданий меросни асраб-авайлашга;
- ❖ барча аҳоли қатламини шахсий комиликка эришишга, ривожланишга, ўзини реализация қилишга, таълим олишга;
- ❖ атроф-муҳит ҳолатининг ёмонлашуви сабабларини аниқлашга;
- ❖ атроф-муҳит ва унинг ҳолати ҳақидаги билимларни тарқатиш тизимини ривожлантиришга ⁷⁴.

Барқарор ривожланиш учун таълим куйидаги саволларга жавоб бериши керак:

- таълим олувчилар қандай билим ва кўникмаларга эга бўлишлари керак?
- жамият ва табиат уйғунлиги билан биргаликда жамият ва давлат масалаларини ҳал этиш учун катталар олий таълимдан сўнг қандай қўшимча билим ва кўникмаларга эга бўлишлари лозим?



Фотосурат happycenter.com. сайтидан олинди

⁷⁴ www.unesco.org/fileadmin/MULTIMEDIA/FIELD/Tashkent/pdf/part1correct.pdf

Юкорида қайд этилганлардан келиб чиққан ҳолда таълим муассасаларнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича фаолиятини баҳолаш учун маълум бир кўрсаткич, мезон ва индикаторлар ишлаб чиқилиши зарур. Шунинг учун бугун барқарор ривожланиш ғояларини инобатга олган ҳолда таълим сифати мониторинги моделини ишлаб чиқиш лозим.

Барқарор ривожланиш учун таълим экологик таълимни ҳам қамраб олиб, узлуксиз таълим, экологик онг ва экологик маданиятни, Ватан, бутун сайёра учун масъулиятни шакллантиришни англатади. Ушбу масала ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар учун бирдек долзарб. Барқарор ривожланиш мақсадлари учун таълим ҳақида гапирар эканмиз экологик масъулият, таълим тизимини экологиялаштириш тушунчаларига тўхталиб ўтиш лозим.

! Масъулият - мувофиқ фаолиятни амалга ошириш ва уларни бузиш учун жавобгарлик ҳиссини туйиши демакдир. Айнан шу маънода **экологик масъулият** ижтимоий масъулиятнинг бир тури бўлиб, экологик ҳуқуқбузарликларни содир этганда амалга ошади, яъни инсон томонидан ўзининг иқтисодий эҳтиёжларини қондириш учун атроф-муҳитга зарар етказиш, табиат ва тирик жонзот манфаатларини инкор қилганлик учун айбдорлик ҳисси, жазога тортилишидир.

Экологик масъулият инсоннинг ўзини ўзи бошқариш, хатти-ҳаракатининг узоқ ва яқин оқибатларини кўра билиш, ўз ва ўзгалар фаолиятига нисбатан танқидий ёндашув демакдир. Бунда айнан фаолият учун жазо олишдан кўрқиш эмас, балки табиатга нисбатан ўз хоҳишига кўра одоб-ахлоқ чегарасидаги талабларга риоя этиш экологик масъулиятнинг асосини ташкил этади.

Педагогларнинг халқаро экологик ҳаракати умумий таълим тизимида экологик таълимни устивор деб билиб, глобал экологик инкироз ракурсида барча давлат ва ҳукуматларга таълим соҳасида ағолисининг миллий менталитети, диний қарашлари, миллий ва умуминсоний кадриятлардан келиб чиққан ҳолда мувофиқ экологик таълим сиёсатини ишлаб чиқишни тавсия этади.

Бугунги кунда экологик таълим ва таълим тизимини экологиялаштириш тушунчалари мавжуд. Улар бир бири билан узвий боғлиқ бўлсада, аммо баъзи бир жиҳатлари билан фарқ қилади.

! Экологик таълим – турли хил характер ва даражадаги экологик билимларни ўзлаштиришидир.

Экологик таълимнинг иккита асосий йўналишини ажратиш кўрсатиш мумкин⁷⁵:

- 1) табиатни муҳофаза қилиш ва инсон саломатлиги ғояси асосида ёшларни тарбиялаш;
- 2) табиатнинг ва жамиятнинг умумий қоидалари ҳақида махсус профессионал даражада билимларга эга бўлиш.

Таълимни экологиялаштириш бу таълим олувчиларни глобал экологик муаммоларни тўғри тушиниш, уларни таҳлил қилиш, оқибатларини кўра билиш демакдир. Мазкур йўналиш янгича, глобал миқёсда фикрлаш демакдир. Бу дунёга янгича нигоҳ ташлаш, мавжуд муаммоларни ҳал этишнинг янги ечимларини қидириш, инсониятнинг яшаб қолиши учун курашиш, табиатни асраш, коинотдан оқилона фойдаланиш ҳамда дунёнинг бир бирига боғлиқ бўлган алоқаларини кўра билиш демакдир⁷⁶.

⁷⁵ Задачи и принципы экологического образования. http://tsput.ru/res/geogr/ecology/t_11.htm

⁷⁶ Азангелян Ю. Экологизация образования. <http://ext.spb.ru/site/2515-2013-03-15-21-13-39.html>

!Таълим тизимини экологиялаштириш – бу экологик зоя, тамойиллар, ёндашувларнинг бошқа фанларга сингдирилиши, шунингдек турли мутахассисликлар бўйича экологик жиҳатдан билимли мутахассисларни тайёрлашдир.

Яқин кунларгача экологик таълим асосан табиий фанлар, яъни биология ва географияга, қисман табиатни муҳофаза қилиш технологиясини ўз ичига олган техник фанларга асосланган эди. Экологиянинг экология-иқтисодий ва экология-ҳуқуқий қисмини ўз ичига олган ижтимоий қисми бўйича билимлар берилмас эди. Бугун таълим тизимидаги барча фанлар “Жамият-табиат” тизими асосида ўтилиши шарт. Мазкур тизим табиат ва инсоннинг ўзаро боғлиқлиги хусусидаги тасаввурларнинг моҳиятини тўлиқ очиб беришга, тушунишга хизмат қилади.

Экологик таълимнинг илмий-назарий асоси бўлиб эса биологик ва геологик экология, инсон ва жамият экологияси (ижтимоий экология) хизмат қилиши зарур. Олий таълим муассасаларнинг журналистика факультетларида “Экология” фанидан ташқари “Экологик журналистика” фанининг ўтилиши талабаларга мавжуд экологик муаммолар ҳақида кенгроқ тушунча бериш, мазкур мавзунини ёрита олиш борасидаги билимларни бериб, кўникмаларини шакллантиради.



Фотосурат happycenter.com. сайтидан олинди

Экологик таълимнинг мақсади –экологик онгга эга бўлган шахсни тарбиялашдан иборат. У учта вазифани амалга ошириши лозим⁷⁷:

1. “Инсон-жамият” тизимидаги экологик тасаввурларни шакллантириш. Бундай тизим табиат ва инсон ўртасидаги муносабатларнинг асосида нима ётиши, улар қандай шаклланиши ва бир бирига таъсири хусусида билимлар бериб, салбий оқибатларни бартараф этишга ёрдам қилади;

2. Табиатга нисбатан муносабатларнинг шаклланиши. Фақатгина экологик билимлар инсонни табиатни муҳофаза қилишга ундамайди. Бунинг учун табиатни асрашга нисбатан муносабатни шакллантириш лозим. Яъни инсон ўз хатти-ҳаракати билан бошқаларга ўрناк кўрсатиши керак;

⁷⁷ Задачи и принципы экологического образования. http://tsput.ru/res/geogr/ecology/t_11.htm

⁷¹ Азангелян Ю. Экологизация образования. <http://ext.spb.ru/site/2515-2013-03-15-21-13-39.html>

3. Табиат билан алоқадорликнинг технологияси ва стратегиясини ишлаб чиқиш зарур. Яъни инсон мақсадли равишда фаолият юритиши учун келгуси авлод учун табиатни асраш кераклигини тушуниш, уни қандай амалга ошириш кераклигини билиш ҳамда жамиятга “Табиат устахона эмас, ибодатхона” эканлигини тушинишга ёрдам бериши лозим. Шундай қилиб янги экологик онгнинг шаклланиши, экологик маданиятнинг шаклланишига олиб келади. Бу вазифа асосан педагоглар зиммасига ётади. Зеро, мазкур фаолият таълимни ривожлантириш жаҳон стратегиясининг бир қисмидир.

Бугун экологик таълимнинг тамойиллари ишлаб чиқилган. Булар: узлуксизлик, умумийлик, инсонпарварлик, тизимлилик, фанлараролик, мажмуалик, фундаменталлик, глобал, ҳудудий ва локал даражадаги экологик муаммоларнинг боғлиқлиги.

Узлуксиз экологик таълим тизими мақсадларига эришиш ва асосий вазифаларни ҳал қилиш ҳар бир даражадаги дастурнинг моҳияти билан белгиланади. Ҳар бир дарс “яшил”иктисодиёт, барқарор ривожланиш тамойилларини ўз ичига олиши зарур.

Экологик таълим нафақат илмий билим ва тасаввурларни, балки маданият ва адабиёт тамойилларини мувофиқлаштиради. Умуман олганда экологик таълимнинг куйидаги умумий жиҳатларини ажратиб кўрсатиш мумкин⁷⁸:

- **илмий.** Атроф-муҳитга нисбатан онгли равишда муносабатда бўлиш. Табиатни тавсифлайдиган назарий тушунчалар, табиий, социологик ва технологик қонуниятларни ўз ичига олади;

- **қадриятли.** Табиий муҳитга нисбатан ахлоқий ва эстетик муносабатни шакллантиради, ортиқча реалистиклик ва меъёрдан ортиқ истеъмол эҳтиёжларини чегаралайди. Ўсиб келаётган авлодни нафақат атроф-муҳитнинг гўзаллигини кўриш, ундан баҳра олишни ўргатибгина қолмай, балки табиатни муҳофазалаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга ўз ҳиссасини қўшишга ундайди;

- **норматив.** Меъёр ва қоидалар, талаб ва экологик характердаги тақиқлар тизимига йўналтирилган бўлиб, ҳар қандай зўравонликка қаршидир;

- **фаолиятли.** Унинг доирасида экологик характердаги билиш, амалий ва ижодий кўникмалар, таълим олувчиларнинг иродаси шаклланади, экологик муаммоларни ҳал этишда фаоллиги ошади.

Экологик таълим босқичма-босқич амалга оширилади. Масалан мактабгача бўлган таълимда экологик маданиятнинг илк кўртаклари шаклланади. Мазкур вазифани ҳал қилишнинг йўллари қуйидагича⁷⁹:

- болаларнинг ёввойи табиат билан мулоқоти, уларда атроф-муҳитга нисбатан муҳаббатни шакллантириш. Бунга тарбиянинг сайр, табиат қўйнида узок муддат дам олиш, табиатни улуғловчи санъат ва адабиёт асарлари, халқ ижодиёти билан танишиш, табиатни ўрганиш ва уни асраш борасидаги фаол фаолият (сув ҳавзалари, ўрмонлар ва истироҳат боғларини тозалаш, қушларга уялар ясаш, дарахт кўчатлари ўтқозиш ва гуллар экиш ҳамда ҳоказолар) киради. Ушбу йўналишдаги асосий ҳаракат аввало ота-оналар, педагоглар, маҳаллий ҳокимият вакиллари, ноширлар, маданият ходимлари, жамоат ва нодавлат ташкилотларнинг вакиллари томонидан амалга оширилиши лозим;

- болаларни инсон фаолияти маҳсулига нисбатан ҳурмат билан тарбиялаш. Бунинг учун болаларни кичик ёшлигиданоқ тартибга, тежамкорликка, эскирган буюмларга иккинчи ҳаёт ато этишга ўргатишдир. Унда масъулият юқорида келтирилгандек ота-оналар, педагоглар зиммасида бўлади.

Шундай қилиб, санаб ўтилган вазифаларни ҳал этиш жараёнида атроф-муҳит объектларини ҳиссий равишда қабул қилиш кўникмаси шаклланади. Болаларни ҳар

⁷⁹ Азангелян Ю. Экологизация образования. <http://ext.spb.ru/site/2515-2013-03-15-21-13-39.html>

қандай тирик жонзотга нисбатан меҳрли этиб тарбиялаш, ўсимликларни пайҳон қилиш, бута ва дарактларни синдириш, ҳайвон ва қушларни қийнаш ва ўлдириш, уларга нисбатан бепарқ бўлмасликка ўргатиш муҳимдир. Тарбия босқичларини таълим олувчиларининг ёшидан келиб чиққан ҳолда босқичма-босқич, интерактив ва ўйин шаклида амалга ошириш керак. Ўрта ва юқори синфларда, ўрта махсус таълим тизимида, шунингдек олий таълим муассасаларида ҳар бир фан ўз ичига барқарор ривожланиш тамойилларини олиши лозим. Ҳар бир мутахассислик табиатни тиклаш ва уни асрашга йўналтирилиб, олий маълумотга эга бўлган мутахассислар инсоннинг табиатдаги ўрни, атроф-муҳитга унинг антропоген таъсири ҳамда мазкур таъсир оқибатларини билиши зарур. Улар экологик жиҳатдан фаолият олиб бориш ва оқилона қарор қабул қилиш кўникмаларига эга бўлишлари зарур. Шунинг учун ҳам олий таълим муассасаларининг ўқув режаларига экологиянинг концептуал ва амалий жиҳатлари акс этган фанларнинг киритилиши бугунги кун учун долзарбдир.

Олий таълим муассасасидан кейинги таълимда ҳам (малака ошириш ва қайта тайёрлаш курслари, доктарантура ва ҳоказо) экологик билимлар устиворлиги таъминланиши керак. Уларга “Умумий экология”, “Амалий экология”, “Ижтимоий экология”, “Медиаэкология” курсларининг киритилиши, уларнинг барқарор ривожланиш стратегияси амалий натижаларини бериши муқаррар.



Фотосурат <http://sreda.uz> сайтидан олинди

Ёшлар учун экологик курсларни ишлаб чиқишда уларда қуйидагилар ўз аксини топиши зарур⁸⁰:

- ўқувчилар ва талабаларда табиат бутунлиги тўғрисидаги тасаввурларни шакллантириш;
- бизни ўраб турган дунёни барча рангларида қабул қилиш, табиатни асраш, барқарор ривожланишга хизмат қилиш;

⁸⁰ Рыбалко Л.Н. Формирование экологического мировоззрения учащихся с помощью эколого-эволюционного подхода к изучению естественнонаучных дисциплин.
<http://cyberleninka.ru/article/n/formirovanie-ekologicheskogo-mirovozzreniya-uchaschihsya>

- табиат ҳақидаги тасаввурларни инсон муҳити сифатида шакллантириш;
- инсон ўзини табиатнинг бир бўлаги сифатида ҳис этиш қобилиятини шакллантириш.

Таълимни экологиялаштириш бу инсон ва табиатнинг мустаҳкам ришталарини очиқ берувчи ғоядир. Етакчи ғоялардан бири: инсон сайёра, табиатни босиб олишга интилган ҳукмдори эмас, балки унда яшовчи жонзотлардан бири бўлиб, унинг ҳаёти ҳам табиат қонунларига асосан кечади.

Назорат учун саволлар:

1. БРМТ қандай саволларга жавоб беради?
2. Таълимни экологиялаштиришнинг моҳияти нимадан иборат?
3. Қачон ва қаерда экологик масъулият пайдо бўлган ва у нимани англатади?
4. Экологик таълим қандай вазифаларни ҳал этади?

2.3. Ўзбекистонда барқарор ривожланиш мақсадлари йўлида таълим: таълим моделларини ўзгартириш

Режа:

1. Ўзбекистонда барқарор ривожланиш мақсадлари учун таълим мазмуни
2. Экологик таълим бўйича давлат стандарти
3. Барқарор ривожланиш учун таълим бўйича БМТ декадалари

Асосий тушунчалар: барқарор ривожланиш мақсадлари учун таълим, таълим моделлари, Барқарор ривожланиш учун таълим бўйича БМТ декадалари

Мавзу бўйича тавсия этилаётган адабиётлар:

1. “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни (1997). www.lex.uz
2. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” (1997). www.lex.uz
3. Eleanor Bird Richard Lutz Christine Warw. *Media as partners in education for sustainable development*. 2008.
<http://unesdoc.unesco.org/images/0015/001587/158787E.pdf>
4. Азизов А. Киншина А. *Образование в интересах устойчивого развития*.
<http://www.unesco.org/fileadmin/MULTIMEDIA/FIELD/Tashkent/pdf/part1correct.pdf>

Ўқувчи – ёшларни тарбиялаш, уларга экологик таълим бериш Ўзбекистон Республикаси таълим сиёсатининг устивор йўналишларидан биридир. Комил инсон тарбиясининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа меъёрий ҳужжатларда ўз аксини топган.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури 1997 йилда Олий Мажлиснинг қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, унда 1997-2010 йилларда таълим соҳасидаги давлат ислоҳати мақсадлари ичида экологик таълимни ҳам устивор йўналишлардан бири сифатида кўрсатиб ўтилган эди. Унда ўқув дастурлари, дарсликлар, таълим усулларини модернизация қилиш ва бошқа муҳим масалалар кўтарилган эди. Фуқароларга экологик таълим бериш ва уларда экологик онгни шакллантириш борасидаги асосий ҳужжатлардан бири Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 20

октябрда 469-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг 1999-2005 йилларга мўлжалланган атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастури” бўлди⁸¹. Унга кўра Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамкорликда “Узлуксиз экологик таълим концепцияси” ҳамда “Узлуксиз экологик таълимнинг давлат стандарти”ни ишлаб чиқилди. Узлуксиз экологик таълимнинг давлат стандарти бир неча умумтаълим мактабларида апробациядан ўтди. Аммо ҳануз мазкур стандартни ўқув режага татбиқ этиш яқунланганича йўқ. Республиканинг аксарият умумтаълим мактаблари ўқув режасига экология, атроф-муҳит муҳофазаси бўйича бўйича махсус фанлар киритилмаган. Экология масалалари факультативлар кўринишда ўтирилиб, биология, кимё, ботаника, зоология, география ва бошқа фанларга алоҳида мавзулар сифатида киритилган. Мактабгача таълим муассасаларида ҳам мазкур йўналишда олиб борилаётган ишлар қониқарли эмас. Бугунги кунда бир йилда олий таълим муассасаларини 300 нафар мутахассис-экологлар битиришади, аммо уларнинг аксарияти ўз мутахассислиги бўйича фаолият юритмайди.



Фотосурат uznature.uz сайтидан олинди

БМТ томонидан Барқарор ривожланиш учун таълим бутунжаҳон Декадасининг эълон қилиниши муносабати билан (2005-2014 йй.) 2005 йил 7 ноябрда 242/33/79 –сонли Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қумитасининг қарори қабул қилиниб, унга асосан “Экологик таълимни ривожлантириш, экологик кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, шунингдек Ўзбекистон Республикасида истикболли малака ошириш тизимини такомиллаштириш бўйича” Концепция, Стратегия ва Дастур тасдиқланди⁸². Олий ва ўрта махсу таълим вазирлиги ҳамда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қумитасининг қўшма қарори билан 2005 йил декабрь ойида узлуксиз экологик таълим тизими ва Барқарор ривожланиш учун таълимни ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгаш ташкил этилди.

⁸¹ Экологическое образование и воспитание. Образование в целях устойчивого развития. <http://uznature.uz/?q=ru/node/680>

⁸² Экологическое образование и воспитание. Образование в целях устойчивого развития. <http://uznature.uz/?q=ru/node/680>

2008 йилда мазкур вазирлик ва кумитанинг кўшма буйруғи билан Кенгашга Республика муассасалараро Мувофиқлаштириш Кенгаши мақоми берилди (РММК). РММКнинг асосий вазифаси БМТнинг Стратегияси ва Барқарор ривожланиш учун таълимни амалга оширишда давлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш, Ўзбекистон Республикаси таълим тизимига барқарор ривожланиш тамойиллари интеграциясини таъминлаш. Мазкур вазифаларни амалга ошириш учун Мувофиқлаштирувчи Кенгаш томонидан чора-тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилиб, Барқарор ривожланиш учун таълим асосларини тартиб қилиш мақсадида дарслик, ўқув қўлланмалар, услубий қўлланмаларни ишлаб чиқиш бўйича фаолият олиб борилмоқда.⁸³

“Экология” ва унга яқин бўлган фанлар бугунги кунда олий таълим муассасаларнинг ўқув режаларига киритилган. Аммо бу етарли эмас. Айни пайтда фақатгина фанни анъанавий йўл билан ўқитиш қўтилган натижаларни ермаяпти. Аҳолининг экологик онги ҳануз етарли даражада шаклланмаган бўлиб, буни биз аксарият одамларнинг табиатга нисбатан салбий муносабатида кўриш мумкин. Экологик онг ва экологик маданият даражасини ошириш учун таълимга ўқитишнинг янги моделларини киритиш зарур. Ўқув-тарбия жараёни доирасида ҳар бир таълим муассасасига экологик онгни шакллантириш бўйича бир қатор тавсиялар бериш мумкин⁸⁴:

- экологик таълим жараёни шахсий жиҳатдан аҳамиятга молик бўлиши лозим;
- атроф-муҳитни нафақат ўз манфаатидан келиб чиққан ҳолда эмас, балки жамият, давлат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда экологик жиҳатдан ўзини оқлаган фаолият стереотипларини шакллантириш зарур;

- таълим тизимининг барча босқичларига атроф-муҳит тозалиги, уни асрашга бўлган масъулиятни ўзида акс этувчи илмий қарашлар, фаразлар тизимини татбиқ этиш;

- экологик ташкилотлар, миллий боғ ва қўриқхона ходимлари билан ҳамкорликни кенгайтириш;

- миллий кадриятлар билан биргаликда ўқувчи ва талабаларда табиатга бўлган муҳаббатни уйғотиш.

Бугун таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни экологиялаштириш вақти етди. Зеро, инсоният жар ёқасига келиб қолганини англаб етиши, тоза ҳаво, зилол сувлар, мусаффо осмон, табиий заҳиралар, бетакрор гўзал табиатни келгуси авлодга соф ҳолда етказиб бериш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Бунинг учун таълим тизимининг ҳар бир босқичига “Экология” фанини киритиш, экологик билимларни ўқув режадаги ҳар бир фанга интеграциясини амалга ошириш, экологик тарбияни кучайтириш лозим.

Назорат учун саволлар:

1. Экологик таълим бўйича давлат стандартининг асосий ҳолатларини сўзлаб беринг.
2. Барқарор ривожланиш учун таълим йўналишида Ўзбекистон қандай таълим моделларини тизимга татбиқ этмоқда?
3. Барқарор ривожланиш учун таълимни ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?

2.4. Экологик маданиятни шакллантириш: таълим ва тарбия масалалари **Режа:**

1. Экологик маданият

⁸³ Экологическое образование и воспитание. Образование в целях устойчивого развития.

<http://uznature.uz/?q=ru/node/680>

⁸⁴ Смалева П.Г. Роль экологического образования в реализации концепции устойчивого развития на глобальном и региональном уровнях. <http://cyberleninka.ru/article/n/rol-ekologicheskogo-obrazovaniya>

2. Экологик тарбия
3. Экологик таълим тамойиллари

Асосий тушунчалар: экологик маданият, экологик тарбия, экологик таълим, экологик онг.

Мавзу бўйича тавсия этиладиган адабиётлар:

1. “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни (1997). www.lex.uz
2. Кадрларни тайёрлаш миллий дастури (1997). www.lex.uz
3. Eleanor Bird Richard Lutz Christine Warw. *Media as partners in education for sustainable development*. 2008.
<http://unesdoc.unesco.org/images/0015/001587/158787E.pdf>
4. Азизов А. Киншина А. *Образование в интересах устойчивого развития*.
<http://www.unesco.org/fileadmin/MULTIMEDIA/FIELD/Tashkent/pdf/part1correct.pdf>
5. Беляева О.А. *О формировании экологической культуры у молодого поколения в системе образования*. <http://izron.ru/articles/pedagogika-i-psikhologiya>

**Эрталаб турдингми, ўз Сайёрангни
йиғиштириб қўй, бўлмаса у баобаблар билан қопланади.
“Кичкина шахзода”⁸⁵.
Антуан де Сент-Экзюпери.**

Буюк ёзувчи асаридаги мазкур иқтибос экологик тарбиянинг моиятини очиб беради.

! “Кичкина шахзода” илк мартаба 1943 йилда француз зодағони, ёзувчи, шоир ва ҳарбий учувчи Антуан де Сент-Экзюперининг энг машҳур асари. Китоб “дунёда энг кўп таржима қилинадиган”лар рўйхатидан тўртинчи ўринни эгаллаган, Францияда эса XX асрнинг “энг яхши китоби” деб тан олинди. Асар 250 дан ортиқ тил ва диалектларга таржима қилинган. Ҳар йили дунё бўйлаб 2 миллиондан ортиқ экземплярда сотилади⁸⁶.

XIX асрда буюк гуманист шоир И.В. Гёте қайд қилганидек, фаолиятдаги жаҳолатдан бошқа инсонни даҳшатга соладиган ҳеч нарса⁸⁷. Айнан зарур билимларнинг йўқлиги, реал воқеяликка уларнинг мос келмаслиги, инсоннинг табиий жараёнларга салбий аралашуви экологик инкирознинг асосий сабабларидан биридир. Экологик тарбиянинг қарама-қаршилиги шундаки аксарият инсонлар экологик тарбияни тор фанлар позициясидан тушунади. Доно халқимиз бежиз “Қуш уясида қилганини қилади” демайди. Оилавий муҳитда ҳар бир оила аъзоси ўз салоҳиятини, иқтидорини амалга ошириш жараёнида бунини табиатга муҳаббат руҳида, атроф-муҳитни муҳофазасига ўз хиссасини қўшган ҳолда амалга ошириши лозим.

Бугунги кунда оилавий экологик тарбияга етарлича эътибор берилмаяпти. Оланинг экологик тарбияси билан биринчи галда ота-она, бобо-буви, фақат кейингина педагоглар, маҳалла фаоллари шуғулланиши лозим. Зеро, экологик маданият жамият ва табиатнинг ўзаро муносабатлари уйғунлигининг ҳал қилувчи омилдир.

Аҳоли, хусусан ёшларда экологик онг, экологик маданиятни шакллантириш узоқ ва мураккаб жараёндир. Унинг асосий шартлари катталар томонидан экологик хавфнинг мавжудлигини тушуниш, барчада табиатга зарар етказмайдиган экологик кўникмаларни

⁸⁵ http://librebook.ru/the_little_prince

⁸⁶ http://librebook.ru/the_little_prince

⁸⁷ Афоризми. Иоганн Вольфганг фон Гёте. <http://www.orator.ru/goethe.html>

шакллантиришдан иборат. Экологик жиҳатдан онгли равишдаги фаолиятнинг амалий кўникмаларини шакллантиришнинг асосий шартларидан бири катталар, ота-она, педагоглар томонидан намуна бўладиган хатти-ҳаракатларнинг амалга оширилишидир. Агарда боғча тарбияланувчиси катталар ўсимлик ва ҳайвонларга ғамхўрлик қилаётганини кўрса, табиат кўйнида ўзларини тута билишларини, яъни ўт-ўланларни юлмасдан, сувни ва атрофни ифлослантирмасдан, қолган чиқиндиларни йиғиштириб ўзлари билан олиб кетаётганини кўришса, албатта уларнинг хатти-ҳаракатлари ҳам шунга монанд ўзгаради. Ёшлигиданоқ табиатга озор етказмайдиган, барча тирик жонзотга меҳрибон, тежамкор инсон бўлиб вояга етадилар. Шу сабабли экологик таълим ва тарбия зўравонликсиз, мажбурламаган ҳолда олиб борилиши, энг асосий болалар ўз хатти-ҳаракатлари натижа ва оқибатларини тушинишлари лозим⁸⁸.

Бошланғич синф ўқувчиларининг экологик онги–бу интеграциялашган умуммаданий кўрсаткич бўлиб, юқори сифатли таълим-тарбиянинг қуйидаги йўналишлар бўйича натижасидир:

- умуммаданий – экологик мадания умуммаданиятнинг таркибий қисми сифатида;
- ўқув-когнитив – экологик билимларни атроф-муҳитдан ва экологик лойиҳаларни амалга ошириш орқали олиш, экологик тадқиқот усулларини билиш;
- ахборий –экологик ҳолатларда қарор қабул қилиш учун ахборотни саралаш.⁸⁹

Мактабдаги экологик таълимдан ташқари болалар қизиқ маълумотларни мактабдан ташқари таълимда ҳам олишлари мумкин – тугаракларда, табиат кўйнига ташкиллаштирилган сайрларда, ишлаб чиқариш, илмий лабораторияларга уюштирилган экскурсияларда⁹⁰.

Экологик муаммоларни фақатгина мутахассис–экологларнинг саъй-ҳаракатлари билан ҳал қилиш мумкин эмас. Аҳолининг экологик маданиятни ошириш учун қуйидагилар зарур:

- камёб бўлиш ёки бўлмаслигидан қатъий назар ҳар қандай табиий ресурсларни тежашни ўрганиш;
- ўз фаолияти оқибатларини олдиндан кўра билиш;
- энергетик ва моддий сарфни камайтирадиган технологияларни ҳаётга татбиқ этиш;
- чиқиндиларни утилизацияси учун ҳам ҳақ тўлашга ўрганиш;
- табиий ресурслардан оқилона фойдаланмаслик учун шахсий масъулиятни ҳис қилиш⁹¹.

⁸⁸ Беляева О.А. О формировании экологической культуры у молодого поколения в системе образования. <http://izron.ru/articles/pedagogika-i-psikhologiya>

⁸⁹ Там же.

⁹⁰ Махкамов Б. А. Экологическое образование учащихся в процессе трудового обучения // Молодой ученый. — 2012. — №1. Т.2. — С. 97.

⁹¹ Беляева О.А. О формировании экологической культуры у молодого поколения в системе образования. <http://izron.ru/articles/pedagogika-i-psikhologiya>



Н.Қосимованинг шахсий архивидан олинган сурат

Экологик таълим инсонларга уларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини тушунтириб, жамиятнинг ва табиатнинг узоқ муддатли манфаатларини ҳимоя қилиш учун ҳаракат қилишга ўргатади. Иқтисодий сабабларга кўра экологик хавфсизлик устивор мақсад бўла олмайди.

Экологик таълим нафақат таълим муассасаларида, балки оммавий ахборот воситалари томонидан ҳам амалга оширилади. Масалан, Экология ва атропо-муҳит муҳофазаси давлат қумитаси ҳамда “Экологик нашриёт компанияси “Чинор” томонидан экологик мавзуда бир қатор ахборот ресурслари чоп этилди. Улар биринчи галда манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда таълим муассасаларига тарқатилади. 2013 йилда Ўзбекистоннинг энг йирик қўриқхоналаридан бири янги ахборий фотоальбом “Ҳисор давлат қўриқхонаси” чоп этилди.⁹²

БМТТД, Глобал экологик жамғарма ва Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг “2011-2020 йилларда биохилма-хилликни тўғрисидаги Конвенциянинг биохилма-хиллик соҳасида Ўзбекистонда Стратегик режасини амалга ошириш бўйича Миллий режалаштириш” лойиҳаси доирасида биохилма-хиллик масалалари бўйича учта инфографик плакат ишлаб чиқилди ҳамда бир қатор ишлар амалга оширилди. Рус ва ўзбек тилларида Биохилма-хиллик тўғрисидаги БМТ Конвенциясининг глобал мақсадлари ва экотизимлар хизмати тўғрисида ҳикоя қилиб берувчи брошюралар чоп этилди⁹³.

Назорат учун саволлар:

1. “Экологик маданият” деганда нимани тушунасан?
2. Ёшларнинг онгида экологик онгни шакллантириш учун қандай йўналишлар мавжуд?
3. Экологик тарбиянинг моҳиятини тушунтириб беринг.

⁹² Узбекская модель образования – залог достижения целей устойчивого развития.
<http://www.uzbekistan.de/ru/nachrichten/nachrichten>

⁹³ <https://www.mkurca.org/blog/2014/01/06/obrazovanie-v-tselyah-ustojchivogo-razv/>

3-БОБ. БАҲҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШИШ

3.1. Ҳамма жойда камбағалликнинг барча шаклларига барҳам бериш

Режа:

1. Сайёрамизда очарчилик ва камбағалликка барҳам бериш муаммоси
2. Барқарор ривожланишнинг биринчи мақсадининг мазмуни
3. Барқарор ривожланишнинг биринчи мақсадини Ўзбекистонда амалга ошириш.

Асосий тушунчалар: камбағаллик, ижтимоий тенгсизлик, миграция, экологик муаммолар, гендер тенглиги, Ўзбекистоннинг иқтисодий сиёсати.

Мавзу бўйича тавсия этиладиган адабиётлар:

4. *Цели в области устойчивого развития и их влияние на развитие сельского хозяйства и сельских районов в регионе Европы и Центральной Азии* . <http://www.fao.org/3/a-mp172r.pdf>. май 2016.
5. *Об Узбекистане*. <http://www.uz.undp.org/content/uzbekistan/ru/home/countryinfo.html>
6. *Женщины Узбекистана играют все большую роль в политике*. <http://uzbekistan.lv/zhenshhiny-uzbekistana-igrayut-vse-bolshuyu-rol-v-politike>

Бугунги кунда дунёда очарчилик ва камбағалликка барҳам бериш ҳамда барқарор ривожланишни таъминлаш муаммолари марказий ўринда турибди. Сони ўсиб бораётган аҳоли учун мос, тўйимли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотларидан фойдалана олишни таъминлаш деярли барча халқлар тўқнаш келаётган энг мураккаб муаммолардан бири ҳисобланади.

Далил. Бугунги кунда дунёдаги ривожланган мамлакатларида 30 миллиондан ортиқ болалар ночорликда кун кечирмоқда⁹⁴

Камбағаллик даражаси турли минтақаларда турличалиги билан ажралиб туради. Агар Европанинг аксарият мамлакатларида мутлақ ночорлик даражаси нисбатан паст бўлса, Шарқий Европа ва Марказий Осиёнинг айрим давлатларида камбағаллар сони ҳозирча юқориликда қолмоқда. 700 миллиондан ортиқ одам хануз ўта ночор аҳволда кун кечирмоқда ва энг оддий, масалан, соғлиқни сақлаш, таълим олиш, сув манбаларидан фойдаланиш ва санитария эҳтиёжларини қондиришда муаммоларга дуч келмоқда.

⁹⁴ http://www.un.org/ru/development/devagenda/pdf/Russian_Why_it_matters_Goal_1_Poverty.pdf



Фотосурат ru.nhandan.com сайтидан олинди

Жанубий Осиё ва Африканинг Сахрои Кабирдан жанубдаги давлатларида истиқомат қилувчи аксарият аҳоли кунига 1,90 АҚШ долларидан кам пул топади. Улар бутун дунёдаги ўта ночор аҳволда кун кечираётган аҳолининг тахминан 70 фоизини ташкил қилади. Масалан, Ҳиндистон, Индонезия, Хитой ва Нигерияда ўртачадан кам маблағ топадиган аҳоли сони ўта ночор аҳволда яшаётган одамларнинг тахминан ярмини ташкил қилади⁹⁵. Низолар, терроризм, миграция инқирози кабилар ҳам ночорликни келтириб чиқаради. Ночорлик ва камбағаллик қуйидаги гуруҳларга бирлашган турли туман ва ўзаро боғлиқ сабабларнинг натижаси ҳисобланади⁹⁶:

- ✓ иқтисодий (ишсизлик, ижтимоий тенгсизлик, шу жумладан, ойлик маошнинг, ишлаб чиқариш самарадорлигининг пастлиги, соҳанинг рақобатбардош эмаслиги);
- ✓ ижтимоий-тиббий (ногиронлик, кексалик, касалликлар даражасининг юқорилиги);
- ✓ демографик (тўлиқ бўлмаган оилалар, оилада боқимандаларнинг кўплиги, аҳоли сонининг ортиб бориши);
- ✓ таълимий-малакавий (таълим даражасининг пастлиги, етарлича касбий тайёргарликнинг йўқлиги);
- ✓ сиёсий (ҳарбий низолар, мажбурий кўчишлар);
- ✓ худудий-географик (худудларнинг нотекич ривожланганлиги);
- ✓ диний-фалсафий ва психологик (аскет турмуш тарзи сифатида, телбаллик).

“Оксфам” халқаро инсонпарварлик ташкилоти экспертларининг фикрича, 2010 йилдан бошлаб дунёдан камбағаллик ва ижтимоий тенгсизлик қуйидаги сабабларга кўра ортиб бормоқда:

- бадавдат кишиларнинг солиқларни тўлашдан бўйин товлаши;
- ишчиларнинг иш ҳақларининг қисқариши;
- меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам ва энг кўп миқдорлари ўртасидаги фарқнинг ортиши.

Камбағал аҳолининг аксарият қисми қишлоқ жойларда истиқомат қилишини эътиборга оладиган бўлсак, қишлоқ туманларида аҳоли бандлигини таъминламай мақсадга эришиб бўлмаслиги ойдинлашади. Бу эса, ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида меҳнат самарадорлиги ва даромадларни оширишни, шунингдек қишлоқ жойларда аҳоли бандлигини сезиларли даражада кенгайтиришни талаб қилади. Кавказ, Марказий Осиё, Болқон ва Шарқий Европанинг аксарият мамлакатларида қишлоқ хўжалиги аҳоли бандлигининг асосий манбаларидан бири ҳисобланади. Грузия ва

⁹⁵ http://www.un.org/ru/development/devagenda/pdf/Russian_Why_it_matters_Goal_1_Poverty.pdf

⁹⁶ <https://ru.wikipedia.org/wiki>

Тожикистонда ишли аҳолининг катта қисми айнан қишлоқ хўжалигида банд. Албания, Арманистон, Озарбайжон ва Ўзбекистонда иш билан банд аҳолининг учдан бир қисмидан кўпроғи қишлоқ хўжалиги тармоқларида меҳнат қилади. Бу каби мамлакатларда тўлиқ бандликни, муносиб меҳнат шароитларини ва маош борасида тенгликни таъминлашда кўп нарса қишлоқ хўжалигининг ўзининг бандлик борасидаги имкониятларини кенгайтириб, банд бўлган ишчи-хизматчиларнинг меҳнат шароитларини яхшилаб бораётган соҳа сифатидаги ривожланишига боғлиқ бўлади⁹⁷.

Мустақилликнинг илк давридан бошлаб Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар ўйланган ҳолда, босқичма босқич амалга оширилмоқда. Иқтисодий сиёсат, асосан, озиқ-овқат маҳсулотлари ва энергия манбалари соҳасида ўзини ўзи таъминлашга, импорт ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва валюта захирасини тўплашга қаратилган давлатнинг фаол аралашуви асосланади. 2011 йилда Жаҳон банки Ўзбекистонни даромадлар кўрсаткичи паст давлатлар тоифасидан чиқариб, ўртача даромадли давлатлар рўйхатининг қуйи поғонасига киритгани ҳам республикада камбағаллик муаммоси босқичма босқич ҳал этилаётганини кўрсатади.

Бугунги кунда Ўзбекистон аҳолисининг салкам 16 фоиз аҳолиси ночорликда кун кечираётган бўлса, уларнинг 75 фоизи қишлоқ жойларга тўғри келади⁹⁸. Мамлакат олдида турган мураккаб муаммолардан бири ишга жойлаштириш имкониятининг етарли эмаслиги билан боғлиқ бўлиб, қишлоқ ва шаҳар туманлари орасидаги фарқ катталигича қолмоқда. Ишсизлик даражасининг юқорилиги, ойлик маошларнинг пастлиги аҳолининг оммавий равишда Россия, Қозоғистон, Туркия ва Жинубий Кореяга меҳнат миграциясига олиб келмоқда.



Сурат Nuz.uz сайтидан олинди

Ўзбекистон бир қатор экологик муаммоларга ҳам дуч келган бўлиб, улар мамлакатнинг географияси ва иқлимидан, аҳолиси сони тез суръатларда ошиб бораётганидан ҳамда унинг шусиз ҳам нозик экотизимига зарар етказаётган иқтисодий фаолиятдан келиб чиқиб янада чуқурлашиб бораётир. Орол денгизи фожиаси оқибатида юзага келган ижтимоий-иқтисодий ва экологик муаммолар ҳамда унинг маҳаллий аҳоли соғлиғи ва турмуш тарзига салбий таъсири негизда аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш янада долзарблик касб этади. Сўнгги ўн йилликда Ўзбекистон кам таъминланганликни камайтириш ҳамда тўлақонли овқатланмаслик муаммосини ҳал этиш борасида сезиларли ютуқларга эришди. Расмий статистика маълумотларига кўра, мамлакатдаги кам таъминланганлик даражаси 2001 йилда 28 фоизни ташкил этган бўлса,

⁹⁷ Цели в области устойчивого развития и их влияние на развитие сельского хозяйства и сельских районов в регионе Европы и Центральной Азии . <http://www.fao.org/3/a-mp172r.pdf>. май 2016.

⁹⁸ Об Узбекистане. <http://www.uz.undp.org/content/uzbekistan/ru/home/countryinfo.html>

2016 йилда бу кўрсаткич 15 фоизга тушди. Ижтимоий барқарорликка даромадларни имкон қадар адолатли тақсимлаш, асосан қишлоқ туманларида иш ўринларини яратишга, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига эътибор қаратиш ҳисобига эришилмоқда.

Назорат саволлари:

1. Бугунги кунда дунёда қанча одам ўта ночор аҳволда кун кечирмоқда?
2. Барқарор ривожланишнинг биринчи мақсадининг мазмуни нимадан иборат?
3. Ўзбекистон экологик сиёсатининг қандай принципларини биласиз?

3.2. Очарчиликка барҳам бериш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, овқатланишни яхшилаш ва қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишига кўмак бериш

Режа:

1. Демографик инқироз
2. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича халқаро ташаббуслар
3. Барқарор ривожланишнинг иккинчи мақсадининг мазмуни
4. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, овқатланишни яхшилаш ва қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш борасида Ўзбекистоннинг сиёсати

Асосий тушунчалар: демографик инқироз, озиқ-овқат хавфсизлиги, овқатланишни яхшилаш, соғлом турмуш тарзи

Мавзу бўйича тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Доклад по Целям развития тысячелетия Узбекистан 2015/под общ. ред. Г. Саидовой. - Ташкент: Центр экономических исследований, 2015.
2. Касимов М. Продовольственная безопасность: достаток в стране, поставка на экспорт. <http://www.narodnoeslovo.uz/index.php/homepage/zhamiyat/item/7131>
3. Инвестиции в здоровье женщин и детей — это разумно. <http://www.un.org/ru/sg/strategy/investing.shtml>
4. Туракулов О. Национальная модель охраны здоровья матери и ребенка в Узбекистане. <http://uza.uz/ru/society/natsionalnaya>

Бугунги кунда Она сайёрамиз инсониятнинг кундан кунга ортиб бораётган эҳтиёжларини қондира олмай қолапти. Демографик инқороз, аҳоли сонининг ортиб кетиши янги муаммо – очарчиликни келтириб чиқарди. Озиқ-овқат соҳасида кимёвий бирикмаларнинг кенг қўлланилиши эса озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласини кун тартибига олиб чиқди.

Далил.

Аҳоли сонининг ортиши даражаси энг муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади:

- 1 млн. йил аввал Ер юзи аҳолиси тахминан 125000 кишини ташкил қилган,
- 300000 йил олдин — 1 млн. киши,
- 1800 йилга келиб — 1 млрд. киши,
- 1930 йилда — 2 млрд. киши,
- 1960 йилга келиб — 3 млрд. киши,
- 1999 йилда — 6 млрд. киши,
- 2011 йилга келиб — 7 млрд. киши

• 2014 йил бошида сайёрамиз аҳолиси сони 7,2 млрд. кишига етди⁹⁹.

Аслида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжаликлари барчани тўлақонли озиқ-овқат билан таъминлаши мумкин. Аммо бугунги кунда ер-мулклар, ичимлик суви захиралари, океанлар, ўрмонлар, яъни биологик хилма-хиллик тез суръатлар билан камайиб ва таназзулга юз тутиб бормоқда. Иқлим ўзгариши бизнинг ҳаётимиз боғлиқ бўлган ресурсларга жуда кучли таъсир ўтказмоқда. Агар бугунги кунда оч-наҳор кун кечираётган 925 миллион, ҳамда 2050 йилга бориб қўшиладиган 2 миллиард одамни боқиш ниятида бўлсак, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг глобал тизимига кескин ўзгартиришлар киритишимиз зарур¹⁰⁰.



Фотосурат <http://venturesafrica.com> сайтидан олинди

Бугунга келиб овқатланиш масаласи халқаро ҳамжамият эътиборини тортди ва ривожланиш бўйича аксарият ҳамкорларнинг кун тартибида муҳим ўрин тутмоқда. Кўплаб манфаатдор томонлар иштирокида илгари сурилган бир қатор халқаро ташаббуслар ва зиммасига мажбуриятлар олишлар ҳозирча мавжуд муаммога ечим бўла олмаяпти. Улар орасидан озиқ-овқат сифатини яхшилаш бўйича Бутунжаҳон ҳаракати (2009 йил), ўсиш мақсадларида глобал озиқ-овқат бўйича Битим (2013 йил), БМТ Бош Котибининг “Нолли очарчилик” Дастури (2012 йил), Озиқ-овқат масалалари бўйича Иккинчи халқаро конференция (ОХК-2) кабиларни айтиб ўтиш мумкин. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) ва Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (БССТ) ҳамкорлигида 2014 йил Рим шаҳрида ўтказилган ОХК-2 да салкам 170 та иштирокчи-давлатлар қатнашишди ва тўлақонли оқватланмаслик келтириб чиқараётган кўплаб муаммоларга ечим топишга уриниб кўришди. Конференцияда иккита якуний ҳужжат имзоланди, булар: мавжуд муаммолар ва уларни кейинги ўн йилликда бартараф этиш юзасидан мажбуриятлар акс этган Озиқ-овқат масалалари бўйича Рим декларацияси, ҳамда уни тўлдирувчи 60 та тавсияни ўз ичига олган Ҳаракатлар дастури. Иштирокчи-давлатлар ана шу тавсиялардан озиқ-овқат

⁹⁹ <https://ru.wikipedia.org/wiki>

¹⁰⁰ <http://www.un.org/sustainabledevelopment/ru/issues/people/hunger/>

масалалари бўйича миллий стратегияларни ишлаб чиқишда фойдаланиш учун танлаб олишлари мумкин¹⁰¹.

ОХК-2 асосий эътиборни барча мамлакатларнинг озиқ-овқат дастурлари мураккаблик касб этган ҳолда тез ўзгариб бораётганига қаратади. Саноатлаштириш, глобаллашув ва тижоратлашув йўналишларидаги сўнгги тенденциялар қандай озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётганига, уларнинг қайта ишланиш даражасига ва истеъмол қилиш моделларига жиддий таъсир кўрсатмоқда¹⁰².

Сўнгги йилларда халқаро ҳамжамиятнинг озиқ-овқат билан боғлиқ сегменти томонидан ушбу асослар баралла айтилмоқда. Кўп жиҳатдан бу ҳол истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришнинг бугунги моделларининг барқарорлиги ва таъсири билан боғлиқ ташвишларнинг ортаётганини акс эттиради. Гарчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва чакана савдо орқали сотиш соҳаларидаги тижоратлашув ва ихтисослашув бутун озиқ-овқат тизимида ишлаб чиқариш суръатлари ошишини, ҳамда дунёдаги аксарият истеъмолчилар учун озиқ-овқат маҳсулотларининг кенг турларини йил давомида етказиб беришни ва иқтисодий жиҳатдан ҳамёнбоплигини оширган бўлсада (ФАО, 2013:V), шу билан бирга, ҳамма жойда тўйиб овқатланмасликнинг “икки томонлама” ва хатто “уч томонлама” юки ҳам ортиб бормоқда. Бугунги кунда дунёдаги аксарият мамлакатлар аҳолиси бўй ўсмай қолишидан, камқонликдан ҳамда ортиқча вазндан азият чекмоқда¹⁰³.

Озиқ-овқат моделлари тизимларининг ўзгариб бориши билан боғлиқ бўлган салбий экологик оқибатлар ўз ичига, жумладан, тупроқ бузилиши, сув ресурсларидан самарасиз фойдаланиш, пестицид ва ўғитларни керагидан ортиқ қўллаш кабиларни олади. Улар нафақат яққол намоён бўладиган агроэкологик таъсирлари боис, балки озиқ-овқат хавфсизлиги ва камбағаллик соҳасида келгусида овқатланиш ва соғлиқ билан боғлиқ салбий таъсирларнинг эҳтимолининг ортиши билан ҳам боғлиқдир.

Шундай қилиб, глобал, миллий ва маҳаллий озиқ-овқат тизимларининг сифати кўпроқ озиқ-овқат хавфсизлиги ва овқатланиш соҳасида якуний натижаларни таъминлашда қишлоқ хўжалигининг муҳим ролини акс этиши тарзида қаралмоқда.

Барқарор ривожланишнинг иккинчи мақсади (БРМ) – очарчиликка барҳам бериш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, овқатланишни яхшилаш, ҳамда қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишига кўмаклашиш – мазкур муҳим таркибий қисмлар ўртасидаги боғлиқликни кўрсатиб берувчи яққол мисолдир¹⁰⁴. Бундан ташқари, ушбу ўрганилмаган макон замонавий озиқ-овқат тизимлари олдида турган бир қатор вазифаларни ҳал этишда беқиёс имкониятларни очиб беради. Улар ўз ичига озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи майда тадбиркорларни қўллаб-қувватлашни, экологик барқарорликни орттиришни, ишлаб чиқариш амалиётида мослашувчанликни оширишни, ҳамда ишлаб чиқаришда чиқиндилар ва йўқотишларни камайтиришни олади.

Бизнинг мамлакатимизда қисқа муддат ичида қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланиши учун муҳим асосий шароитлар яратилди. У амалда аҳолини деярли барча турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари, саноатни эса қишлоқ хўжалиги хом ашёси билан тўлик

¹⁰¹ <http://www.un.org/sustainabledevelopment/ru/issues/people/hunger/>

¹⁰² Food and Agriculture Organization of the United Nations (ФАО), and Food and Nutrition Technical Assistance (2014). Introducing the Minimum Dietary Diversity—Women (MDD-W): Global Dietary Diversity Indicator for Women, July 15–16, 2014. Washington, D.C. <http://www.fantaproject.org/sites/default/files/resources/Introduce-MDD-W-indicator-brief-Sep2014.pdf>.

¹⁰³ Продовольственная и сельскохозяйственная организация Объединенных Наций (ФАО), и Всемирная организация здравоохранения (ВОЗ) (2014). Римская декларация по вопросам питания. Вторая Международная конференция по вопросам питания, Рим, Италия, 19-21 ноября 2014 года. Рим. <http://www.fao.org/3/a-ml542r.pdf>.

¹⁰⁴ Global Panel on Agriculture and Food Systems for Nutrition (Всемирная группа экспертов по сельскому хозяйству и продовольственным системам) (2014). How Can Agriculture and Food System Policies Improve Nutrition? Technical Brief, November 2014. London, UK. <http://www.glopan.org/sites/default/files/Global%20Panel%20Technical%20Brief%20Final.pdf>

таъминламоқда. Бундан ташқари, мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги экспортга маҳсулот етказиб бериш борасида ҳам етакчи соҳалардан бири ҳисобланади.

Ислохотларнинг дастлабки босқичида 1159 та колхоз (жамоавий мулк шакли) ва 1144 та совхоз (давлат мулки шакли) 1888 та ширкатга (кооператив мулкчилик шакли) айлантирилди. Шу билан бир вақтда, зарар кўриб фаолият олиб бораётган ва рентабеллиги паст бўлган ширкат хўжаликлари негизда фермер хўжаликлари ташкил этила бошланди. 2007 йил бошига келиб, ширкат хўжаликлари амалда ўз вазифасини бажариб бўлди (қоракўлчилик ширкат хўжаликларидан ташқари), ҳамда шу даврдан эътиборан мамлакатимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий етиштирувчиси фермер ва деҳқон хўжаликлари бўлиб қолди¹⁰⁵.

Қишлоқ хўжалик корхоналарини қайта ташкил этиш жараёнида қишлоқ мулкдорлари синфи шаклланди. Бундан ташқари, собиқ иттифоқ даврида озиқ-лвқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжининг 80 фоизи импорт ҳисобига қопланган республикаимизда дон мустақиллигига эришилди. Ўзбекистон жуда қисқа муддат ичида ғалла ва дон маҳсулотлари экспорт қилувчи давлатлар қаторидан ўрин олди. Агар 1990 йилда деҳқонларимиз атиги бир миллион тоннадан салгина зиёд ғалла етиштирган бўлишса, 2000 йилда улар 4,1 миллион тонналик хирмон уйишди, 2016 йилда эса бу кўрсаткич 7 миллион 300 минг тоннадан ошди. Бу билан аграр секторда, шу жумладан, ғаллачиликда олиб борилаётган ислохотларнинг самарадорлиги амалда исботланди.¹⁰⁶



Фотосурат <http://uza.uz> сайтидан олинди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2008 йил 20 ноябрдаги фармони билан пахта майдонларини қисқартириш ва шунинг ҳисобига бошоқли дон экинлари етиштириладиган майдонларни 50 минг гектарга, шунингдек сабзавот, ёғ олинадиган ва бошқа озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни сезиларли даражада кенгайтириш белгилаб қўйилган эди¹⁰⁷.

¹⁰⁵ Достижение продовольственной безопасности в Узбекистане.

http://agro.uz/ru/news/agro/dostizhenie_prodovolstvennoy_bezopasnosti_v_uzbekistane

¹⁰⁶ Касимов М.Продовольственная безопасность: достаток в стране, поставка на экспорт.

<http://www.narodnoeslovo.uz/index.php/homepage/zhamiyat/item/7131>

¹⁰⁷ Достижение продовольственной безопасности в Узбекистане.

http://agro.uz/ru/news/agro/dostizhenie_prodovolstvennoy_bezopasnosti_v_uzbekistane

Демографик вазият юқори даражада бўлган, ер-сув ресурслари етишмовчилиги кузатилаётган бир шароитда ҳосилдор ерларнинг ана шу тарзда қайта тақсимланиши картошка ва сабзавотлар етиштириш ҳажмини ошириш, бошоқли ва дуккакли экинлар, полиз-сабзавот маҳсулотлари, мевалар ва узум турлари ва ассортиментини сезиларли кенгайтириш имконини берди.

Бундан ташқари, илгари мамлакатда етиштирилмаган ёғ олинадиган экинлар, жумладан кунгабоқар, махсар, соя, қанд лавлаги экиладиган майдонлар ҳам кенгайди. Айнан мана шу экинлар ҳосилини қайта ишлаш учун саноат корхоналари тармоғи яратилди.

Мустақиллик йилларида картошканинг ялпи ҳосили 6,7 марта, сабзавотлар – 2,9 марта, мевалар – 3,4 марта, узум – 1,8 марта, полиз маҳсулотлари – 1,6 мартага ортди. Мамлакат раҳбариятининг узоқни кўзлаб олиб борган сиёсати натижасида бошоқли дон экинлари импортига барҳам берилди. Қолаверса, 2001 йилга келиб Ўзбекистон ғалла экспортчилари қаторидан жой олди¹⁰⁸.

Ўзбекистонда нафақат аҳолининг муҳим истеъмол маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи тўлиқ қондирилмоқда, балки улар хорижга экспорт ҳам қилинмоқда. Айни пайтда мамлакатимизда аҳоли жон бошига салкам 300 килограмм сабзавотлар, 75 килограмм картошка, 44 килограмм узум тўғри келадики, бу истеъмол меъёрларидан уч марта кўпроқдир. Бугун Ўзбекистон дунёнинг 80 мамлакатига 180 турдаги янги узилган ва қайта ишланган мева-сабзавотларни экспорт қилмоқда¹⁰⁹. Натижада, аграр соҳадаги бошқа ислохотлар ва ўзгаришлар билан бирга, ғалла мустақиллиги аҳолини жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, озиқ-овқат инқирози ва бошқа ташқи омилларнинг салбий таъсиридан муҳофаза қилиш имконини берадиган иқтисодий хавфсизликни таъминлади ва ўзига хос “хавфсизлик ёстиғи”ни юзага келтирди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлигини ошириш мақсадида фермерларнинг агрофирмалар шаклидаги ихтиёрий бирлашмалари ташкил этилган бўлиб, улар фермер ва деҳқон хўжаликларида етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларини сотиб олишади ва уларни ички ва ташқи бозорда сотишга ҳамда қайта ишлашга кўмаклашишади. Агрофирмаларнинг каттагина қисми етиштирилган ҳосилни бошқа мамлакатларга экспорт қилишмоқда. Шундай йўл билан Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлиги нафақат хўжаликлараро ва агросаноат кооперацияси ҳисобига таъминланмоқда, балки Марказий Осиё озиқ-овқат бозорига ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Озиқ-овқат маҳсулотлари захираси нафақат тегишли экинлар экиладиган майдонларни кенгайтириш ҳисобига, балки жаҳондаги илғор тажрибаларни, замонавий интенсив агросаноат технологияларини жорий этиш, экинларнинг истиқборли навларини яратиш ва уларни етиштириш ҳисобига ҳам шакллантирилмоқда. Масалан, академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик имлий-тадқиқот институти олимлари ва мутахассислари томонидан мева ва узумнинг 28 та серҳосил нави яратилди ва улар Давлат реестрига киритди. Бундан ташқари, олма, нок, шафтоли, ўрик, гилос, бодом, ёнғоқ, қорағат ва қулупнайнинг 36 та янги нави яратилди. Улар кенг кўламда экиш ва районлаштириш учун Давлат реестрига киритишга тавсия этилган. Сабзавот-полиз экинлари ва картошқачилик илмий-тадқиқот институти селекционер олимлари томонидан савзавотларнинг серҳосил, турли муддатларда пишадиган, касалликларга чидамли 41 нави, полиз экинларининг 5 та, картошканинг эса 6 та нави яратилди¹¹⁰.

Сўнгги йилларда бутун дунёда иқлим ўзгариши оқибатида жиддий экологик омиллар рўй бермоқда. Бу ҳол ҳам селекционерлар олдида янги талабларни қўймоқда. Ҳаётнинг ўзи сув тақчиллиги шароитига, қурғоқчил ҳудудларга мослашганлиги, турли

¹⁰⁸ Касимов М.Продовольственная безопасность: достаток в стране, поставка на экспорт.

<http://www.narodnoeslovo.uz/index.php/homepage/zhamiyat/item/7131>

¹⁰⁹ Ўша ерда

¹¹⁰ Ўша ерда.

зараркунандалар ва касалликларга бардошлилиги илмий жиҳатдан асосланган ва тажрибага синалган серҳосил навларни кўпайтиришни талаб қилмоқда. Шу мақсадда ўтган йили академик М. Мирзаев номидаги ИТИДа Марказий Осиёда ягона бўлган “Инвитро” лабораторияси ташкил қилинди, натижада бу ерда вируслардан ҳоли шароитда мева кўчатлари ва ток қаламчаларини ўстириш имконияти пайдо бўлди¹¹¹.

Маълумки, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондирувчи яна бир соҳа чорвачилик ҳисобланади. Жами ишлаб чиқариладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 42,2 фоизи айнан ушбу тармоқ ҳиссасига тўғри келади. Эркин бозор механизмлари шакллантирилганлиги ва бир қатор имтиёзлар берилганлиги натижасида чорва моллари бош сони доимий равишда ортиб бормоқда, гўшт ва сут маҳсулотлари етиштириш ҳажмлари кўпаймоқда. Қуйидаги рақамлар фикримизга исбот бўла олади. Жумладан, 2015 йил яқунларига кўра, қорамоллар бош сони 1991 йилга нисбатан 2,4 марта ортди, хусусан сигирлар бош сони 2 марта, парранда бош сони эса 1,8 марта кўпайди¹¹². Бундай аграр сиёсат бутунжаҳон иқтисодий инқирозининг мамлакат аҳолиси турмуш даражасига салбий таъсирини пасайтириш имконини ҳам бермоқда.

Назорат саволлари:

1. Барқарор ривожланишнинг иккинчи мақсади нимани назарда тутлади?
2. Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини таъминлашнинг қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базаси қандай шаклланган?
3. Ўзбекистон аграр сиёсатининг мазмуни ҳақида сўзлаб беринг.

3.3. Барча учун ҳар қандай ёшда соғлом турмуш тарзини таъминлаш ва фаровонликка қўмаклашиш

Режа:

1. Жаҳонда ва Ўзбекистонда соғлом турмуш тарзини таъминлаш
2. Таълим даражаси индекси
3. Барқарор ривожланишнинг шахсни шакллантиришга йўналтирилган ғоя ва принциплари

Асосий тушунчалар: соғлом турмуш тарзи, таълим даражаси индекси, Барқарор ривожланиш принциплари, “Соғлом она – соғлом бола” Концепцияси

Мавзу бўйича тавсия этиладиган адабиётлар:

1. ЮНЕСКО и Цели устойчивого развития. ru.unesco.org/sdgs
2. Касимов М. Продовольственная безопасность: достаток в стране, поставка на экспорт. <http://www.narodnoeslovo.uz/index.php/homepage/zhamiyat/item/7131>
3. Туракулов О. Национальная модель охраны здоровья матери и ребенка в Узбекистане. <http://uza.uz/ru/society/natsionalnaya>

Соғлом турмуш тарзи – инсоннинг касалликлар профилактикаси ва соғлиғини мустаҳкамлашга қаратилган турмуш тарзидир. Фалсафий-социологик йўналиш тарафдорлари соғлом турмуш тарзини глобал ижтимоий муаммо, бутун жамият ҳаётининг таркибий қисми сифатида қарашади. Аммо “соғлом турмуш тарзи” тушунчасига аниқ ва яқдил таъриф ҳалигача берилмаган. Мутахассисларнинг фикрича, инсонларнинг соғлиғи

¹¹¹ Касимов М. Продовольственная безопасность: достаток в стране, поставка на экспорт. <http://www.narodnoeslovo.uz/index.php/homepage/zhamiyat/item/7131>.

¹¹² Ўша ерда

айнвн 50-55 фоизга турмуш тарзига, 20 фоиз атроф мухитга, 18-20 фоиз наслга, фақатгина 8-10 фоиз соғлиқни сақлаш тизимига боғлиқ бўлар экан¹¹³.

Жамият ҳаётининг мураккаблашиб бораётгани, техноген, экологик, психологик, сиёсий ва ҳарбий тусдаги, соғлиқнинг ҳолатида салбий ўзгаришларни келтириб чиқарувчи хатарларнинг кўпайиши натижасида инсон организмга бўладиган босимнинг ортиши ва ўзгариб бораётгани соғлом турмуш тарзининг долзарблигини янада оширади. Натижада завонавий жамиятда соғлом турмуш тарзини кечиришга бўлган қизиқиш ортиб бормоқда.



Фотосурат <http://www.un.org> сайтидан олинди

Барча учун ҳар қандай ёшда ҳам соғлом турмуш тарзини таъминлаш ва фаровонликка кўмаклашиш барқарор жамиятни яратишда муҳим ўрин тутади. Аммо сўнгги йилларда инсонлар саломатлигини ва фаровонлигини таъминлашда эришилган ютуқларга қарамай, соғлиқни сақлаш тизимидан фойдаланишда тенгсизлик сақланиб турибди. Ҳар йили дунё бўйича 6 миллиондан ортиқ бола беш ёшга тўлмасдан вафот этади, ривожланаётган мамлакатларда яшовчи аёлларнинг фақат тенг ярмигина ўзларига зарур бўлган тиббий ёрдамни оладилар, холос. Кўрқув ва камситиш инсонларнинг соғлиқ ва самарали турмуш кечириш учун зарур бўлган хизматлардан фойдаланиш имкониятини чекламоқда. Соғлиқ ва фаровонлик инсон ҳуқуқларидан бири бўлиб, шу боис барқарор ривожланиш бўйича кун тартибида ушбу масалага алоҳида тўхталиб ўтилган ва у нафақат бойларга, балки барча инсонларга юқори стандартлардаги соғлиқни сақлаш ва тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятини яратиш борасида янги уфқларни очиб беради¹¹⁴.

БРМнинг ушбу мақсади шунингдек бутун дунёда оналар ва болалар фаровонлигини таъминлашни ҳам назарда тутади. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида Халқаро пакт(ИИМҲХП)¹¹⁵, Аёлларга нисбатан камситишларнинг ҳар қандай шакллариغا барҳам бериш тўғрисида Конвенция (АКББК)¹¹⁶ ва Бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция (БҲК)¹¹⁷ каби битимларда оналар ва болалар саломатлиги инсоннинг энг муҳим ҳуқуқлари сифатида тан олинган, чунки айнан оналар ва болалар инсоният ривожидида алоҳида ўрин тутишади. Оналар ва болалар саломатлиги соҳасига инвестициялар шунчаки зарурат эмас. У барқарор, тинч ва сермаҳсул жамият яратишга хизмат қилади. Инвестициялар ҳажмининг ортиши кўплаб ижобий натижаларга олиб келади. БМТ маълумотларига кўра,

¹¹³ <https://ru.wikipedia.org/wiki>

¹¹⁴ http://www.un.org/ru/development/devagenda/pdf/Russian_Why_it_matters_Goal_3_Health.pdf

¹¹⁵ www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/pactecon.shtml

¹¹⁶ www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/cedaw.shtml

¹¹⁷ Инвестиции в здоровье женщин и детей — это разумно. <http://www.un.org/ru/sg/strategy/investing.shtml>

у камбағалликни камайтиради. Аёллар ва болалар учун тиббий хизмат ҳақларининг камайтирилиши ёки уларни ана шундай тўловлардан озод қилиш шу каби хизматлардан фойдаланиш кўламини кенгайтириш, кам таъминланган оилаларнинг ортиб қолган маблағларини озик-овқат, турмуш шароитини яхшилаш, таълим ва кўшимча даромад олиб келувчи соҳаларга сарфлашларига имкон беради. Соғлом аёллар самаралироқ меҳнат қилишади ва ўз ҳаётлари давомида кўпроқ маблағ ишлаб топишлари мумкин. Ҳомиладор аёллар ва болаларнинг етарлича овқатланмаслиги муаммосининг ҳал этилиши инсон ҳаёти давомида даромадлар умумий ҳажмининг 10 фоизга ортишини таъминлар экан. Аксинча, қониқарсиз санитария-гигиена шароитлари диарея ва юумли касалликларни келтириб чиқаради, бу эса ўз навбатида ишчанликни пасайтиради, болаларнинг мактабга боришига тўсқинлик қилади. Оналар ва болалар ўлими ўсиш суръатларини пасайтиради ва глобал миқёсда ишлаб чиқариш самарадорлигининг пасайиши оқибатида йилиги 15 миллиард АҚШ долларига тенг миқдордаги йўқотишларга сабаб бўлмоқда.

! Мақсадий кўрсаткичлар

- 2030 йилга бориб оналар ўлимининг глобал коэффицентини 100 минг нафар тирик тузилган болага 70 тагача камайтириш.
- 2030 йилга бориб жинсий ва репродуктив саломатликдан, шу жумладан оилани режалаштириш хизматларидан ҳам барчанинг бирдек фойдаланишини, репродуктив саломатлик масалаларида хабардорлик, билим даражасини оширишни миллий стратегия ва дастурларда ҳисобга олиш.

Агар бирор бир мамлакатда етарлича овқатланмаслик муаммоси ҳал этилмас экан, у ички ялпи маҳсулотнинг 2 фоизга пасайиб кетишига олиб келиши мумкин. Аксинча, болалар саломатлигига киритилган инвестициялар юқори даражадаги иқтисодий самара беради ва келгусида самарадор ишчи кучининг мавжуд бўлишига асос ҳисобланади. Асосий тиббий-санитария хизматларининг кўрсатилиши касалликлар ва ногиронликнинг олдини олиб, даволаниш учун сарфланадиган миллиардлаб долларни тежаб қолиш имконини беради. Кўпгина давлатларда оилани режалаштириш мақсадларига сарфланган ҳар бир доллар келгусида режалаштирилмаган ҳомиладорлик оқибатида келиб чиқиши мумкин бўлган касалликларни даволаш учун сарфланиши мумкин бўлган тўрт долларни тежаб қолади. Болаликда 5 АҚШ долларидан кам бўлган маблағга (аксарият ҳолларда атиги 1 АҚШ долларига) эмланган болага ногиронликсиз ва азобларсиз бир йилни яшаш имконини беради¹¹⁸. Шунингдек, бу аёллар ва болаларга ўзларининг асосий инсоний ҳуқуқларини амалга оширишларига ёрдам беради. Инсон ривожини ва ҳуқуқларининг ушбу муҳим принципи кўпгина давлатларда инсон ҳуқуқлари бўйича бир қатор халқаро ва ҳудудий битимлар билан мустаҳкамлаб қўйилган.

Мустақилликнинг илк давридан бизнинг мамлакатимизда оналик ва болалик муҳофазаси давлат ижтимоий сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгилаб олинган эди. Ўтган йиллар давомида келажакни – миллат генофондини яхшилаш, оилада тиббий маданиятни, аҳолининг турмуш ва умр кўриш даражасини оширишни ўйлаб соғлом авлод туғилиши ва камол топиши учун бир қатор чора-тадбирлар белгиланди ва босқичма босқич амалга оширилди. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда 1998 йил - Оила йили, 2000 йил - Соғлом авлод йили, 2001 йил - Она ва бола йили, 2008 йил - Ёшлар йили, 2012 йил - Оила йили, 2014 йил - Соғлом бола йили, 2016 йил - Соғлом она ва бола йили деб эълон қилинди ва шу муносабат билан тегишли давлат дастурлари қабул қилиниб, ҳаётга тадбиқ этилди. Ўзбекистон қўшилган халқаро ҳужжатларнинг энг биринчилари орасида мамлакат Парламенти томонидан 1992 йил 9 сентябрда ратификация қилинган БМТнинг

¹¹⁸ Инвестиции в здоровье женщин и детей — это разумно. <http://www.un.org/ru/sg/strategy/investing.shtml>

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияси ҳам бор. 2008 йил 8 январда “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”¹¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. 1993 йил 4 мартда таъсис этилган мамлакатнинг биринчи ордени “Соғлом авлод учун” (“За здоровое поколение”) деб номлангани ҳам соғлом авлод орзусининг ўзига хос тимсоли бўлиб қолди.

Мамлакатимизда болаларга ихтисослашган тиббий хизмат кўрсатишнинг ягона тизими яратилган бўлиб, унинг таркибига Республика ихтисослашган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази ва 13 та ҳудудий кўп тармоқли тиббиёт марказлари киради. Оналар ва янги туғилган чақалоқларга Республика ихтисослашган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказида, унинг ҳудудий филиаллари ва перинатал марказларда энг янги юқори технологиялар воситасида малакали хизмат кўрсатилмоқда. Давлат раҳбарининг ташаббуси билан қабул қилинган “Она ва бола скрининги” Давлат дастури асосида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида замонавий скрининг марказлари ташкил тилди. Бу кўплаб наслий ва туғма касалликларнинг олдини олиш ва даволаш жараёнларини янги сифат босқичига олиб чиқиш имконини бермоқда¹²⁰.

Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш мақсадида Республика репродуктив саломатлик маркази ва унинг 13 та ҳудудий бўлимлари ташкил этилган бўлиб, улар юқори малакали тиббий хизмат кўрсатиб, аҳолининг репродуктив саломатлик ва соғлом оила қуриш борасидаги хабардорлигини ошириш бўйича фаолият олиб бормоқда¹²¹.



Фотосурат <http://www.pv.uz> сайтидан олинди

Соғлиқ кўп жиҳатдан овқатланиш сифатига ҳам боғлиқ бўлади. Ўзбекистонда озиқ-овқат рационини яхшилаш аҳоли фаровонлигини ошириш бўйича миллий стратегиянинг таркибий қисми ҳисобланади. Бу йўналишда озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги ва сифатини таъминлашга қаратилган зарур қонунчилик ва меъёрий база яратилган. “Давлат санитария назорати тўғрисида”, “Аҳоли ўртасида микронутриент етишмовчилиги профилактикаси тўғрисида”, “Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаш тўғрисида”, “Йод етишмовчилиги касалликлари профилактикаси тўғрисида” қонунлар қабул қилинган¹²².

¹¹⁹ lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=1297318

¹²⁰ Национальное информационное агентство Узбекистана. <http://www.uza.uz/ru/society/natsionalnaya-model-reproductiv-salomatlik.uz/ru/istoriya-centra>

¹²² Национальное информационное агентство Узбекистана. <http://www.uza.uz/ru/society/natsionalnaya-model>

Бундан ташқари, мамлакатимизда аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш, ҳомиладор аёлларни таркибида ҳаётий муҳим микронутриентлар мавжуд бўлган махсус поливитамин комплекслари билан таъминлаш орқали уларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш юзасидан профилактика тадбирлари амалга оширилмоқда. Давлат томонидан поливитамин комплексларини харид қилиш учун маблағ ажратилаётгани эса ҳар йили қишлоқ ҳудудларида истиқомат қилувчи ҳомиладор аёлларни соғломлаштириш, аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш ва туғма нуқсонли болалар туғилишининг олдини олиш имконини бермоқда. Унни бойитиш ва тузни йодлаштириш дастурлари муваффақият билан амалга оширилмоқда. Юқорида қайд этиб ўтилган тадбирлар ҳамда ўз вақтида даволаш ва профилактика хизматларининг кўрсатилаётгани аҳоли ўртасида йод етишмовчилиги ҳамда туғиш ёшидаги аёлларда камқонликнинг сезиларли даражада камайишига олиб келди¹²³.

2009 йил 13 апрелда “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2009 йил 1 июлда “2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол авлодни шакллантириш йўналишида олиб борилаётган ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарорлар қабул қилинди. Уларда туғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштириш, туғруқлар орасидаги муддатларни узайтириш, эрта ҳамда яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш, тиббиёт мутахассислари малакасини ошириш, туғруқ олди муассасалари ва соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, аҳолини репродуктив саломатлик масалаларидан кенг хабардор қилиш каби йўналишлардаги чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилган¹²⁴.

Бунинг натижасида “Соғлом она – соғлом бола” концепцияси нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам эътирофга сазовор бўлди. Концепциянинг босқичма босқич амалга оширилиши боис сўнгги беш йилда оналар ўлими ҳар 100 минг янги туғилган чақалоққа нисбатан 23,1 нафардан 19 нафарга, 5 ёшгача бўлган болалар ўлими 14,8 дан 13,9 нафарга, чақалоқлар ўлими – 11 дан 10,7 нафарга камайишига эришилди. Ушбу кўрсаткичлар бўйича мамлакатимиз тегишли БМТ минг йиллик ривожланиш Мақсадларига эришди¹²⁵.

2016 йил 9 февралда Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислон Каримовнинг қарори билан “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури тасдиқланди. Унда жамиятда “Соғлом она ва бола – бахтли оила асоси, бахтли оила – фаровон давлат асоси” деган эзгу ғояни янада чуқурроқ қарор топтиришга, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга, жамиятда оналарга алоҳида эҳтиром ва ҳурмат кўрсатиш муҳитини қарор топтиришга, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга, оила институтини мустаҳкамлаш борасида давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтиришга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар белгилаб берилган эди¹²⁶.

2014 - 2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастурига мувофиқ сифатли тиббий хизматдан кенг ва бир хилда фойдаланишни таъминлаш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базаси ва кадрлар таркибини яхшилаш, ташҳис

¹²³ Национальное информационное агентство Узбекистана. <http://www.uza.uz/ru/society/natsionalnaya-model>

¹²⁴ Туракулов О. Национальная модель охраны здоровья матери и ребенка в Узбекистане. <http://uza.uz/ru/society/natsionalnaya>

¹²⁵ Семья, материнство и детство — под защитой государства. <http://www.uzbekconsulny.org/consulate/index.php/ru/2016>

¹²⁶ Здоровая мать и ребенок – опора страны. <http://www.uzbekconsulny.org/consulate/index.php/ru/2016>

қўйишнинг замонавий услубларини жорий этиш, оналар, болалар ва ўсмирларга малакали ёрдам кўрсатиш бўйича долзарб масалалар ҳал этилмоқда¹²⁷.

Ўзбекистонда ОИВ/ОИТС, сил ва безгак каби касалликларнинг тарқалишига қарши курашиш борасида кескин чоралар кўрилмоқда.

Яқунида шуни қайд этишни истар эдикки, давлатнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ривожини аҳолисининг соғлиғига боғлиқ бўлади. Фақат ўз фуқаролари тўғрисида қайғурадиган, ғамхўрлик қиладиган давлатгина гуллаб-яшнади ва ривожланади.

Назорат саволлари:

1. Барқарор ривожланишнинг учинчи мақсади нималарни назарда тутди?
2. Ўзбекистонда соғлом турмуш тарзини таъминлаш ва аҳоли фаровонлиғига кўмаклашиш борасида қандай тадбирлар амалга оширилмоқда?
3. “Соғлом она – соғлом бола” концепциясининг мазмун-моҳияти нимадан иборат?

3.4. Барчани қамраб олган ва адолатли сифатли таълимни таъминлаш ҳамда барча учун бутун умр давомида таълим олиш имкониятини қўллаб-қувватлаш

Режа:

1. Сифатли таълимни таъминлаш
2. Таълим даражаси индекси
3. Ўзбекистонда таълим тизими
4. Барқарор ривожланиш учун таълим

Асосий тушунчалар: сифатли таълим, таълим индекси, таълим тизими, барқарор ривожланиш учун таълим концепцияси

Мавзу бўйича тавсия этиладиган адабиётлар:

1. “Таълим тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни (1997). www.lex.uz
2. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури. (1997). www.lex.uz
3. Eleanor Bird Richard Lutz, Christine Warw. *Media as partners in education for sustainable development*. 2008.
<http://unesdoc.unesco.org/images/0015/001587/158787E.pdf>
4. Азизов А. Киншина А. *Образование в интересах устойчивого развития*.
<http://www.unesco.org/fileadmin/MULTIMEDIA/FIELD/Tashkent/pdf/part1correct.pdf>

Таълим – бу ҳуқуқ. У инсонларга ўзларининг фаровонликларини ошириш имкониятини беради ҳамда ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда катта ютуқларга эришишларида кўмаклашади. Таълим тизим сифатида – инсон капиталини ривожлантириш ва бойитишга, ғояларни, ижтимоий аҳамиятли идеалларни, дунёқараш нуқтаи назарларини, орзу-ниятларни шакллантиришга, ҳам бутун жамиятнинг, ҳам алоҳида олинган шахсларнинг келажагини қуришга йўналтирилган ноёб ижтимоий институтдир¹²⁸. Тизим нуқтаи назаридан таълим жамиятда икки хил вазифа бажаради. Бир томондан, у аҳолининг таълим ва тарбияга бўлган эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган бўлади. Иккинчи томондан эса, таълим тизими жамиятнинг ёш авлодни ижтимоийлаштириш, одамлар томонидан маълум бир қадриятлар тизими ўзлаштирилиши борасидаги эҳтиёжларини қондиришга қаратилгандир.

¹²⁷ Семья, материнство и детство — под защитой государства.
<http://www.uzbekconsulny.org/consulate/index.php/ru/2016>

¹²⁸ www.orenipk.ru/rmo_2007/RMO_site/1_3/1_3.htm



Фотосурат <http://www.un.org> сайтидан олинди

Бугунги кунда таълим сифати деганда олинган билимларнинг аниқ бир вазиятларда талабгирлиги, аниқ бир мақсадларга эришиш ва турмуш сифатини яхшилаш учун улардан фойдаланиш тушунилади. Таълим сифати қуйидаги бир қатор белгиларга қараб аниқланади:

- у келгусидаги ижтимоий сафарбарлик учун сезиларли даражада имконият бериши керак;
- муносиб турмуш учун шароит яратиб бера олиши зарур;
- ўқув жараёни учун яхши моддий жиҳозланганликни таъминлаши керак;
- етарлича моддий таъминотга эга бўлиши лозим;
- муносиб ўқитувчилар таркибига эга бўлиши керак;
- истеъмолчиларнинг эҳтиёжларига мос келиши зарур ва бошқалар¹²⁹.

Қачонки таълим инклюзив ва юқори сифатли бўлса, у натижадор бўла олади. Барча қизлар ва ўғил болалар, эркаклар ва аёллар учун уларнинг бутун ҳаётлари давомида таълим олиш имконияти мавжуд бўлиши керак. Мактабгача ва мактаб таълими таълимнинг кейинги босқичлари учун асос бўлиб хизмат қилади. Катталарнинг узлуксиз таълими ҳам ўз қобилиятини намоён этиш имкониятларини кенгайтиради, ҳам турмушнинг тўлақонли бўлишига ёрдам беради.

! *Дунё мамлакатларида таълим даражаси индекси (Education Index) — Бирлашган Миллатлар Ташиқлоти ривожланиш Дастури (БМТ РД)нинг комбинацияланган кўрсаткичи бўлиб, катта ёшли аҳолининг саводхонлиги индекси ва таълим олаётган ўқувчилар жами улушининг индекси сифатида ҳисоблаб чиқилади¹³⁰.*

БМТ ҳар йили ўз ичига **таълим индекси**ни олган инсон имкониятлари ривожининг индексини эълон қилади.

Таълим индекси катта ёшли аҳоли саводхонлиги (қийматнинг учдан икки қисми) даражаси ва ўқувчилар жами улушининг (қийматнинг учдан бир қисми) комбинацияланган кўрсаткичини акс эттиради. Саводхонлик даражаси аҳолининг неча фоизи ўқиш ва ёзишни билишини аниқлаш имконини берса, ўқувчиларнинг жами улуши болалар боғчаларидан бошлаб, олий таълимдан кейинги таълимгача бўлган ўқувчилар фоизини акс эттиради. Дунё мамлакатларида таълим даражаси индекси

¹²⁹ Батранина И. Что такое качественное образование и как его получить. <http://rusk.ru/st.php?idar=111680>

¹³⁰ gtmarket.ru/ratings/education-index/education-index-info

(Education Index) — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ривожланиш Дастури (БМТ РД)нинг комбинацияланган кўрсаткичидир. У ижтимоий ривожланишнинг муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ривожига ҳақидаги маърузаларининг махсус серияси доирасида Инсон ривожланиши Индекси (Human Development Index)ни ҳисоблаб чиқиш учун қўлланилади¹³¹.

Индекс мамлакатнинг натижасини қуйидаги иккита асосий кўрсаткич бўйича унинг аҳолиси эришган таълим даражасига қараб ўлчайди:

1. Катта ёшли аҳолининг саводхонлик Индекси (2/3 қисм).

2. Бошланғич, ўрта ва олий таълим олаётган ўқувчиларнинг жами улуши Индекси (1/3 қисм).

Қайд этиб ўтилган таълим даражасининг иккита ўлчови 0 (минимал)дан 1 (максимал)гача бўлган сонли белгилар кўринишида стандартланадиган якуний Индексда жамланади. Қабул қилинган қоидага кўра, ривожланган давлатлар камида 0,8 кўрсаткичга эга бўлишлари керак, амалда эса 0,9 ва ундан ҳам юқорироқ бўлади. Дунё рейтингигаги ўрнини аниқлашда барча мамлакатлар биринчи ўрин ушбу кўрсаткичнинг юқори қийматига, пастки ўрин эса қуйи қийматга мос келадиган таълим даражаси Индекси асосида тартибланади (қуйида мамлакатларнинг рейтинг жадвалига қаранг).

Аҳолининг саводхонлик даражаси ҳақидаги маълумотлар миллий аҳолини рўйхатга олиш бўйича расмий манбалардан олинади ҳамда ЮНЕСКОнинг Статистика институти томонидан ҳисоблаб чиқиладиган кўрсаткичлар билан солиштирилади. Аҳолини рўйхатга олиш бўйича анкеталарга саводхонлик ҳақидаги саволни киритмай қўйган ривожланган мамлакатлар учун саводхонлик даражаси 99 фоиз қилиб олинади. Ўқув юртларига кирган фуқаролар ҳақидаги маълумотлар ЮНЕСКОнинг Статистика институти томонидан дунё мамлакатлари ҳукумат институтлари томонидан тақдим этилган тегишли маълумотлар асосида ишлаб чиқилади.



Фотосурат unicef.uz сайтидан олинди

Гарча, ушбу кўрсаткич анчайин универсал бўлсада, бир қатор чекловларга ҳам эга. Жумладан, у таълим сифатини баҳоламайди, сифат эса айрим ҳолларда жуда паст ёки сезиларли даражада чекланган бўлиши мумкин. Шунингдек, у ёш билан боғлиқ

¹³¹ gtmarket.ru/ratings/education-index/education-index-info

талаблар ва таълим беришнинг муддати (давомийлиги) билан боғлиқ тарзда таълимдан фойдаланиш имкониятини ҳам тўлақонли акс эттирмайди. Таълимнинг ўртача давомийлиги ёки таълимнинг эхтимолий муддати каби кўрсаткичлар нисбатан аниқроқ бўлиши мумкин эди, аммо аксарият давлатларнинг статистикасида бу каби маълумотлар учрамайди. Бундан ташқари, кўрсаткичда хорижда таълим олаётган талабалар акс этмайди, бу эса айрим кичик мамлакатлар бўйича маълумотларнинг бузиб кўрсатилишига сабаб бўлиши мумкин.

Индекс икки-уч йилда бир марта янгиланади, бунда, одатда, миллий статистика хизматлари томонидан маълумотлар эълон қилинган, уларни халқаро миқёсда солиштириш зарурати боис БМТ маълумотлари акс этган ҳисоботлар икки йилга кечикади.

**ДУНЁ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ДАРАЖАСИ ИНДЕКСИ
БЎЙИЧА РЕЙТИНГИ
United Nations Development Programme: Education Index 2014.**

РЕЙТИНГ	МАМЛАКАТ	ИНДЕКС
1	Австралия	0.932
2	Дания	0.924
3	Янги Зеландия	0.917
4	Ирландия	0.907
5	Норвегия	0.907
6	Голландия	0.894
7	Германия	0.893
8	АҚШ	0.889
9	Буюк Британия	0.885
10	Канада	0.874

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда таълим тизимининг барча босқичлари ва таркибий қисмларини қамраб олган туб таркибий ва мазмуний ислохотлар амалга оширилдики, улар таълим мамлакатнинг узоқ муддатли манфаатлари ва вазифаларига, замон талабларига, шунингдек жаҳон стандартларига мувофиқ келишини таъминлашга қаратилгандир¹³².

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти ташаббуси билан узлуксиз таълимнинг замонавий тизимини яратишга мустаҳкам асос бўлган иккита муҳим –

¹³² <http://www.uzbekistan.de/ru/nachrichten/nachrichten>

“Таълим тўғрисида” ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди¹³³.

Бугунги кунда “шахс- давлат ва жамият – узлуксиз таълим – фан – ишлаб чиқариш” принципи асосида кадрлар тайёрлашнинг миллий модели шакллантирилган.

Ўзбекистонда шаклланган замонавий узлуксиз таълим тизими мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус касб-ҳунар, олий, олийдан кейинги таълим, кадрлар малкасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, шунингдек мактабдан ташқари таълимдан иборатдир. Таълимнинг ушбу узлуксиз занжирида ўрта махсус касб-ҳунар таълими мутлақо янги бўлиб, у янги турдаги таълим муассасалари – академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида амалга оширилади. Унинг ўзига хослиги шундаки, ўсмир йигит ва қизлар бу ерда умумий таълим фанларини ўзлаштириш билан бирга, касб ва битта ёки бир нечта хорижий тилни ўрганишади.

Бугунги кунда республикамизда 1556 та янги турдаги таълим муассасаси, жумладан, 144 та академик лицей ва 1412 та касб-ҳунар коллежи, ҳамда олис қишлоқ туманларида касб-ҳунар коллежларининг 30 та филиали фаолият олиб бормоқда¹³⁴.

Шунингдек, “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури” ҳам қабул қилиниб, муваффақиятли амалга оширилди¹³⁵. Жумладан, ушбу ҳужжатда умумтаълим мактаблари бино ва иншоотларини, муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини тубдан янгилаш ва капитал таъмирлаш, уларни замонавий ўқув, ўқув-лаборатория ва компьютер воситалари билан жиҳозлаш, юқори малакали педагогик кадрлар билан таъминлаш назарда тутилган эди.

Олий таълим тизимини ташкил этишда ҳам сезиларли ўзгаришлар содир бўлди. Бакалаврият ва магистратурадан иборат икки босқичли тизим жорий этилди, уларнинг ҳар бири бўйича давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилиб, амалиётга киритилди.

Иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа тармоқлари учун юқори малакали кадрларни айёрлаш билимларнинг 6 йўналиши – гуманитар, ижтимоий йўналишлар, иқтисодий ва ҳуқуқ, ишлаб чиқариш-техника соҳаси, қишлоқ ва сув хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот, хизматлар соҳаси бўйича амалга оширилади¹³⁶.

¹³³ lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=15622

¹³⁴ Чему будут учить в школах по новым образовательным стандартам? Узнайте в рамках проекта «Временно доступен». www.ut.uz/ru/obrazovanie/

¹³⁵ lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=214647

¹³⁶ Чему будут учить в школах по новым образовательным стандартам? Узнайте в рамках проекта «Временно доступен». www.ut.uz/ru/obrazovanie/



Фотосурат unicef.uz сайтидан олинди

Мустақиллик йилларида ўнлаб янги олий ўқув юртлири очилди. Бугунги кунда мамлакатимизда 58 та олий ўқув юрти, уларнинг 15 та филиали, ҳамда хорижий олий таълим муассасаларининг 7 та филиали фаолият олиб бормоқда. Вестминстер университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Турин политехника университети, Россия нефть ва газ университети, Москва давлат университети, Россия иқтисодиёт университети, Жанубий Кореянинг Инха университети филиаллари шулар жумласидандир. Мазкур олий таълим муассасаларида манишасозлик, нефть ва газ иши, ахборот технологиялари, иқтисодиёт ва бизнесни бошқариш, молиявий менежмент, тижорат ҳуқуқи, туризм каби меҳнат бозорида талаб кучли бўлган мутахассислар тайёрланмоқда. Бу ўқув юртлирининг дипломлари бутун дунёда тан олинганлиги билан ҳам аҳамиятлидир¹³⁷.

Фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциясини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон миллий университети қошида математика Институти ва Фалсафа маркази, Тошкент давлат юридик университети қошида Ҳуқуқ маркази, Тошкент ахборот технологиялари университети қошида Дастурий маҳсулотлар ва аппарат-дастур комплексларини яратиш бўйича марказ, Самарқанд давлат университети қошида Экология масалалари бўйича муаммолар лабораторияси ташкил этилган. Таълимни бошқариш, педагог ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими тубдан қайта қурилди, таълим жараёни мазмуни қайта кўриб чиқилди, таълим хизматлари бозори барқарор ривожланмоқда, соҳанинг ижтимоий кафолатлари ва давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, молиялаштирилиши ва моддий-техник таъминоти йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги “Олий тоифали илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий тоифали илмий ва илмий-педагогик кадрларнинг олий таълимдан кейин таълим олиши ва аттестациядан ўтказилиши тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан республиканинг илмий, таълим муассасаларида узлуксиз таълимнинг бир бўғини ҳисобланган ва жамиятнинг олий тоифали илмий ва илмий-педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжини қондиришга

¹³⁷ Чему будут учить в школах по новым образовательным стандартам? Узнайте в рамках проекта «Временно доступен». www.ut.uz/ru/obrazovanie/.

йўналтирилган олий таълимдан кейинги таълим олиш тизимини янада такомиллаштириш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш доирасида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфида олий таълим педагоглари ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш бўйича Бош илмий-услубий марказ ҳамда 10 та тармоқ ва 5 та ҳудудий олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказларининг фаолияти йўлга қўйилган. Ҳудудий марказларда таълим жараёни сифатини ошириш бўйича ягона тизим шакллантирилмоқда.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан такомиллаштирилган тизимни амалга ошириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрланган, таълим жараёнининг тегишли ўқув-услубий базаси яратилган. Малака ошириш жараёнларига масофадан туриб ўқитишни жорий этиш юзасидан мақсадли ишлар олиб борилмоқда, жумладан электрон таълимнинг миллий тармоғи асосида on-line ва off-line технологияларидан фойдаланиб педагог кадрларнинг малакасини масофадан туриб ошириш йўлга қўйилмоқда.

2011 йил 20 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларини ривожлантириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда олий малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан ахборот-коммуникация технологияларини таълим жараёнига жорий этиш ҳамда уни амалга оширишнинг истиқболли режаси қабул қилинди. Талабалар ва профессор-ўқитувчилар таркибининг ахборотга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш мақсадида Интернет тармоғига уланган барча олий ўқув юртларининг расмий веб-сайтлари яратилган ва улар фаолият олиб бормоқда¹³⁸.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан “Электрон таълим миллий тармоғи” лойиҳаси амалга оширилди, оптик-толали алоқа линиялари асосидаги тармоқ қурилиб, унга мамлакатдаги барча олий ўқув юртлари уланди, ҳамда улар видеоконференция ўтказиш учун зарур воситалар билан жиҳозланди. Электрон тармоқ орқали доимий равишда видеомарузалар, семинар-тернинглар ўтказилади, олий таълим муассасалари педагог ва раҳбар кадрларининг малакасини масофадан туриб ошириш курслари ташкил этилган¹³⁹.

Ҳукумат даражасида ва идоралараро бир қатор ҳужжатлар имзоланган бўлиб, улар хорижлик ҳамкорлар билан тўғридан тўғри олий ўқув юртлариаро ҳамкорлик учун асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистоннинг олий таълим муассасалари Европа Иттифоқининг Темпус ва Эразмус Мундус, Британия Кенгаши, Германиянинг академик алмашувлар хизмати, Гёте институти, Германия техник маркази, Корея ва Япониянинг халқаро ҳамкорлик агентликлари, Франция ва Миср маданий марказлари, Малайзия ва Ҳиндистоннинг техник ҳамкорлик дастурлари, БМТ, ЮНЕСКО, Осие тараққиёт банки, Европа таълим фонди ва бошқа ташкилотларнинг лойиҳаларида фаол иштирок этиб келмоқда. Ушбу лойиҳа ва дастурларнинг барчаси ўқув-услубий жараён ва моддий-техник базани такомиллаштиришга, профессор-ўқитувчилар таркибининг малакасини оширишга, инновацион ва техник ривожланишга, талабалар алмашинувиға қаратилгандир¹⁴⁰.

¹³⁸ Узбекская модель образования — залог достижения целей устойчивого развития. http://www.baltic-course.com/rus/education/?doc=109552&ins_print

¹³⁹ Ўша ерда

¹⁴⁰ Ўша ерда



Фотосурат unicef.uz сайтидан олинди

2017 йил 20 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президенти “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорни имзолади¹⁴¹. Унда олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича устувор вазифалардан келиб чиқиб кадрлар тайёрлаш мазмун-моҳиятини жиддий қайта кўриб чиқиш, жаҳон стандартларига жавоб берадиган олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш учун зарур шарт-шароитларни яратиш каби вазифалар белгиланган.

2002 йилдан бошлаб илмий тадқиқотларни молиялаштиришда амалдаги базавий шакл ўрнига грант шакли жорий этилди, бу эса молиялаштириладиган лойиҳаларни танлашда селекциявий ёндошувларни ва уларнинг самарадорлиги оширилишини таъминлади¹⁴².

Олий таълимдан кейинги таълимда рўй берган энг асосий сифат ўзгариши деб, унинг халқаро стандарт ва талабларга яқинлаштирилганини, илмий-таълим ва ишлаб чиқариш тузилмалари ўртасида самарали ҳамкорлик бўлиши учун қулай муҳит яратилганини, “таълим – фан – ишлаб чиқариш” ўртсида яқиндан алоқа таъминланганини кўрсатиш мумкин.

Ҳар йили мамлакатимизда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида умумтаълим фанлари бўйича Республика олимпиадаси бўлиб ўтади. Уларнинг ғолиблари олий таълим муассасаларига тест синовлари ва имтиҳонларсиз кириш имтиёзига эга бўлишади.

Ўзбекистон Республикасининг барқарор ривожланиш йўлида таълим бўйича Концепциясида ўқитишнинг муаммоли-йўналтирилган интерактив услублари, жумладан АКТга асосланган таълим дастурини ишлаб чиқиш ва жорий этиш назарда тутилган. Шу муносабат билан, шунингдек электрон ўқув материалларининг кенг имкониятларини назарда тутган ҳолда, масалан, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва ЮНИТАРнинг “Ўзбекистон Республикасида кимёвий моддаларни самарали бошқариш бўйича интеграцияланган миллий дастурни ишлаб чиқиш ва кимёвий моддаларни халқаро тартибга солишга Стратегик ёндошувни амалга ошириш” лойиҳаси доирасида “Барқарор органик ифлослантирувчи моддалар. Мониторинг ва бошқариш” ўқув модул дастури яратилган.

Дастур, биринчи галда, касбий ривожланиш, бошқача айтганда, кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими учун мўлжалланган¹⁴³. Дастурнинг асосини кимёвий моддаларнинг атроф-муҳитга ва биологик объектларга таъсирига, кимёвий моддаларни тартибга солишнинг асоси сифатида мониторинг олиб боришга ҳамда чиқиндиларни бошқаришга бағишланган 4 та ўқув модули ташкил этади. Модулларга мавзу юзасидан савол ва топшириқлар, шунингдек ўзига хос мақолалар ва фойдали ахборотлар киритилган бўлиб, муаллифларнинг фикрича, улар у ёки бу бўлимни яхшироқ ўзлаштиришга ёрдам беради, ҳамда қўйилган савол юзасидан тасаввурларни кенгайтиришга кўмаклашади. Бундан ташқари, дастур фойдали интернет-манбаларга ҳаволаларга эга, у мавзуга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар базаси билан танишиш имкониятини ҳам беради. Модуль дастурининг ишлаб чиқилиши Ўзбекистон Республикасининг барқарор ривожланиш йўлида таълим бўйича Концепцияси руҳиятига тўла мос келади, чунки унда фанлараро ёндошувдан фойдаланилган, у кадрларнинг касбий малакалари ошишига ёрдам беради.

Юқорида қайд этилганлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Ўзбекистонда барқарор ривожланиш йўлида таълимнинг (БРТ) асосий мақсади барқарор ривожланишнинг тизимли дунёқарашга эга бўлган, танқидий, ижтимоий, иқтисодий, экологик йўналган

¹⁴¹ <http://www.press-service.uz/ru/document/5622/>

¹⁴² Узбекская модель образования — залог достижения целей устойчивого развития. http://www.baltic-course.com/rus/education/?doc=109552&ins_print

¹⁴³ Узбекская модель образования – залог достижения целей устойчивого развития. <http://www.uzbekistan.de/ru/nachrichten/nachrichten/>

фикрлашга, фаол фуқаролик позициясига эга шахсни шакллантиришга йўналтирилган ғоя ва принципларини таълимнинг барча шакл ва босқичларига интеграция қилишдан иборатдир. БРТнинг муҳим ғояси замонамизда мавжуд бўлган ва келажақда кутилаётган ижтимоий, иқтисодий ва экологик хавфлар, жумладан Орол денгизи фожиасининг олдини олиш ва ечим топишга йўналтирилган билим ва кўникмаларни ривожлантиришга қаратилгандир. БРТ кенг қамровли ва кўламдор концепция сифатида бир бири билан ўзаро боғлиқ бўлган экологик, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни қамраб олган ҳолда шаклланишда давом этмоқда. БРТ – болаликдан бошлаб олий таълим ҳамда катталар учун мўлжалланган таълимни олгунга қадар бутун умр давом этадиган жараён бўлиб, у расмий таълим чегараларидан чиқиб кетади¹⁴⁴. Қадриятлар тизими, турмуш тарзи ва ҳаётий қарашлар болаликда шаклланиши боис болаларга таълим бериш муҳим аҳамият касб этади. Ўқиш-ўрганиш бутун ҳаётимиз давомида турли масалаларни ҳал қилиш жараёни тарзида кечиши сабабли БРТни ҳаётимизнинг барча жабҳаларини қамраб олувчи жараён сифатида қабул қилиш зарур.

Юқорида баён этилганлардан хулоса шуки, таълимнинг ҳар бир босқичида барқарор ривожланиш ғояларини предметли муҳитга интеграциялаш жуда муҳим. Яқинда эса БРТнинг интеграциясини таълим бериш мақсадларига эришишнинг ҳамда барча фанларни ўқитиш самарадорлигини оширишнинг яхши воситаси деб қараш мумкин бўлади.

Назорат саволлари:

1. Барқарор ривожланишнинг “Сифатли таълимни таъминлаш” номли тўртинчи мақсади нимани назарда тутади?
2. Таълим даражаси индекси нима?
3. Ўзбекистонда таълим тизими қандай ташкил этилган?
4. Барқарор ривожланиш учун таълим қандай аҳамиятга эга?

3.5. Гендер тенглигини таъминлаш ҳамда барча аёллар ва қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш

Режа:

1. Гендер тенглигини таъминлаш
2. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “БМТ-аёллар” тузилмаси
3. Гендер тенглигини таъминлаш масаласида Ўзбекистоннинг сиёсати

Асосий тушунчалар: гендер, БМТ, гендер асосида камситиш, гендер тенгсизлиги, Аёл ҳамда хотин-қиз фуқаро ҳуқуқлари декларацияси

Мавзу бўйича тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: «Ўзбекистон», 2012
2. Цели в области устойчивого развития. www.un.org/sustainabledevelopment/ru/sustainable-development-goals
3. Гендерное неравенство на современном этапе развития общества <https://urssa.ru/.../gendernoe-neravenstvo-na-sovremennom-etape-razvitiya-obshhestva>
4. [https://www. Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Узбекистана в 2017—2021 годах. gazeta.uz/ru/2017/02/07/strategy/](https://www.gazeta.uz/ru/2017/02/07/strategy/)

Гендер тенглиги — бу инсоннинг асосий ҳуқуқларидан биригина эмас, балки тинчлик, фаровонлик ва барқарор ривожланишнинг муҳим шартларидан бири ҳамдир.

¹⁴⁴ <http://cyberleninka.ru/article/n/integratsiya-idey-ustoychivogo-razvitiya-v-uchebnye-programmy-obschego-srednego-obrazovaniya-respubliki-uzbekistan-i-modelirovaniya#ixzz4fS5UqkTU>

Аёллар ва кизларга таълим олиш, тиббий-санитария хизматларидан фойдаланиш, муносиб иш билан таъминланиш, сиёсий ва иқтисодий қарорлар қабул қилиш жараёнида иштирок этиш учун тенг имкониятларнинг таъминланиши иқтисодиёт барқарорлигига эришишга ёрдам беради, ҳамда жамиятга ва бутун инсониятга фойда келтиради¹⁴⁵.

Гендер тенгсизлиги масалалари замонавий дунёда ўта долзарбдир. Ижобий ўзгаришларга қарамай, жамиятнинг кўплаб соҳаларида гендерга асосланган касмитишга гувоҳ бўлишимиз мумкин. Масалан, манбалардан фойдаланиш соҳасида, иқтисодий имкониятлар борасида, ҳокимият ва манфаатларни акс эттириш соҳасида ва бошқалар. Шу боис гендер тенглигига эришиш ҳар мамлакат ривожининг асосий кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади. Аммо бир ҳақиқатни унутмаслик керак, барча мамлакатлар ҳам Европа мамлакатлари билан битта ривожланиш йўлидан бораётгани йўқ. Глобаллашув жараёнида эса замонавий жамият гендер тенгсизлиги муаммоси билан кўп бора тўқнаш келади.



Фотосурат <http://www.un.org> сайтидан олинди

Биринчи галда биз “гендер тенгсизлиги” тушунчасига таъриф беришимиз керак.

! Гендер тенгсизлиги – ижтимоий қурилманинг тавсифи бўлиб, унга кўра, турли ижтимоий гуруҳлар (бизнинг мисолимизда – эркаклар ва аёллар) барқарор фарқларга ва шундан келиб чиққан ҳолда жамиятда тенг бўлмаган имкониятларга эга бўлишади¹⁴⁶.

Хотин-қизлар жамиятнинг тўлақонли, тенг ҳуқуқли аъзоси деган мақомга эришиши учун кўп йиллар керак бўлганини унутмаслик керак. XIX-XX чегарасида аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқчилигини таъминлаш масаласи долзарбланиши ва фаол ҳаракатлар бошланади. Аслида эса бу мавзу анча олдин ҳам кун тартибига қўйилган, хатто 1791 йилда Олимпия де Жукнинг бутун дунёга машҳур “Аёл ҳамда хотин-қиз фуқаро ҳуқуқлари декларацияси” номли китоби наш этилади. Орадан тахминан ярим аср вақт ўтиб, 1848 йил июль ойида Лукреция Мотт ва Элизабет Стэнтон Нью-Йорк штатидаги Сенека Фоллзда аёллар ҳуқуқларига бағишланган дунёдаги биринчи конференцияни

¹⁴⁵ <http://www.un.org/sustainabledevelopment/ru/issues/people/gender-equality/>

¹⁴⁶ Гендерное неравенство на современном этапе развития общества

<https://urssa.ru/.../gendernoe-neravenstvo-na-sovremennom-etape-razvitija-obshhestva>

ташкил этишади. Шу ерда 68 нафар аёл ва 32 нафар эркак томнидан имзоланган “Туйғулар декларацияси” қабул қилинади. Ушбу Декларацияни хотин-қизларнинг жамиятга, шу жумладан, биринчи галда, эркакларга эътирозларининг ўзига хос рўйхати, дейиш мумкин.

Бугунги кунда ҳам турмушимизнинг кўплаб соҳаларида гендер тенгсизлиги сақланиб турибди. Гендер тенгсизлиги жамият ривожига тўсиқ бўлади, бунга исбот сифатида қуйидаги салбий оқибатларни келтириб ўтиш мумкин: фаровонлик ва бошқарув харажатлари ошмоқда, меҳнат самарадорлиги пасаяпти, иқтисодий ўсиш секинлашмоқда. Масалан, болалар ўлими ва касал бўлиши оқибатидаги йўқотишлар, болаларни эмлаш даражасининг пастлиги кўп ҳолларда онанинг билим даражасига (бу омил оиланинг даромади омилидан кўра кучлироқ), онанинг даромадига, онанинг мустақиллик даражасига бевосита боғлиқ бўлади. Инсон ривожига бўйича энг сўнгги глобал маърузаларнинг бирида бунга яққол мисолни кўришимиз мумкин: таълим соҳасидаги тенгсизлик гендер муаммолари билан боғлиқ бўлган Покистонда иқтисодий ўсиш суръатлари пасайиши кузатилган. Мамлакатлар бўйича солиштирма маълумотлардан фойдаланган ҳолда, озиқ-овқат сиёсати бўйича халқаро институт эркак ва аёлларнинг таълим олиш, овқатланиш, даромад олиш, мулкка эгалик қилиш борасидаги тенглигига эришиш Жанубий Осиёда уч ёшгача бўлган болалар орасида вазн етишмовчилиги ҳолатларини 13 фоизга қисқартириш, тўйиб овқат емайдиган ва эрта ўлимга мойил бўлган болалар сонини 13,4 миллионга камайтириш имконини берган бўлар эди, деган хулосага келади. Африканинг Сахройи Кабирдан жанубда жойлашган мамлакатларида болаларнинг тўйиб овқат емаслиги 3 фоизга, ёки аниқ рақамларда 1,7 миллион нафарга камайган бўларди¹⁴⁷.

Эркаклар ва аёлларнинг меҳнат бозорида бир хил мавқега эга эмаслиги якуний маҳсулот ҳажмларида йўқотишларга, меҳнат бозоридаги таклифнинг торайишига (қисқа мuddатга), уй хўжалигида самарасиз технологиялардан фойдаланилишига олиб келади.

Гендер тенгсизлиги муаммоси билан шуғулланадиган кўплаб олимлар бугунги кунда аёллар ўзлари курашган нарсаларга эришгач, эркаклар майдонида уларнинг қоидалари асосида “ўйин олиб боришаётганини”, аммо бу жараёнда ўзларида айрим гендер стереотиплари сифатида мавжуд бўлган ва ҳозир ҳам сақланиб турган имтиёзлар ва қулайликларни талаб қилишмоқда, деб ҳисоблашади.

Одатда, жуда кўп муаммолар маиший турмушда келиб чиқади. Биринчи галда, эркаклар аёллар билан бир хилда ва тенг асосда муносабатга киришганларида бу ҳол адолатсизлик сифатида баҳоланиб, аччиқланишларга сабаб бўлади.

Яна бир нуқтаи назарда кўра, аёллар ҳуқуқларининг камситилиши афсонадан бошқа нарса эмас. Мазкур тезис муаллифи Уоррен Фаррел гендер камситилиши – жамиятда ҳукмронликни ўз қўлларига олиш истагидаги тажовузкор кайфиятдаги аёллар ўйлаб топган нарса. Уоррен Фаррелнинг фикрича, аслида замонавий эркаклар ишда ҳам, оилада ҳам, кўпроқ имконият ва имтиёзлар бериладиган аёлларга нисбатан кўпроқ азият чекишади. Жинсий тажовуз ва зўравонликка қарши кураш ниқоби остида аёллар эркакларнинг жинсий майлини ўлдирмоқда, оилада эркаклар ожиз, ажрашишганда улардан ўз фарзандларини тортиб олишади ва хоказо. Эркакларни бундай ҳолатдан фақат ташкилий асосдаги ўз ўзини ҳимоя қилиш кутқариб қолиши мумкин. Ғарбдаги “Эркин эркаклар каолицияси”, “Эркакларнинг миллий конгресси”, “Эркак ҳуқуқлари” каби кўплаб иттифоқ ва ассоциациялар шундай фаолият билан шуғулланади. Эркаклар орасида айниқса оталарнинг, жумладан ёлғиз оталарнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи жуда оммалашган¹⁴⁸.

¹⁴⁷ Гендерное неравенство на современном этапе развития общества
<https://urssa.ru/.../gendernoe-neravenstvo-na-sovremennom-etape-razvitija-obshhestv...>

¹⁴⁸ Гендерное неравенство на современном этапе развития общества
<https://urssa.ru/.../gendernoe-neravenstvo-na-sovremennom-etape-razvitija-obshhestv...>

Шу билан бирга, БМТ ва бошқа кўплаб халқаро ташкилотлар томонидан таклиф этилган ҳужжатларда гендер тенглиги иқтисодий, демографик ва бошқа кўпгина муаммоларни ҳал этишнинг муҳим омили экани қайд этилади.

БРМнинг бешинчи мақсадига эришишнинг муҳим шартларидан бири аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кенгайтириш ҳисобланади. Барча БРМга эришишда аёлларга алоҳида ўрин ажратилган бўлиб, кўплаб мақсадли кўрсаткичларда аёлларнинг тенглигини таъминлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кенгайтириш ҳам вазифа, ҳам қисман ечим сифатида тақдим этилган. Бешинчи мақсад ана шу ғояни амалга оширишга йўналтирилган алоҳида, мустақил “гендер мақсади” сифатида намоён бўлади. Бугунги кунда дунёнинг барча бурчакларида хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш учун чуқур ҳуқуқий ва қонунчилик ўзгаришлари талаб этилади. Гарчи, рекорд даражадаги мамлакатлар – 143 та давлат ўз конституцияларида эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқли эканликларини кафолатлаб қўйишган бўлишсада, 52 та давлатда ҳали бу қадам ташланмаган. Кўпгина давлатларда гендер камситилиши ҳали-ҳануз ижтимоий-ҳуқуқий қоидаларнинг ажралмас қисми бўлиб қолмоқда. Иқтисодиёт ва сиёсат гендер тенгсизлиги авж олган соҳалар ҳисобланади. Сўнгги ўн йилликларда қўлга киритилган ижобий ўзгаришларга қарамай, ўртача умужаҳон кўрсаткичларига кўра, бугунги кунда меҳнат бозорларида аёллар эркакларга нисбатан 24 фоиз камроқ даромад ишлаб топишади. 2015 йил август охи ҳолатига кўра, миллий парламентлар депутатлари умумий сонининг 22 фоизини хотин-қизлар ташкил қилади, бу эса ушбу кўрсаткич 1995 йилги 11,3 фоизга нисбатан у қадар катта ўзгаришга юз тугмаганини кўрсатиб турибди¹⁴⁹. Шу билан бирга, хотин-қизларга нисбатан зўравонлик дунёнинг барча, хатто бошқа соҳаларда сезиларли ижобий силжишлар кузатилаётган давлатлари учун ҳам глобал муаммо бўлиб турибди. Дунёдаги 33 фоиз аёллар жинсий шериги томонидан жинсий ёки жисмоний ёхуд бошқа шахслар томонидан жинсий зўравонлик қурбони ҳисобланишади¹⁵⁰.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ушбу муаммони глобал деб ҳисоблайди ҳамда давлатларга тенг кадриятлар ва икки ёқлама стандартлар тизимини сақлаб қолган мавжуд гендер моделларини ўзгартиришни тавсия этади. Бугунги кунда хатто эркаклар ва аёллар ўртасида имкониятларга эришишда мавжуд тенгсизликни учта ўлчамда, яъни: репродуктив саломатлик, ҳуқуқ ва имкониятларни кенгайтириш, шунингдек меҳнат бозори соҳалари бўйича акс эттирувчи интеграл кўрсаткич ҳам мавжуд. 2010 йил Женевада Бутунжаҳон иқтисодий форуми Котибияти томонидан гендер тенгсизлиги индекси тақдим этилган бўлиб, у Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан инсоният тараққиёти ҳақидаги маърузаларда қўлланилади. Шу билан бирга, БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар томонидан тавсия этилган ҳужжатларда эркаклар ва аёллар ўртасидаги тенгликнинг таъминланиши жамиятнинг тўлақонли ижтимоий-иқтисодий ва демографик ривожланишига хизмат қилиши қайд этилган.

2011 йил февраль охи якунида БМТда янги – “БМТ – аёллар” тузилмасининг фаолият бошлагани расман эълон қилинди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “БМТ – аёллар” тузилмаси гендер тенглиги ҳамда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш масалалари билан шуғулланади. У 2010 йил июль ойида тузилган бўлиб, юқори самарадорликка эришиш учун БМТнинг фақат гендер тенглиги ҳамда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш масалалари билан шуғулланган тўртта алоҳида тузилмалари (Котибиятнинг аёллар аҳволини яхшилаш бўлими; Аёллар аҳволини яхшилаш бўйича халқаро ўқув ва илмий-тадқиқот институти; Гендер масалалари ва аёллар аҳволини яхшилаш бўйича махсус маслаҳатчи девонхонаси; Аёллар манфаатлари йўлида ривожланиш бўйича БМТ жамғармаси)нинг ресурс ва мандатларини бирлаштирди. Янги

¹⁴⁹ <http://eca.unwomen.org/ru/news/in-focus/women-and-the-sdgs/sdg-5-gender-equality>

¹⁵⁰ <http://eca.unwomen.org/ru/news/in-focus/women-and-the-sdgs/sdg-5-gender-equality>

тузилманинг энг асосий вазифаларидан бири – турли мамлакатларнинг гендер тенглиги бўйича давлат институтларини қўллаб-қувватлашдан иборатдир¹⁵¹.

! Гендер сиёсати/стратегияси — жинсига қараб камситилишга барҳам бериши учун жамият фаолиятининг барча соҳаларида эркаклар ва аёллар учун тенг ҳуқуқ, фойда, мажбурият ва имкониятларга эришишга қаратилган фаолият¹⁵².

“БМТ - аёллар” тузилмаси Мингйиллик ривожланиш мақсадларида зўравонлик муаммоси ўз аксини топмаганини алоҳида қайд этган қўллаб халқаро ташкилотлар сафига қўшилди. Аёллар барча соҳаларда тенг бўлиш ҳуқуқига эга. У ҳуқуқий тизимларда мустаҳкамлаб қўйилиши, қонунлар ва юридик амалиётда таъминланиши, жумладан квоталар киритиш каби ташаббускорлик чоралари ёрдамида амалга оширилиши керак. Гендер тенглиги ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олгани боис гендер камситилиши қузатиладиган барча ўринларда уни бартараф этиш чораларини амалга ошириш зарур.



Фотосурат <http://www.un.org> сайтидан олинди

“БМТ - аёллар” тузилмаси ўзининг барча дастурлари доирасида аёлларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга ёрдам беради. Ташкилотнинг иккита асосий мақсади аёлларнинг жамият сиёсий ҳаётидаги иштирокига ва уларнинг етакчилик ролини оширишга, ҳамда аёлларнинг иқтисодий ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга қўмаклашишдан иборат. “БМТ - аёллар” тузилмаси имкон қадар кўпроқ аёлларнинг сайловларда иштирок этишларини, улар давлат ва сиёсий лавозимларини эгаллашларини, ҳамда уларнинг сайлов жараёнларида сайловчи сифатида кенг иштирок этишларини фаол қўллаб-қувватлайди. Тузилма аёлларга муносиб иш ўринларига эга бўлишларида, активлар олишда ҳамда муассаса ва давлат сиёсатида таъсир кўрсатишда ёрдам кўрсатади, шу билан бир вақтда, аёлларнинг парвариш бўйича пул тўланмайдиган ишлари билан боғлиқ юктамаларини тан олиш, қисқартириш ва қайта тақсимлашга жуда муҳим эътибор қаратади. Шунингдек, тузилма гуманитар тадбирларни амалга оширишда, жумладан, низоларни бартараф этиш ҳамда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги интилишларда аёлларнинг роли ва етакчилигини оширишга фаол тарзда қўмаклашади.

¹⁵¹ Гендерное неравенство на современном этапе развития общества. <https://urssa.ru/page/gendernoe-neravenstvo-na-sovremennom-etape-razvitija-obshhestva>

¹⁵² Гендерная политика. www.ipakyulibank.com/index.php/obanke/sotsialnaya.../gendernaya-politika

“БМТ - аёллар” тузилмаси аҳолининг зўравонлик сабаблари ва унинг оқибатлари ҳақидаги хабардорлигини оширишга қаратилган кампанияларни ташкил этиш, шунингдек уларнинг олдини олиш ва уларга муносабат билдириш бўйича, жумладан аёллар ҳуқуқларини таъминлаш йўли билан, ҳаракатларни фаоллаштириш орқали зўравонликка барҳам беришга ҳаракат қилади¹⁵³.

Мақсадли кўрсаткичлар

Ҳамма жойда барча аёллар ва қизларга нисбатан камситиш шаклларига барҳам бериш.

Оммавий ва шахсий соҳаларда аёллар ва қизларга нисбатан зўравонликнинг барча кўринишларига, шу жумладан, одам савдоси ҳамда жинсий ёки бошқа кўринишдаги эксплуатацияга барҳам бериш.

Ногиронлиги бор аёллар ва қизлар камситиш ва ҳақоратларнинг турли кўринишларини бошдан кечиришади. Ўзларига қараётганларга боғланиб қолганлик уларни эксплуатация, зўравонлик ва шафқатсиз муносабат кабиларнинг ҳар қандай шакллари, жумладан ОИВ, ҳомиладорлик, оналар ва болалар ўлими кабилар олдида ожиз қилиб қўяди. Ногиронлиги бор хотин-қизларнинг манфаатлари одатда гендер тенглигини таъминлашга қаратилган дастурларда акс этмайди. Жинсий ва репродуктив саломатлик, умумий тиббий ва турдош хизматлар ҳақидаги маълумотлар камдан кам ҳолларда улар учун тушунарли тил ва шаклда берилади. Қуйидаги вазифалар фақат ногиронлиги бор хотин-қизлар ҳам уларнинг ривожланишидаги асосий соҳаларда фаол қатнашчига айланганларидагина тўлиқ тўёбга чиқиши мумкин¹⁵⁴:

- ногиронлиги бор хотин-қизларга ривожланишнинг асосий соҳаларидан тенг фойдаланиш имкониятини яратиб бериш;

- ногиронлиги бор аёлларнинг қарорлар қабул қилувчи давлат органларидаги вакилликни таъминлаш;

- ногиронлиги бор барча хотин-қизлар жинсий ва репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш бўйича хизматлардан ногирон бўлмаган хотин-қизлар билан бирдек фойдалана олишларини таъминлаш;

- ногиронлиги бор хотин-қизларни зўравонлик ва ҳақоратларнинг ҳар қандай шаклларида муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни кучайтириш.

Мазкур вазифаларнинг бажарилиши жамиятнинг барча соҳаларида хотин-қизларнинг ҳуқуқлари таъминланишига ёрдам беради.

¹⁵³ <http://eca.unwomen.org/ru/news/in-focus/women-and-the-sdgs/sdg-5-gender-equality>

¹⁵⁴ Цель 6: Обеспечение гендерного равенства и расширения прав и возможности женщин.
<http://www.maketherightreal.net/incheon-strategy>

Жинсларнинг гендер тенглиги ва ҳамкорлиги, уларнинг ўзаро келишуви ва бир-бирларини тушуниши умумжаҳон аҳамиятига эга бўлиб, барқарор ривожланишнинг шартини ва асосига айланиб бормоқда. Бу ўринда гап инсониятнинг минглаб йиллар давомида паст назар билан қараб келинган бир қисмини тўлақонли ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётга жалб этиш ҳақида кетаяпти. Фуқаролик ҳаёти шакллари демократлаштириш ва ривожлантиришга интилаётган замонавий очиқ дунё энди бу каби вазиятга бефарқ қараб тура олмайди.

Гендер муаммоси глобал характерга эга бўлиб, ривожланиши билан боғланади, чунки гендер номувофиқликлари инсоннинг иккинчи қисмининг ҳуқуқ ва имкониятларини камситган ҳолда бутун инсониятнинг барқарор ва яхлит ривожланишига тўсқинлик қилади: гендер номуносаблигидан нафақат унинг қурбонлари, балки уни амалга оширувчилар ҳам зарар кўришади. Гарчи сиёсатчилар гендер масалаларини фақат аёлларга нисбатан қўллашсада, кўплаб маълумотлар бугунги кунда гендер муаммоси кенг қўлам касб этганидан, у ривожланиш муаммоси бўлиб қолганидан дарак беради.

Гендер тенглигини таъминлаш барча БРМга эришишнинг муҳим шартини ҳисобланади, аммо уларни амалга ошириш воситалари масаласи кўтарилганда, хотин-қизларнинг манфаатлари аксарият ҳолларда устуворликлар рўйхатининг энг охирига тушиб қолади. Гарчи давлатлар ҳукуматлари томонидан хотин-қизларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадидаги дастур ва хизматлар учун гендерли-мўлжалли молиялаштириш усули кўпроқ қўллана бошлаганига қарамай, хотин-қизлар эҳтиёжларини қондиришга қаратилган фаолиятни молиялаштиришда жуда катта – деярли 90 фоиз камёблик кўзга ташланади.

2012 – 2013 йилларда ривожланиш мақсадлари учун ажратиладиган ташқи ёрдамнинг атиги 5 фоизи молиялаштиришнинг асосий вазифаси сифатида гендер тенглигини таъминлашга йўналтирилган, холос. Гендер тенглигига эришиш учун энг мақбул усулларни аниқлаб олиш учун гендерга оид маълумотлар жуда муҳимлигига қарамай, давлатларнинг фақатгина учдан бир қисмида гендер статистикаси бюрolari фаолият олиб боради. Кўплаб давлатларда тоза сувдан фойдалана олмайдиган, ёки уйдаги зўравонлик қурбони бўлган аёллар сони ҳақида расмий маълумотлар мавжуд эмас¹⁵⁵.

БРМни амалга ошириш учун ажратиладиган маблағларга, ҳамда улардан фойдаланиш ҳисобига яратиладиган неъматлардан фойдаланишда хотин-қизлар тенг ҳуқуқларга эгадирлар. Стратегик жиҳатдан аҳамиятли қарорларнинг қабул қилинишига таъсир кўрсата олишни таъминлаш учун хотин-қизлар молия вазири, технологияларни яратиш кампаниялари, статистик бюрolar ёки глобал иқтисодиёт соҳасида кузатув ва назорат фаолиятини амалга оширувчи муассасаларда раҳбар лавозимларни эгаллашлари жуда муҳимдир.

“БМТ - аёллар”нинг интилишлари хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлашни амалга ошириш имконини берувчи ишчи восита ҳисобланган гендер-мўлжалли бюджетлаштиришни расман тан олиш жараёнида хотин-қизларнинг глобал етакчилигини таъминлаш йўли билан БРМни амалга ошириш учун йўналтириладиган маблағларни ўзлаштириш масалаларида аёлларнинг марказий роли ва ўрнини таъминлашга қаратилгандир. Глобал, миллий ва ҳудудий имкёсда ташкилот хотин-қизлар масалаларини “очикқа олиб чиқиш”, уларни барча учун ошкор этиш ҳамда гендер тенглигини таъминлашга қаратилган сиёсатга таъсир ўтказиш имконини берадиган маълумотларни тўплашга ёрдам берувчи инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишни қўллаб-қуватлайди. “БМТ - аёллар” хотин-қизларнинг технологиялардан фойдаланишини, шу жумладан, улар ҳуқуқлари ва имкониятларининг кенгайтиши ва экологик барқарорликдан икки қарра дивиденд олишларини таъминлашга кўмаклашади¹⁵⁶.

¹⁵⁵ <http://eca.unwomen.org/ru/news/in-focus/women-and-the-sdgs/sdg-17-partnerships-for-the-goals#sthash.vHF0Gx9G.dpuf>

¹⁵⁶ <http://eca.unwomen.org/ru/news/in-focus/women-and-the-sdgs/sdg-17-partnerships-for-the-goals#sthash.vHF0Gx9G.dpuf>

Ўзбекистон Республикаси Барқарор ривожланиш мақсадларини имзолар экан, ўз зиммасига аёллар ва эркеклар тенглигини кўллаб-қувватлаш ҳамда у билан боғлиқ ҳолда хотин-қизлар ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш ҳисобига инсон имкониятларини ривожлантиришга уўмаклашиш мажбуриятини олган. Ушбу мақсадга эришиш учун куйидаги учта асосий вазифани ҳал этиш талаб этилади:

1. Таълим соҳасида гендер тенгсизлигига барҳам бериш.
2. Бандлик соҳасида гендер тенгсизлигига барҳам бериш.
3. Сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнида аёллар ва эркекларнинг тенг ҳуқуқларга эга бўлишини таъминлаш¹⁵⁷.

Жинслар ўртасидаги тенгликни таъминлашда асосий шартлар, шубҳасиз, бошланғич, ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий маълумот олиш учун шароит ва имкониятлар яратиш ҳисобланади. Мамлакат раҳбарияти томонидан амалга оширилаётган ишлар мазкур соҳада сезиларли натижаларга эришилишини таъминлади. Жумладан, умумтаълим мактаблари ва касб-ҳунар коллежларида гендер тенглигига эришилди. Академик лицей ва олий ўқув юрларида ҳам таълим олаётган хотин-қизлар сони ортди.



Фотосурат unicef.uz сайтидан олинди

Комплекс ёндошув ҳисобига бу каби натижаларга эришилди. Хусусан, республикада мустақам меъёрий-ҳуқуқий ва институционал база яратилди. Булар биринчи галда, Конституция, бир қатор фармон ва қарорлар, шунингдек Ўзбекистоннинг халқаро ташаббусларга қўшилиши, масалан, Пекин ҳаракатлар платформаси(ПХП)ни имзолаши, БМТнинг “Хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг ҳар қандай шакллариغا барҳам бериш тўғрисида”ги конвенциясига қўшилгани ва бошқалардир¹⁵⁸.

Ўзбекистонда умумий ўрта таълим соҳасида гендер тенглигига эрилишини таъминлашда аҳолининг турли қатламларига мансуб ўғил ва қиз болаларга умумий бошланғич ва ўрта таълимдан бирдек фойдаланиш, жумладан маҳалла орқали ижтимоий ёрдам кўрсатиш орқали бунга эришиш имконини яратувчи бир қатор қонунларнинг қабул қилинганлиги муҳим аҳамият касб этди.

¹⁵⁷ <http://uzbekistan.lv/uzbekistan-gendernaya-politika-v-sfere-obrazovaniya-11-05-2015/>

¹⁵⁸ <http://uzbekistan.lv/uzbekistan-gendernaya-politika-v-sfere-obrazovaniya-11-05-2015/>

Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси – аёллар жамоат ташкилотининг ташкил этилиши муҳим институционал қадам бўлди. Натижада, мамлакатда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш механизми юзага келди. Шуни ҳам қайд этиш керакки, 2004 йилдан бошлаб, Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси раиси бир вақтнинг ўзида мамлакат Бош вазири ўринбосари, туман, шаҳар ва вилоят хотин-қизлар кўмиталари раислари эса тегишлилигича ҳоким ўринбосарлари ҳисобланишади.

Бошланғич ва ўрта таълим соҳасида гендер тенглиги сақланиб турган бўлса, олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган хотин-қизлар улуши 1998 йилги 25 фоиздан айни пайтга келиб 36,1 фоизга етди. Ўзбекистон Парламентидаги хотин-қизлар улуши эса 1994 йилдаги 6 фоиздан ҳозирда 17 фоизга ошди¹⁵⁹.

Ўзбекистон хотин-қизлари бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, гуманитар ривожланишга оид муҳим масалаларни ҳал этишда ва улар юзасидан қарорлар қабул қилишда фаол иштирок этишмоқда. Бунга замонавий жамиятда хотин-қизларнинг роли ва мақомини ошириш бўйича узокни кўзлаб амалга оширилган стратегия натижасида эришилди. Мамлакатимизда хотин-қизларга нисбатан камситишга йўл қўймасликнинг умумий принциплари шакллантирилган, хотин-қизларнинг жамият ҳаётининг барча жабҳаларида тенг асосида иштирок этишларини таъминлашга, улар ўзларининг ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий фаолликларини намоён этишларини кучайтиришга қаратилган мустаҳкам қонуний асослар яратилган.

Хотин-қизларни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш, уларнинг давлат ва жамият қурилишидаги иштирокини ошириш бўйича чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Ижро ҳокимияти органларида хотин-қизларнинг вакиллиги ҳамда марказда ва жойларда қарорлар қабул қилишда уларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳисобга олиш таъминланган. Бу эса уларнинг кўлида каттагина ижтимоий ва маъмурий ресурсларни жамлаш имконини беради. Ўзбекистоннинг сайлов қонунчилигида сайлов жараёнида эркаклар ва хотин-қизларнинг тенглиги қатъий белгилаб қўйилган.

Сиёсий партиялар доирасида хотин-қизлар ўзлари учун муҳим бўлган масалаларни илгари суриш ҳамда ўз таъсирларини мустаҳкамлаш учун бирлашмоқдалар. Сўнгги йилларда сиёсий партияларда хотин-қизларнинг фаоллиги 36–50 фоизга ортгани кузатилмоқда. Сиёсий партиялардаги фаолият – давлат ва жамият фаолиятини бошқаришда ҳақиқий иштирок этиш имкониятидир. Бунинг натижаси ўлароқ, биз бугун хотин-қизлар ўзлари аъзо бўлган сиёсий партияларнинг мақсад ва ғояларини илгари суришда қанчалик фаоллик кўрсатишаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз¹⁶⁰.

Мамлакатимизда мажбурий ўрта махсус, касб-ҳунар таълими жорий этилган бўлиб, бу ҳам қизларнинг касб эгаллаш имкониятларини кенгайтди. Бундан ташқари, ўқув муассасаларига қабул ва даволат жараёнлари доимий равишда мониторинг қилиб борилади. Ҳар йили Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларидан саралаб олинган 14 нафар иқтидорли қизга Зулфия номидаги Давлат мукофоти берилади. Бу тадбир қизлар учун фан, таълим, адабиёт, санъат, спорт каби соҳаларда ўз иқтидорларини намоён этишлари учун имконият яратмоқда, ҳамда уларга йўналишлар бўйича олий ўқув юртига имтиҳонсиз кириш имтиёзини бермоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш” деб номланган 4.2-бандида “Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, давлат ва жамият бошқарувида уларнинг ролини кучайтириш, аёллар, касб-ҳунар коллежларини битирган қизларнинг бандлигини таъминлаш, уларни

¹⁵⁹ Об Узбекистане. <http://www.uz.undp.org/content/uzbekistan/ru/home/countryinfo.html>

¹⁶⁰ Женщины Узбекистана играют все большую роль в политике. <http://uzbekistan.lv/zhenshhiny-uzbekistana-igrayut-vse-bolshuyu-rol-v-politike>

тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оила асосларини янада мустаҳкамлаш” каби вазифалар белгилаб берилган.¹⁶¹

Мамлакатимиз гендер сиёсатининг асосий принциплари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлар ва бошқа ҳужжатлар, шунингдек эркаклар ва аёлларни бир хил ва тенг ҳуқуқ ва эркинликлар билан таъминлашга қаратилган халқаро конвенцияларда кафолатланган қоидаларга асосланади. Бу эса жамиятда хотин-қизларнинг ҳолатини яхшилаш, улар учун тенг ва бир хил имкониятлар яратиб бериш барқарор ривожланишни сақлаб қолишнинг муҳим омили эканлиги англаб етилаётганидан дарак беради.

Назорат саволлари:

1. Бешинчи мақсаднинг мазмун-моҳияти нимадан иборат?
2. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “БМТ – аёллар” тузилмаси нима билан шуғулланади?
3. Жаҳонда гендер тенглиги қандай таъминланмоқда?
4. Ўзбекистоннинг мамлакатда гендер тенглигини таъминлаш бўйича сиёсати ҳақида гапириб беринг.

3.6. Барча учун сув ресурслари ва санитариянинг бўлишини ва улардан самарали фойдаланилишини таъминлаш

Режа:

1. Олтинчи мақсаднинг мазмун-моҳияти.
2. Жаҳонда ичимлик суви билан таъминлаш муаммоси
3. Ўзбекистонда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш.

Асосий тушунчалар: сув етишмовчилиги муаммоси, ичимлик сувининг сифати, Ўзбекистон, Марказий Осиё, қонун ҳужжатлари, сув истеъмолчилари.

Мавзу бўйича тавсия этиладиган адабиётлар:

1. *Цели устойчивого развития. Обеспечение наличия и рационального использования водных ресурсов и санитарии для всех.* <http://www.uz.undp.org/content/uzbekistan>
2. <https://www.gazeta.uz/ru/2017/02/07/strategy/> 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси.
3. Юсупова Д. Для сохранения водных ресурсов. <http://narodnoeslovo.uz/index.php/homepage/sijosat/item/546-politika>

Ер юзи аҳолисининг 40 фоиздан ортиқроғи сув етишмовчилигидан азият чекади, бутун сайёрамизда ҳаво ҳароратининг кўтарилиши ва иқлим ўзгариши оқибатида бу кўрсаткичнинг янада ортиши эҳтимоли мавжуд. Гарчи 1991 йилдан бошлаб 2,1 миллиард инсон нисбатан сифатли сув ва санитария тизимидан фойдаланиш имкониятини қўлга киритган бўлсада, Ер шарининг ҳар бир қитъасида хавфсиз ичимлик суви захираларининг камайиб бориши энг долзарб муаммолардан бири бўлиб турибди¹⁶².

Далил ва рақамлар

¹⁶¹ <https://www.gazeta.uz/ru/2017/02/07/strategy/>

¹⁶² Обеспечение наличия и рационального использования водных ресурсов и санитарии для всех. <http://www.uz.undp.org/content/uzbekistan/ru/home/post-2015/sdg-overview/goal-6.html>

- ✓ 1990 йилдан буён 2,6 миллиард киши тозаланган ичимлик суви манбаларидан фойдаланиши имкониятига эга бўлди, аммо 663 миллион киши хануз ана шундай имкониятдан мосуво.
- ✓ Дунё миқёсида камида 1,8 миллиард инсон нажас билан ифлосланган ичимлик сувидан фойдаланади.
- ✓ 1990–2015 йилларда тозаланган сув манбаларидан фойдаланиши имкониятига эга бўлган аҳоли улуши 76 фоиздан 91 фоизга ортди.
- ✓ Дунё аҳолисининг 40 фоиздан ортиқроғи учун сув тақчиллиги долзарб бўлиб турибди ва тухминларга кўра ушбу муаммо кучайиб боради. Бугунги кунда 1,7 миллиард киши сув истеъмоли унинг ўрнини тўлдириши имкониятидан зиёд бўлган дарё бўйларида истиқомат қилади.
- ✓ Дунёда 2,4 миллиард инсон ҳожатхона ёки махсус жиҳозланган ўралар кўринишидаги санитария хизматларидан фойдаланиши имкониятига эга эмас.
- ✓ Инсон фаолияти натижасида юзага келадиган оқава сувларнинг 80 фоиздан ортиқроғи тозаланмасдан дарё ва денгизларга ташиланади.
- ✓ Ҳар йили минглаб болалар сув таъминоти ва санитария соҳаларидаги муаммолар оқибатида келиб чиқадиган диарея касалликларидан вафот этишади.
- ✓ Гидроэнергетика энг муҳим ва кенг қўлланиладиган қайта тикланувчи энергия манбаи ҳисобланади, ҳамда 2011 йил ҳолатига бутун дунёда ишлаб чиқарилган электр энергиясининг 16 фоизи тўғри келган.
- ✓ Дарё, кўл ва бошқа сув манбаларидан олинadиган сувнинг тахминан 70 фоизи сугориши учун ишлатилади.
- ✓ Табиий офатлар натижасида рўй берадиган барча ўлим ҳолатларининг 70 фоизи сув тошқини ва сув билан боғлиқ бошқа фалокатлар ҳиссасига тўғри келади.

2016 йилда 41 та мамлакат сув ресурсларининг кучли етишмовчилигини бошдан кечирган. Улардан ўнтаси ўзларининг янгиланиб турадиган чучук сув манбаларининг тўлиқ йўқолиши арафасида турибди, ҳамда ноанъанавий манбаларга мурожаат этишга мажбур бўлишмоқда.



Фотосурат <http://www.un.org> сайтидан олинди

Тез-тез содир бўлиб турган қурғоқчилик ва чўллашувнинг интенсивлашиб бораётгани ҳам ушбу вазиятни янада таранглаштирмоқда. 2050 йилга бориб сайёрамизда истиқомат қилаётган ҳар тўрт инсондан камида бир нафари сув етишмовчилигини бошдан кечиришига тўғри келади. 2030 йилгача барчанинг хавфсиз ичимлик сувидан фойдаланишини таъминлаш учун тегишли инфратузилмага инвестициялар киритилиши, санитария тизим яратилиши ҳамда одамлар томонидан гигиена қоидаларига риоя этилишини рағбатлантиш талаб қилинади¹⁶³. Сув экотизимлари, жумладан, ўрмонлар, тоғлар, сув-ботқоқ худудлари ва дарёларни муҳофаза қилиш ва қайта тиклаш сув танқислигини камайтиришнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, сув ресурсларидан эҳтиёткорона, авайлаб фойдаланиш ғоясини илгари суриш ҳамда ривожланаётган мамлакатларда сувни тозалаш технологияларини жорий этишга кўмаклашиш борасида халқаро ҳамжамиятнинг кенг кўламли ҳамкорлиги талаб этилади.

Ўзбекистон ушбу жараёнда иштирок этаётган ва ўз зиммасига маълум мажбуриятларни олган ҳамда барқарор ривожланиш бўйича давлат ҳужжатларини амалга ошираётган мамлакатлардан бири ҳисобланади. Иқлим бўйича Париж битимига тўхталадиган бўлсак, айти пайтда мазкур ҳужжат таҳлил қилинмоқда ва у бўйича маълум бир қарор қабул қилиниши шубҳасиз. Қайд этиш керакки, мазкур битим аввалгисидан фарқли равишда махсус глобал кўрсаткичларни мажбурлаб тадбиқ этмайди. Ҳар бир мамлакат атмосферага турли газлар чиқарилишини камайтиришга қаратилган маълум бир

¹⁶³ www.uz.undp.org/content/uzbekistan/ru/home/post-2015/sdg.../goal-6.html

мажбуриятларни ўз зиммасига олади. Ўз зиммасига мажбурият олиш – ҳамма томонни яхшилаб тарозига солиб кўришни талаб этади. РЭЦЦА ўз фаолияти доирасида ҳудуддаги мамлакатлар ўз зиммасига қандай мажбуриятларни олаётганини таҳлил қилиб боради. Бизнинг вазифамиз – глобал жараёнларни “маҳаллийлаштириш”дан, ҳудудий ва миллий даражада ҳар бир мамлакат ўзининг иқтисодий ва ижтимоий имкониятларидан келиб чиқиб нималар қила олишини белгилаб олишдан иборатдир. Шу билан бирга, биз глобал жараён керак, ва хатто биз учун фойдали эканини, чунки биз маъмурий чегаралар билан ажратиб бўлмайдиган экологик муҳитда яшаётганимизни англаб етишимиз лозим. Иқлим ўзгариши натижасида ёмонлашиши жараёнлари кузатилса, ундан биз ҳам зарар кўришимиз аниқ. Тахминлар оқибатда бизнинг минтақамиз хатто Европа ва бошқа ҳудудлардан кўра кўпроқ зарар кўришини исботламоқда, Марказий Осиёда ҳозиргига нисбатан сув манбалари 10-15 фоизга камайиб кетади¹⁶⁴.

Бугунги кунда озиқ-овқат ва экологик хавфсизликни таъминлаш масалаларини сув манбаларидан айро тасаввур этиб бўлмайди. Айти пайтда Ўзбекистонда 55 та сув омборидан фойдаланилаётган бўлса, уларнинг 30 таси Амударё ҳавзасида, 25 таси эса Сирдарё ҳавзасида жойлашган, шунингдек 500 та табиий қўллар ҳам мавжуд. Иқтисодиёт тармоқларининг ривжланиши ва аҳоли сонининг ортиб бориши сувга бўлган эҳтиёжни кундан кунга оширмоқда. Шу боис аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш масалаларини ечишда экологик ёндошувларни ишлаб чиқиш устувор вазифалардан бўлиб турибди¹⁶⁵.



Фотосурат <http://www.vsemirnyjbank.org> сайтидан олинди

Маълумки, Ўзбекистонда ичимлик сувига бўлган эҳтиёжнинг 80 фоизи ер ости чучук сувлари, 20 фоизи эса ер юзасидаги манбалар ҳисобига қондирилади. Шу боис мамлакатимиз учун ер ости чучук сувлари тўпланадиган ҳудудлар тозалигини сақлаш, ҳамда сув манбалари йўқолишининг муҳофазаси масалалари муҳим аҳамиятга эга. Республикамизда ер ости ва ер юзасидаги чучук сув манбаларини муҳофаза қилишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Аҳоли сони ортишини, иқтисодиётнинг ривожланиш кўрсаткичларини, иқлим ўзгариши дарёлар режимига

¹⁶⁴ Интервью. Искандар Абдуллаев: «Мы живем в экологической среде, которую невозможно разделить административными границами». <https://www.gazeta.uz/ru/2017/04/25/iskandar-abdullaev/>

¹⁶⁵ Юсупова Д. Для сохранения водных ресурсов. <http://narodnoeslovo.uz/index.php/homepage/sijosat/item/546-politika>

кўрсатаётган таъсирни инобатга олиб, республика ҳукумати сув ресурслари етишмовчилигинг салбий оқибатларини юмшатишга қаратилган тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолини яхшилаш, сув ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш масалалари Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг бир қатор қарор ва фармонларида, жумладан, 2013 йил 19 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида”, 2013 йил 21 июндаги “Томчилатиб суғориш ва суғоришнинг бошқа сувни тежовчи технологияларини жорий этиш ва молиялаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2013 йил 14 июндаги “Махсус сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли учун рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги ҳужжатларда ўз аксини топган.

Республикада суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича жамғарма ташкил этилган, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича давлат Дастури қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги “2013 - 2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-1958-сон қарори, ҳамда ушбу қарор ижросини таъминлашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 фил 24 февралдаги “2013 - 2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича давлат дастурининг сўзсиз бажарилишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 39-сон қарори қабул қилинган¹⁶⁶.

Республикада қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши диверсификация қилиш бўйича кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмоқда. Пахта, гуруч ва беда каби сувни кўп талаб қиладиган экинлар ўрнига бошоқли, полиз ва бошқа сувни кам истеъмол қиладиган экинларни экишга эътибор қаратилмоқда. Натажада республика бўйича далага сув чиқариш ўтган асрнинг 80-йилларидаги 64 млрд.м³ дан ҳозирги кунда 52 млрд.м³ гача камайишига эришилди. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг тузилиши ва таркиби ўзгариши муносабати билан янги қонунчилик даражасида сув истеъмолчилари ва сувдан фойдаланувчилар ассоциациялари фаолияти, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмол қилиш турлари тартибга солинмоқда. Махсус сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли учун рухсатнома беришнинг янги тартиби жорий этилган, хусусан суғориш эҳтиёжлари учун сувдан фойдаланувчиларга маълум бир чекловлар ҳам жорий этилган. Буларнинг барчаси сув ресурслари ва суғориладиган ерларни бошқаришнинг миллий тизимини янада такомиллаштириш имконини бермоқда.

¹⁶⁶ <http://www.watermagazine.ru/news-glav/21-glavnyj/projekt/>



Н.Қосимова олган сурат

2017 йил 21 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президенти “2017 - 2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастури тўғрисида”ги қарорни имзолади. Қарорда Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида ҳал қилинмаган муаммолар мавжудлиги қайд этилган. Бундан ташқари, ҳужжатда аҳолининг кенг қатламлари яшаши учун, айниқса, қишлоқ жойларда, шинам ва қулай ижтимоий-маиший шарт-шароитлар яратиш, истеъмолчилар учун ҳамма жойда сифатли ичимлик суви етказиб берилишига эришиш, республикада сув таъминоти ва канализация хизматлари кўрсатиш самарадорлигини ошириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган.

Бунинг учун 2017 — 2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш Дастури (кейинги ўринларда матнда - Дастур) тасдиқланди. Дастурни амалга ошириш учун масъул этиб Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги белгиланган бўлса, назорат махсус республика комиссияси зиммасига юклатилган¹⁶⁷.

Назорат саволлари:

1. Олтинчи мақсаднинг мазмун-моҳияти ҳақида гапириб беринг.

¹⁶⁷ http://www.norma.uz/novoe_v_zakonodatelstve/regiony_obespechat_chistoy_pitevoy_vodoy_i_kanalizaciy

2. Дунёда ичимлик суви таъминоти борасида қандай муаммолар мавжуд?
3. Ўзбекистонда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш учун қандай чоралар кўрилмоқда?

3.7. Барча учун қиммат бўлмаган, ишончли, барқарор ва замонавий энергия манбаларидан фойдаланиш имкониятини яратиш

Режа:

1. Замонавий энергия манбалари
2. Барқарор энергетикадан фойдаланиш имконияти
3. “Яшил иқтисод” концепцияси
4. Ўзбекистоннинг барқарор энергия манбаларидан фойдаланиш имкониятини яратиш борасидаги сиёсати

Асосий тушунчалар: энергия, энергетика, муқобил энергия, “яшил иқтисод”, барқарор энергетика

Мавзу бўйича тавсия этиладиган адабиётлар:

1. *Цели в области устойчивого развития — Устойчивое развитие*
www.un.org/sustainabledevelopment/ru/sustainable-development-goals
2. *“Опыт и перспективы внедрения возобновляемых источников энергии в республике”*.
<http://uznature.uz/?q=ru/node/97>
3. *Альтернативная энергетика: внедрение, развитие, использование.*
<http://www.narodnoeslovo.uz/index.php>

Бугунги кунда дунё тўқнаш келаётган асосий муаммо ва имкониятлар орасида энергия марказий ўрин тутаяди. Иш ўринлари яратилиши, хавфсизлик, иқлим ўзгариши, озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ёки даромадларни ошириш бўлсин – барча учун энергия манбаларидан фойдаланиш имконияти муҳим омил бўлиб қолмоқда. Иқтисодиётни мустаҳкамлаш, экотизимни муҳофаза қилиш ва адолатга эришиш учун барқарор энергетика зарур бўлади. Замонавий энергетика манбаларидан барчанинг фойдаланишини таъминлаш, қайта тикланадиган энергия манбалари самарадорлигини ошириш ва кенгайтириш бўйича “Барқарор энергетика барча учун” кампанияси доирасидаги ҳаракатга БМТ Бош Котиби раҳбарлик қилмоқда¹⁶⁸.

Рақам ва далиллар

- Дунё аҳолисининг ҳар беш нафаридан бири электр энергиясидан фойдаланиш имкониятига эга эмас.
- Тахминан 3 миллиард киши овқат пишириш ва иситиш учун анъанавий биомассалар, яъни ўтин ва ўсимликлар қолдиқларидан (кўмирдан) фойдаланишга мажбур.
- Иқлим ўзгариши соҳасида энергетика етакчи омил бўлиб турибди, ҳамда атмосферага чиқарилаётган иссиқхона газлари жами ҳажмининг тахминан 60 фоизи унинг ҳиссасига тўғри келади.
- Энергетикада углеродлар чиқарилишининг интенсивлигини камайтириш иқлим ўзгаришига қарши курашда узоқ муддатли мақсадларга эришишида муҳим вазифа ҳисобланади.

2012 йил июнь ойида Рио-де-Жанейро шаҳрида БМТ Бош Котиби Пан Ги Мун замонавий энергия манбаларидан барча фойдаланишини таъминлаш бўйича БМТнинг Глобал ташаббусини юздан ортиқ ташкилотлар қўллаб-қувватлаганини қайд этди.

¹⁶⁸ <http://www.un.org/sustainabledevelopment/ru/issues/people/energy/>

Тадбиркорлар, ҳукуматлар ва банклар Глобал ташаббусни молиялаштириш учун ўнлаб миллиард АҚШ доллари миқдоридан маблағ ажратишни ваъда қилишган. Ушбу ташаббус 2030 йилга бориб қуйидаги учта ўзаро боғлиқ вазифани ҳал этишни назарда тутди: замонавий энергия манбаларидан барча фойдаланишини таъминлаш, дунё бўйича энергия истеъмоли интенсивлигини 40 фоизга камайтириш, дунё бўйича қайта тикланадиган энергия манбалари улушини 30 фоизга ошириш.



Фотосурат <http://www.un.org> сайтидан олинди

Бугунги кунда дунё аҳолисининг ҳар беш нафаридан бири электр энергиясидан фойдаланиш имкониятига эга эмас, тахминан 3 миллиард киши овқат пишириш ва уй-жойни иситиш учун анъанавий биомассалар, яъни ўтин ва кўмирдан фойдаланишга мажбур¹⁶⁹.

Дунёнинг турли минтақаларида жойлашган 50 дан ортиқ давлат ҳукуматлари БМТ Глобал ташаббусининг юқорида қайд этилган учта мақсадига эришиш учун ўзларининг энергетика соҳасидаги режаларини қайта кўриб чиқишмоқда, ташаббусни қўллаб-қувватлаб ресурслар ажратишмоқда. Тадбиркорлар ва инвесторлар ушбу глобал ташаббусни молиялаштириш учун 50 миллиард АҚШ долларидан ортиқ маблағ ажратишга ваъда қилишган. Ҳукуматлар, банклар ва бошқа халқаро ташкилотлар ўнлаб миллиард доллар ажратишга тайёр.

“Барча учун барқарор энергия мақсадларига эришиш нафақат мумкин, балки шарт. Энергия – ривожланиш, ижтимоий интеграция ва атроф-муҳит муҳофазасини бирлаштиридагин ўзига хос тилла илдир”, - деди БМТ раҳбари. Пак Ги Мун кўп бора “ҳар бир хонадонда чироқ ёниб туришига эришишга, шу билан бирга сайёрамизни ортиқча қиздириб юбормасликка” чақирган¹⁷⁰.

Сўнгги 40 йил ичида энергияга бўлган эҳтиёж сезиларли даражада ошди. Шу даврда органик ёқилғи қазиб олиш ҳажми бутун инсоният тарихидаги қазиб олиш миқдоридан ошиб кетди. Айти пайтда дунёда табиий ёқилғидан фойдаланиш эквивалентда 12 миллиард тонна нефтга ёки киши бошига 2 тоннага тенг бўлиб турибди. Газ, кўмир, уран асосий энергия манбалари бўлиб турибди. Агар улардан фойдаланиш шу суръатда давом этса, нефть захираси 45-50 йилга, табиий газ 70-75 йилга, тошкўмир 165-170 йилга, қўнғир кўмир 450-500 йилга етади.

¹⁶⁹ <http://www.un.org/russian/news/fullstorynews.asp?newsID=17738>

¹⁷⁰ <http://www.un.org/russian/news/fullstorynews.asp?newsID=17738>

Қайта тикланадиган энергия органик углеводород энергия манбаларига муқобил ҳисобланади. Энергетика балансида экологик тоза қайта тикланадиган энергия манбаларининг (ҚТЭМ) кенг жорий этилиши атроф-муҳитга техноген таъсирларни камайтириш нуктаи назаридан ҳам жуда зарур. Бундан ташқари, ҚТЭМ ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг, жумладан жойларда аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Шу муносабат билан, дунёнинг аксарият мамлакатлари ўз олдларига табиий энергия манбалари ҳажмида муқобил қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш ҳажмини ошириш ва кенг жорий этиш мақсадаларини қўйишмоқда. Қуёш, шамол, гидро-, геотермал энергия, шунингдек саноат, қишлоқ хўжалиги ва маиший чиқиндилардан олинадиган биогаз шулар жумласидандир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси барқарор ривожланиш учун энергетиканинг муҳимлигини тан олганлиги белгиси сифатида 2012 йилни барча учун барқарор энергетика йили деб эълон қилди. Мазкур йил энергия манбаларидан барқарор фойдалана олиш имкониятини кенгайтириш, энергия самарадорлиги ва қайта тикланадиган энергия манбалари ҳақида миллий, ҳудудий ва халқаро даражадаги хабардорликни ошириш учун қимматли имконият бўлди.

2012 йил Бразилияда бўлиб ўтган Рио+20 Бутунжаҳон Саммитининг якуний ҳужжатида барқарор ривожланиш воситаси сифатида “яшил иқтисодиёт” концепцияси мустаҳкамлаб қўйилди. “Яшил иқтисодиёт”нинг “яшиллаштириш” бўйича юқори имкониятга эга секторларидан бири қайта тикланадиган энергетика ҳисобланади. Бу энергетика хизматлари ишлаб чиқариш самарадорлиги, соғлиқни сақлаш, таълим, иқлим ўзгариши, озиқ-овқат ва сув ресурслари хавфсизлиги ҳамда алоқа хизматларига таъсир кўрсатади.

Экологик тоза, қиммат бўлмаган ва ишончли энергия манбаларидан фойдаланиш имкониятининг мавжуд эмаслиги инсон имкониятларининг ривожланишига, ижтимоий ва иқтисодий ўсишга тўсқинлик қилади, ҳамда Мингйиллик декларациясида баён этилган ривожланиш борасидаги мақсадларга эришиш йўлида асосий тўсиқ ҳисобланади.

Ўзбекистонда ноанъанавий энергия манбалари – биринчи галда, қуёш энергиясидан фойдаланишга катта эътибор берилмоқда. Мамлакатнинг биринчи Президенти томонидан 2013 йил 1 мартда имзоланган “Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” номли фармонда муқобил энергетика соҳасида илмий имкониятларни янада ривожлантириш, малакали кадрлар тайёрлаш, соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш, муқобил энергия манбаларини ишлаб чиқарувчилар ва унинг истеъмолчиларини рағбатлантириш, уларга солиқ ва божхона имтиёзлари бериш, “Муқобил энергия манбалари тўғрисида” қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш каби вазифалар белгилаб берилди¹⁷¹.

Ўзбекистон ўз илмий ишланмалари асосида қуёш энергетикасини ривожланишнинг янги босқичига олиб чиққан Марказий Осиёдаги биринчи давлатларидан ҳисобланади. Бунда Ўзбекистон Фанлар академияси қошидаги “Физика-Қуёш” ИИЧБ физика-техника институтининг хизматлари катта. Институт олимлари мамлакатимизнинг улкан гелиоэнергетик имкониятидан самарали фойдаланиш юзасидан чуқур изланишлар олиб боришмоқда. Уларнинг илмий ишланмалари асосида мана ўн йиллардан ошибдики, аҳоли турар жойлари ва ижтимоий соҳа объектларини қуёш иситиш қурилмалари воситасида иситиш ва иссиқ сув билан таъминлаш тизимлари тайёрланмоқда ва синов тариқасида ишлатиб келинмоқда. Тошкент шаҳри, Самарқанд вилояти ва Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида гелиоқурилмалар ўрнатилган бўлиб, улар ёрдамида иссиқ сув олинмоқда. Anhor.uz сайти 2017 йил 8 май куни “Тошкент иссиқ сув таъминотининг магистрал тармоқларига муқобил изламоқда” номли мақолада шундай хабар беради:

¹⁷¹ “Опыт и перспективы внедрения возобновляемых источников энергии в республике”.
<http://uznature.uz/?q=ru/node/97>



Фотосурат anhog.uz сайтидан олинди

“Пойтахтимиз ҳокимиятидан олинган маълумотга кўра, Тошкентда гелиоқурилмалар базасида 211 та локал қозонхоналар қурилади, чунки ўтган асрнинг 60-70-йилларида ётқизилган магистрал тармоқлар ярқисиз ҳолатга келиб қолмоқда. Қозонхоналарнинг 77 таси мавзелар ичига қурилса, 134 таси эса уйларнинг томига ўрнатилади. Бунинг учун 170 миллиард сўм сарфланади. Бу иссиқ сувни хонадонлар ва объектларга етказиб бериш масофаси ва вақтини қисқартириш, табиий газни тежаш, авария ҳолатлари эҳтимолини камайтириш имконини беради”.

Ўзбекистон олимларининг энг янги ишланмалари қишлоқ хўжалигида ҳам кенг қўлланилмоқда. Бирор бир сабабга кўра электр таъминоти линиялари ва сув таъминоти тизимлари бўлмаган ёки ишламайдиган ҳудудларда сувни кўтариб беришда қийинчиликлар мавжудлиги бор гап. Бу мақсадларда қуёш энергиясини электр энергиясига айлантириб берадиган фотоэлектр қурилмасидан фойдаланилади. У қуёш батареяларини, энергияни жамловчи тизимни, ҳамда доимий токни ўзгарувчан токка айлантириб берувчи воситани ўз ичига олади. Фермер хўжаликлари ирригация тизимида манбаларни тежовчи – томчилатиб суғориш технологияларни қўллаган ҳолда илгари суғорилмаган ерларга сув чиқариб, уларни ўзлаштиришлари мумкин. Фотоэлектр қурилмаси узоқ муддат хизмат қилади, махсус техник хизмат кўрсатилишини талаб қилмайди, бир неча йил ичида ўз харажатларини қоплайди.

Институт олимлари томонидан, шунингдек қуёшли сув сепкичлар, қўчаларни ёритиш учун фотоэлектр станциялари ва фотоэлектр тизимлари, ҳамда бошқа технологик янгиликлар яратилган.

“Узэлектроаппарат-электроцит” ОАЖ ҳам муқобил энергия манбаларини яратиш, ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланади. Корхонада иссиқ сув таъминотининг гибрид тизимларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлиб, уларга қуёш батареялари билан бирга дизель генератори ҳам ўрнатилган. Ушбу тизим тўлиқ автоматлаштирилган бўлиб, унинг ишлаши учун инсон омили талаб қилинмайди. Қуёшли кунларда панеллар бинони электр билан таъминлайди ва келгусида автоном тарзда ишлаш учун уларни аккумуляторларга йиғади. Панеллардан энергия етарлича келмайдиган қиш-қировли ёки

булутли кунларда автоматик тарзда дизель генератори ишга тушиб, қуёш панелларидан келаётган энергия тиклангунча ишлаб туради. Ушбу тизимлар стационар тизимларга қулай тарзда мослашади, ҳамда бунда бино навбати билан шаҳар электр таъминоти тармоғидан ва гибрид тизимдан электр қуввати олиб ишлаши мумкин бўлади. Бу жараёнда аккумуляторлар кейинчалик автоном режимда ишлаш учун тармокдан энергияни тўплаб туради¹⁷².

Мамлакатимизда ихчам фотоэлектр энергия таъминоти станциялари яратилган бўлиб, улардан электр ускуналарни ишлатишда электр манбаи сифатида фойдаланилади, уларнинг истеъмол қуввати ишлаб чиқараётган энергиясидан ошмайди. Улар кучланишнинг ортиб кетиши ва қисқа туташувдан, ҳамда қизиқ кетиш ва батареянинг ўта зарядланиши ёки разрядланишидан автоматик тарзда ҳимояланган.

Ўзбекистоннинг гелиоэнергетика соҳасидаги илмий салоҳиятини янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2013 йил 1 мартдаги “Қуёш энергияси халқаро институтини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига асосан Фанлар Академиясининг “Физика-Қуёш” ИИЧБ базасида Қуёш энергияси халқаро институти ташкил қилинди¹⁷³.

Назорат саволлари:

1. Дунёда қандай замонавий энергия манбалари мавжуд?
2. Барқарор энергиядан фойдаланиш имконияти деганда нима тушунилади?
3. “Яшил иқтисод” Концепцияси ҳақида гапириб беринг.
4. Ўзбекистоннинг барқарор энергия манбаларидан фойдаланиш имкониятини яратиш борасидаги сиёсати нимадан иборат?

3.8. Сўзсиз, барчани қамраб олувчи ва барқарор иқтисодий ўсишга, барча учун тўлиқ ва самарали бандлик ва муносиб иш таъминотига кўмаклашиш

Режа:

1. Барқарор ривожланишнинг саккизинчи мақсадининг мазмун-моҳияти
2. Халқаро меҳнат ташкилотининг мақсад ва вазифалари
3. Ўзбекистоннинг иқтисодий сиёсати

Асосий тушунчалар: иқтисодий ўсиш, РИО+20, Халқаро меҳнат ташкилоти, иқтисодий сиёсат, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси.

Мавзу бўйича тавсия этиладиган адабиётлар:

1. *Цели в области устойчивого развития.*

www.un.org/sustainabledevelopment/ru/sustainable-development-goals

2. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони.* <http://lex.uz>

3. *МВФ прогнозирует рост экономики Узбекистана в 2017 году на уровне 6%.* <http://news.uzreport.uz/>

¹⁷² “Опыт и перспективы внедрения возобновляемых источников энергии в республике”. <http://uznature.uz/?q=ru/node/97>

¹⁷³ “Опыт и перспективы внедрения возобновляемых источников энергии в республике”. <http://uznature.uz/?q=ru/node/97>

Барқарор ривожланиш мақсадларидаги фаолиятнинг марказида инсонлар туради. Шу боис Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барқарор ривожланиш бўйича РИО+20 Конференциясининг “Биз истаган келажак” номли якуний ҳужжатининг мазмуни сайёрамиздаги барча халқларнинг фаровонлигига бағишланган. Барқарор ривожланиш соҳасидаги саккизинчи мақсадга эришиш “Сўзсиз, барчани камраб олувчи ва барқарор иқтисодий ўсишга, барча учун тўлиқ ва самарали бандлик ва муносиб иш таъминоти”га кўмаклашади.

Барқарор ва яхши маош тўланадиган иш жойлари бўлгандагина камбағалликка барҳам бериш мумкин. 2,2 миллиард киши кунига 2,2 доллардан кам пул ишлаган ҳолда қашшоқликда кун кечирмоқда. Ишсиз одамлар сони қанча? Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)нинг 2015 йил якуни бўйича маълумотларига кўра, 204 миллиондан ортиқ киши ишсизлик мақомига эга. Дунё бўйича ишсизлик даражаси 2007 йилдаги 170 миллион кишидан 2012 йилда 202 миллионга етди, уларнинг 75 миллиони қизлар ва ўсмирлар. Бутун дунёда меҳнатга лаёқат ёшидаги аҳоли сони ўсиш суръатларидан келиб чиққан ҳолда меҳнат бозорининг янги иштирокчилари учун ҳар йили 30 миллион иш ўрни яратилиши зарур бўлади¹⁷⁴.



Фотосурат <http://www.un.org> сайтидан олинди

2016 йилдан 2030 йилга қадар глобал миқёсда меҳнат бозорининг янги иштирокчилари учун жами 470 миллионга янги иш ўринлари яратилиши керак, бу йилига 30 миллионга иш ўрни дегани. Ушбу рақамлар фақатгина дунё миқёсида меҳнатга лаёқат ёшидаги аҳоли сони ўсишини қоплаш учун етарли бўлади. Агар уларнинг барчаси иш билан таъминланса, қашшоқлик барҳам топадими? Янги иш ўринлари яратиш билан бирга, тахминан 780 миллион нафар эркак ва аёлларнинг иш шароитларини яхшилаш талаб этилади. Чунки улар оилаларини қашшоқлик ботқоғидан олиб чиқиб кетиш учун етарли бўлган миқдорда маош олишмайди. Бундан ташқари, ишга жойлашиш борасида хотин-қизларга эркаклар ва йигитлар билан бир хил имкониятлар яратиш зарур¹⁷⁵.

¹⁷⁴ http://www.un.org/ru/development/devagenda/pdf/Russian_Why_it_matters_Goal_8_Work&Growth.pdf

¹⁷⁵ http://www.un.org/ru/development/devagenda/pdf/Russian_Why_it_matters_Goal_8_Work&Growth.pdf

Далил ва рақамлар

- *Дунё бўйича ишсизлик даражаси 2007 йилдаги 170 миллион кишидан 2012 йилда 202 миллионга етди, уларнинг 75 миллиони ёш йигит-қизлар.*
- *Салкам 2,2 миллиард киши кунига 2 АҚШ долларидан кам пул ишлаган ҳолда қашшоқликда кун кечирмоқда. Барқарор ва яхши маош тўланадиган иш билан таъминлаш орқали бундай вазитяга барҳам бериш мумкин.*
- *2016 йилдан 2030 йилга қадар меҳнат бозорининг янги иштирокчилари учун жами 470 миллионга янги иш ўринлари яратилиши керак.*

Қанчалик кўп одам ишлаб чиқаришда банд бўлиб, ўз мамлакати ривожига ҳисса қўша, бу ҳол бутун жамиятга фойда келтиради. Ишлаб чиқаришда бандлик ва “муносиб иш” адолатли глобаллашув ва қашшоқликни камайтириш йўлидаги муҳим элементлардан ҳисобланади¹⁷⁶. Бундан ташқари, ишсизлик тартибсизликларга сабаб бўлиши ва тинч ҳаётга раҳна солиши ҳам мумкин. “Муносиб иш” деганда нима тушунилади? “Муносиб иш” деганда инсоннинг ҳар бир инсоннинг етарлича даромад келтирадиган, иш жойида хавфсизлик таъминланган, оиласининг ижтимоий ҳимояси кафолатланган, шунингдек шахсий ўсиши ва ижтимоий интеграцияси учун истиқболларга эга бўлган ишлаб чиқариш билан боғлиқ иш топа олиш имконияти тушунилади. Шунингдек, иш жойида эркаклар ва аёлларга бир хил ва тенг имкониялар яратилишини кафолатлаш ҳам муҳимдир.

Келгуси беш йил давомида ишсизлик ортиб боришини назарда тутадиган бўлсак, 2019 йилга бориб, ишсизлар сони 212 миллион кишига етади, оқибатда янада кўпроқ одамлар вақтинчалик ишларга жойлашишга, қисқа муддатли меҳнат шартномалари тузишга, ёки норасмий меҳнат бозорида ишлашга мажбур бўлишади. Бу эса бутун дунёдаги мамлакатлар ҳукуматларини ҳам, фуқароларнинг ўзини ҳам ташвишга солмоқда¹⁷⁷.

Барқарор ривожланишнинг саккизинчи мақсадига эришиш жараёнида Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) қуйидаги устуворликларни илгари суради:

- тўлиқ ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бандлик ва муносиб иш;
- жинсидан қатъий назар бир хил қимматга эга иш учун бир хил маош тўланиши;
- ёшлар ўртасидаги ишсизлик;
- барча шаклдаги болалар меҳнатидан воз кечиш;
- расмий талаблардан келиб чиқиб норасмий иқтисодий тартибга солиш;
- тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва микро-, кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантириш;
- меҳнат ҳуқуқлари муҳофазаси ва ишончли ҳамда хавфсиз иш шароитларини яратиш;
- меҳнат миграцияси.

Инсонларни муносиб иш билан таъминлаш бўйича бирламчи вазифалар барқарор ривожланишнинг бошқа мақсадларида ҳам ўз аксини топган. Таълим вазифаларини ўз ичига олган саккизинчи мақсадда техник ва касбий кўникмаларга ўргатиш, қашшоқликка барҳам бериш устувор вазифаси бўлган биринчи мақсадда эса ижтимоий ҳимоя тизим ва чоралари белгиланган¹⁷⁸.

Ўзбекистон Барқарор ривожланишнинг саккизинчи мақсадини қабул қилар экан, ўз эътиборини мамлакат иқтисодийтини кўтаришга қаратди. Биринчи галда, мамлакатнинг келгуси ривожини аниқ белгилаб олиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ўзининг 2017 йил 7 февралдаги фармони билан 2017-2021 йилларда бешта устувор йўналишда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясини тасдиқланди. Стратегия лойиҳаси аҳоли ва тадбиркорларни қийнаб

¹⁷⁶ http://www.un.org/ru/development/devagenda/pdf/Russian_Why_it_matters_Goal_8_Work&Growth.pdf

¹⁷⁷ <http://thinkandact.wixsite.com/sdgyouthcompetition/>

¹⁷⁸ <http://thinkandact.wixsite.com/sdgyouthcompetition/>

келаётган масалаларни комплекс ўрганиш, қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти, ҳамда хорижий тажрибанинг таҳлили асосида ишлаб чиқилди. Ҳужжат интернетда эълон қилиниб, экспертлар ва кенг жамоатчилик томонидан муҳокама қилинди. Ҳаракатлар стратегияси беш босқичда амалга оширилади. Уларнинг ҳар бири стратегия мақсадларини амалга ошириш бўйича йилига алоҳида давлат дастури қабул қилинишини назарда тутди. Шунга кўра, 2017 йилда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастури қабул қилинди¹⁷⁹.



Фотосурат XDP.uz сайтидан олинди

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиши истиқболлари ҳам ашё кўринишидаги асосий экспорт маҳсулотлари – газ, мис, олтин ва пахта нархларининг келгусида пасайиши боис ўсиш кўрсаткичлари ёмонлашуви эҳтимолига эга. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкорлари иқтисодиётида кузатиладиган пасайиш ҳам экспортдан тушадиган даромадга, ички истеъмолга, кундалик операциялар ҳисобига ва бюджет сальдосига сезиларли салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Иқтисодиёт тахминларига кўра, гарчи 2017 йилдан бошлаб Ўзбекистон экспорт қиладиган муҳим ҳам ашё маҳсулотлари нархининг аста-секин ошиб бориши кутилаётган бўлсада (олтин бундан мустасно), Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкорлари сезиларли даражада ўзларини тиклай олишмайди¹⁸⁰.

Ўзбекистон томонидан саноатни модернизация қилиш, инфратузилмани ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш бўйича бир қатор янги дастурларнинг амалга оширилиши миллий иқтисодиёт ўсишининг узок муддатли имкониятини яхшигина мустақамлаши мумкин.

Назорат саволлари:

1. Барқарор ривожланиш саккизинчи мақсадининг мазмун-моҳиятини айтиб беринг.
2. Ҳалқаро меҳнат ташкилотининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
3. Ўзбекистоннинг иқтисодий сиёсати нимага асосланган?

¹⁷⁹ МВФ прогнозирует рост экономики Узбекистана в 2017 году на уровне 6%.
http://news.uzreport.uz/news_5_r_150857.html

¹⁸⁰ <https://www.gazeta.uz/ru/2017/02/07/strategy/>

3.9. Мустаҳкам инфратузилмани яратиш, барчани қамраб олувчи ва барқарор саноатлаштиришга ва инновацияларни жорий этишга кўмаклашиш

Режа:

1. Барқарор ривожланиш тўққизинчи мақсадининг мазмун-моҳияти
2. Мустаҳкам инфратузилма асослари: халқаро ва миллий тажриба
3. Ўзбекистонда мустаҳкам инфратузилманинг яратилиши

Асосий тушунчалар: инфратузилма, транспорт, ирригация тизимлари, энергия таъминоти, ахборот ва коммуникация технологиялари, “Суғурта фаолияти тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонуни

Мавзу бўйича тавсия этиладиган адабиётлар:

1. *Цели в области устойчивого развития.*
www.un.org/sustainabledevelopment/ru/sustainable-development-goals
2. «Суғурта фаолияти тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни. <http://lex.uz>
3. «Монополия фаолиятини чеклаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни.
<http://lex.uz>
4. <http://www.norma.uz>
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги фармони.
<http://lex.uz>

Инфратузилмага – транспорт, ирригация тармоқлари, энергия таъминоти, ахборот ва коммуникация технологияларига инвестициялар аксарият мамлакатларда барқарор ривожланишга эришиш, ҳамжамиятларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириши учун жуда ҳам зарур. Ишлаб чиқариш ва даромадларни ошириш, шунингдек тиббий ва таълим хизматлари кўрсатиш натижаларини яхшилаш учун инфратузилмага маблағ сарфлаш зарурлиги аллақачон исботланган.

Ўсиш ва урбанизациянинг бугунги суръатларида шаҳарларга иқлим ўзгаришига самарали қарши туриш имконини берадиган ҳамда иқтисодий ўсиш ва ижтимоий барқарорликка эришишга кўмаклашадиган барқарор инфратузилмани яратишга қўшимча инвестициялар киритилиши талаб этилмоқда.

Молиявий, техник ва технологик ресурсларга эҳтиёжи бор мамлакатларни нафақат давлат бюджети маблағлари ва ривожланиш мақсадларида расмий ёрдам ҳисобидан, балки хусусий манбалардан ҳам қўллаб-қувватлаш маъқулланади.¹⁸¹

¹⁸¹ <http://www.un.org/sustainabledevelopment/ru/issues/prosperity/infrastructure/>

Далил ва рақамлар

- Ривожланаётган мамлакатларнинг тахминан 2,6 миллиард аҳолиси узлуксиз электр энергиясидан фойдаланишида қийинчиликларни бошдан кечиради.
- Бутун дунёда 2,5 миллиард киши асосий санитария хизматларидан, салкам 800 миллион киши сувдан фойдаланиши имкониятига эга эмас, уларнинг асосий қисми Африканинг Сахройи Кабирдан жанубдаги ва Жанубий Осиё мамлакатларида истиқомат қилишади.
- Тахминан 1–1,5 миллион киши ишончли телефон хизматига эга эмас.
- Ишлаб чиқаришини саноатлаштиришининг мультипликатив самараси жамият ҳаётига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ишлаб чиқариши секторидан битта иш ўрнининг яратилиши бошқа секторларда 2,2 та иш ўрни яратилишига олиб келади.
- Саноат қайта ишлаши ва саноат ишлаб чиқариши билан банд бўлган кичик ва ўрта корхоналар саноатлаштиришининг дастлабки босқичларида муҳим ўрин тутуди, ҳамда, одатда, иш ўринларининг асосий яратувчилари ҳисобланишади. Улар дунё бизнес ҳамжамиятининг 90 фоиздан ортигини ташкил қилишади ва иш ўринларининг 50-60 фоизи улар ҳиссасига тўғри келади.
- Маълумотлар мавжуд бўлган мамлакатларда қайта тикланадиган энергетика секторларида банд бўлган аҳоли сони тахминан 2,3 миллион кишини ташкил этади. Ахборот борасидаги бугунги кунда мавжуд муаммоларни инобатга оладиган бўлсак, ушбу кўрсаткич анча пасайтириб берилганига амин бўламиз. Муқобил энергетикага бўлган қизиқишининг ортиб бориши натижасида 2030 йилга бориб қайта тикланадиган энергия соҳасидаги иш ўринлари сони 20 миллионга етиши мумкин.
- Ривожланаётган мамлакатларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 30 фоизи қайта ишланади. Даромад даражаси юқори бўлган мамлакатларда эса бу кўрсаткич 98 фоизга тенг. Бу рақамлар ривожланаётган мамлакатлар агробизнес соҳасида улкан имкониятларга эга эканини исботлаб турибди¹⁸².

Кўплаб ривожланаётган мамлакатларда йўллар, ахборот-коммуникация технологиялари, санитария, электр энергияси ва сув таъминоти сингари одатий инфратузилма ҳали ҳам мавжуд эмас. Тахминан 1–1,5 миллион киши ишончли телефон хизматидан фойдалан олаётгани йўқ. Бутун дунёда 2,5 миллиард кишида асосий санитария хизматларидан, салкам 800 миллион киши сувдан фойдаланиш имконияти мавжуд эмас. Ривожланаётган мамлакатларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг бор-йўғи 30 фоизи қайта ишланади. Саноатнинг янги турларининг кириб келиши кўпчилигимиз учун турмуш даражаси ошишини англатади. Бундан ташқари, агар саноат ишлаб чиқариши барқарор ривожланадиган бўлса, бу ҳол атроф-муҳитга ҳам ижобий таъсир кўрсатади¹⁸³.

¹⁸² <http://www.un.org/sustainabledevelopment/ru/issues/prosperity/infrastructure/>

¹⁸³ http://www.un.org/ru/development/devagenda/pdf/Russian_



Фотосурат <http://www.un.org> сайтидан олинди

Иқлим ўзгариши тўғридан тўғри барчамизга таъсир кўрсатади. Қашшоқликка барҳам бериш ва барқарор ривожланишни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ривожланиш соҳасидаги глобал кун тартибида саноат муҳим омил сифатида роль ўйнашини эътиборга оладиган бўлсак, қашшоқликка барҳам бериш энг мушкул вазифалардан бири экани аён бўлади. Бундан ташқари, инфратузилмани яхшилаш ва технологик инновацияларни рағбатлантириш чора-тадбирларининг мавжуд эмаслиги соғлиқни сақлаш даражасининг пастлигига, санитариянинг етарли эмаслигига, таълимдан фойдаланиш имконияти чекланганлигига сабаб бўлиши мумкин.

Нима қилиш мумкин? Компанияларнинг лойиҳалари ва ташаббусларини барқарор бошқариш имконини берадиган стандартларни ўрнатиш ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинишига қўмаклашиш. Ривожланаётган мамлакатларда барқарор ривожланишга эришиш йўлида нодавлат нотижорат ташкилотлар ва давлат сектори билан ҳамкорлик қилиш. Саноат бизнинг турмушимиз ва фаровонлигимизга қандай таъсир кўрсатаётгани ҳақида ўйлаб кўриш, сиёсатни ишлаб чиқишга масъул шахсларни барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишга устувор вазифа сифатида қарашга чақиришда ижтимоий медианинг имкониятларидан фойдаланиш.

Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантиришда инфратузилманинг асосий бўғинлари бўлган бир қатор муассасалар, ташкилотлар ва корхоналар комплекси яратилган. Биринчи галда, ишлаб чиқаришни таъминловчи тузилмалар – транспорт, алоқа, сув ва электр таъминоти, йўл ва омбор хўжаликлари шакллантирилган. Бозор муносабатларини шакллантиришда биржалар алоҳида ўрин тутади. Иқтисодий ислохотларнинг биринчи босқичида Республика кўчмас мулк биржаси, Товар-хом ашё биржаси ва “Тошкент” фонд биржаси ташкил этилган.

Бозор муносабатларини ривожлантиришда ахборот инфратузилмаси - иқтисодий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотни йиғиш ва умумлаштириш билан шуғулланадиган идора ва фирмалар муҳим ўрин тутади. Республикада хўжалик юритувчи субъектларга молия-кредит муносабатлари соҳасида хизмат кўрсатадиган инфратузилма – янги банк тизими, ўзини ўзи кредитлаш органлари, суғурта компаниялари, молия компаниялари, солиқ органлари, жамғарма кассалари ташкил қилинди.



Фотосурат kun.uz сайтидан олинди

Банклар республика иқтисодиётини ривожлантиришга йўналтириладиган капитал қуйилмалар ва хорижий инвестицияларни жалб этишда фаол қатнашмоқда. Бундан ташқари, республикада тадбиркорлар ва аҳолини зарар кўриш таваккалчилигидан ҳимоя қилувчи суғурта бозори шаклланган. Давлат иштирокида бозор хизматларини кўрсатувчи учта йирик суғурта компанияси – “Кафолат”, “Агросуғурта”, “Ўзбекинвест” ташкил қилинган. Шунингдек, кўплаб хусусий суғурта компаниялари ва хорижий банклар билан ҳамкорлик қилувчи қўшма суғурта компаниялар пайдо бўлди. “Суғурта фаолияти тўғрисида” Қонуннинг қабул қилиниши (2002 йил), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 1 февралдаги фармони билан суғурта компанияларининг уч йил муддатга даромад солиғидан озод этилиши мамлакатда суғурта бозорининг янада ривожланишига хизмат қилмоқда¹⁸⁴.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида аҳоли бандлигини таъминлаш муҳим муаммолардан бири ҳисобланади. Иқтисодий тизим ўзгаришида нафақат малака талаб этилмайдиган кадрларга, балки маълум бир касблар эгаларига ҳам эҳтиёж камаяди, ишсизлар сони ортади. Бундай шароитда ишсизлар сони ортиб кетишига йўл қўймаслик чоралари кўрилди. Ҳар бир туманда ташкил этилган 225 дан ортиқ меҳнат биржаларининг кенг тармоғи яратилди. Ишсизларни рўйхатга олиш, уларни қайта тайёрлаш механизми ташкил қилинди, ишсизлик нафақаларини тўлаш тизими йўлга қўйилди. Янги иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда¹⁸⁵.

Иқтисодий ислохотларнинг дастлабки босқичида нархлар эркин қўйиб юборилди. Давлат турли компенсация тўловларини амалга оширгани, болалар учун нафақа тайинлагани, доимий рвишда энг кам иш ҳақи, пенсия ва нафақалар миқдори ошириб борилгани боис бу жараён ижтимоий ларзаларсиз кечди.

Нархларнинг эркин қўйиб юборилиши бевосита иқтисодиётда рақобат муҳитини яратиш билан боғлиқ. 1992 йил август ойида “Монополия фаолиятини чеклаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни кучга кирди. Ана шу қонун асосида рақобатни ривожлантиришга қаратилган бир қатор меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди.¹⁸⁶ Молия вазирлиги қошида ташкил этилган монополияга қарши ва нарх сиёсатини амалга ошириш бўйича Бош бошқарма монополист-корхоналар рўйхатини ишлаб чиқди ва уларнинг маҳсулотларига нархларни тартибга солиш ҳамда уларнинг рентабеллигини ошириш юзасидан зарур чораларни кўрмоқда.

¹⁸⁴ Создание рыночной инфраструктуры в Республике Узбекистан. esthistory.ru/history.php?id=his_5_70

¹⁸⁵ Создание рыночной инфраструктуры в Республике Узбекистан. esthistory.ru/history.php?id=his_5_70

¹⁸⁶ Создание рыночной инфраструктуры в Республике Узбекистан. esthistory.ru/history.php?id=his_5_70

2017 йилда қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида бешта устувор йўналиш белгилаб берилган. Булар:

- давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш;
- қонун устуворлигини ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилинишини таъминлаш;
- иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш;
- ижтимоий соҳани ривожлантириш;
- хавфсизликни, диний бағрикенгликни, миллатлараро тотувликни таъминлаш, шунингдек узоқни кўзлаган, ўзаро манфаатли ва конструктив ташқи сиёсатни амалга ошириш .

Стратегиянинг ҳар бир йўналиши йил номидан келиб чиқадиган ҳар йиллик алоҳида Давлат дастури доирасида амалга оширилади. Шунингдек, ҳужжатда Стратегияни амалга ошириш бўйича Миллий комиссия, ҳамда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг ҳаракатлар Стратегиясида назарда тутилган устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича комиссия ташкил этилиши ҳам назарда тутилган. Улар зиммасига Давлат дастурига киритилган чора-тадбирларни ташкил этиш ҳамда уларнинг ўз муддатида, сифатли ва тўлақонли ижро этилишини назорат қилиш, шунингдек 2018-2021 йилларда Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича ҳар йиллик тегишли Давлат дастурлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш каби вазифалар юклатилган¹⁸⁷.

Назорат саволлари:

1. Барқарор ривожланиш тўққизинчи мақсадининг мазмун-моҳияти нимадан иборат?
2. Мустаҳкам инфратузилма асослари: халқаро ва миллий тажриба
3. Ўзбекистонда мустаҳкам инфратузилманинг яратилиши

3.10. Мамлакатлар ичида ва улар ўртасида тенгсизлик даражасини камайтириш

Режа:

1. Барқарор ривожланиш ўнинчи мақсадининг мазмун-моҳияти.
2. Ижтимоий ривожланишнинг турли даражалари
3. Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонунчилиги.

Асосий тушунчалар: ижтимоий тенгсизлик, бойлар ва қашшоқларнинг пайдо бўлиши, жамиятнинг қатламлашуви, стратификация

Мавзу бўйича тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Цели в области устойчивого развития.
www.un.org/sustainabledevelopment/ru/sustainable-development-goals
2. Политика Узбекистана по вопросам прав человека.
http://pravacheloveka.uz/m_ru/thames/104/
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони.
<http://lex.uz>

Хатто атрофимиздаги одамларга юзаки назар ташлаганимизда ҳам уларнинг бир бирига ўхшамаслигини дарров англаб олишимиз қийин эмас. Инсонлар жинси, ёши, мижози,

¹⁸⁷ http://www.norma.uz/novoe_v_zakonodatelstve/proekty_npa_strategiya_deystviy_po_dalneyshemu_razvitiyu1

бўйи, сочининг ранги, ақлий даражаси ва бошқа кўплаб белгиларга кўра фарқланади. Табиат кимгадир муסיкий иқтидор берган бўлса, бошқа бировга куч, учинчисига чирой ато этган, яна кимдир ўзгалар қаровига мухтож ногирон. Инсонларнинг физиологик ва рухий ўзига хосликларига боғлиқ бўлган фарқлар табиий фарқлар дейилади. Табиий фарқларни безарар деб бўлмайди, улар одамлар ўртасида тенгсиз муносабатлар юзага келишига сабаб бўлиши мумкин. Кучлилар ожизларни қийнайди, айёрлар соддадиллардан устун келади. Аммо жамиятда ижтимоий фарқлар ва ижтимоий дифференциациядан келиб чиқадиган ижтимоий тенгсизлик муҳим ўрин тутаяди.



Фотосурат <http://m.intertat.ru> сайтидан олинди

Қуйидаги ижтимоий омиллар оқибатида юзага келадиган фарқлар ижтимоий фарқлар дейилади: турмуш тарзи (шаҳар ва қишлоқ аҳолиси), меҳнат тақсимоти (ақлий ва жисмоний меҳнат кишилари), ижтимоий роллар (ота, шифокор, сиёсий арбоб). Буларнинг барчаси турли даражада мол-мулк, даромад, таълим олинishiга, ҳокимиятга, ижтимоий мақомга, обрўга эга бўлишга олиб келади.

Ижтимоий ривожланишнинг турлича даражаси ижтимоий тенгсизлик, бойлар ва қашшоқларнинг пайдо бўлиши, жамиятнинг қатламлашуви, унинг стратификацияси (*страта* – бир хил даромадга, ҳокимиятга, билимга, обрўга эга кишилар қатлами – муаллиф изоҳи) кабиларга олиб келади.

Даромад — шахс томонидан вақт бирлиги учун олинадиган пул миқдори. Бу меҳнат бўлиши ҳам, даромад келтирадиган мол-мулк эгаллиги бўлиши ҳам мумкин.

Таълим — ўқув муассасаларида олинган билимлар мажмуаси. Унинг даражаси таълим олган йиллари билан ўлчанади. Масалан, ишчи тўлиқсиз ўрта – 9 йиллик маълумотга эга. Профессорнинг таълим олган йиллари 20 йилдан ошади.

Ҳокимият – ўзгаларнинг истагидан қатъий назар уларга ўз хоҳишини, фикрини сингдириш имконияти. У тарқалган инсонлар сони билан ўлчанади.

Обрў – шахснинг жамиятдаги ўрни борасида жамоатчиликда шаклланган фикрга асосланган баҳо¹⁸⁸.

Жамият ижтимоий тенгсиз мавжуд бўла оладими? Ушбу саволга жавоб бериш учун, бизнингча, инсонларнинг жамиятдаги турлича, бир хил бўлмаган мақомини юзага келтирувчи сабабларни аниқлаб олиш зарур. Инсонлар ўртасидаги тенгсизлик ҳар қандай жамиятда мавжуд бўлади. Инсонлар ўз қобилиятлари, қизиқишлари, ҳаётий қарашлари ва кадриятларига кўра фарқланишини инобатга олсак, бу табиий ва объектив ҳолат

¹⁸⁸Соци альные различия и социальные неравенства. <http://www.grandars.ru/college/sociologiya/socialnaya-struktura.html>

ҳисобланади. Ҳар бир жамиятда бойлар ва камбағаллар, ўқимишлилар ва илмсизлар, уддабуронлар ва ҳеч нарсани эпллолмайдиғанлар, ҳокимият эгалари ва ундан маҳрумлар бўлади. Шу муносабат билан ижтимоий тенгсизликнинг келиб чиқиши, унга муносабат ва барҳам бериш йўллари муаммоси нафаақт мутафаккирлар ва сиёсатчиларни, балки ижтимоий тенгсизликни адолатсизлик, деб баҳолайдиған оддий инсонларни ҳам кизиқтириб келади.

Далил ва рақамлар

- *Аҳолининг 75 фоиздан ортиқроғини қамраб олған ривожланаётған мамлакатлардаги уй хўжалиқларининг аксарият кўпчилиғи бугунги кунда даромадлар 1990 йилдагига нисбатан нотекисроқ тақсимланадиган жамиятда мавжуд бўлиб турибди.*
- *Мавжуд маълумотларнинг кўрсатишича, маълум бир чегарага етгач, тенгсизлик қашшоқликка барҳам бериш бўйича интилишлар ва ҳаракатларга, шунингдек ҳаётнинг ижтимоий ва сиёсий соҳаларидаги муносабатлар сифатиға, ҳар бир инсоннинг ўзини намоён этиш ва ўз-ўзини баҳолаш ҳиссиға салбий таъсир кўрсатади.*
- *Натижалар тенгсизлиғи ва имкониятлар тенгсизлиғи ўртасидаги узилмас алоқани эътиборға олмай туриб, тенгсизлик муаммосиға қарши курашиб бўлмайди.*
- *БМТ ривожланиш Дастури томонидан ўтказилған глобал таҳлил доирасида бутун дунё сиёсатчилари ўз мамлакатларида тенгсизлик даражаси нисбатан юқори эканини, ҳамда узоқ истиқболда бу ҳолат ижтимоий-иқтисодий ривожланишни хавф остида қолдириши мумкинлиғини тан олишди.*
- *Бутун дунёда ижтимоий муҳофаза дастурлари сезиларли даражада кенгайтирилди, аммо шу билан бирға, ногиронларда тиббий хизмат учун ўта юқори харажатларнинг келиб чиқиш эҳтимоли ўртачадан беш марта юқорироқдир.*
- *Аксарият ривожланаётған мамлакатларда оналар ўлими камайганиға қарамай, қишлоқ жойларда яшайдиган аёлларда туғиш пайтида ўлим эҳтимоли шаҳарлик аёлларға солиштирганда уч марта ортиқроқ¹⁸⁹.*

Халқаро ҳамжамият давлатлар ўртасидаги тенгсизлик қисқариши учун кўп ишларни амалға оширмоқда. Аммо хатто ривожланған давлатларда ҳам тенгсизлик ҳануз сақланиб турибди: тиббий ва таълим хизматларидан фойдаланиш имкониятини таъминлашда катта фарқлар кўзға ташланади. Давлатлар ўртасида даромадлар даражаси борасидаги фарқ қисқарғандек кўринсада, мамлакат ичидаги тенгсизлик кучайған.

Бутун дунёда мамлакатларнинг ичида ҳам, давлатлар орасида ҳам даромади, жинси, ёши, ногиронлиғи, жинсий мойиллиғи, ирки, синфи, этник мансублиғи, дини ва имкониятларига асосланған тенгсизлик сақланиб турибди. Тенгсизлик узоқ муддатли ижтимоий ва иқтисодий ривожланишни хавф остида қолдиради, қашшоқлик ҳажмини камайтиришға салбий таъсир кўрсатади, одамларни ҳаётдан қониқиш ҳосил қилиш ва ўзини ўзи ҳурмат қилиш ҳиссидан маҳрум этади. Бу эса ўз навбатида, жиноятларни, касалликларни келтириб чиқариши, атроф-муҳитнинг ёмонлашувиға сабаб бўлиши мумкин. Одамлар яхши ҳаёт яратиш имкониятидан, шароитидан маҳрум экан, биз барқарор ривожланишға эриша олмаслиғимизни, сайёрамизни барча учун яхши қилолмаслиғимизни англаб етиш жуда муҳимдир. Дунё аҳолисининг бирор бир қисмини четға суриб қўйиб барқарор ривожланишға эришишимиз мумкин эмас¹⁹⁰.

Маълумотларға кўра, беш ёшгача бўлған 69 миллион бола олдини олши мумкин бўлған сабаблар туфайли ҳаётдан кўз юмар экан.

¹⁸⁹ <http://www.un.org/sustainabledevelopment/ru/issues/prosperity/inequality/>

¹⁹⁰ <http://www.un.org/sustainabledevelopment/ru/issues/prosperity/inequality/>

Бугун ҳар биримиз ушбу муаммо ҳақида бош қотиришимиз керак, чунки барчамиз бир биримиз билан ўзаро боғлиқмиз. Қашшоқлик, иқлим ўзгариши, миграция ёки иқтисодий инқироз сингари муаммо ва мураккаб масалалар ҳеч қачон маълум бир мамлакат ёки ҳудуд билан чегараланиб қолмаган ва қолмайди ҳам. Хатто энг бадавлат ҳисобланган мамлакатларда ҳам ўта қашшоқ аҳволда яшаётган жамоатлар мавжудлиги ҳеч кимга сир эмас. Хатто дунёнинг энг кўхна демократия бешиклари ҳисобланган давлатларида ҳам ҳали ҳануз ирқчилик, гомофобия ва трансфобия, ҳамда диний мурасизликка қарши курашишга тўғри келмоқда.

! Ишончли манбаларга кўра, даромадлар бўйича тенгсизлик ортиб бормоқда, жумладан, дунёнинг 10 фоиз энг бой одами жаҳондаги жами даромадларнинг 40 фоизига эгаллик қилади, энг қашшоқ 10 фоиз аҳоли эса бор йўғи 2-7 фоиз даромадга эга. Ривожланаётган мамлакатларда аҳоли сони ортиши ҳисобига тенгсизлик даражаси 11 фоизга етди¹⁹¹.

ЮНИСЕФнинг яқинда эълон қилинган маърузасида даромад миқдори юқори бўлган бир қатор мамлакатларда болалар ўртасидаги тенгсизлик ортгани қайд этилган. Глобал тенгсизлик барчага тааллуқлидир. Барча учун муносиб турмушни таъминлаш мақсадида тенгликка эришиш мумкин ва шарт. Сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий стратегиялар умумий характерга эга бўлиши ҳамда уларда ноқулай аҳволдаги ва маргинал ҳамжамиятларнинг эҳтиёжларига алоҳида эътибор қаратилиши керак. Сўнгги статистик маълумотларнинг кўрсатишича, бунга эришиш мумкин экан. 2007 йилдан 2016 йилгача бўлган муддатда 50 дан ортиқ мамлакатда, асосан Осиё, Лотин Америкаси ва Кариб хавзаси давлатларида баъзи қашшоқ оилаларнинг даромади мамлакат бўйича ўртача кўрсаткичга нисбатан тезкор суръатда ўсгани боис, бу ҳол ушбу давлатларда даромадлар тенгсизлиги қисқаришига олиб келди¹⁹².

Тенгсизликни камайтириш тубдан ўзгаришлар қилишни талаб этади. Ўта қашшоқлик ва очарчиликка барҳам бериш учун фаолроқ тадбирларни амалга ошириш ҳамда ёшлар, мигрантлар ва аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламлари учун соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий ҳимоя ва муносиб иш таъминоти борасидаги инвестициялар ҳажмини ошириш зарур. Мамлакатлар ичида барчани қамраб олувчи иқтисодий ва ижтимоий ўсишни қўллаб-қувватлаш зарур. Давлатлар камситувчи қонунлар ва сиёсий тадбирларни бекор қилиб, камситувчи амалиётга барҳам бериб, бир хил имкониятлар яратишлари ва даромадлар тенгсизлигини камайтиришлари мумкин. Ҳукуматлар ва бошқа манфаатдор томонлар режалаштирилган ва яхшилаб ўйланган сиёсат орқали уруш, камситишлар, қашшоқлик, имкониятлар йўқлиги ва миграцияга олиб келувчи бошқа омиллар сабаб яхши ҳаёт излаб ўз уйларини ташлаб кетган миллионлаб инсонларнинг хавфсиз, тартибли ва масъулиятли миграциясини таъминлашга ҳам қўмаклашишлари мумкин.

Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб Ўзбекистон жамиятда тенгсизликка барҳам бериш ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш йўлини танлади. Ўтган йиллар ичида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси инсон ҳуқуқлари соҳасига оид 15 та Кодекс ва 400 дан ортиқ қонунларни қабул қилди. Жумладан: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Омбудсман тўғрисида”, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”, “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”, “Журналистнинг касбий фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”, “Аёлларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида”, “Сиёсий партиялар тўғрисида”, “Конституциявий суд тўғрисида”, “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”, “Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”, “Адвокатура тўғрисида”,

¹⁹¹ <http://www.uz.undp.org/content/uzbekistan/ru/home/post-2015/sdg-overview/goal-10.html>

¹⁹² <http://www.un.org/sustainabledevelopment/ru/issues/prosperity/inequality/>

“Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”, “Одам савдосига қарши кураш тўғрисида” ва бошқалар¹⁹³.

Иносн ҳуқуқлари борасидаги қонунчиликнинг асоси ва ўзагини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ташкил қилади. Букгунги кунда мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади, шу боис Конституцияда барчанинг қонун ва суд олдида тенглиги, жинси, ирки, миллати, тили, дини, сиёсий қарашлари, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеи, яшаш жойи, жамоат ташкилотларига мансублиги, ҳамда шахсий ва ижтимоий хусусиятга эга бошқа шароит ва вазиятлардан қатъи назар, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари тенглиги кафолатлаб қўйилганлиги муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, Ўзбекистон Конституциясида фикрлар, ғояларни эркин баён этиш ва тарқатиш, ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш эркинлиги кафолатланган. Газета ва журналлар 12 та: ўзбек, рус, қорақалпоқ, тожик, қозок, инглиз, корейс ва бошқа тилларда чоп этилади. Конституциянинг алоҳида моддасида фуқароларнинг билим олиш ҳуқуқи мустақамлаб қўйилган бўлиб, давлат бепул билим олиш кафолати билан бирга фуқароларнинг танлови асосида пуллик таълим олишга ҳам имконият яратиб беради¹⁹⁴.



Фотосурат <https://orexca.com> сайтидан олинди

Меҳнат қилиш эркинлиги ҳуқуқини кафолатлар экан, Конституция фуқароларнинг мажбурий ишларга жалб этилишини тақиқлайди, давлат эркин касб танлаш ҳуқуқини таъминлайди. Ишсизлар учун қулай шароитлар яратиш, уларни қайта касбга йўналтириш, ишга жойлаштириш давлат зиммасидадир.

Замонавий қонунчилик аёлларнинг сиёсий ҳаётда иштирок этиш ҳуқуқини камситмайди, аксинча уни эркаклар билан бир қаторга қўяди. Мамлакатимизда депутат ва

¹⁹³ Эффективная политика занятости: реализация трудовых возможностей женщин. <http://www.uz.undp.org/content/uzbekistan/ru/home/library/democratic>

¹⁹⁴ Политика Узбекистана по вопросам прав человека. http://pravacheloveka.uz/m_ru/thames/104/

сенатор, вазир ва вазир ўринбосари, ҳоким, ҳоким ўринбосари мақомидаги аёллар бор, аёллар 200 дан ортиқ хотин-қизлар нодавлат ташкилотларини бошқаришмоқда. Аммо аёллар Парламент, ҳукумат ва суд тизимида етарлича вакилликка эга бўлишлари учун ҳали кўп ишларни амалга ошириш керак.

Ўзбекистоннинг давлат сиёсати миллатчилик, ирқчилик, геноцид, халқларни мажбурлаб қўчириш, бошқа халқларни камситиш ва ассимиляция сиёсатини инкор этади.

Меҳнат бозори ва бандлик соҳасидаги гендер тенглиги ушбу бозор томонидан тақдим этилаётган барча имкониятлардан (барча маош тўланадиган ишлар, барча фаолият турлари, турли тоифадаги иш жойлари ва бошқалар) эркаклар ва аёлларнинг бир хилда фойдаланишларини таъминлашни назарда тутлади. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда жинслар ўртасидаги тенг ҳуқуқлиликни таъминлаш борасида амалга оширилган ижобий ишларга қарамай, мамлакат меҳнат бозорида гендер тенглиги ҳали ҳам долзарблигича қолмоқда. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, аёллар меҳнат бозорида паст даражада иштирок этишади: уларнинг иқтисодий фаоллиги даражаси эркаклардаги тегишли кўрсаткичга солиштирганда 8,3 фоизга, бандлик даражаси эса 9,1 фоизга паст. Рўйхатга олинган ишсизларнинг ярмидан кўпини аёллар ташкил қилади. Аёллар ва эркаклар турли соҳа ва касбларда банд бўлиб, меҳнат бозорида гендер дифференциацияси кўзга ташланади¹⁹⁵.

Назорат саволлари:

1. Барқарор ривожланиш ўнинчи мақсадининг мазмун-моҳияти нимадан иборат?
2. Жамиятдаги ижтимоий ривожланишнинг турли даражалари нималарда намоён бўлади?
3. Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонунчилиги қандай қонун ва қонуности ҳужжатларини ўз ичига олади?

3.11. Шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг очиқлигини, хавфсизлигини, умри боқийлиги ва барқарорлигини таъминлаш

Режа:

1. Барқарор ривожланиш ўнинчи мақсадининг мазмун-моҳияти.
2. Шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг барқарорлиги
3. “Хавфсиз шаҳарлар” глобал ташаббуси
4. Ўзбекистонда шаҳарларни бошқаришни ва шаҳарлар инфратузилмасини такомиллаштириш

Асосий тушунчалар: шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг очиқлигини, хавфсизлигини, умри боқийлиги ва барқарорлиги, урбанизация, “Хавфсиз шаҳарлар” глобал ташаббуси.

Мавзу бўйича тавсия этиладиган адабиётлар:

1. *Цели в области устойчивого развития.*
www.un.org/sustainabledevelopment/ru/sustainable-development-goals
2. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.*
<http://lex.uz>
3. *Совершенствование городского управления и инфраструктуры городов в Узбекистане: проблемы и поиск новых механизмов и инструментов.* <http://www.unepce.org>

¹⁹⁵ Эффективная политика занятости: реализация трудовых возможностей женщин.
<http://www.uz.undp.org/content/uzbekistan/ru/home/library/democratic>

Урбанизация 21 аснинг энг муҳим глобал тенденцияларидан бири бўлиб қолди. Бугунги кунда дунё аҳолисининг ярмидан кўпи шаҳар ҳудудларида истиқомат қилмоқда, 2030 йилга бориб, бу рақам 60 фоизга етиши кутилмоқда. Шу давр ичида дунё аҳолиси ўсишининг 90 фоизи шаҳарлар, айниқса Африка ва Осиёдаги шаҳарлар ҳиссасига тўғри келади¹⁹⁶. Кўпгина жойларда тезкор урбанизация кўп миқдордаги жин кўчалар ва хароба кулбаларнинг пайдо бўлиши, етарлича шароити бўлмаган жойларда кун кечираётган, ўз уйи ва ўз ерида яшашга ҳуқуқий кафолати мавжуд бўлмаган одамлар сонининг кўпайиши, шунингдек фарқлар, тенгсизлик ва камситишларнинг ортиши кабиларни келтириб чиқаради. Шу билан бирга, урбанизация жараёнлари, агар инсон ҳуқуқларига риоя этилса ва улар қўллаб-қувватланса, кўп ҳолларда инсон ҳуқуқлари камситиладиган ва менсимай қараладиган ҳодисадан дунё аҳолиси каттагина қисмининг турмушига ижобий таъсир кўрсатадиган кучга айланиши мумкин.



Фотосурат <http://www.un.org> сайтидан олинди

2030 йилгача бўлган муддатда барқарор ривожланиш соҳасидаги Кун тартибида айнан ана шундай қараша ўз аксини топган бўлиб, унда ҳукуматлар “шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг очиқлигини, хавфсизлигини, умри боқийлигини ва экологик барқарорлигини таъминлаш” мажбуриятини олишган.

¹⁹⁶ <http://eca.unwomen.org/ru/news/in-focus/women-and-the-sdgs/sdg-11-sustainable-cities-communities>

Мақсадли кўрсаткичлар

- 2030 йилга бориб, йўл ҳаракати хавфсизлигини ошириш, хусусан, жамоат транспорти тармогини кенгайтириш ҳисобига барчани хавфсиз, ҳамёнбон, қулай ва барқарор транспорт тизимлари билан таъминлаш, бунда ҳимояга муҳтож қатламлар, аёллар, болалар, ногиронлар ва кексаларнинг эҳтиёжларини эътиборга олиш.
- 2030 йилга бориб барча, айниқса аёллар, болалар, кексалар ва ногиронлар учун хавфсиз, қулай ва яшил ҳудудлар ҳамда умумий фойдаланиш жойларидан очиқ фойдаланиш имкониятини яратиш¹⁹⁷.

Ривожланаётган давлатларда шаҳарларнинг, жумладан қишлоқ аҳолисининг кўплаб кўчиб келиши ҳисобига тез суръатлар билан кенгайиб бориши мегашаҳарларнинг сони ортиши олиб келади. 1990 йилда дунёда аҳолиси 10 миллион киши ва ундан ортиқроқ бўлган 10 та мега-шаҳар мавжуд эди. 2015 йилга келиб уларнинг сони 28 тага етди, ушбу мега-шаҳарларда жами 453 миллион киши истиқомат қилмоқда¹⁹⁸.

Ўта қашшоқлик кўп ҳолларда шаҳар туманларида учрайди. Марказий ҳукумат ва шаҳар маъмурияти тез ўсиб бораётган шаҳар аҳолисининг эҳтиёжларини қондиришга қодир эмас. Шаҳарлар инфратузилмасини такомиллаштириш ва хавфсизлигини ошириш шаҳар аҳолисининг хавфсиз ва арзон уй-жой олиш имкониятини кенгайтириш ҳамда хароба кулбалар жойлашган ҳудудларни ободонлаштиришни назарда тутди. У шунингдек, жамоат транспорти тизимига инвестициялар киритишни, жамоат “яшил” ҳудудларини яратишни, ҳамда барча шаҳарликларни жалб этган ва уларнинг фикрларини инобатга олган ҳолда шаҳарсозлик ва режалаштириш технологияларини такомиллаштиришни кўзда тутди.

Барқарор шаҳарлар – 2030 йилгача барқарор ривожланиш Кун тартибини шакллантирган 17 та Глобал мақсадлардар биридир. 2016 йил 21 октябрда Эквадорнинг Кито шаҳрида БМТнинг уй-жой ва барқарор ривожланиш бўйича Конференцияси ўз ишини якунлади. Конференцияда иштирокчилар Янги шаҳар кун тартибини¹⁹⁹ – урбанизация жараёни имкон қадар барқарор кечишини таъминлаш учун шаҳарни режалаштириш ва бошқаришни қандай амалга ошириш белгилаб берилган янги дастурни қабул қилишди.

“Биз шаҳарлар дуч келаётган муаммоларни таҳлил этиб, муҳокама қилиб, келгуси 20 йил учун умумий йўл харитасини келишиб олдик”, - деди якуний йиғилишда конференция иштирокчилари олдида чиқиш қилар экан, конференция Бош котиби ва БМТнинг аҳоли пунктлари бўйича Дастури (БМТ-Ҳабитат) Ижрочи директори Хуан Клос.

Конференция ишида дунёнинг 167 мамлакатидан 36 000 киши иштирок этди ва хабарларга кўра, 50 000 киши у билан боғлиқ бўлган кўргазмаларга ташриф буюрган. Юқорида қайд этиб ўтилган Кун тартибидан жой олган барқарор ривожланишнинг 17 та Мақсадларида 2050 йилга бориб дунё аҳолисининг 70 фоизга яқини истиқомат қиладиган катта ва кичик шаҳарлар келгусида барқарор ривожланишнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлиши мумкинлиги таъкидланади ҳамда Янги шаҳар кун тартибида ҳам ушбу концепцияга алоҳида эътибор қаратилган²⁰⁰.

Янги шаҳар кун тартиби барқарор ривожланиш соҳасидаги шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг очиқлигини, хавфсизлигини, умри боқийлигини ва экологик барқарорлигини таъминлашга йўналтирилган ўн биринчи мақсадни амалга оширишга ёрдам беради. Шунингдек, у иқлим бўйича Париж битимини амалга оширишга ҳам кўмаклашади.

¹⁹⁷ <http://eca.unwomen.org/ru/news/in-focus/women-and-the-sdgs/sdg-11-sustainable-cities-communities#sthash.rgrm67ee.dpuf>

¹⁹⁸ <http://eca.unwomen.org/ru/news/in-focus/women-and-the-sdgs/sdg-11-sustainable-cities-communities>

¹⁹⁹ <https://habitat3.org/the-new-urban-agenda>.

²⁰⁰ <https://habitat3.org/the-new-urban-agenda>.

Янги шаҳар кун тартибининг асосий қоидалари:

- ❖ барча фуқароларга янги хизматларни тақдим этиш;
- ❖ барча фуқаролар учун тенг имкониятларни таъминлаш ва камситишга йўл қўймаслик;
- ❖ шаҳарларда соғлом муҳитни яратиш чораларини кўриш;
- ❖ шаҳарлар барқарорлигини таъминлаш. Ҳалокатлар хавфини камайтириш;
- ❖ атмосферага иссиқхона газларини чиқаршни камайтириш ҳисобига иқлим ўзгаришига қарши курашиш;
- ❖ қочоқлар, мигрантлар ҳуқуқларига риоя этиш, миграция мақомидан қатъий назар шахсларнинг ички кўчиб юриши;
- ❖ барча даражада ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, шаҳарларни кўкаламзорлаштиришда инновацион ёндошувни ва чора-тадбирлар қабул қилинишини таъминлаш;
- ❖ имконияти чекланган кишилар фойдалана оладиган, хавфсиз боғ ҳудудларини яратиш²⁰¹.

Бугун дунёда урбанизация жараёни тарих гувоҳ бўлмаган мислсиз суръатларда кечмоқда. Кўплаб эркалар ва аёллар учун шаҳарга кўчиб ўтиш яхшироқ турмуш кечиришни, каттароқ даромадни, яхшироқ ишни, қулай уй-жойни ва замонавий маиший қулайликлардан бемалол фойдаланиш имкониятини англатади.

Шу билан бирга шаҳарлар чуқур тенгсизлик маскани ҳамдир. Аксариятини хотин-қизлар ташкил этадиган янги келган мигрантлар жамоат транспорти инфратузилмаси ривожланмаган ёки тоза сув билан таъминланиш сингари ҳаётининг муҳим хизматлар етишмовчилиги бўлган хароба кулбалардан бошпана топишлари ҳеч гап эмас. Уларнинг бу ердаги турмуш шароити соғлиқ учун хавфли бўлиб, улар шаҳар иқтисодиёти шароитида барқарорлик ва ишончлилиқни таъминлаш борасида кўплаб тўсиқ ва қийинчилиқларга дуч келади.

Гендер камситилиши хотин-қизлар учун хатарлар миқёси ва сонини сезиларли даражада оширади. Масалан, бола билан шифохонагача автобусда бориш имкониятининг йўқлиги унинг ногирон бўлиб қолишига, хатто ҳаётдан эрта кўз юмишига сабаб бўлиши мумкин. Одатда, табиий офатлар натижасида эркаларга нисбатан аёллар кўпроқ ҳалок бўлишади, энг асосийси, улар эркаларга нисбатан ёшроқ вақтда ҳаётдан кетишади. Агар сув тошқини ёки ер қимирлашидан кейин аёл тирик қолган тақдирда ҳам уни одатий ҳаёти тарзига қайтиш имконияти камроқ бўлади.

²⁰¹ <http://www.unhabitat.ru/ru/news/habitat3>



Қачонки барча шаҳарликлар бир ёқадан бош чиқариб ўз шаҳарларининг ривожига ҳисса қўшишгандагина шаҳарлар ва аҳоли пунктлари хавфсиз, фаровон, адолатли ва яшаш учун қулай бўлади. Гендер тенглигига эришиш бўйича чора-тадбирлар шаҳарни бошқариш, режалаштириш ва молиялаштиришнинг барча соҳа ва босқичларини қамраб олиши зарур. Аёллар кўз ўнгимизда урбанистиклашиб бораётган янги дунёни қуриш борасидаги қарорларни қабул қилишда тенг ҳуқуқ билан иштирок этишга ҳақлилар²⁰².

“БМТ-аёллар”нинг интилишлари шаҳарлардаги жамоат жойлари хавфсиз бўлишини, хотин-қизлар улардан зўрвонликка дуч келишдан қўрқмасдан фойдалана олишларини таъминлашга қаратилган. “Хавфсиз шаҳарлар” Глобал ташаббусини амалга ошира бориб, шаҳарлар ҳокимликлари, миллий ҳукуматлар, хотин-қизлар ташкилотлари ва бошқа ҳамкорлар билан биргаликда ишлаш жараёнида “БМТ-аёллар” тузилмаси асосини инновацион ечимлар ташкил қиладиган қатор ёрқин натижаларни қўлга киритди. Табиий офатлардан зарар кўрган хотин-қизлар сонини камайтириш учун “БМТ-аёллар” табиий офатлар эҳтимолини камайтиришга қаратилган режалаштиришни амалга оширишга кўмаклашмоқда, шунингдек хотин-қизлар ўртасида уларнинг чидамлилигини ошириш ва иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш услубларини такомиллаштириш мақсадида ўқишлар ташкил қилмоқда²⁰³.

Ўзбекистон глобал мақсадларни миллий даражада амалга оширишга қатъий киришганини намоён этмоқда. Яқинда қабул қилинган ҳаракатлар Стратегияси кўп жиҳатдан Барқарор ривожланиш мақсадларига ҳамоҳанг бўлиб, миллий мақсадларга эришиш йўли сифатида қаралмоқда.

Ўзбекистон – Марказий Осиёдаги энг аҳоли зич жойлашган давлат бўлиб, аҳолиси сонига кўра МДХ мамлакатлари орасида Россия ва Украинадан кейин учинчи ўринда туради. 2016 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра Ўзбекистон аҳолиси 31,5 миллион кишидан ортиқни ташкил этади. Ўзбекистон аҳолисининг 80 фоиздан ортиғи ўзбеклар, 10 фоиздан зиёдроғи Марказий Осиёнинг бошқа халқлари вакиллари (тожиклар – 4,5 %, қозоқлар – 2,5 %, қорақалпоқлар – 2 %, қирғизлар – 1 %, ҳамда туркманлар ва бошқалар) ҳисобланади. Этник озчилик вакилларининг энг кўп сонлиси руслар ва бошқа славян

²⁰² <http://eca.unwomen.org/ru/news/in-focus/women-and-the-sdgs/sdg-11-sustainable-cities-communities#sthash.rgrm67ee.dpuf>

²⁰³ <http://eca.unwomen.org/ru/news/in-focus/women-and-the-sdgs/sdg-11-sustainable-cities-communities#sthash.rgrm67ee.dpuf>

халқларидир (10%)²⁰⁴. Шаҳарларнинг барқарор ривожланиши бизнинг мамлакатимиз учун ҳам муҳимдир. Урбанизация жараёни Ўзбекистонда шаҳарлар сони ошишига ва шаҳар аҳолиси кўпайишига олиб келди. Бугунги кунда шаҳарларда аҳолисининг 42 фоиздан кўпроғи истиқомат қилмоқда. Энг йирик шаҳар – мамлакат пойтахти Тошкент бўлиб, унинг аҳолиси 2 миллион кишидан ошади²⁰⁵. Республиканинг кўплаб саноат корхоналари айнан Тошкентда жойлашган, мамлакатнинг ишбилармонлик ва маъмурий маркази ҳам шу ер, йирик компанияларнинг офислари жой олган, катта-катта театрлар, боғлар, музейлар ва бошқалар ҳам пойтахда жуда кўп. Ўзбекистоннинг бошқа йирик шаҳарлари сирасига Самарқанд, Бухоро, Урганч, Андижон, Фарғона ва Навоийни киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-ҳудудий тузилишини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2009 йил 13 мартдаги 68-сонли қарори асосида давлат ҳокимияти органлари аҳоли пунктлари тоифаларининг ўзгариши, шаҳар поселкалари тоифасига киритилган аҳоли пунктлари ҳамда умумий аҳолиси 4,4 миллион киши бўлган ва шаҳар овуллари мақомини олган 965 та қишлоққа қўйиладиган шаҳарсозлик талабларига риоя этиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга оширишга киришдилар.²⁰⁶



Фотосурат <https://yvision.uz> сайтидан олинди

Аmmo бугунги кунда шаҳар инфратузилмасининг катта қисми бошқарувдаги муаммолар, инфратузилма қувватларининг урбанизациянинг ривожланиш суръатларидан орқада қолиши, техник ва технологик янгиланиш даражасининг пастлиги, ушбу соҳага

²⁰⁴ Национальный состав и численность населения Узбекистана. <http://www.advantour.com/rus/uzbekistan/people.htm>

²⁰⁵ Национальный состав и численность населения Узбекистана. <http://www.advantour.com/rus/uzbekistan/people.htm>

²⁰⁶ Совершенствование городского управления и инфраструктуры городов в Узбекистане: проблемы и поиск новых механизмов и инструментов. <http://www.unec.org/fileadmin/DAM/hlm/prgm/cph/experts/uzbekistan>

инвестицияларнинг самарадорлиги пастлиги билан боғлиқ тизимли инқирозни бошдан кечирмоқда. Муҳандислик коммуникацияларини сақлаб туриш ва таъмирлаш учун борган сари кўпроқ харажат талаб этилмоқда. Айрим корхоналарнинг техник ва технологик фаолияти кўп энергия сарфи ва меъеридан ортиқ харажатлар билан боғлиқ бўлиб, бу ҳол уларнинг иқтисодий аҳволи ёмонлашишига олиб келмоқда. Мавжуд муаммоларни ҳал қилиш учун Ўзбекистон ҳукумати республика шаҳарларини ободонлаштириш бўйича режали ишларни олиб бормоқда. Бу нарса ҳаракатлар Стратегиясида ҳам ўз аксини топган.



Фотосурат gazeta.uz сайтидан олинди

Ҳаракатлар Стратегиясининг 4.3-бандида аҳолининг турмуш даражаси яхшиланишига хизмат қиладиган арзон уй-жойлар қурилиши, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Булар:

аҳоли, энг аввало, ёш оилалар, эскирган уйларда яшаб келаётган фуқаролар ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бошқа фуқароларнинг яшаш шароитини имтиёзли шартларда ипотека кредитлари ажратиш ҳамда шаҳар ва қишлоқ жойларда арзон уйлар қуриш орқали янада яхшилаш;

аҳолининг коммунал-маиший хизматлар билан таъминланиш даражасини ошириш, энг аввало, янги ичимлик суви тармоқларини қуриш, тежамкор ва самарали замонавий технологияларни босқичма-босқич жорий этиш орқали қишлоқ жойларда аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминлашни тубдан яхшилаш;

одамларнинг экологик хавфсиз муҳитда яшашини таъминлаш, маиший чиқиндиларни қайта ишлаш комплексларини қуриш ва модернизация қилиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, аҳолини чиқиндини йўқ қилиш бўйича замонавий объектлар билан таъминлаш;

аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни тубдан яхшилаш, йўловчи ташиш хавфсизлигини ошириш ва атроф муҳитга зарарли моддалар чиқишини камайтириш, ҳар томонлама қулай янги автобусларни сотиб олиш, автовокзал ва автостанцияларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш;

йўл инфратузилмаси курилиши ва реконструкция қилинишини давом эттириш, энг аввало, минтақавий автомобиль йўллари ривожлантириш, хўжаликлараро кишлок автомобиль йўллари, аҳоли пункти кўчаларини капитал ва жорий таъмирлаш;

янги электр энергия ишлаб чиқариш қувватларини қуриш ва мавжудларини модернизация қилиш, паст кучланишли электр тармоқлари ва трансформатор пунктларини янгилаш асосида аҳолини электр энергияси ҳамда бошқа ёқилғи-энергия ресурслари билан таъминлашни яхшилаш, шунингдек, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

театр ва томоша масканларини, маданий-маърифий ташкилотлар ва музейлар фаолиятини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш²⁰⁷.

Назорат саволлари:

1. Барқарор ривожланишнинг ўн биринчи мақсадининг мазмун-моҳияти нимадан иборат?
2. Шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг барқарорлигини таъминлаш учун нима қилиш керак?
3. “Хавфсиз шаҳарлар” глобал ташаббуси нималарда намоён бўлади?
4. Ўзбекистонда шаҳарларни бошқаришни ва шаҳарлар инфратузилмасини такомиллаштириш қандай амалга оширилмоқда?

3.12. Истеъмол ва ишлаб чиқаришнинг рационал моделларини таъминлаш

Режа:

1. Барқарор ривожланишнинг ўн иккинчи мақсадининг мазмун-моҳияти.
2. Жаҳон демографик инқирози муаммоси.
3. “Хавфли чиқиндиларнинг трансчегаравий олиб ўтилиши ва уларнинг йўқ қилинишини назорат қилиш тўғрисида”ги Базель конвенцияси
4. Ўзбекистонда истеъмолнинг рационал моделларини таъминлаш

Асосий тушунчалар: бақарор таъминлаш, глобал кўрсаткич, экотизим, мулк ҳуқуқини таъминлаш

Мавзу бўйича тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Цели в области устойчивого развития.
www.un.org/sustainabledevelopment/ru/sustainable-development-goals
2. “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни
<http://lex.uz>.
3. “Чиқиндилар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни <http://lex.uz>.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони.

2050 йилга бориб Ер юзи аҳолиси 9,5 миллиард кишига етади, уларнинг 70 фоизи ресурслари сифими катта бўлган шаҳар туманларида истиқомат қилади²⁰⁸. 2040 йилгача яна уч миллиард нафар ўрта синф истеъмолчилари жаҳон иқтисодиётига қўшилади. Гарчи

²⁰⁷ http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=3107042

²⁰⁸ Департамент по экономическим и социальным вопросам, Отдел народонаселения, World Population Prospects: The 2012 Revision. Vol. I (ST/ESA/SER.A/336) and II (ST/ESA/SER.A/345) (New York, United Nations Publications, 2013).

1990 йилдан 2010 йилгача бўлган даврда ўта қашшоқликда (ҳозирги вақтда кунига 1,25 АҚШ долларида кам маблағга яшаш тушунилади) кун кечириётган одамлар сони икки марта камайган бўлсада, ҳали ҳам 1,2 миллиард киши қашшоқликда яшамокда²⁰⁹. Ер ресурслари чекланганлиги шароитида ушбу долзарб муаммоларга ечим топиш учун истеъмол ва ишлаб чиқаришнинг барқарор энергия тежовчи моделларини ишлаб чиқиш зарур, чунки бу нарса келгусида барқарор ривожланиш учун зарур шароитлар яратилишига олиб келади.

Бугунги кунда Барқарор ривожланиш мақсадларининг таклиф этилган рўйхатига ўн иккинчи мақсаднинг киритилиши барқарор ривожланиш соҳасида истеъмол ва ишлаб чиқаришни бошқариш (ИИЧБ)нинг муҳим ўрин тутишини кўрсатиб турибди. Бошқа 12 та БРМларнинг мақсадли кўрсаткичлари ҳам барқарор истеъмол ва ишлаб чиқариш моделларини жорий этишга асосланган. БРМнинг ўн иккинчи мақсади табиат ресурсларини ҳам барқарор ўзлаштириш, ҳам самарали ишлатишга йўналтирилган. У огоҳлантирувчи чоралар кўриш, чиқиндиларни иккиламчи қайта ишлаш, ифлослантирувчи, биринчи галда, кимёвий моддаларни атмосферага чиқаришни камайтириш орқали атроф-муҳит ифлосланиши даражасини камайтириш каби масалаларни қамраб олган. Унда шунингдек, барқарор ривожланиш ва соғлом турмуш тарзи соҳасидаги ахборотни истеъмолчилар ўртасида тарқатиш ҳамда аҳолининг хабардорлигини ошириш муҳимлиги қайд этилган.



Фотосурат <http://l-fitness.ru> сайтидан олинди

Истеъмол ва ишлаб чиқариш – глобал иқтисодиёт асосининг негизидир. Шунга қарамай, бугунги кунда амал қилаётган ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг норационал моделлари ўрмонларнинг қисқаришига, сув манбаларининг камайишига, ортиқча озик-овқат чиқиндиларига, атмосферага таркибида углерод бўлган чиқиндиларнинг кўплаб чиқарилиши, муҳим экотизимларнинг деградациясига олиб келмоқда. ИИЧБни жорий этиш бўйича мақсад амалга ошириш манфаатдор томонлар ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг давом эттирилишига сабаб бўлади, бу эса ўз навбатида, озик-овқат, сув таъминоти, энергетика сингари соҳаларни ўз ичига олган БРМнинг бошқа мақсадларига эришишга

²⁰⁹ Всемирный банк и Международный валютный фонд, *Global Monitoring Report 2013: Rural-Urban Dynamics and the Millennium Development Goals* (Washington, D.C., 2013), p. xi, 22, 25.

кўмаклашади, шунингдек иқлим ўзгариши оқибатларининг олдини олиш ва юмшатишга ёрдам беради. Биз ишлаб чиқарадиган ва истеъмол қиладиган ҳамма нарса иқтисодиётга, атроф муҳит ҳолатига, ҳамда ижтимоий ривожланиш суръатларига ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир кўрсатади. Истеъмол ва ишлаб чиқаришнинг барқарор моделларига эришиш ишлаб чиқариш самарадорлигини сайёрамизнинг ресурсларига таҳдид солмаган, ҳамда келажак авлоднинг ҳуқуқларини поймол этмаган ҳолда ошириш ва кўпайтириш имконини беради.

Далил ва рақамлар

Сув манбалари

- Чучук (ичимлик) дунё сув манбаларининг 3 фоиздан камрогини ташиқил этади, шундан 2,5 фоизи Антарктика, Арктика ва тоғи ҳудудлардаги музликлар ҳиссасига тўғри келади. Шу боис инсоният барча антропоген экотизимларнинг эҳтиёжини ва чучук сувга бўлган эҳтиёжни қондириши учун 0,5 фоиз сув манбаларига умид қилиши мумкин.
- Табиат дарё ва кўллардаги сувни тозалаш ва қайта ишлашидан кўра инсон сув манбаларини тезроқ ифлослантarmoқда.
- 1 миллиарддан ортиқ одам ҳануз чучук сувдан фойдаланиши имкониятига эга эмас.
- Сувни керагидан ортиқ ишлатиши глобал сув танқислигини келтириб чиқаради.
- Сув – табиатнинг беғул инъоми, аммо уни етказиб бериши учун зарур бўладиган инфратузилма қиммат туради.

Энергетика

- Энергия самарадорлигининг ортишига кўмак берган технологик ютуқларга қарамай, 2020 йилга бориб Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиши ташиқилоти (ИРХТ)га аъзо давлатларда энергия истеъмоли яна 35 фоизга ортади. Глобал даражада тижорат ва уй-жой секторлари энергия истеъмоли бўйича транспортдан кейин барқарор ривожланаётган иккинчи соҳа ҳисобланади.
- Глобал энергия истеъмолининг 29 фоизи, мос равишда уларнинг фаолияти натижасида юзага келадиган 21 фоиз CO₂ нинг ҳавога чиқарилиши уй хўжалиги ҳиссасига тўғри келади.

Озиқ-овқат

- Гарчи атроф-муҳит ишлаб чиқариши (қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат хомашёсини қайта ишлаш) жараёнида сезиларли таъсирга учрасада, бу таъсир уй хўжаликларининг озиқ-овқат борасидаги одат ва маъқул кўрадиган нарсаларига боғлиқ бўлади. Мос равишда, бу ҳолат ишлаб чиқариши секторида энергия истеъмол қилиниши ва чиқиндилар ҳосил бўлиши орқали атроф-муҳит ҳолатида акс этади.
- Ҳар йили 3 миллиард тонна озиқ-овқат чиқиндилари юзага келади, шу билан бир вақтда, 1 миллиард одам тўйиб овқат емайди, яна 1 миллиард одам очликдан азият чекади.
- Озиқ-овқатни меъёридан ортиқ истеъмол қилиши инсон саломатлигига ва атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатади.
- Дунё бўйича 2 миллиард одам ортиқча вазндан ёки семизликдан азият чекади.
- Ерларнинг деградацияси, тупроқ унумдорлигининг пасайиши, сувдан самарасиз фойдаланиши, балиқ ресурсларини керагидан ортиқ эксплуатация қилиши, денгиз муҳитининг деградацияси жам бўлиб, табиатнинг озиқ-овқат билан таъминлашдаги ресурс базаси имкониятларини қисқартирмоқда.
- Дунё миқёсида истеъмол қилинадиган энергиянинг 30 фоизи ва атмосферага чиқарилаётган иссиқхона газлари жами ҳажмининг тахминан 22 фоизи озиқ-овқат сектори ҳиссасига тўғри келмоқда.

Бешта асосий ресурслар (материаллар, электр энергияси, озиқ-овқат, сув ва уй-жой) билан барқарор таъминлаш миллиардлаб инсонларни қашшоқликдан қутқариш ва кўплаб бошқа одамларнинг турмушини яхшилаш ёки кўллаб-қувватлашда муҳим аҳамиятга эга. Бунга ресурслар деградациясига олиб келмайдиган иқтисодий ўсиш ҳамда бутун ҳаётий давр мобайнида ресурсларни тартибга солган ҳолда улардан фойдаланиш

самарадорлигини ошириш ҳисобига эришиш мумкин. 2030 йилга бориб ушбу вазифаларни ҳал этишга ёрдам берадиган ечимлар мавжуд²¹⁰:

- **Хомашё материаллари:** 2050 йилга бориб истеъмол ва ишлаб чиқариш самарадорлигини икки ҳисса ошириш йўлидаги дастлабки қадам сифатида 2030 йилга бориб ресурсларнинг умумий самарадорлигини 30 фоизга ошириш;

2030 йилга бориб аҳоли жон бошига йиллик ресурслар истеъмолининг ўртача умуммиллий интенсивлигини 10,5 тонна/капитал ҳажмида бўлишига, ҳамда 2050 йилга бориб бу кўрсаткич 8-10 тонна/капиталгача қисқаришига эришиш.

- **Электроэнергия:** электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг глобал кўрсаткичини икки марта кўпайтириш ва 1990-2010 йиллардаги -1,3 фоиздан -2,6 фоизга етказиш увеличить;

Энергия саватидаги қайта тикланадиган электр энергияси улушини икки марта кўпайтириш (2010 йилдаги 18 фоиздан 2030 йилда 36 фоизга етказиш);

Ҳавонинг ифлосланиши туфайли содир бўладиган муддатидан олдинги ўлим ҳолатлари кўрсаткичини 50 фоизга камайтириш.

- **Озиқ-овқат:** энергия ва сув таъминоти тизимларининг озиқ-овқат тизимлари учун йиллик унумдорлигини икки марта кўпайтириш;

барқарор қишлоқ хўжалиги, балиқчилик ва истеъмол моделлари ёрдамида экотизимларни бошқаришни яхшилаш ва ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўли билан озиқ-овқат тизимларининг унумдорлигини ошириш (40 фоизга);

озиқ-овқат йўқотишлари ва чиқиндиларини 50 фоизга камайтириш.

- **Сув:** чучук сув чиқаришни экотизимлар ва инсонлар турмуш фаровонлигини таъминлаш учун сув ресурслари билан барқарор таъминлашга мос ҳолатга келтириш;

муниципал ва саноат оқава сувларини тозалаб қайта ишлатишни кўпайтириш;

Ер остидаги ва юзасидаги сувларнинг инсон фаолиятининг натижаси ҳисобланган кимёвий моддалар билан ифлосланишини камайтириш.

- **Уй-жой:** бинолардан атмосферага углерод оксидининг энергетик чиқарилишини 50 фоизга камайтиришга эришиш;

бино ва иншоотлар қурилиши учун хомашё материалларини чиқаришни 25 фоизга камайтириш;

барча ижтимоий уй-жойларни энергия тежаш меъёрларига жавоб берадиган тарзда қайта жиҳозлаш ҳисобига унинг нархи кам таъминланган аҳоли қатламлари учун паст бўлишига ва соғлом атроф-муҳит яратишга эришиш.

Ҳар йили жами ишлаб чиқарилган озиқ-оқатнинг учдан бир қисми, яъни қиймати салкам 1 триллион АҚШ долларига тенг бўлган 1,3 миллиард тоннаси ҳосилни йиғиб-териб олиш ёки ташинишнинг яхши ташкил этилмагани боис охир-оқибат истеъмолчилар ва дўконларнинг чиқинди идишларидан жой олади ёки истеъмолга яроқсиз ҳолга келади.

Истеъмолчиларга келадиган бўлсак, уй хўжаликлари дунё энергиясининг 29 фоизини истеъмол қилади, ҳамда 21 фоиз СО₂ ни ҳавога чиқаради. Агар бутун дунёдаги одамлар энергия тежовчи лампалардан фойдаланишга ўтишса, йилига 120 миллиард АҚШ долларига тенг маблағ тежаб қолинган бўлар эди. Ечимини кутаётган долзарб муаммолардан яна бири сувнинг ифлосланишидир. Табиат дарё ва кўллардаги сувни тозалаши ва қайта ишлашидан кўра биз сув манбаларини тезроқ ифлослантираяпмиз. Ҳар биримиз ушбу муаммонинг ечимига қандай ҳисса қўшишимиз мумкин?

Биринчи галда, озиқ-овқатлар ва хизматларнинг ҳам озиқ-овқатларнинг ҳаётий даври, ҳам турли ҳаётий вазиятларда истеъмол қилинганда унинг ўзгариши нуқтаи назаридан экологик ва ижтимоий таъсирини тушунишни яхшилаш зарур. Бу йўналишдаги биринчи муҳим қадам кўшимча қийматни яратиш занжиридаги “кучсиз бўғин”ларни топишдан иборат бўлиб, уларга кўрсатиладиган таъсир бутун тизимнинг экологик ва ижтимоий таъсирини яхшилаш имконини беради.

²¹⁰ Устойчивое потребление и производство и ЦУР. <https://wedocs.unep.org/rest/bitstreams/17805/retrieve>

Тадбиркорлар ҳам ўзларининг ташаббускорлик имкониятларидан инсонларни атроф-муҳитга камроқ салбий таъсир кўрсатган ҳолда ўз турмуш фаровонликларини ишириб, нисбатан барқарор турмуш кечиришга ундовчи ва рағбатлантирувчи ечимлар устида ишлашда фойдаланишлари мумкин. Истеъмолчи сифатида ҳар биримиз қуйидагиларни бажаришимиз мумкин:

- чиқиндилар чиқариш ҳажмини камайтириш;
- овқатни ташлаб юбормаслик ёки дунё океанининг асосий ифлослантирувчиларидан бири бўлган пластикдан фойдаланишни камайтириш;
- кўп марталик сумкалардан фойдаланиш, пластик найчалардан фойдаланишдан воз кечиш ва пластик идишларни қайта ишлаш²¹¹.

Шунингдек, ҳаракатларни етти ўлчаб бир кесиш ҳам фойдали. Масалан, бугунги кунда тўқимачилик саноати ичимлик сувини ифлослантириш ҳажми бўйича қишлоқ хўжалигидан кейин иккинчи ўринда туради, кўплаб компаниялар эса ривожланаётган мамлакатларда тўқимачи-ишчилар меҳнатини эксплуатация қилишади. Экологик жиҳатдан масъулиятли ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини харид қилиш орқали сиз атроф-муҳит муҳофазасига ўз ҳиссангизни қўшасиз, ҳамда корxonани барқарор иш услубларига ўтишга мажбурловчи босим ўткази оласиз²¹².

Қайд этиш керакки, дунёдаги энг қашшоқ ва муҳофазага муҳтож аҳолининг олтмиш фоизини аёллар ташкил қилади ҳамда улар пул ишлаб топиш ва ўз оилаларини озик-овқат билан таъминлашда бевосита атроф табиий муҳитга боғлиқ бўлишади. Хавфсиз ва барқарор келажак мавжуд номутаносибликларни камайтиришга тўғридан тўғри боғлиқдир. Истеъмол ва ишлаб чиқаришда хотин-қизларда турмуш даражаларини оширишга ёрдам берадиган ер ва технологиялар сингари ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланишда тенг имкониятлар бўлиши керак.

“БМТ-аёллар” ўз фаолиятида истеъмол ва ишлаб чиқариш ўртасидаги номутаносибликни камайтиришга кўмаклашади. Ташкилот фаол равишда мулк ва ресурслардан адолатли фойдаланиш ва экалик қилишга қаратилган сиёсий ислохотларни ўтказишга ундайди. Мулк ҳуқуқини таъминлаш фаолиятнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади, ҳамда мавжуд ҳуқуқий ёки ижтимоий тўсиқлар боис ушбу ҳуқуқ кўпчилик аёллар учун ҳануз ушалмас орзу бўлиб турибди. Мазкур ҳуқуқлар бўлмаган бир шароитда хотин-қизлар, одатда, истеъмол ва ишлаб чиқаришнинг барқарор даражасини таъминлаш учун зарур бўлган технология ва ресурслардан фойдалана олишмайди.²¹³

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида чиқиндилар билан ишлашни бошқариш соҳасида кўплаб корxonалар мавжуд бўлиб уларнинг энг асосийлари қуйидагилар: Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, “Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекцияси, “Уйжойкомхизмат” вазирлиги. Ўз фаолиятларида ушбу ташкилотлар Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Чиқиндилар тўғрисида”ги қонунлари ҳамда “Хавфли чиқиндиларнинг трансчегаравий олиб ўтилиши ва уларнинг йўқ қилинишини назорат қилиш тўғрисида”ги Базель конвенцияси талабларидан келиб чиқиб иш юритишади.

Ҳар йили республикамининг саноат корxonаларида 14 миллион тоннадан зиёд чиқиндилар ҳосил бўлади, уларнинг салкам 97,4 фоизи – хавфлиликнинг 4-синфига; салкам 2,6 фоизи – 3-синфга, ҳамда чиқиндиларнинг озгина қисми – 1 ва 2-хавфлилик синфига киради. Ушбу чиқиндиларнинг 99,7 фоизи тўплагичларга олиб чиқиб ташланади. Мамлакатимизнинг йирик шаҳарларида чиқиндиларни йиғиш тизимини модернизация қилиш босқичма босқич амалга оширилади. 2017 йилда Тошкент шаҳрида тизимни

²¹¹ <http://www.un.org/sustainabledevelopment/takeaction>

²¹² Устойчивое потребление и производство и ЦУР. <https://wedocs.unep.org/rest/bitstreams/17805/retrieve>

²¹³ <http://eca.unwomen.org/ru/news/in-focus/women-and-the-sdgs/sdg-12-responsible-consumption-production#sthash.DRp4GnDe.dpuf>

такомиллаштириш ишлари бошланди, шу йил Қарши ва Самарқандда, 2018 йилда Бухоро ва Андижонда ҳам лойиҳалар ишга тушади²¹⁴.

2017 йил 21 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президенти “Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш тўғрисида” ПҚ-5024-сон Қарорни имзолади. Қарорда чиқиндиларни ишлатиш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш, муносиб турмуш шароитларини яратиш, республикада санитария ва экологик вазиятни яхшилаш, аҳоли турмуш сифати ва даражасини янада ошириш, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда вилоятлар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари тасарруфидаги “Тоза ҳудуд” давлат унитар корхоналари самарали фаолият олиб боришини ташкил қилиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган.



Фотосурат <http://www.uznature.uz> сайтидан олинди

Мазкур қарорнинг амалга оширилиши билан қуйидагиларга эришилади:

биринчидан, аҳолига қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш ва уларни полигонларда утилизация қилиш бўйича хизматлар кўрсатишнинг яхлит тизимини яратиш якунига етказилади;

иккинчидан, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ихтисослашган санитария тозалаш ташкилотлари ва ҳудудий “Тоза ҳудуд” ДУКлар махсус техника (чиқинди ташувчи транспорт, ассенизация машиналари) ҳамда маиший чиқиндиларни сараловчи электромеханик қурилмалар билан тўлиқ жиҳозланади;

учинчидан, қаттиқ маиший чиқиндиларни бирламчи қайта ишлаб органик ўғитларга айлантириш ташкил қилинади, ҳамда қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлашнинг замонавий технологиялари жорий этилади;

²¹⁴ <http://ru.sputniknews-uz.com/society/20151123/1121038.html>

тўртинчидан, республика аҳолисини маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар билан қамраб олинганлиги 2017 йилдаги 63 фоиздан 2010 йилда 93 фоизга етади.

Қайд этиш керакки, БРМнинг ўн иккинчи мақсади бажарилиши барча БРМга эришида муҳим аҳамиятга эга, чунки у барқарор ривожланишнинг зарур шартини ҳисобланади ва бошқа аксарият Мақсадларга йўналиш беради.

Назорат саволлари:

1. Барқарор ривожланиш ўн иккинчи мақсадининг мазмун-моҳияти ҳақида гапириб беринг.
2. Бутунжаҳон демографик инқирози нимада намоён бўлади?
3. “Хавфли чиқиндиларнинг трансчегаравий олиб ўтилиши ва уларнинг йўқ қилинишини назорат қилиш тўғрисида”ги Базель конвенцияси нима учун қабул қилинган?
4. Ўзбекистонда истеъмолнинг рационал модели қай тарзда таъминланмоқда?

3.13. Иқлим ўзгариши ва унинг оқибатларига қарши кураш бўйича шошилинч чоралар кўриш

Режа:

1. Барқарор ривожланишнинг ўн учинчи мақсадининг мазмун-моҳияти
2. БМТнинг иқлим ўзгариши бўйича доиравий конвенцияси
3. Иқлим ўзгариши муаммоси ва унинг оқибатларига мослашиш
4. Иқлим ўзгаришига қарши кураш ва унга мослашиш бўйича миллий сиёсат ва институционал контекст.

Асосий тушунчалар: иқлим ўзгариши, БМТнинг доиравий конвенцияси, мослашиш, миллий сиёсат, қишлоқ хўжалиги, сув ресурслари, биохилма-хиллик, экотизимлар.

Мавзу бўйича тавсия этиладиган адабиётлар:

1. *Цели в области устойчивого развития.*
www.un.org/sustainabledevelopment/ru/sustainable-development-goals
2. “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни
<http://lex.uz>.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони.
4. “Geo-5” (Глобальная экологическая перспектива) “Резюме для политиков и лиц, принимающих решения”, 2012.
5. Косимова Н. Глобал иқлим ўзгариши ва журналистика. –Т.: “Турон –иқбол”, 2016.

Иқлим ўзгариши асримизнинг энг мураккаб муаммоларидан бири саналади. Дунёнинг бирорта мамлакати ушбу муаммодан ҳимояланган эмас. Бирор бир мамлакат яқка ўзи иқлим ўзгариши натижасида юзага келаётган бир хил маънога эга бўлмаган сиёсий қарорлар, технология соҳасидаги улкан ўзгаришлар ва узоқ таъсирга эга глобал оқибатлар каби ўзаро бир-бири билан боғлиқ чақириқларга муносиб тарзда жавоб бера олмайди. Атмосферага иссиқхона газларининг чиқарилиши ҳажми ортиб бормоқда, ҳамда бугунга келиб унинг ҳажми 1990 йилдагидан 50 фоизга ошган. Бундан ташқари, глобал иссиқлик ҳам бизнинг иқлим тизимимизга кучли таъсир кўрсатмоқда, агар инсоният бунга қарши аниқ ва кескин чоралар кўрмаса, оқибати аянчли бўлиши мумкин.

Ер кимирлаши, цунами, тропик циклонлар ва сув тошқинларидан йилига ўртача юзлаб миллиард доллар зарар кўрилади, ҳамда ҳар йили фалокаталри хатарларини бошқариш мақсадларига 6 миллиард доллар зарур бўлади. Ушбу мақсад 2020 йилга бориб ҳар йили ривожланаётган давлатларни кўллаб-қувватлаш ва иқлим билан боғлиқ фалокатлар оқибатларини юмшатиш учун 100 миллиард доллар жалб этишни назарда тутди.

Тўғридан-тўғри денгизга чиқиш имконияти бўлмаган ва орол давлатларнинг барқарорлиги ва мослашувчанлик имкониятини ошириш аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот тадбирларини ўтказиш, ҳамда ушбу давлатларнинг миллий сиёсати ва стратегияларига тегишли чора-тадбирларни киритиш билан қўшиб олиб борилиши керак. Сиёсий ирода мавжуд бўлса, ҳамда кенг қўламли технологик ечимлар ёрдамида жаҳон бўйича ўртача ҳароратнинг Цельсий бўйича кўтарилишини 2 даражага ушлаб туриш мумкин бўлади. Бунинг учун биргаликдаги комплекс чора-тадбирларни қабул қилиш зарур.



Фотосурат <http://www.un.org> сайтидан олинди

Шу билан бирга, кўплаб ривожланаётган давлатлар ўзлари учун ўта муҳим бўлган энергетикани ривожлантириш дастурларини амалга оширишга чекловлар қўйилишидан, ҳамда ўзларининг инфратузилмани яратишдан тадбиркорликни ривожлантиришгача бўлган кўплаб эҳтиёжларини қондиришни ушлаб туриши мумкин бўлган янги қоидалар ўрнатилишидан хавфсирашади²¹⁵. 2015 йилда дунё бўйича қайта тикланадиган энергия манбалари учун киритилган инвестициялар миқдори 286 миллиард АҚШ долларини ташкил этди ва қазиб олинадиган ёқилғи турлари учун инвестициялардан салкам икки марта кўпроқ бўлди²¹⁶.

Иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш 2030 йилда барқарор ривожланиш Кун тартибини шакллантирувчи 17 та Мақсадлардан бири ҳисобланади. Белгилаб олинган кенг қўламли вазифаларни амалга ошириш учун интеграцияланган ёндошув зарур.

Агар чоралар кўрилмаса нима бўлади? Агар иқлим ўзгаришига қарши кураш олиб борилмаса, ривожланиш борасида сўнгги йилларда қўлга киритилган кўплаб натижа ва ютуқларни бой бериш эҳтимоли мавжуд. Бундан ташқари, барчамиз гувоҳи бўлиб турганимиздек, иқлим ўзгариши шу пайтгача мавжуд бўлган озиқ-овқат ва сув танқислиги

²¹⁵ <http://documents.worldbank.org/curated/en/368171468328209444/pdf>

²¹⁶ <http://caringforclimate.org/>

каби хатарларни янада чуқурлаштириши мумкин, бу эса низоларга олиб келиши эҳтимоли бор. Охир-оқибат ҳаракатсизлигимиз биз учун кўпроқ иш ўринлари яратишга, фаровонлик даражасини оширишга, одамлар яхшироқ яшашига, ҳамда шу билан бирга, атмосферага иссиқхона газлари чиқарилиши ҳажми камайишига ва иқлим ўзгаришига чидамлилик таъминланишига олиб келадиган чора-тадбирларни дарҳол кўришимиздан кўра қимматроққа тушади.

Иқлим ўзгариши муаммосини ҳал қилишда тижорат корхоналарининг ўрни қандай бўлиши керак? Бутун дунёдаги кўплаб тижорат корхоналарининг раҳбарлари иқлим ўзгариши ва атроф-муҳит ҳолатининг ёмонлашуви ўз компаниялари учун янги хатарлар ва рақобатбардошлик, ўсиш ва ривожланишнинг янги имкониятлари манбаи эканини англаб етишди ва иқлим ўзгаришидан бозорда мустаҳкам ўрин эгаллаш учун фойдалана бошладилар. Корхоналар иқлим ўзгариши муаммосини энергия самарадорлигини ва паст углеродли ривожланишни таъминловчи инновацияларни жорий этиш ва узоқ муддатли маблағлар киритиш орқали ҳал этишмоқда. Уларнинг кўпчилиги 2014 йил Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган БМТнинг Иқлим бўйича саммитида илгари сурилган, иқлим ўзгаришига қарши кураш бўйича чора-тадбирларни рағбатлантиришнинг янги услублари атрофида ҳукуматлар, ишбилармон доиралар ва фуқаролик жамиятини бирлаштиришни назарда тутувчи ташаббусга – иқлим ўзгариши бўйича Кун тартибига қўшилишди.

Саноат корхоналари иқлим ўзгаришига қарши курашда қай тарзда иштирок этишлари мумкин? Корхоналар ўз фаолиятларида углеродга боғлиқликни ва етказиб бериш занжирларини қисқартириш мажбуриятини олиб муаммони ҳал қилишда иштирок этишлари мумкин. Бунга қуйидагилар воситасида эришиш мумкин:

- энергия самарадорлигини ошириб;
- корхона маҳсулотлари, хизматлари ва жараёнларида углерод изларини қисқартириб;
- илмий ютуқлар асосида атмосферага зарарли ташламаларни камайитиришнинг мақсадли кўрсаткичларини ўрнатиб;
- иқлим ўзгариши муаммосини ва углерод изини камайитириш заруратини эътиборга олган ҳолда новаторлик ва оммабоп маҳсулотлар ва хизматларни яратишга инвестициялар ҳажмини ошириб;
- компания фаолиятининг, унинг етказиб бериш занжирларининг ва фаолият олиб борилаётган ҳамжамиятларнинг иқлим ўзгаришига мослашиш қобилиятини ривожлантириш ва барқарорлигини таъминлаш²¹⁷.

Иқлим ўзгаришига қарши курашда иштирок этишнинг бошқа усуллари ҳам мавжудми? Барча тармоқлар турлича, шу боис ёндошувлар ҳам турли-туман. Ушбу муаммони ҳал этишда иштирок этишнинг йўлларида бири – Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Иқлим тўғрисида ғамхўрлик”²¹⁸ ташаббусига қўшилиш. У 2007 йилда БМТ Бош Котиби Пан Ги Мун томонидан илгари сурилган бўлиб, компанияларга амалий чораларни амалга оширишда, тажриба алмашишда, давлат сиёсатини ишлаб чиқиш учун ахборотларни тақдим этишда, шунингдек жамоатчилик фикрини шакллантиришда қўмаклашишдан иборат.

²¹⁷ <http://www.uz.undp.org/content/uzbekistan/ru/home/post-2015/sdg-overview/goal-13.htm>

²¹⁸ www.un.org/sustainabledevelopment/ru/issues/planet/climate-change



Фотосурат <http://www.vsemirnyjbank.org> сайтидан олинди

Ўзбекистон иқлим ўзгариши таҳдидига сезиларли даражада дучор бўлиши мумкин, хатто жиддий хавфлар аллақачон бўй кўрсата бошлаган ҳам. Тахмин қилинишича, иқлимнинг келгусидаги ўзгариши ҳаво ҳароратининг юқорироқ бўлишига, ёғингарчиликлар режими ўзгаришига, қаттиқ ва узоқ муддатли қурғоқчиликларга ва бунинг оқибатида сувдан фойдаланиш имкониятининг пасайишига сабаб бўлади. Яқин келажакда Ўзбекистонда ўртача ҳаво ҳароратининг ортиши тахмин қилинмоқда. Гарчи, кутилаётган исининг аниқ даражасини айтиб бўлмасда, умумий тенденция яққол кўзга ташланиб турибди. Шуниси аниқки, ўртача таъсир кўрсатиш сценарийси бўйича келгуси 50 йил ичида ҳаво ҳароратининг исини $2-3^{\circ}\text{C}$ ни ташкил қилади ҳамда бу кўрсаткич сўнгги 50 йилдаги миқдордан анча юқорироқдир. Ҳаво ҳарорати ошишининг жиддий таъсир кўрсатиши эҳтимоли мавжуд, масалан, биргина тоғолди ҳудудларида июнь-август ойларида ҳаво ҳарорати одатдагидан $4-5^{\circ}\text{C}$ юқорироқ бўлиши кутилади.

Ёғингарчиликлардаги ўзгаришлар ҳарорат ўзгаришларидан ҳам кўра кўпроқ ноаниқликка эга. Гарчи, Ўзбекистонда ёғингарчиликларнинг умумий миқдори ортиши тахмин қилинаётган бўлсада, чўл ва даштли ҳудудларда июнь – август ойларида ёғингарчиликнинг камайиши кузатилади. Бундай ҳисоб-китоблар ушбу мавсумий ўзгаришлар иқтисодиётнинг бир қатор секторлари (айниқса, ўсимликшунослик маҳсулотлари) учун салбий оқибатларни келтириб чиқаришидан дарак беради. Ёғингарчиликларнинг умумий миқдори ошишига қарамай, бутун мамлакат бўйлаб аридлик ортади, бу ҳол кўпроқ Ўзбекистоннинг ғарбий қисmlарига тааллуқли бўлади. Тахминлар 2050 йилга бориб Сирдарё ҳавзасида сув сарфи 2-5 фоизга, Амударё ҳавзасида эса 10-15 фоизга қисқаришини кўрсатмоқда. Агар сув танқислигининг таъсирини эътиборга оладиган бўлсак, иқлим ўзгариши иқтисодиётнинг бир қатор секторларига салбий таъсир кўрсатиши маълум бўлади. Хусусан, 2050 йилга бориб барча қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги 10-25 фоизга пасайиши эҳтимоли бор.

Ўзбекистонда иқлим ўзгаришига қарши кураш ва унга мослашиш бўйича миллий сиёсат ва институционал контекст ишлаб чиқилган. “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”(1992), “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”(1996), “Энергиядан самарали фойдаланиш тўғрисида”(1997), “Экологик экспертиза тўғрисида”(2000), “Ўрмон тўғрисида”(1999), “Алоҳида кўриқланадиган табиий ҳудудлар тўғрисида”(1993), “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”(1993) ва бошқа қонунлар қабул қилинган.



Фотосурат <https://protey-wood.com> сайтидан олинди

“Гидрометеорологик хизматни такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорга асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази зиммасига мамлакатимизнинг БМТнинг иқлим ўзгариши бўйича Доиравий конвенциясидан келиб чиқадиган мажбуриятларини бажариш юклатилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 10 январдаги 9-сон қарори билан “Киото Протоколининг Мусаффо ривожланиш механизми доирасида инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низом” тасдиқланган. Ўзбекистон 1993 йилда БМТнинг иқлим ўзгариши бўйича Доиравий конвенциясига қўшилди ва 1999 йилда Киото протоколининг ратификация қилди. Мазкур ҳужжатлар ҳам Ўзбекистонда иқлим ўзгариши билан боғлиқ курашга кўмклашади.

Ўзбекистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқлим ўзгариши бўйича Доиравий конвенцияси ижроси юзасидан иккинчи Миллий маърузасида (2008) иқлим ўзгаришининг таъсири баҳоланган, тахмин қилинаётган иқлимий таҳдид ва хавфларга муносабат билдириш учун зарур бўлган мослашув сценарийлари қисқача баён этилган бўлиб, у давлат сиёсатининг асосий ҳужжати ҳисобланади. Ушбу ҳужжатда иқлим ўзгаришининг таъсирига баҳо, шунингдек қуйидаги секторлардан иборат бўлган ҳар бир сектор учун баҳолаш ва мослашиш бўйича чора-тадбирларнинг эҳтимоллий вариантлари бўйича умумий тавсиялар берилган: қишлоқ хўжалиги, сув ресурслари, биохилма хиллик, экотизимлар. Айти пайтда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқлим ўзгариши бўйича Доиравий конвенцияси ижроси юзасидан учинчи Миллий маърузаси тайёрланмоқда ва у мамлакатимизда иқлим ўзгариши муаммоларига қарши кураш бўйича келгуси фаолиятни белгилаб олиш учун асос бўлиб хизмат қилиши кутилмоқда. Иқлим ўзгариши бўйича сиёсат ва ҳаракатларни тартибга солувчи яна бир муҳим қонунчилик ҳужжати республикани барқарор ривожлантиришнинг Миллий стратегияси ҳисобланади²¹⁹.

²¹⁹ <http://siteresources.worldbank.org>) Uzbekistan – Climate Change and Agriculture Country Note, World Bank, 2010 (<http://siteresources.worldbank.org>)

Юқорида қайд этилган ҳужжатлардан ташқари ва ушбу муаммонинг кўп секторли характерга эгаллигини эътиборга олиб, иқлим ўзгариши маълум даражада, давлат сиёсати тўғрисидаги турли ҳужжатларда, жумладан суғориладиган деҳқончиликда сувни тежаш ва сувдан самарали фойдаланиш Стратегияси, иссиқхона газлари эмиссиясини пасайтириш бўйича Миллий стратегияда ўз аксини топган. Ўзбекистонда иқлим ўзгариши муаммосини ҳал қилишнинг институционал асоси ҳар бири ушбу мураккаб масаланинг турли жиҳатларини қамраб олган вазирлик ва идоралардан иборат. Умуман олганда, ҳозирда Ўзбекистон ҳам атмосферага иссиқхона газлари ташланишини камайитиришга, ҳам мамлакат инфратузилмасини яхшилашга қаратилган кўплаб кенг қамровли лойиҳаларни амалга оширомоқда. Ҳар қандай ҳолатда ҳам, яшил технологияларнинг трансферти учун қулай шароитларни излаш ва уларни ишлаб чиқариш жараёнига жорий этиш иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларига мослашиш имкониятлари кенгайтиришга хизмат қилади.

Назорат саволлари:

1. Барқарор ривожланиш ўн иккинчи мақсадининг мазмун-моҳияти ҳақида гапириб беринг.
2. БМТнинг иқлим ўзгариши бўйича Доиравий конвенциясининг мақсад ва вазифалари?
3. Иқлим ўзгариши муаммоси ва унинг оқибатларига мослашиш нимада намоён бўлади?
4. Иқлим ўзгаришига қарши кураш ва унга мослашиш бўйича миллий сиёсат ва институционал контекст нимага асосланади?
5. Саноат корхоналари иқлим ўзгаришига қарши курашда қай тарзда иштирок этишлари мумкин?

3.14. Қуруқлик экотизимини муҳофаза қилиш, қайта тиклаш, улардан оқилона фойдаланилишига қўмаклашиш, ўрмонлардан оқилона фойдаланиш, чўлланишга қарши кураш, ерлар деградация жараёнини тўхтатиш ва орқага қайтариш ҳамда биологик хилма-хилликни йўқотиш жараёнини тўхтатиш

Режа:

1. Барқарор ривожланишнинг шн бешинчи мақсадининг мазмун-моҳияти
2. Глобал экологик муаммолар: чўлланиш, ерлар деградацияси, биологик хилма-хилликнинг йўқолиши
3. БМТнинг Рамсар Конвенцияси
4. Ўзбекистоннинг экологик сиёсати.

Асосий тушунчалар: экотизимларни муҳофаза қилиш ва қайта тиклаш, ўрмонлардан оқилона фойдаланиш ва бошқариш, чўлланишга қарши кураш, ерлар деградация жараёнини тўхтатиш ва орқага қайтариш, биологик хилма-хилликни йўқотиш жараёнини тўхтатиш

Мавзу бўйича тавсия этиладиган адабиётлар:

1. *Цели в области устойчивого развития.*
www.un.org/sustainabledevelopment/ru/sustainable-development-goals
2. *“Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни.*
<http://lex.uz>
3. *“Экологик назорат тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни* <http://lex.uz>

4. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони.*
<http://lex.uz>

! *Барқарор ривожланишининг ўн тўртинчи мақсади барқарор ривожланиш мақсадларидан келиб чиқиб океан, денгизларни ҳамда уларнинг ресурсларини сақлаш ва улардан оқилона фойдаланишни назарда тутди. Дунё океани сайёрамизнинг, унда истиқомат қилувчи одамларнинг манфаатлари ҳамда келгуси фаровонлик шартлари, бошқача айтганда, барқарор ривожланиш мақсадлари кесишадиган нуқта, десак янглишмаган бўламиз. Ер сайёрасида истиқомат қилаётган барча одамлар океан ва денгизларнинг маҳсулотларидан бирдек, тенг фойдаланишлари, ўз навбатида, уни асрашга ҳам бирдек масъул бўлишлари керак. Ўзбекистон Республикаси океан ва денгизга чиқиш имконияти мавжуд эмаслиги боис Барқарор ривожланишининг ўн тўртинчи мақсадига қўшилмаган. Аммо бизнинг давлатимиз дунё ҳамжамиятининг сайёрамиздаги океанлар ва денгизларни ва уларнинг ресурсларини асраб-авайлаш борасидаги барча ташаббусларини ҳар доим қўллаб-қувватлаб келади.*

Одамлар фаолиятининг ва иқлим ўзгаришининг натижаси бўлган ўрмонсизланиш ва чўлланиш барқарор ривожланишга эришиш йўлида жиддий тўсиқ бўлади ва қашшоқликка қарши кураш олиб бораётган миллионлаб одамларнинг ҳаёти ва турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатади. Ўрмон хўжалигидан оқилона фойдаланиш ва чўлланишнинг олдини олиш борасида тегишли чоралар кўрилмоқда. Сайёрамизнинг қуруқлик қисмининг тахминан 31 фоизи ўрмонлар билан қопланган. Ўрмонлар бизни тоза ҳаводан бошлаб ичимлик суви ва озиқ-овқатларгача бўлган ҳаётий муҳим манбалар билан таъминлайди. Тахминан 1,6 миллиард одам айнан ўрмонлар орқасидан тирикчилигини ўтказади. Сайёрамизнинг қашшоқликда кун кечириётган аҳолисининг салкам 75 фоизи ерлар деградациясининг бевосита таъсирини бошдан кечиради. Қуруқликда яшовчи ҳайвонлар, ҳашаротлар ва ўсимликларнинг 80 фоиздан ортиғи ўрмонларда кун кечиради ва ўсади. 8300 турдаги ҳайвонлардан 8 фоизи ўрмонларда яшайди ва 1,6 миллиард одам ўрмонлар орқасидан тирикчилигини ўтказади. Бугунги кунда ўрмонларнинг кесилиши оқибатида ҳайвонларнинг 50 фоизи қирилиб кетган ва яна 22 фоизи йўқ бўлиб кетиш арафасида турибди²²⁰.

²²⁰ ecodelo.org/9158-problemy_sokhraneniya_biologicheskogo_raznoobraziya_zemli-g.



Фотосурат <https://nuz.uz> сайтидан олинди

Биологик хилма- хиллик ва ундан келиб чиқадиган экотизимга боғлиқ хизматлар ҳам иқлим ўзгаришига мослашиш ва фалокатлар хавфи эҳтимолини камайтириш бўйича стратегияларнинг асосини ташкил этиши мумкин, чунки улар одамларнинг иқлим ўзгариши олдидаги ожизлигини камайтиришда афзалликлар беради. Ўрмонлар ва бошқа табиий ҳудудлар шунингдек дам олиш ва руҳий фаровонлик учун ҳам зарур. Кўплаб маданиятларда табиий ландшафтлар маънавий қадриятлар, диний ва анъанавий таълимотлар билан ўзаро боғланиб кетган. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ўрмонлар бўйича Форуми Котибиятининг ҳисоб-китобларига кўра, глобал даражада ўрмонлардан оқилона фойдаланишга эришиш учун йилига 70-160 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратиш зарур бўлади. Биологик хилма хиллик тўғрисидаги Конвенцияга асосан глобал даражада биологик хилма- хилликнинг камайишини тўхтатиш учун аср ўрталарига бориб йилига тахминан 150-440 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ керак бўлади²²¹.

²²¹ <http://www.un.org/sustainabledevelopment>



Фотосурат <https://nuz.uz> сайтидан олинди

Ҳаракатсизликнинг баҳоси қандай? Биологик хилма хиллик ҳам маҳаллий, ҳам глобал даражада тақдим этилаётган кўплаб хизматларнинг асосини ташкил этади, биологик хилма-хилликнинг камайиши бўйича жавоблар эса ҳиссийдан утилитаргача бўлган турли кўринишларга эга. Масалан, ҳисоб-китобларга кўра, ҳашаротлар ва бошқа чанглатувчилар дунё иқтисодиётининг озиқ-овқат секторига йилига тахминан 200 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ келтирар экан. Дунё бўйича энг кўп тавсия этиладиган дори-дармонларнинг тўртдан уч қисми таркибида бугунги кунда йўқолиб бораётган ўсимликлар экстрактларидан олинган фойдали моддалар мавжуд. Одамларнинг фаолияти ва иқлим ўзгариши натижасида экотизимларга зарар етказилиши билан боғлиқ бўлган табиий офатлар йилига дунё иқтисодиётига 300 миллиард АҚШ долларидан ортиқроқ зиён келтирмоқда. Ўрмонсизланиш ва ўрмонлар деградацияси барча турлар томонидан маконлари йўқотилишига, чучук сув сифати пасайишига, тупроқ эррозияси, ерлар деградацияси даражаси ортишига, ҳамда атмосферага ташланаётган улгеродлар миқдори ошишига олиб келмоқда²²². Шундай қилиб, ўрмонлар масаласида ҳаракатсизлик ҳам бугун сайёрамиз саломатлигига, ҳам бизнинг жамиятимиз ҳаётига салбий таъсир кўрсатади.

Биз нима қилишимиз мумкин? Биз шубҳасиз, ўзимиз истиқомат қиладиган экотизимнинг ўзгаришига сабабчи бўламиз, аммо биз биологик хилма хилликни таъминлаш ёки уни йўқотиш йўлидан бирини танлашимиз зарур. Биз амалга оширишимиз мумкин бўлган чоралар қаторига иккиламчи ишлов бериш, ўз рационимизга маҳаллий барқарор манбалардан олинган маҳсулотларни кўпроқ киритишимиз, фақат ўзимиз учун зарур бўлган маҳсулотларни истеъмол қилишимиз, ҳамда иситиш ва совутишнинг самарали тизимларидан фойдаланган ҳолда энергия истеъмолини камайтириш кабилар киради. Бундан ташқари, ёввойи табиат мавжудлигининг табиий жараёнига зиён етказмаслик учун унга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, ҳамда экотуризмнинг ёввойи табиатга ҳурмат ва эҳтиёткорона муносабат асосида тақдим этиладиган имкониятларидангина фойдаланиш керак. Ўйланган ҳолда бошқариладиган кўриқланадиган ҳудудлар экотизимларнинг соғлом ҳолатини таъминлаш имкониятини беради, бу эса, ўз навбатида, одамларнинг соғлиғини сақлаш учун ҳам муҳимдир.

Бугунги кунда биологик хилма- хилликнинг тезкор камайиши сабаблари:

²²² ecodelo.org/9158-problemy_sokhraneniya_biologicheskogo_raznoobraziya_zemli-g.

1) аҳоли сони ва иқтисодий ривожланишнинг тез ўсиши натижасида Ердаги барча организм ва экологик тизимларнинг турмуш шароитларига жиддий ўзгаришлар кириб бориши;

2) одамлар миграциясининг ортиши, халқаро савдо ва туризмнинг ўсиши;

3) табиий сув, тупроқ ва ҳаво ифлосланишининг кучайиши;

4) табиий ресурсларни эксплуатация қилувчи ва маҳаллий бўлмаган турларни интродукцияловчи (маҳаллийлаштирувчи) тирик организмларнинг яшаш шароитларини издан чиқарувчи ҳаракатларнинг келажакдаги оқибатларини етарлича эътибор қаратмаслик;

5) бозор иқтисодиёти шароитида биологик хилма-хилликнинг ва ундаги йўқотишларнинг ҳақиқий қийматини баҳолаш имконияти йўқлиги.

Сўнгги 400 йил ичида ҳайвонлар турларининг йўқолиб кетишига асосан қуйидагилар сабаб бўлган:

1) янги турларнинг интродукцияси (маҳаллийлаштирилиши) оқибатида маҳаллий турларнинг кирилиб кетиши ёки сиқиб чиқарилиши (йўқотилган барча ҳайвонлар турларининг 39 фоизи);

2) яшаш шароитларининг издан чиқарилиши, ҳайвонлар қўним топган ҳудудларнинг тўғридан тўғри эгаллаб олиниши, уларнинг деградацияси, қисмларга ажратилиши, ўлка эффектининг кучайиши (йўқотилган барча турларнинг 36 фоизи);

3) назоратсиз ов қилиш(23 %);

4) бошқа сабаблар(2 %) ²²³.

Генетик хилма-хилликни сақлаб қолиш заруратининг асосий сабаблари.



Фотосурат <https://nuz.uz> сайтидан олинди

Барча турлар (улар қанчалик зарарли ёки ёқимсиз бўлишидан қатъий назар) яшашга ҳақли. Бу қоида БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган “Бутунжаҳон табиат хартияси”да ёзиб қўйилган. Табиатдан, унинг гўзаллиги ва хилма-хиллигидан баҳра олиш миқдорий кўрсаткичлар билан акс эттириб бўлмайдиган ўта юқори қиматга эга. Хилма хиллик – ҳаёт шакллари эволюциясининг асоси. Турлар бўйича ва генетик хилма

²²³ Проблемы сохранения биологического разнообразия Земли
http://ecodelo.org/9158-problemy_sokhraniya_biologicheskogo_raznoobraziya_zemli-geoeкологиya

хилликнинг камайиши Ерда ҳаёт шаклларининг келгусида мавжуд бўлишини хавф остида қолдиради ²²⁴.

Биологик хилма хилликни муҳофаза қилишнинг кўплаб усуллари мавжуд. Турлар даражасида иккита асосий стратегик йўналишни ажратиш мумкин, булар: яшаш жойида ва яшаш жойидан ташқарида. Турлар даражасида биологик хилма-хилликни муҳофаза қилиш – серҳаражат ва сермашаққат йўл, шу боғис уни Ер юзасидаги барча турлар ва бойликларни асраб қолишга нисбатан қўллаб бўлмайди, фақатгина айрим турларгагина тадбиқ этиш мумкин ҳолос. Экотизимларни режали бошқариш барча учта иерархия даражасида биологик хилма-хилликни муҳофаза қилиш имконини бериши учун стратегиянинг бош йўналиши экотизимлар даражасида бўлиши лозим. Экотизимлар даражасида биологик хилма-хилликни муҳофаза қилишнинг энг самарали ва нисбатан камхарж усули – *қўриқланадиган ҳудудлар*.



Бутунжаҳон табиатни муҳофаза қилиш иттифоқининг таснифига кўра қўриқланадиган ҳудудларнинг 8 та тури мавжуд²²⁵:

1. Қўриқхона. Мақсади – табиатни ва табиат жараёнларини бузмасдан сақлаш.
2. Миллий боғ. Мақсади – миллий ва халқаро аҳамиятга эга табиат ҳудудларини илмий тадқиқотлар, таълим ва дам олиш учун сақлаш. Одатда, улар каттагина ҳудудларни эгаллаган бўлиб, бу ерда табиат ресурсларидан фойдаланиш ва инсоннинг бошқа бирор шаклда таъсир кўрсатиши тақиқланади.
3. Табиат ёдгорлиги. Одатда у қадар катта бўлмаган ҳудудни эгаллайди.
4. Бошқариладиган табиий резерватлар. Маъмурият назорати остида айрим табиат ресурсларини йиғишга рухсат берилади.
5. Қўриқланадиган ландшафтлар ва денгизбўйи кўринишлари. Ердан анъанавий усулда фойдаланиш сақланиб қолган хушманзара аралаш табиий ва маданийлашган ҳудудлар. Қўриқланадиган ҳудудлар статистикасига одатда 1 – 5 тоифадаги ерлар киритилади.
6. Ҳудуднинг муддатидан олдин ишлатилишининг олдини олиш учун яратиладиган ресур резервати.
7. Туб аҳолининг анъанавий турмуш тарзини сақлаб қолиш учун яратиладиган антропологик резерват.

²²⁴ Проблемы сохранения биологического разнообразия Земли
http://ecodelo.org/9158-problemy_sokhraniya_biologicheskogo_raznoobraziya_zemli-geoekologiya

²²⁵ Проблемы сохранения биологического разнообразия Земли
http://ecodelo.org/9158-problemy_sokhraniya_biologicheskogo_raznoobraziya_zemli-geoekologiya

8. Табиий ресурслардан кўп мақсадда фойдаланиш худуди, у сувлар, ўрмон, ҳайвонот ва ўсимлик олами, яйловлардан барқарор фойдаланиш ҳамда туризм учун мўлжалланган.

Юқорида санаб ўтилган саккизта тоифага қўшимча яна иккита тоифа мавжуд, булар

9. Биосфера кўриқхоналари. Биологик хилма–хилликни сақлаб қолиш учун яратилади. Турли даражада фойдаланиладиган концентрик худудларни олади: тўлик фойдаланилмайдиган худуд (одатда, кўриқхонанинг марказий қисмида бўлади) ҳамда оқилона, аммо интенсив фойдаланиладиган худуд.

10. Бутунжаҳон мероси жойлари. Бутунжаҳон аҳамиятига молик ноёб табиий ўзига хосликларни муҳофаза қилиш учун ташкил қилинади. Улар Бутунжаҳон мероси бўйича конвенция асосида бошқарилади.

Дунё бўйича жами салкам 10000 та кўриқланадиган худудлар мавжуд (1 – 5 тоифалар) бўлиб, уларнинг умумий майдони 9,6 миллион километрни, ёки жами куруқликнинг (музликлардан ташқари) 7,1 фоизини ташкил қилади. Табиатни муҳофаза қилиш Бутунжаҳон иттифоқи дунё ҳамжамияти олдига кўриқланадиган худудлар ҳажмини ҳар бир йирик ўсимлик формацияси (биомаси) майдонининг, шунга мос равишда, дунё бўйича ҳам 10 фоизига етказиш мақсадини қўймоқда. Бу нафақат биологик хилма–хилликни муҳофаза қилишга, балки умуман географик муҳитнинг барқарорлигини оширишга хизмат қилади²²⁶.

Кўриқланадиган худудлар сони ва майдонини кенгайтириш стратегияси дунё аҳолиси сони ортиб бораётганини эътиборга олиб, ердан бошқа мақсадларда фойдаланишга зид келади. Шу боис биологик хилма–хилликни сақлаб қолиш учун кўриқланадиган худудлар билан бирга, “одатдаги” одамлар истиқомат қиладиган ерларни имкон қадар такомиллаштириш, ёввойи жонзот турларини, бунда нафақат йўқолиб бораётган турларни, балки ўрни келганда, улар яшаётган жойларни ҳам бошқариш талаб қилинади. Худудларни фойдаланилиш даражасига қараб зоналарга ажратиш, антропоген босими кам бўлган ер массивларини боғловчи коридорларни ташкил қилиш, биологик хилма хиллик ўчоқларининг қисмларга ажратилишини қисқартириш, экотонларни бошқариш, табиий ўта сувли ерларни сақлаб қолиш, ёввойи жонзот турлари популяциясини ва улар яшайдиган жойларни бошқариш каби усуллардан кенг фойдаланиш зарур.

Биологик хилма–хилликни муҳофаза қилишнинг самарали усуллари катта худудлар ва акваторияларни биоҳудудий бошқариш, шунингдек ушбу муаммо бўйича халқаро битимлар киради. БМТнинг атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича Конференцияси (1992) биологик хилма–хилликни муҳофаза қилиш бўйича халқаро Конвенцияни қабул қилган.

Йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган ёввойи жониворлар ва ўсимликлар турларининг халқаро савдоси тўғрисидаги Конвенция муҳим битимлар сирасига киради. Биологик ресурслар ва биологик хилма–хилликнинг турли жиҳатларини муҳофаза этувчи яна бир қатор конвенциялар мавжуд. Жумладан: кўчиб юрувчи ёввойи ҳайвонлар турларини муҳофаза қилиш бўйича конвенция, сув-ботқоқ ерларини муҳофаза қилиш бўйича конвенция, китларни ҳимоя қилиш бўйича конвенция ва бошқалар. Глобал конвенциялар билан бирга, кўплаб худудий ва икки томонлама битимлар ҳам мавжудки, улар биологик хилма хилликнинг аниқ бир масалаларини тартибга солади. Афсуски, шуни қайд этишимиз керакки, кўриладиган чора-тадбирларга қарамай, дунёнинг биологик хилма хиллигининг тезкор эрозияси давом этмоқда. Аммо қайд этилган чоралар бўлмаганда биологик хилма хилликдаги йўқотишлар бундан ҳам кўпроқ бўлиши мумкин эди.

Биологик хилма–хилликни муҳофаза қилиш бўйича халқаро Конвенция (1992) доирасида зиммасига олган мажбуриятларни бажариш йўлида Ўзбекистон

²²⁶ Проблемы сохранения биологического разнообразия Земли
http://ecodelo.org/9158-problemy_sokhraniya_biologicheskogo_raznoobraziya_zemli-geoeкологиya

Республикасининг биринчи қадами 1998 йилда Ҳукумат томонидан биологик хилма-хилликни муҳофаза қилиш бўйича Миллий стратегия ва ҳаракатлар режасининг маъқулланиши бўлди. Мамлакат умумий майдонининг 10 фоизини ташкил этувчи қўриқланадиган табиий ҳудудларни барқарор тизимини яратиш асосий вазифалардан бири сифатида белгилаб олинди. Табиатни муҳофаза қилиш ҳамда барқарор ривожланиш учун биологик хилма-хиллик ресурсларини сақлашнинг муҳимлигига катта аҳамият қаратган Ўзбекистон “Биологик хилма хиллик тўғрисида”, “Йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган ёввойи жониворлар ва ўсимликлар турларининг халқаро савдоси тўғрисидаги”, “Кўчиб юрувчи ёввойи ҳайвонлар турларини муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Халқаро аҳамиятга эга бўлган, биринчи галда, сувда сузувчи қушлар яшайдиган сувли-ботқоқли ерлар тўғрисида”ги конвенцияларга қўшилди²²⁷.

! *Бир дона катта дарахт одамларга 200 минг долларлик экотизим хизматларини кўрсатади. Баргли катта дарахт кислород ишлаб чиқаради ва карбонат ангидрид газини ютиб, глобал иқлим ўзгаришини секинлаштиради, микроиқлим яратади, Ер ости сувлари сатҳини пасайтиради, уларни тозалайди, флорани ҳимоя қилади, фаунани боқади...*

Бугунги кунда 10 та давлат қўриқхонаси, 2 та миллий табиат боғи, 10 та давлат заказниги, 6 та табиат ёдгорлиги давлат муҳофазасига олинган. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг маълумотларига кўра, мамлакатимизда 4600 турдаги ўсимликлар ўсади ва уларнинг 3000 та тури олий ёввойи ўсимликлардир. Республикамининг ҳайвонот олами ҳам ранг-баранг. Жумладан, 97 турдаги сут эмизувчилар, 424 турдаги қушлар, 58 турдаги судралиб юрувчилар ва 83 турдаги балиқлар мавжуд. Мамлакатимизнинг ўрмон фонди майдони салкам 9,12 миллион гектарни ташкил этади, шундан 2,8 миллион гектари ўрмон билан қопланган бўлиб, майдонларнинг сердарахтлиги 6,2 фоизни ташкил қилади²²⁸.

! *Далил. Сўнгги 30 йил ичида Ўзбекистонда тўқай ўрмонларининг 90 фоизи йўқолиб кетди.*

Ўзбекистонда атроф-муҳит муҳофазаси самарадорлигини ошириш ҳамда атроф-муҳит соҳасидаги халқаро битим ва конвенциялар бўйича олинган мажбуриятларни бажаришга кўмаклашиш мақсадида “БМТ ТД ва Ўзбекистон Ҳукуматининг атроф-муҳит бўйича дастури” ишлаб чиқилган.

Қўриқланадиган табиий ҳудудлар (ҚТХ) табиий экотизимларнинг сақловчиси ҳисобланади. Мустақиллик йилларида уларнинг тизими тўлиқ халқаро талаб ва стандартларга мос ҳолатга келтирилди. ҚТХларнинг умумий майдони мамлакат бўйича 2,46 миллион гектарни ташкил қилади – саккизта қўриқхона, иккита миллий табиий ва битта миллий боғ, 13 та буюртмахона, учта табиий питомник. Мустақиллик йилларида бу кўрсаткич уч марта ошди. Умумий майдони 1,46 минг гектар бўлган 11 та буюртмахона, 3,68 минг гектар майдонни эгаллаган ўнта табиат ёдгорликлари, Ўзбекистон учун ҚТХларнинг янги тури бўлган Қуйи-Амударё биосфера резервати – 68,7 минг гектар майдонда, ва 32,4 гектар майдонни эгаллаган “Дўрмон” миллий боғи ташкил қилинди. Экзотик жониворларни кўпайтириш учун 22 та, судралиб юрувчиларни, шунингдек сут эмизувчиларни (жайрон, бухоро тоғ қўйи, чўл тошбақаси ва бошқалар) сақлаш ва кўпайтириш учун 19 та питомник яратилди. Мамлакатимизнинг бир қатор ҳудудлари Рамсар конвенциясига асосан сувли-ботқоқли ерларнинг халқаро рўйхатига киритилган, булар: Денгизкўл ҳамда Айдар-Арнасой кўллар тизими. Мамлакатдаги 51 та муҳим орнитологик ҳудудлар инвентаризация ва рўйхатдан ўтказилди²²⁹.

²²⁷ Шулепина Н. Как сохранить биоразнообразие? <http://sreda.uz/index.php?newsid=1216>

²²⁸ Сохранение биоразнообразия страны – приоритетная задача. <http://www.uzbekistan.de>

²²⁹ Файзиев Р. Природа Узбекистана: сохранить уникальность. <http://uzbekistan.org/newsite/ru>

Биологик хилма–хиллик тўғрисидаги конвенция доирасида республикамизда Ғарбий Тянь-Шаннинг биологик хилма–хиллигини сақлаш бўйича Трансчегаравий лойиҳа амалга оширилди. Жумладан, Чотқол биосфера қўриқхонаси ва 1993 йилда ЮНЕСКО томонидан миллий боғларнинг Халқаро рўйхатига киритилган Угам-Чотқол миллий боғи инфратузилмасини яхшилашга маблағлар йўналтирилди. ТАСИС дастурининг биологик хилма хилликни сақлаш бўйича “Қишлоқ хўжалиги ва атроф-муҳитни мониторинг қилишнинг ахборот тизимлари” давлатлараро дастури бажарилди. “Кўчиб юрвчи ёввойи ҳайвонлар турларини муҳофаза қилиш тўғрисида” конвенция доирасида мамлакатимизда Жиззах вилоятидаги Тузкон кўлида, Бухоро вилоятидаги Денгизкўл ва Қорақир кўлида, Қорақалпоғистондаги Акушпада, ҳамда Самарқанд, Қашқадарё ва Навоий вилоятларининг чўл ҳудудларида орнитологик буюртмахоналар ташкил этилди. Глобал Экологик жамғарма ва БМТ ТД билан ҳамкорликда “Ўзбекистонда биологик хилма хилликни сақлашнинг модели сифатида Нурота-Қизилқум биосфера қўриқхонасини ташкил этиш” ва “Қорақалпоғистон Республикасида Амударё дельтасида тўқай ўрмонларини сақлаб қолиш ва қўриқланадиган табиий ҳудудлар тизимини мустаҳкамлаш” лойиҳалари амалга оширилди²³⁰.

Табитани муҳифаза қилиш ва биологик хилма–хилликни сақлаб олишнинг энг самарали усулларида бири сифатида ноёб ҳайвон турларини кўпайтириш бўйича питомникларни ташкил қилиш қайд этилади. Ушбу мақсадларда Ўзбекистонда “Жайрон” Республика Экомаркази ҳамда йўқолиб бораётган қуш тури – тувалоқни кўпайтириш бўйича иккита питомник ташкил қилинган ва фаолият олиб бормоқда.

Фауна объектларини муҳофаза қилиш ва сақлаш мақсадида Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида ўзаро англашув тўғрисида Меморандум ва оқ қуйруқ антилопани сақлаш, қайта тиклаш ва ундан барқарор фойдаланиш бўйича ҳаракатлар режаси имзоланган. Шу билан бирга, Африка-ЕвроОсиё кўчиб юрвчи сувли-ботқоқ қушларини муҳофаза қилиш бўйича Битим ҳам имзоланган. Республикаимизнинг сувли-ботқоқли ерлари биологик хилма хиллигини сақлаш мақсадида “Халқаро аҳамиятга эга бўлган, биринчи галда, сувда сузувчи қушлар яшайдиган сувли-ботқоқли ерлар тўғрисида”ги конвенция принципларини бажаришга қаратилган мақсадли ишлар олиб борилмоқда. Ёввойи табиатни муҳофаза қилиш Бутунжаҳон жамғармаси билан ҳамкорликда Қорақалпоғистондаги Судочье кўли биологик хилма хиллигини муҳофаза қилиш ва мониторингини олиб бориш бўйича лойиҳа амалга оширилди²³¹.

²³⁰ Сохранение биоразнообразия страны – приоритетная задача. <http://www.uzbekistan.de>

²³¹ Шулепина Н. Как сохранить биоразнообразие? <http://sreda.uz/index.php?newsid=1216>



Н.Қосимова олган сурат

БМТнинг Тараққиёт Дастури мамлакатимиздаги фаолияти давомида умумий қиймати 28 миллион АҚШ долларига тенг 12 та экологик лойиҳани қўллабқувватлади. Бугунги кунда ҳам Орол денгизи ҳалокати оқибатларини юмшатиш ҳамда Оролбўйи минтақасида қулай ижтимоий-экологик шароит яратиш масаласи долзарблигини йўқотмаган. Маълумки, Орол денгизи қуриши оқибатида бу ерда мавжуд бўлган ўсимлик ва ҳайвонот олами генофондининг ярмидан кўпи йўқотилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Мажмуа (ландшафт) буюртма кўрикхоналарини барпо этиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2016 йил 22 июлдаги қароридан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси) таклифига асосан Қорақалпоғистоннинг Мўйноқ ва Қўнғирот туманлари ҳудудида “Сайгачий” комплекс (ландшафт) буюртмахонаси ташкил этилади. Мазкур ҳужжат билан шунингдек комплекс (ландшафт) буюртмахоналари тўғрисидаги Низом ҳам тасдиқланган.

“Сайгачий” комплекс (ландшафт) буюртмахонаси базасида ташкил этилаётган давлат табиатни муҳофаза қилиш муассасасига доимий фойдаланиш учун 628,3 минг гектар ер майдони ажратилади. Ушбу ҳудуд сайғоқ ва бошқа камёб турлар яшаши учун қулай бўлган яшил ўтлоқлар, кўплаб сув ҳавзалари ва бошқалардан иборат бешта участкадан ташкил топган. Комплекс буюртмахона Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва оқилона фойдаланиш бўйича республика давлат инспекцияси (Давлатбионазорати)нинг бюджетдан ташқари фонди маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Объект Ўзбекистоннинг “Биологик хилма-хиллик тўғрисида” ва “Ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юрвчи турларини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги конвенциялар, шунингдек “Қозоғистон Республикаси Ҳукумати ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўртасида сайғоқлар (*Saiga tatarika tatarika*)ни бош сонини

муҳофаза қилиш, кўпайтириш ва улардан барқарор фойдаланиш бўйича битим”дан келиб чиқадиган ҳамкорликдаги чора-тадбирлар режаси доирасидаги мажбуриятларини бажаришининг бир қисми бўлиб хизмат қилади²³².

Мамлакат раҳбарияти 2015-2018 йилларда Орол фалокати оқибатларини юмшатиш, Оролбўйи минтақасини қайта тиклаш ва ижтимоий иқтисодий ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларда ақс этган экотизим ва биологик хилма-хилликни қайта тиклаш, флора ва фаунани сақлаш ва муҳофаза қилиш юзасидан чораларни тасдиқлади. Камёб ва йўқолиб бораётган турларни, шунингдек ноёб экотизимларни муҳофаза қилиш учун Қорақалпоғистон Республикаси ва Навоий вилоятида умумий майдони 3,7 миллион гектар бўлган янги ҚТХлар ташкил этилади. Жумладан, Қорақалпоғистоннинг Мўйноқ туманида “Жанубий Устюрт” миллий боғини ташкил этиш режалаштирилган. Навоий вилоятининг Учқудуқ ва томди туманларида “Марказий Қизилкум” Миллий боғи яратилади. У биологик хилма хиллик ва палеонтологик объектларни сақлашнинг модели бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, Амударё дельтасининг қирғоқбўйи ҳудудларида тўқайларнинг табиий қайта тикланишига, Оролбўйида сувли-ботқоқли ерлар ва яйловларни бошқаришнинг барқарор тизимини жорий этишга, шунингдек йўқолиб бораётган турларни сақлаш ва қайта тиклаш учун питомникларни яратишга кўмаклашиш ҳам назарда тутилган²³³.



Н.Шулепина олган сурат.

Бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодиёти тезкор ривожланиб бораётган давлатлар орасида бешинчи ўринни эгаллаб турибди ва табиатни муҳофаза қилишга қаратилган фаолиятни устувор йўналишлардан бири деб ҳисоблайди²³⁴. Кўп тармоқли иқтисодиёт ва фуқаролик жамияти қуришнинг асосий тамойиллари сифатида барқарор ривожланиш тамойиллари эълон қилинган бўлиб, бунда инсон, жамият ва атроф-табиий муҳитнинг уйғунликда мавжуд бўлиши тизими биринчи планга чиқади.

Назорат саволлари:

²³² Файзиёв Р. Природа Узбекистана: сохранить уникальность. <http://uzbekistan.org/newsite/ru>

²³³ Файзиёв Р. Природа Узбекистана: сохранить уникальность. <http://uzbekistan.org/newsite/ru>

²³⁴ Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўрт йиллигига бағишланган тантаналардаги нутқи. 31.08.2015. <http://uza.uz/ru/politics>

1. Барқарор ривожланишнинг ўн бешинчи мақсадининг мазмун-моҳияти ҳақида гапириб беринг?
2. “Биологик хилма– хиллик” деганда нимани тушунаси?
3. Биологик хилма хилликни муҳофаза қилиш бўйича БМТ Халқаро конвенциясининг асосий қоидалари нималардан иборат?
4. Ўзбекистон Республикасида биологик хилма–хиллик ва экотизимларни сақлаш мақсадларида қандай қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинган?
5. Орол денгизи инқироzi Ўзбекистон ва дунёнинг бошқа минтақалари экотизимига қандай таъсир кўрсатди?

3.15. Барқарор ривожланиш мақсадларида тинчликсевар ва очик жамиятларни қуришга кўмаклашиш, барча учун одил судловдан фойдаланишни таъминлаш, самарали, ҳисобдор ва барча даражадаги муассасаларнинг кенг иштирокига асосланган тизимни яратиш

Режа:

1. Барқарор ривожланиш ўн олтинчи мақсадининг мазмун-моҳияти
2. Барқарор ривожланиш мақсадларида тинчликсевар ва очик жамиятларни қуришга кўмаклашиш
3. Одил судловдан фойдаланишни таъминлаш
4. Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислохотлари.

Асосий тушунчалар: тинчликсевар ва очик жамиятлар, одил судловдан фойдаланишни таъминлаш, мустақил суд ҳокимияти, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг коррупцияга қарши конвенцияси

Мавзу бўйича тавсия этиладиган адабиётлар:

1. *Цели в области устойчивого развития.*
www.un.org/sustainabledevelopment/ru/sustainable-development-goals
2. “Судлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни <http://lex.uz>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони.
<http://lex.uz>
4. *Борьба с коррупцией: международный опыт и национальное законодательство.*
<http://www.mvd.uz/zakonadatelnaya-propaganda/item/borba-s-korruptciej>

Тинчлик, барқарорлик, инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлигига таяниб самарали бошқариш – булар барқарор ривожланишнинг муҳим омиллари. Биз қарама қаршилиқлар кучайиб бораётган замонда яшаймиз. Баъзи ҳудудларда тинчлик, барқарорлик ва фаровонлик ҳукм сураётган бўлса, бошқалари низо ва зўравонликлар гирдобиди қолган. Ушбу муаммо муқаррар нарса эмас, уни ҳал қилиш мумкин ва зарур.

Қурол воситасидаги босқинчилик, зўравонлик ҳамда беқарорлик мамлакат ривожига салбий таъсир кўрсатади, иқтисодий ўсишни тўхтатиб қўяди, кўп ҳолларда бир неча авлодлар ўртасида давом этадиган узоқ муддатли низоларни келтириб чиқаради. Низолар келиб чиқадиган, қонун ва ҳуқуқ устуворлиги таъминланмаган жойда жинсий тажовузлар, жиноятчилик, одамларни эксплуатация қилиш ва уларни қийнаб азоблаш ҳолатлари кўпаяди. Бундай ҳолатларда мамлакатлар энг кўп хатарга қоладиган тоифа одамларни химоя қилиш чораларини кўришлари керак.

Барқарор ривожланиш мақсадлари зўравонликнинг барча шакллари сезиларли даражада камайтиришга ҳамда ҳуқуматлар ва ҳамжамиятларнинг низоларни ҳал

қилишнинг узок муддатли ечимларини ва хавфсизликни таъминлаш йўлларини излаш борасидаги интилишларини бирлаштиришга қаратилган. Қонун устуворлигини мустаҳкамлаш ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш, қурол-яроғнинг ноқонуний айланишини камайтириш ва ривожланаётган давлатларнинг глобал бошқарув институтларидаги иштирокини фаоллаштириш – ушбу мақсадга эришишнинг калити шундан иборат.

Барқарор ривожланиш мақсадлари орасида ўн олтинчи мақсад барқарор ривожланиш мақсадларида тинчликсевар ва очиқ жамиятларни барпо этишга кўмаклашишни, барча учун одил судловдан фойдаланиш имкониятини яратишни ва барча даражаларда самарали, ҳисобдор муассасаларни ташқил қилишни назарда тутати:

- муассасалар орасида суд органлари ва полиция энг коррупциялашган ҳисобланади;
- коррупция, порахўрлик, ўғирлик ва солиқларни тўлашдан қочиш ривожланаётган давлатларга тахминан 1,26 триллион АҚШ долларига тушмоқда; ушбу маблағни кунига 1,25 АҚШ долларидан кам пулга кун кечириётган одамларнинг турмуш даражасини камида олти йил оширишга сарфлаш мумкин бўларди;

- 2011 йилда низолар гирдобиди қолган мамлакатларда бошланғич мактабни ташлаб кетишга мажбур бўлган болалар улуши 50 фоизга, ёки 28,5 миллион нафарга етди, бу эса беқарор жамиятларда кун тартибиди 2015 йилдан кейинги даврга мўлжалланган энг муҳим мақсадлардан бири – таълим хавф остида қолишини кўрсатади²³⁵.



Фотосурат nuz.uz сайтидан олинди

Ҳуқуқ устуворлиги ва ривожланиш сезиларли даражада ўзаро боғлиқ бўлиб, бир бирини тўлдиради, бу эса миллий ва халқаро даражаларда барқарор ривожланиш заруратини шарт қилиб кўяди.

Тинчлик, адолат ва очиқликни таъминлаш учун ҳукуматлар, фуқаролик жамияти ва жамоатлар зўравонлик миқёсини камайтиришга, одил судловни таъминлашга, коррупцияга қарши курашга йўналтирилган узок муддатли тадбирларни амалга оширишда ва доимий асосда бу жараёнларда барчанинг иштирок этишига эришишда ҳамкорликда иш олиб боришлари керак. Шахсий ва ижтимоий ҳаётда фикр эркинлигини кафолатлаш зарур. Одамлар ўз ҳаётларига таъсир кўрсатадиган қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнида иштирок этиш имкониятига эга бўлишлари лозим. Қонунлар ва сиёсат

²³⁵ <http://www.un.org/sustainabledevelopment/ru/issues/policy/peace-justice/>

бирор бир шаклдаги камситишларсиз қўлланилиши керак. Низолар амалдаги сиёсий ва судлов тизимлари асосида ҳал этилиши зарур. Миллий ва маҳаллий муассасалар ҳисобдор ва оилалар ва жамоатларга адолат билан ва пора беришга зарурат туғдирмасдан асосий хизматларни кўрсатишга тайёр бўлишлари керак.

Тинчликсевар жамиятлар мавжуд бўлишининг асосларини хавф остига қўядиган жиноятлар, жумладан, қотиллик, одам савдоси ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа турлари ҳамда камситувчи қонунлар ёки амалиёт барча давлатларга салбий таъсир кўрсатади. Хатто дунёдаги энг йирик демократик давлатлар ҳам ўз мамлакатлари ҳудудида коррупцияга, жиноятчиликка ва ҳар бир инсоннинг ҳуқуқлари бузилишига қарши курашда жиддий муаммоларга дуч келишмоқда.

Ҳаракатсизлик қандай оқибатларга олиб келади? Куролли зўравонлик ва хавфсизликнинг йўқлиги ҳар қандай давлатнинг ривожланишини издан чиқаради, бу эса ўз навбатида унинг иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатади ва аксарият ҳолларда жамоатчиликда норозиликнинг уйғонишига сабаб бўлади. Ҳар қандай шаклдаги зўравонлик жамиятга чуқур таъсир кўрсатади. Зўравонлик болаларнинг соғлиғига, уларнинг ривожланиши ва фаровонлиғига, яхши яшаш имкониятига таъсир қилади. У жароҳатларга сабаб бўлади ва ижтимоий интеграцияга ҳалақит қилади. Одил судловдан фойдаланиш имкониятининг йўқлиги низолар ҳал этилмай қолишини ҳамда одамлар химоя ва етказилган зарар қопланишидан маҳрум бўлишларини англатади. Амалдаги меъёрий-ҳуқуқий базага асосан фаолият олиб бормайдиган муассасаларда ўзбошимчалик ва ҳокимиятни суиистеъмол қилишга мойиллик кузатилади, уларнинг барчага давлат хизматларини кўрсатиш қобилияти издан чиқади. Изоляция ва камситиш нафақат инсон ҳуқуқлари бузилишини, балки ёқтирмаслик ва душманлик кайфиятларини келтириб чиқаради, шунингдек зўравонлик ортишига олиб келиши мумкин²³⁶.

Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари устун бўлган демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш мамлакатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб олинди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши одил судловни амалга ошириш орқали жамиятда тотувликни, мамлакат ҳар бир фуқароси ҳуқуқлари ҳамда қилинишини таъминловчи мустақил суд ҳокимияти шаклланиши жараёнини бошлаб берди. Тарихан қисқа муддат ичида Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳамда қилиш борасида ҳуқуқ-тартибот идоралари ва судлар фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилди.



Фотосурат gazeta.uz сайтидан олинди

²³⁶ <http://www.un.org/sustainabledevelopment/ru/issues/policy/peace-justice/>

Ўзбекистонда 2008 йил январь ойидан ўлим жазосининг бекор қилиниши ва унинг ўрнига умрбод қамоқ жазосининг киритилиши (аёллар, вояга етмаганлар ва 60 ёшдан ошган кексалар бундан мустасно) ўта муҳим қадамлардан бири бўлди. Халқаро экспертларнинг фикрича, ушбу ва бошқа чора-тадбирларнинг амалга оширилиши билан Ўзбекистонда жиноий жазоларнинг дунёдаги энг либерал тизими яратилди.

2008 йилда “Хабеас корпус” институтининг жорий этилиши янна бир муҳим қадам бўлди, дейиш мумкин. У жорий этилган вақтдан бошлаб судлар тергов органларининг эҳтиёт чораси сифатида қамоқда ушлаб туриш тўғрисидаги сўровларига юзлаб рад жавобини берди. Шу билан бирга, Олий Мажлис Сенати томонидан ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун муносабати билан амнистия эълон қилинади.

Бундан ташқари, 2015 йил 10 августда Жиноят кодексига эркинликни чеклаш шаклидаги янги жазо тури киритилди. Ушбу жазо тури жиноятдан келиб чиқиб эҳтиёт чораси сифатида қамоқда ушлаб туриш билан боғлиқ бўлмаган, жумладан уй қамоғи кўринишидаги жазони қўллаш имконини беради.

Шуни ҳам қайд этиш керакки, Ўзбекистонда яраштирув институти ҳам самарали фаолият олиб бормоқда. Унга кўра, катта ижтимоий хавфга эга бўлмаган жиноятни содир этган, жабрланганларга етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлиқ қоплаган шахслар жиноий жавобгарликка тортилмайди. Ушбу институтнинг самарадорлиги, унинг кечиримлилик ва раҳм-шафқат сингари ўзбек халқига хос бўлган минг йиллик анъаналарга мос келиши уни босқичма босқич кенгайтириб бориш учун асос бўлмоқда. Бугунги кунда 60 та жиноят таркиби бўйича ушбу институтни қўллаш имконияти мавжуд²³⁷.

Инсоннинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда суд ҳокимияти муҳим ўрин тутаяди. У давлат ҳокимиятининг тармоқларидан бири бўлиб, асосий вазифаси жамият аъзоларини фуқароларнинг зўравонликларидан, давлат, унинг органлари ва мансабдор шахсларининг ноқонуний хатти-ҳаракатларидан ҳимоя қилишдан иборатдир. 2000 йил 14 декабрда янги таҳрирдаги, мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш борасида тўпланган барча тажриба қўлланилган “Судлар тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши суд тизимини ислоҳ қилишда муҳим босқич бўлди. Ушбу ҳужжат судлар фаолиятини янада демократлаштириш ва такомиллаштириш учун шароит яратиш берди²³⁸.

Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг фаол жорий этилиши суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш йўлидаги яна бир муҳим қадам ҳисобланади. 2013 йилдан ҳўжалик судларида, 2015 йилдан эса фуқаролик ишлари бўйича судларда суд ишини юритиш учун зарур ҳужжатларни электрон шаклда расмийлаштириш имконини берадиган механизм жорий этилди. Шундай қилиб, фуқароларда ўз даъволарини судга электрон кўринишда юбориш имконияти туғилди. Буларнинг барчаси яқунда “Судлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонунининг 43-моддасида назарда тутилган судлар фаолияти сутидан назорат функциясини янада самарали амалга ошириш имкониятини яратди²³⁹.

Тарихан қисқа муддат ичида Ўзбекистонда қонунчилик ва ҳуқуқий тартибни таъминлашнинг институтциоанл ва ҳуқуқий асослари шаклланди, коррупцияга қарши курашнинг самарали тизими яратилди. Ушбу соҳада ислохотларни амалга оширишда миллий қонунчиликка умум эътироф этилган халқаро қоидаларни киритишга алоҳида эътибор қаратилаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, 2008 йилда “Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг коррупцияга қарши

²³⁷ Развитие правовых основ борьбы с коррупцией. <http://m.minjust.uz/ru/press/ourpublications/2014/09/6260/>

²³⁸ <https://www.gazeta.uz/ru/2015/07/06/corruption>

²³⁹ Борьба с коррупцией: международный опыт и национальное законодательство. <http://www.mvd.uz/zakonadatel'naya-propaganda/item/borba-s-korrupciej>

Конвенциясига (2003 йил 31 октябрь, Нью Йорк) қўшилиши тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилинганини айтиб ўтиш мумкин.

Мазкур Конвенциядан мақсад коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши самарали курашишга қаратилган чора-тадбирларни қабул қилиниши ва мустаҳкамланишига кўмаклашишдан, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича халқаро ҳамкорлик ва техник ёрдамни рағбатлантириш, енгиллаштириш ва қўллаб-қувватлашдан, жумладан активларни қайтариш чораларини кўришдан, ҳалоллик ва виждонлилиқни, масъулиятлилиқни рағбатлантиришдан, жамоат ишлари ва жамоат мулкани зарур даражада бошқаришдан иборат.

2010 йилда Ўзбекистон Иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик ташкилоти (ИРХТ) коррупцияга қарши кураш Тармоғининг Истамбул ҳаракатлар режасига қўшилди. Коррупцияга қарши кураш бўйича Истамбул ҳаракатлар режаси 2003 йилда қабул қилинган бўлиб, ИРХТ коррупцияга қарши кураш Тармоғининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари учун мўлжалланган худудий ташаббусидир. Унинг мақсади коррупцияга қарши қонунчилиқни ва унга қарши кураш чора-тадбирларини такомиллаштиришдан иборатдир.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Basel Anti-Money Laundering Index тузган 2015 йилги рейтингда Марказий Осиё давлатлари орасида энг юқори ўринларни эгаллади ва 5,11 балл билан баҳоланиб, Уругвай (5,13) ва Испания (5,02) оралиғидан, яъни 107-ўриндан жой олди. У мамлакатларнинг пулни “ювиш” ва терроризм хавфи бўйича рейтинг бўлиб, шунингдек унда коррупция хавфи ҳам баҳоланади²⁴⁰. Пулни “ювиш”, коррупциянинг ривожланганлиги, терроризмни молиялаштириш даражаси қанчалиқ паст бўлса, мамлакатга бериладиган баҳо ҳам гунчалиқ паст бўлади ва мос равишда рўйхатнинг қуйи қисмидан ўрин олади. Яъни бу рўйхатда биринчилар қаторида эмас, балки охиригилардан бўлиш яхшироқ ҳисобланади.

Хорижнинг илғор тажрибаларини эътиборга олган ҳолда коррупцияга қарши курашнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш мақсадида 2017 йил 3 январда “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди²⁴¹. Қонунда коррупцияга қарши кураш бўйича давлат сиёсатининг асосий тамойил ва йўналишлари, мазкур йўналишдаги фаолиятда ваколатли органлар тизими, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқароларнинг иштироқи, шунингдек халқаро ҳамкорлик каби масалалар мустаҳкамлаб қўйилган. Коррупцияга қарши кураш субъектларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш мақсадида коррупцияга қарши кураш бўйича Республика идоралараро комиссияси тузилиб, унинг таркибига тадбиркорлар, жамоат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари ҳам киритилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган сууд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. Жумладан, The World Justice Project халқаро мустақил ташкилоти томонидан ўтказилган тадқиқотлардан бирининг натижасига кўра, 2014 йилда Ўзбекистон ҳуқуқ устуворлиги индексида “Тартиб ва хавфсизлик” омили бўйича учинчи ўринни эгаллади²⁴².

Назорат саволлари:

1. Барқарор ривожланишнинг ўн олтинчи мақсадининг мазмун-моҳияти ҳақида сўзлаб беринг.

²⁴⁰ Борьба с коррупцией: международный опыт и национальное законодательство. <http://www.mvd.uz/zakonadatel'naya-propaganda/item/borba-s-korrupciej>

²⁴¹ http://www.lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=3088013

²⁴² Борьба с коррупцией: международный опыт и национальное законодательство. <http://www.mvd.uz/zakonadatel'naya-propaganda/item/borba-s-korrupciej>

2. Барқарор ривожланиш мақсадларида тинчликсевар ва очик жамиятларни куришга кўмаклашиш нималарда намоён бўлади?
3. Ҳалқаро миқёсда одил судловдан фойдаланиш қандай амалга оширилмоқда?
4. Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларидан мақсад нима?

3.16. Барқарор ривожланишга эришиш воситаларини мустаҳкамлаш ва барқарор ривожланиш мақсадларида глобал ҳамкорлик механизмлари ишини фаоллаштириш

Режа:

1. Барқарор ривожланишнинг ўн еттинчи мақсадининг мазмун-моҳияти.
2. Барқарор ривожланиш мақсадларидаги глобал ҳамкорлик.
3. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси: мамлакатда барқарор ривожланишни таъминловчи ҳужжат.

Асосий тушунчалар: глобал ҳамкорлик, барқарор ривожланиш, Ҳаракатлар Стратегияси, гендер тенглиги, “БМТ-аёллар”.

Мавзу бўйича тавсия этиладиган адабиётлар:

1. *Цели в области устойчивого развития.*
www.un.org/sustainabledevelopment/ru/sustainable-development-goals
2. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони.* <http://lex.uz>
3. *“ООН-женщины”.* eca.unwomen.org

2015 йилда дунё мамлакатлари раҳбарлари 2030 йилгача бўлган муддатга мўлжалланган, қашшоқликка барҳам беришга, тенгсизликни йўқотишга ва иқлим ўзгаришига қарши курашга йўналтирилган барқарор ривожланиш соҳасидаги Кун тартибини тасдиқлашди. Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун барчамиз – ҳукуматлар, фуқаролик жамияти, тадқиқотчилар, илмий доира вакиллари ва хусусий сектор – биргаликда, ҳамжиҳатликда ҳаракат қилишимиз керак. Барқарор ривожланиш бўйича Кун тартиби ва унинг 17 та мақсади умумий бўлиб, ҳам ривожланган, ҳам ривожланаётган, хуллас барча мамлакатларни биргаликда ҳаракат қилишга чақиради. БМТ Бош Котиби Пан Ги Мун бу ҳақда шундай дейди: “2030 йилгача бўлган муддатга мўлжалланган барқарор ривожланиш соҳасидаги Кун тартибини муваффақиятли амалга ошириш учун биз сусткашликсиз мажбуриятларни зиммамизга олишдан амалий ишларга ўтишимиз зарур. Бунинг учун бизга барча даражалардаги мустаҳкам, кенг қамровли ва ҳар томонлама ҳамкорлик керак”.

Далил ва рақамлар

- 2014 йилда ривожланиш мақсадларидаги расмий ёрдам бутун тарихдаги энг юқори даражага чиқиб, 135,2 миллиард АҚШ долларини ташиқил қилди.
- Ривожланаётган давлатлардан импорт қилинаётган маҳсулотларнинг 79 фоизи ривожланган мамлакатларга бож тўловларисиз олиб кирилмоқда.
- Ривожланаётган давлатларнинг қарз юки экспорт тушумларининг 3 фоизи миқдорини ташиқил этиб, ўзгармасдан қолмоқда.
- Сўнги тўрт йил ичида Африкада интернетдан фойдаланувчилар сони салкам икки марта кўпайди.
- Дунё ёшларининг 30 фоизи “компьютер авлоди” вакиллари ҳисобланишади ва камида беш йилдан бери интернетдан фаол фойдаланиб келишади.
- Шу билан бирга, 4 миллиарддан ортиқ одам интернетдан фойдаланмайди, уларнинг 90 фоизи ривожланаётган мамлакатларда истиқомат қилади²⁴³.

Барқарор ривожланиш мақсадлари самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш ва ушбу мақсадларга эришиш жараёнини тезлаштириш мақсадида улар ўртасидаги ўзаро алоқаларни оптималлаштириш учун кўп томонлама ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади. Биз қандай қилиб зарур ресурсларнинг самарали сафарбарлигини ва улар устидан назоратни амалга оширишимиз мумкин?

! Мақсадли кўрсаткичлар

- Ривожланаётган давлатларда солиқлар ва бошқа тушумларни кўпайтириши учун ички манбаларнинг сафарбарлигини ҳамда халқаро қўллаб-қувватлашни кучайтириши.
- Ривожланган давлатлар ривожланиш мақсадларига расмий ёрдам кўрсатиши бўйича ўз мажбуриятларини, жумладан кўплаб ривожланган давлатларнинг ялпи миллий даромади (ЯМД)нинг 0,7 фоизини ривожланаётган давлатларга ривожланиш мақсадларига расмий ёрдам (РМРЁ) учун, ЯМДнинг 0,15-0,20 фоизини кам ривожланган давлатларга РМРЁ учун ажратиши бўйича мажбуриятларини тўлиқ бажаришларини таъминлаш; РМРЁ ажратаётганларга ўз олдларига ўзларининг ЯМДдан 0,20 фоизини кам ривожланган мамлакатларга РМРЁ учун ажратиши мақсадини қўйиши масаласини кўриб чиқиши таклиф этилмоқда.

Бунинг учун масъулият давлатларнинг зиммасида бўлади. Ҳар бир мамлакатда фуқаролик жамияти, ишбилармон доиралар ва турли манфаатдор гуруҳлар вакиллари иштирокида доимий равишда ўсиш жараёнлари таҳлил қилиб борилиши лозим. Ҳудудий даражада давлатлар тажриба алмашишади, умумий масалаларни ҳал қилишади, Бирлашган Миллатлар Ташкилотида ҳар йили ўтказиладиган барқарор ривожланиш бўйича юқори даражадаги сиёсий форум (ЮДСФ)да эса улар глобал даражадаги ўсиш жараёнларини баҳолаб, камчиликлар ва янги масалаларни аниқлаб олишади ҳамда ўзгартирувчи чораларни тавсия этишади²⁴⁴.

БРМни амалга ошириш учун маблағ бўлмаса, у ўз аҳамиятини йўқотади. Бу ўринда гап молиявий манбалар, технологиялар, имкониятлар, ҳамкорлик ва маълумотларнинг мавжудлиги ва даражаси ҳақида бормоқда. Шунигдек, муваффақият бевосита глобал иқтисодийнинг барқарорлиги билан ҳам боғлиқ бўлади.

²⁴³ <http://www.un.org/sustainabledevelopment/ru/issues/policy/%D1%80artnerships/>

²⁴⁴ <https://sustainabledevelopment.un.org/partnerships>.

2017 йил 7 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисидаги фармони эълон қилинди. Ҳужжатда давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, иқтисодийни ривожлантириш ва либераллаштириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш каби вазифадар белгилаб берилган.



Фотосурат gazeta.uz сайтидан олинди

Ҳаракатлар стратегияси ва унинг устувор йўналишлари Ўзбекистон ривожининг бугунги босқичи учун муҳим аҳамиятга эга ва умуман олганда, 2015 йил сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеяси йиғилишида иштирокчи давлатлар томонидан қабул қилинган барқарор ривожланиш Мақсадларида ўз аксини топган қараш ва интилишларга тўла мос келади.

Ўз ичига давлат қурилиши ва суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, иқтисодийни либераллаштириш ва ижтимоий соҳани ривожлантириш, мамлакатда миллатлараро тотувлик ва дўстликни мустаҳкамлаш каби долзарб вазифаларни ўз ичига олган ҳаракатлар Стратегияси амалда мамлакатимиз ва жамиятимизни аниқ мақсадли барқарор ривожлантиришни кучайтиришга қаратилган яқин беш йилликда мамлакатни ислоҳ қилишнинг “йўл харитаси” бўлиб қолди. Давлат ва жамият ривожининг стратегик истиқболларига янги қарашни акс эттирган ҳолда, Стратегия, шунингдек, барқарор ривожланиш Мақсадлари билан ҳам узвий боғлиқ ҳамда миллий даражада уларга эришишга бевосита ҳисса қўшади. Ҳаракатлар Стратегиясида назарда тутилган дастурий чора-тадбирлар Ўзбекистонда БМТ томонидан қабул қилинган Барқарор ривожланишнинг 17 та мақсадларига эришишга ҳар томонлама хизмат қилади.

Ҳаракатлар Стратегиясида давлат бошқарувини ислоҳ қилиш соҳасида кўзда тутилган муҳим вазифаларда бири мамлакатда демократик ислохотларни ва модернизация жараёнларини чуқурлаштиришда Олий Мажлиснинг ролини оширишдан иборатдир. Барқарор ривожланиш Мақсадлари Кун тартибини илгари суриш ва амалга оширишда қонун ижодкорлиги, давлат бюджетини шакллантириш ва

парламент назоратини олиб бориш нуктаи назаридан Парламентнинг роли жуда муҳим. Бу ўринда барқарор ривожланиш бўйича миллий Мақсадларнинг ривожланишнинг тармоқ ва ҳудудий дастурлари, ҳаракатлар режалари ва бюджетлар билан интеграциясида, шунингдек ижро ҳоқимиятининг барча даражаларида фуқаролик жамияти вакиллари иштирокида ўлчанадиган, халқаро солиштириладиган ва натижага мўлжалланган эришилган марралар кўрсаткичларидан фойдаланган ҳолда Ҳаракатлар Стратегияси доирасида мониторинг тизимини кучайтиришда муҳим ўрин тутиши намоён бўлади²⁴⁵.

Назорат саволлари:

1. Барқарор ривожланишнинг ўн еттинчи мақсади ҳақида сўзлаб беринг.
2. Барқарор ривожланиш йўлидаги глобал ҳамкорлик нималарда намоён бўлади?
3. Ҳаракатлар Стратегиясининг қайси асосий йўналишлари Ўзбекистонда барқарор ривожланишни таъминлайди?

4-БОБ. ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ СОҲАСИДА ХАМКОР СИФАТИДА

4.1. Барқарор ривожланиш масалаларининг экологик мавзуси Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларида ёритилиши

Режа:

1. Ўзбекистон ОАВда “Барқарор ривожланиш” мавзуси
2. Барқарор ривожланиш мавзусини ёритиш масалалари ва ўзига хосликлари

Асосий тушунчалар: барқарор ривожланиш, ОАВ, тил, савол, ахборот ва таҳлилий материаллар.

Мавзу юзасидан тавсия этиладиган адабиётлар:

1. “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида” ЎзР қонуни <http://lex.uz>.
2. Элеанор Бёрд Ричард Лутц Кристин Уорвик. *Средства массовой информации как партнеры в сфере образования в интересах устойчивого развития. Учебно-ресурсный комплект. Серия ЮНЕСКО по образованию.* <http://www.ifap.ru/library/book282.pdf>

Ўзбекистонда экологик муаммоларнинг ортиб бориши оммавий ахборот воситалари тизимида янги йўналиш – экологик журналистиканинг юзага келишига туртки бўлди. Бир неча ўн йиллардан бери республика газета ва журналлари саҳифаларида, телевидение ва радио орқали Ўзбекистон ҳамда бутун Марказий Осиё ҳудудидаги экологик беқарор вазият (ер, сув манбалари муаммолари, энергетик инқироз, биохилма-хилликни сақлаб қолиш, ҳавонинг ифлосланиши) ҳақида “бонг” урилмоқда. Экологик муаммоларга кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларининг эътибори ортишида айрим аниқ воқеа-ҳодисалар, жумладан, биринчи галда, Орол денгизи муаммоси муҳим ўрин тутди. Мазкур ҳодисалар экологик оқибатларнинг қамрови жиҳатидангина эмас, балки бу мавзуда оммавий ахборот воситалари орқали жамиятнинг барча қатламлари, турли ижтимоий гуруҳлар вакиллари баралла гапира бошлагани билан ҳам аҳамиятлидир.

²⁴⁵ Актуальные аспекты Стратегии действий и ее значение в достижении целей устойчивого развития до 2030 года в Узбекистане. <http://kun.uz/ru/news/2017/04/27/aktualnye>

Шу билан бирга, матбуотнинг экология муаммоларига муносабатини ҳар доим ҳам бир хилда деб бўлмайди. Унда миллий устуворликлар тизимида экологиянинг тутган ўриндан, сиёсий ва иқтисодий омиллардан келиб чиқиб, ўсишлар ҳам, пасайишлар ҳам кузатилади. Буни, айниқса, 1990-йиллар бошлари мисолида кўришимиз мумкин. Бу даврда экология мавзуси матбуот саҳифаларидан деярли тушиб қолган эди. Журналистларнинг бутун диққат-эътибори мамлакатда кечаётган сиёсий жараёнларга қаратилганди. Ундан олдинроқ эса собиқ тузум даври талаблари ва тақиқлари экология муаммоларини матбуот орқали кенг муҳокама қилишга имкон бермасди.

Экологик муаммоларни муҳокама этиш жараёнида республика матбуотида маълум бир анъаналар ҳам шаклланганлигини айтиб ўтиш керак. Жумладан, кўп йиллар мобайнида матбуот материаллари орқали бир қатор экологик тимсоллар юзага келдикир, улар ижтимоий фикрнинг шаклланиши ва ривожда муҳим роль ўйнамоқда. Улардан бири – Орол денгизи. Орол денгизи деган номнинг тилга олинishiёқ ўқувчи (радио тингловчи, телетомошабин) эътиборини экологик муаммоларга тортади.



Фотосурат gazeta.uz сайтидан олинди

Ўзбекистон вақтли матбуот нашрларида чоп этилган экологик мавзудаги материалларни кузатадиган бўлсак, ахборот ва таҳлилий жанрлари етакчилик қилишини кўришимиз мумкин. Жанрлар орасида интервьюлар, хабарлар, таҳлилий мақолалар алоҳида ўрин тутаяди.

Кўп ҳолларда турли жанр турланишларини қўллаган ҳолда ахборот жанрларидан фойдаланилади. Бадиий-публицистик жанрлардан журналистлар “жанрлар қироли” деб атайдиган очерк жуда кам учрайди.

Ўзбекистоннинг вақтли матбуотида экологик муаммоларнинг акс этиши таҳлили ушбу масалага жамоатчилик ва журналистларнинг эътибори ортганини кўрсатади. Шу билан бирга, экология мавзусига бағишланган материалларнинг эълон қилинишида барқарорлик йўқлигини ҳам қайд этиш лозим. Экологик мавзуда вақтли матбуотда эълон қилинаётган материаллар тили ва услубини яхшилаш, бир қолипдаги ва стереотипга айланиб қолган фикрлардан қочиш, ортикча ҳаяжондан, нотўғри фикрлардан қутилиш, статистика ва рақамлардан тўғри фойдаланиш зарурати муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Юқорида қайд этиб ўтилган муаммолар барқарор ривожланиш мавзусини ёритишга ҳам тааллуқлидир. Хўш, муаммо нимада? Ушбу мавзунини фақат мазкур соҳада махсус

билимларга эга бўлган журналистлар, эколог-журналистлар ёритишлари керакми, ёки ОАВнинг исталган журналисти бу мавзуни қаламга олишга ҳақлими? Албатта, журналист барқарор ривожланиш асосий мақсадларининг моҳиятини тушуниши зарур, аммо бунинг учун махсус билим талаб этилмайди. Дунёда бўлаётган воқеа-ҳодислар ҳақида ўз аудиториясига сўзлаб бериш учун табиат муҳофазаси соҳасида махсус дипломга эга бўлиш шарт эмас. Аммо яхши журналист ўзи қаламга олаётган мавзудан хабардор бўлиши, унинг материални таҳлил қила олиши мақсадга мувофиқдир. Масалан, иқлим ўзгариши мавзусида ёзадиган аксарият журналистлар ушбу фан соҳасида чуқур билимларни ўзлаштиришлари керак, чунки ўқувчиларнинг хоҳиши шу – улар мавзуга оид мураккаб саволларга аниқлик киритилишини, олимларнинг бир бирини инкор этувчи мулоҳазаларига барҳам берилишини исташади. Шу билан бирга, илмий манбаларнинг кўплиги ҳам журналистлар учун муаммо туғдириши мумкин: биз аудитория экспертлар нима ҳақда гапиришаётганини тушуниб оладиган ҳажмдаги ахборотдан фойдаланишимиз керак. Чунки ҳажмнинг ўта катталиги ва ортиқча тафсилотлар ўқувчини зериктириши мумкин.

Агар илмий далилларни оддий ва содда тилда баён этсангиз, ўқувчилар сиздан миннатдор бўлишади. Баъзида техник предметнинг моҳиятини илмий тушунча ва махсус атамаларни қўлламадан тушунтириб бўлмайди. Бу ҳолда аудитория сиздан ана шу илмий тушунча ва атамаларни оддий тилга таржима қилиб беришингизни кутишга ҳақли. Агар илмий масалани ҳар томонлама ва аниқ баён эта олсангиз, ўқувчингизда мустақил хулосалар чиқариш имконияти юзага келади. Ушбу мавзуни ёритишда сизга керак бўладигани – барча журналистларга зарур бўлган классик касбий кўникмалар, яъни: чиройли тарзда баён этиш, холислик ва объективлик, шунингдек қизиқувчанлик, қатъият ва инсонийлик²⁴⁶.

Барқарор ривожланиш ҳамда барқарор ривожланиш бўйича таълим мақсадларини ёритишда журналист биринчи галда ахборотнинг тўлиқлигини баҳолаб олиши ҳамда ҳикоясини турли жиҳатларни тўлиқ қамраб олган ҳолда баён этиши керак. У, шунингдек, мақоласини аудитория учун қизиқарли ва долзарб тарзда қаламга олиши, тўплаган далиллари ва ахборот манбалари ишончли эканига амин бўлиши зарур. Аммо, афсуски, Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари Барқарор ривожланиш мақсадларини ёритишда бўлиб ўтган давра суҳбатлари, йиғилишлар ва конференциялар тафсилотлари баён этиладиган ахборот жанрлари билан чекланиб қолишмоқда.

Барқарор ривожланишнинг ҳар бир мақсадининг асосий мақсад ва вазифаларини батафсил тушунтириб берувчи таҳлилий материаллар мавжуд эмас. Ушбу мавзуни ёритишда журналист ахборот манбалари билан алоҳида ишлаши керак. Ҳар бир далил ва ахборотни текшириш, қайси манба ишончли эканини аниқлаб олиш зарар қилмайди. Танланган манбалар нималар ҳақида хабар беришаётганини диққат билан кузатиб бориш зарур, чунки барқарор ривожланишнинг 17 та мақсадига оид воқеа-ҳодиса ва далиллар муттасил равишда ўзгариб туради. Бирор бир муҳим воқеа ёки янгиликдан беҳабар қолмаслик учун доимий равишда сизга қўшимча маълумот ёки бошқача қарашни таклиф этиши мумкин бўлган манбаларни кўздан қочирмаслик керак.

Назорат саволлари:

1. Нима учун ОАВ барқарор ривожланиш мавзусига етарлича эътибор қаратмайди?
2. Нима учун журналистлар барқарор ривожланиш мавзусида таҳлилий материалларни кам ёзишади?

²⁴⁶ Элеанор Бёрд Ричард Лутц Кристин Уорвик. Средства массовой информации как партнеры в сфере образования в интересах устойчивого развития. Учебно-ресурсный комплект. Серия ЮНЕСКО по образованию. <http://www.ifap.ru/library/book282.pdf>

3. Ўзбекистон ОАВда барқарор ривжланиш мавзусини кучайтириш учун нима қилиш керак?

4.2. Экологик назорат оммавий ахборот воситалари кўзгусида

Режа:

1. “Экологик назорат тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни
2. Атроф-муҳит муҳофазаси масаласида жамоат ва парламент назорати.
3. Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича 2013-2017 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар Дастури
4. Оммавий ахборот воситаларида экологик назорат мавзусининг акс этиши

Асосий тушунчалар: экология, журналистика, “Экологик назорат тўғрисида”ги ЎЗР қонуни, жамоатчилик экологическая экспертизаси, рационал фойдаланиш.

Мавзу юзасидан тавсия этиладиган адабиётлар:

1. “Экологик назорат тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни www.lex.uz.
2. “Экологик экспертиза тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни www.lex.uz.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда атроф-муҳит муҳофазаси, фуқароларда экологик маданиятни шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. 20 дан ортиқ қонунлар ва 170 дан зиёд қонун ости ҳужжатларидан иборат ҳуқуқий база бу соҳадаги муносабатларни самарали тартибга солишга хизмат қилиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбур эканликлари белгилаб қўйилган. Қонун ҳужжатларида эса давлат ва жамоат ташкилотларининг табиатни муҳофаза қилиш борасидаги фаолияти принциплари ўз аксини топган. Сўнгги йилларда қабул қилинган “Экологик назорат тўғрисида”ги, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги, “Парламент назорати тўғрисида”ги каби қонунлар бу борадаги ҳуқуқий базани янада мустаҳкамлашга хизмат қилгани шубҳасиз.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида ишлаб чиқилган ва 2013 йил 27 декабрда қабул қилинган «Экологик назорат тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни тегишли нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда кенг жамоатчилик иштирокида экологик назоратни амалга оширишнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади²⁴⁷.

Экологик назорат деганда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан самарали фойдаланишга қаратилган қонунчилик талаблари бузилиши ҳолатларини аниқлаш, бартараф этиш, уларнинг олдини олишга ҳамда табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган давлат ва жамоат тадбирлари тизими тушунилади.

²⁴⁷ www.lex.uz



Фотосурат uznature.uz сайтидан олинди

Экологик назоратнинг асосий вазифалари сирасига юқорида санаб ўтилганлардан ташқари, атроф-муҳитнинг ҳолатини кузатиб бориш, табиий ресурсларнинг ифлосланишига ёки улардан самарасиз фойдаланилишига олиб келиши ёхуд фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф солиши мумкин бўлган ҳолатларни аниқлаш ҳам киради. Режалаштирилаётган ёки олиб борилаётган хўжалик фаолиятининг экологик талабларга жавоб беришини аниқлаш, мазкур соҳада юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига риоя этилишини, ҳамда улар томонидан ўз мажбуриятлари сўзсиз бажарилишини таъминлаш ҳам ана шу вазифалар доирасидан жой олган. Бундан ташқари, экологик назорат давлат ва бошқа ташкилотларни, фуқароларни атроф табиий муҳитдаги ўзгаришлардан, унинг ҳолати тўғрисидаги прогнозлардан, табиий ресурслардан фойдаланилиши ҳолати ва амалга оширилаётган тегишли чоратadbирлардан хабардор қилиш, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг давлат ва бошқа экологик дастурларни амалга оширишдаги иштирокини таъминлашга ҳам йўналтирилгандир.



Фотосурат uznature.uz сайтидан олинди

Экологик назорат қонунийлик, объективлик, мустақиллик, ошқоралик, шахс, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш каби принципларга асосланади. Қонунга кўра, ер, ер ости ва усти бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, атмосфера ҳавоси, атроф табиий муҳитга таъсир кўрсатувчи табиий ва техноген манбалар, шунингдек тегишли ҳаракат ёки ҳаракатсизлик оқибатида атроф табиий муҳит ифлосланишига ёки табиий манбалардан самарасиз фойдаланилишига, ҳамда инсонларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғилишига олиб келиши мумкин бўлган

фаолият экологик назорат объектлари ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, махсус ваколатли давлат органлари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, хўжалик юритиш субъектлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ННТ ва фуқаролар экологик назорат субъектларини ташкил этади. Бундан келиб чиқадики, экологик назорат давлатга, ишлаб чиқаришга, жамоатчиликка оид ёки идоравий бўлиши мумкин экан.

Қонунда экологик назорат борасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, экологик назорат субъектларининг ваколатлари, хўжалик юритиш субъектлари, ННТ ва фуқароларнинг экологик назорат соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари, экологик назоратнинг тартиб, шакл ва усуллари, шунингдек унинг натижаларини ҳаётга тадбиқ этиш шакллари белгилаб қўйилган. Қонун билан экологик назоратнинг жамоатчи инспекторлари тизими жорий этилган бўлиб, улар жамоатчилик асосида экологик назоратни амалга ошириш мақсадида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва ННТлар томонидан шакллантирилади. Қонунга кўра, “Белгиланган тартибда махсус тайёргарликдан ўтган ва экологик назоратда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси экологик назоратнинг жамоатчи инспектори бўлиши мумкин”.

Қонун экологик назоратни амалга ошираётган мансабдор ва ваколатли шахсларга ҳамда жамоатчи инспекторларга экологик назоратни амалга ошириш жараёнида тўсқинлик қилишни ёки бошқа бирор бир шаклда уларга босим ўтказишни, уларнинг фаолиятига аралаштишни тақиқлайди. 2015 йил 8 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан “Экологик назорат соҳасида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” қарор қабул қилинди. Ушбу намунавий низомда хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқаришдаги экологик назорат соҳасидаги асосий мажбурият ва вазифалари белгилаб берилган.



Фотосурат uznature.uz сайтидан олинди

Бундан ташқари, мамлакатимизда узоқ муддатли дастурлар ҳам амалга оширилаётган бўлиб, Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича 2013-2017 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар дастури, 2015-2018 йилларда Орол фалокати оқибатларини юмшатиш, Оролбўйи минтақасини қайта тиклаш ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури шулар жумласидандир. Қонунчиликнинг, муҳим давлат дастурларининг ижроси устидан тизимли рвишда жамоат ва парламент назорати олиб борилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Экологик ҳаракати Ўзбекистоннинг ҳозирги ва келажак авлодининг қулай атроф табиий муҳтида яшаш, аҳолининг соғлиғини мустаҳкамлаш, табиат ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан

оқилонга фойдаланиш бўйича жамиятнинг интилишларини мувофиқлаштиришда ва сафарбар этмоқда.

Афсуски, қайд этиб ўтилган ушбу жараёнлар ОАВда етарлича ўз аксини топмаяпти. Аудиторияга экологик назоратнинг, экологик аудитнинг, ишлаб чиқаришдаги экологик назоратнинг, экологик хизматнинг мақсад ва вазифаларини атрафлича тушунириб берувчи таҳлилий материаллар деярли учрамайди. Фақат янгиликлар сайтларида ва Ўзбекистон Республикаси Экология ва атраф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг сайтидаги қабул қилинган ҳужжатларга муносабат ва акс-садоларни айтиб ўтишимиз мумкин, холос. Ваҳоланки, қонунда кенг жамоатчиликни атраф табиий муҳит муҳофазасига жалб этиш, ёш авлод ўртасида унинг мақсад ва вазифаларини тарғиб қилиш назарда тутилган. Ана шу мақсадларни амалга ошириш учун ўқув юртлири, таълим муассасалари дастурларига ўз ичига экологик назорат принципларини олган ҳамда экологик назоратни амалга оширишда фуқароларнинг фаолигини ошириш имкониятини берадиган барқарор ривожланиш бўйича курсларни киритиш мақсадга мувофиқдир.

Назорат саволлари:

1. “Экологик назорат тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни қачон қабул қилинган?
2. Мазкур қонуннинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
3. Атраф-муҳит муҳофазаси йўналишидаги Қонунлар ижросини ким назорат қилади?
4. ОАВда экологик назорат мавзусини қандай ёритиш керак?

4.3. ОАВда экология мавзусини ёритиш муаммолари

Режа:

1. Ўзбекистонда экологик журналистика
2. Экожурналист фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари
3. Экологик маълумотлар манбалари
4. Экология мавзусида журналистик материал тайёрлаш

Асосий тушунчалар: экологик журналистика, мақола, хабар, экология, маълумот

Мавзу юзасидан тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Коханова Л. А. *Экологическая журналистика, PR и реклама: учеб. пособие для студентов вузов / Под ред. Я. Н. Засурского. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007.*
2. Егоров А. Ф. *Проблема экологической катастрофы в прессе (К созданию новой экологической журналистики) // Вестник МГУ. Сер. 10. Журналистика. 1992. № 3.*

Ҳозирги вақтда экология муаммолари глобал характер касб этиб, албатта, оммавий ахборот воситалари ҳам бу жараёндан четда қола олмайди. Жамоатчилик фикрини шакллантирар экан, айнан журналистлар кишиларнинг атраф табиий муҳитга бўлган муносабатига таъсир кўрсатишлари мумкин. “Журналистика иқтисодий, ижтимоий ва экологик жиҳатлар ўртасидаги ўзаро алоқани тушунишнинг муҳимлигини очиб берган ҳолда атраф табиий муҳит муаммоларини ҳар томонлама ёритиши, барқарор ривожланишга эришиш учун зарур бўлган кадрлар, ёндошувлар ва ҳаракатларга

ўргатиши керак”²⁴⁸. Журналистларнинг атроф табиий муҳитнинг ҳолатидан ташқишда эканликларини намоиш этиш билан бирга, табиатни муҳофаза қилиш борасидаги ижобий тажрибаларни, экологик муаммоларни ҳал этишдаги амалий вариант ва ечимларнинг топилаётганини ҳам кўрсатиб бериш зарур. Қайд этиш керакки, табиатнинг ҳолати мавзуси ҳар доим ОАВ диққат марказида бўлиб келган. Аммо миллий экожурналистика алоҳида йўналиш сифатида шаклланганига кўп бўлгани йўқ. Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритганидан кейин оммавий ахборот воситалари олдида “воқеа ва ҳодисаларни таҳлил қилиш, долзарб ижтимоий муаммоларни кўтариб чиқиш ва уларнинг ечимларини таклиф этиш борасида кенг имкониятлар” очилди²⁴⁹.

Бугунги кунда экологик журналистика кучайиб бормоқда, чунки мамлакат олдида турган экологик муаммоларнинг моҳияти ва аҳамияти кенг жамоатчилик ва давлатнинг эътиборини талаб этмоқда. Бу борада ОАВ кенг жамоатчилик ва экологик муаммолардан жамоатчиликни хабардор қилиш ҳамда табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва атроф табиий муҳитни асраш жараёнларида иштирок этаётган турли ташкилотлар ўртасида боғловчи занжир вазифасини бажаради. Ушбу соҳа Ўзбекистонда 1990-йиллар бошида алоҳида йўналиш сифатида юзага келган. Ўша пайтдан бери ўтган вақт ичида экожурналистлар сони сезиларли даражада ортди. Бугунги кунда уларнинг ишлари Ўзбекистоннинг босма матбуотида, телевидение ва радиосида, электрон оммавий ахборот воситаларида бот-бот дунё юзини кўрмоқда.

ОАВнинг экология муаммоларига қизиқиши ортиши натижасида 1995 йилда Ўзбекистон экологик бюллетенининг илк сони чоп этилди. Ушбу нашр атроф табиий муҳит муҳофазаси ҳамда кенг жамоатчилик билан боғлиқ масалалар билан шуғулланувчи инсонларни ўз атрофига бирлаштирди. Орадан бир йил ўтиб, журнал экологик янгиликларга бўлган ўсиб бораётган эҳтиёжни тўлароқ қондириш ҳамда жамоатчиликнинг мавжуд ва юзага келаётган экологик муаммолар борасидаги хабардорлигини ошириш мақсадида экологик нашрлар билан шуғулланувчи “Chinor ENK” компаниясига асос солди. Шу вақтдан эътиборан мазкур нашр тез суръатларда ривожлана бошлади. Ўтган ўн етти йил ичида журнал бир қатор ўзгаришларни бошдан кечирди. Саҳифалар, мақола ва хабарлар сони, сифати билан бир вақтда ўқувчилар аудиторияси сони ҳам ошиб борди. Ўқувчиларни Ўзбекистонда экология соҳасида юз бераётган сўнгги янгилик ва воқеалардан ўқувчиларни тезкор хабардор қилиб бориш мақсадида “Chinor ENK” веб-портали (www.ekonews.uz)ни ишга туширди. Ушбу сайтдан ўқувчилар турли мавзуларга оид, жумладан, қайта тикланувчи энергия манбалари(www.energy.ekonews.uz), чиқиндиларни қайта ишлаш (www.waste.uz) ҳамда экологик таълим (www.ekomaktab.uz) ҳақидаги хабар ва янгиликларни топишлари мумкин.

²⁴⁸ Коханова Л. А. *Экологическая журналистика, PR и реклама: учеб. пособие для студентов вузов / Под ред. Я. Н. Засурского. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007.-С.121*

²⁴⁹ Ўша ерда. 232-б.



Н. Қосимова олган сурат

Бугунги кунда “Chinor ENK” ўз атрофига экологик журналистиканинг экологик ҳаракат ва гуруҳларини, атроф табиий муҳит муҳофазаси масалалари билан шуғулланувчи ОАВ ва халқаро ташкилотларни бирлаштирган. Ташкил этилган вақтидан бошлаб компания фаолият кўламини кенгайтириб бормоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ), қуғоқчилик ҳудудларида қишлоқ хўжалик тадқиқотларини олиб бориш бўйича халқаро марказ (ИКАРДА) каби маҳаллий ва халқаро ҳамкорлари билан биргаликда медиа-тренинглари, семинарлар, практикумлар ўтказилмоқда. Айниқса, сўнгги икки йил жуда сермахсул бўлди. 2011 йилда “Экомактаб” нодавлат нотижорат ташкилоти ва “Chinor ENK” компанияси ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳаси кўмагида ахборот-ресурс марказини ташкил этишди. Ушбу марказ журналистлар ва кенг жамоатчиликка атроф табиий муҳит масалаларига оид замонавий илмий, академик ва бошқа ахборот материалларини излашда яқиндан ёрдам бериш мақсадида очилган.

Ўзбекистон Республикасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг нашри “Экомувозанат”, “Табиат ва ҳаёт” (Навоий вилояти), “Экология ва ҳаёт” (Тошкент шаҳри) газеталари, ekolog.uz, ekobarqaror.uz, sreda.uz, eko.uz, uznature.uz, ecosan.uz сайтлари, “Toshkent” телеканалининг “Экопойтахт” ахборот дастури, “Жамият”, “Тошкент окшоми”- “Вечерний Ташкент” газеталаридаги экологияга оид рўкнлар – Ўзбекистондаги экология мавзусида фаолият юритувчи ОАВнинг қисқача рўйхати шундан иборат. Аҳолиси 32 миллион бўлган Ўзбекистон учун бу жуда оз рақам. ОАВ олдида турган долзарб вазифа экология ҳамда барқарор ривожланиш мавзусидаги рўкнларни, теле, ва радиодастурларни кўпайтиришдан иборат. Экологик журанлистика нисбатан тор ихтисослашув экани ҳам ушбу муаммонинг долзарблигини оширади. Республикадаги бирорта олий ўқув юртида экожурналистлар тайёрланмайди. Экология мавзусида қалам тебратадиган журналистлар соҳа вакиллари учун ўтказиладиган тренинглари, семинарлар ва медиатурларда ўз маҳоратларини оширишади.



Х.Пайдоев олган сурат

ОАВда экологларнинг материаллари ҳам тез-тез кўзга ташланиб туради. Аммо бу борада ҳам муаммолар йўқ эмас. Жумладан, бу ўринда “эколог кенг ўқувчилар оммаси учун қизиқарли ва тушунарли бўлган тилда мақола ёза оладими?” деган савол туғилади. Афсуски, аксарият ҳолларда экологлар қаламига мансуб материалларнинг тили ўта мураккаб бўлади. Шу боис улар оддий ўқувчиларга тушунарсиз бўлиб, қутилган қизиқишни уйғотмайди. Журналист эса оддий жумлалар воситасида мураккаб мавзунинг моҳиятини очиб бериши мумкин. У ўзи фаолият юритадиган ёки ҳамкорлик қиладиган нашрнинг йўналиши ва ўқувчилар аудиториясидан келиб чиқиб, ҳар қандай материални шунга мослаштиради. Аммо, журналист, ўз навбатида, мавзуни яхши билмаса, эколог олимларнинг фикрларини нотўғри талқин этиб қўйиши ҳам ҳеч гап эмас. Журналистиканинг асосий вазифаси турли мавзудаги муаммоли ахборотни кенг оммага етказишдан иборат, бунга эса фақат фақат оммалашган ОАВ орқали эришиш мумкин.

Шу билан бирга, миллий ОАВнинг ўзига хослиги журналистга фақат битта мавзу билан шуғулланиш имконини бермайди. Бу кўпроқ аксарият нашрларда инсон ва молиявий манбалар миқдори чекланганлиги билан боғлиқ. Мавзуга чуқур кириб бориш, муаммоларни кўтариб чиқиш, уларни ҳал этиш йўлларини излаш кўп вақт талаб этади, аксарият журналистларда эса ана шу вақт чекланган бўлади.

Аммо экология муаммолари журналистлар эътиборидан четда қолиши керак бўлмаган масалалар сирасига киради. Хўш, экология мавзусидаги материаллар сони кўпайиши, улар ўқувчи учун қизиқарлироқ, ишонч уйғотадиган, оммабоп бўлиши учун нима қилиш керак? Муаммонинг ечими, қанчалик жўн бўлмасин, икки томон, яъни журналистлар ва экологларнинг фаол ҳамкорлигида кўринади. Ушбу ечим бир нечта жиҳатларга таянади: экология соҳасига оид ахборотларни олиш, соҳа экспертлари ва мутахассислари билан учрашиш, экологик муаммолар мавжуд бўлган ҳудудлар, участкалар ва объектларни бориб кўриш²⁵⁰.

Зарур ахборотларни олиш бутун журналистиканинг муаммоси. Энг қизиғи, ушбу масала ҳар икки конференция, давра суҳбати, семинарнинг бирида кўтарилади. Бу борадаги энг катта тўсиқ, бизнинг фикримизча, вазирлик, идора ва ташкилотлар матбуот хизматлари фаолиятининг тўғри ва самарали ташкил этилмагани билан боғлиқ. Аслида ушбу вазирлик ва ташкилотларнинг барчаси ўз фаолияти ҳақидаги ахборотларнинг кенг жамоатчиликка ўз вақтида ва сифатли тарзда етказилишидан манфаатдор бўлгани ҳолда, бу иш уларнинг айримларида бир қадар сушт ташкил этилганини қайд этиб ўтиш зарур.

²⁵⁰ М.Джангиров. Развитие экологической журналистики в Узбекистане способствует распространению знаний. <http://www.cac-program.org/>

Айрим ташкилотларда хатто ОАВ билан ишлайдиган бўлим ёки ходим назарда ҳам тутилмаган. Оқибатда, улар аҳоли ўртасида ахборот тарқатиш воситаси бўлган, кенг жамоатчилик ва давлат ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида ўзига хос кўприк вазифасини ўтовчи журналист меҳнатидан ўз ўрнида фойдаланишмаяпти.



У.Исмаилова олган сурат

Ачинарлиси, ана шундай идоралар рўйхатида экологик ташкилотлар ҳам бор. Ташаббус биринчи галда ташкилотнинг ўзидан чиқиши керак: у журналистларга қизиқарли маълумот ва ахборотларни ўз вақтида етказиб берилишини йўлга қўйиши, медиатурлар, ваколатли мансабдор шахслар билан учрашувлар ташкил этиши зарур. Журналистлардан эса у ёки бу мавзунини батафсил ўрганиб, ўз аудиториясига мослаштирган ҳолда тақдим этиш талаб қилинади.

ОАВ ва турли вазирликлар, идоралар, нотижорат ташкилотлари ўртаисидаги ўзаро муносабатлар ана шундай асосга қурилиши зарур. Аммо бундан журналист қачон зарур ахборот ёки маълумотни етказиб беришларини кутиб ўтириши керак экан, деган хулоса ҳам чиқмаслиги лозим. У кўп вақт, асаб сарфлаб ўзига зарур маълумот ва ахборотларни топади. Бу ўринда гап эълон қилинадиган мақола, хабарнинг самарали ва ишонарли чиқишидан учун ҳар икки томон ўзаро манфаатдор эканлиги ҳақида бормоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари экология муаммоларига еттирича эътибор қаратишмаяпти, ушбу мавзудаги материалларнинг жамоатчилик фикрига таъсир кўрсатиш кучи ва имкониятларидан етарлича фойдаланилмаяпти. Экологик ахборотларни тақдим этишда аксарият ҳолларда тизимлилик ва стилистик тимсолийлик етишмайди. Экологик мавзудаги материалларнинг ўзига хослигини инобатга олиб, журналистларни тайёрлашда экологияга ихтисослашув муҳим аҳамият касб этади, деб ҳисоблаймиз. Чунки бугунги кунда базавий экологик маълумотлар ҳар қандай журналист учун ҳам зарурдир. Экологик муаммоларни фақат ҳукуматнинг, ёки фақатгина жамоатчиликнинг кучи билан ҳал этиб бўлмайди, бизнес тузилмалар ҳам ёлғиз ҳолда уларга ечим топишга қодир эмас. Атроф табиий муҳит ҳолатини яхшилаш учун бутун жамиятнинг ўзаро ҳамкорлиги, ижтимоий диалог талаб этилади. Оммавий ахборот воситалари ана ишу диалогнинг асосий восита ҳисобланади. Демак, экологик журналистиканинг мақсадларидан бири – ҳар томонлама ўлчовли, илмий жиҳатдан саводли материаллар орқали жамиятнинг интеграциясига, шу йўл билан экологик муаммоларни ҳал этишга хизмат қилишдан иборат. Бу жараёнда журналистнинг зиммасида ўзи аудиторияга тақдим этаётган материалнинг, ахборотнинг сифати ва қай тарзда, йўсинда етказилаётгани борасида катта масъулият ётади.

Қуйида экологик материал тайёрлаш бўйича бир қанча тавсиялар берилган:

1. **Муаммо юзасидан бир нечта нуқтаи назарни беринг.** Аудитория учун ахборотнинг объективлиги ҳар доим муҳим ҳисобланади. Объективлик эса муаммо юзасидан бир нечта ёндошувларни илгари суриш орқали таъминланади. Бундан ташқари, турлича нуқтаи назарларни солиштириш, масалан, вазият айбдорларини аниқлаш ёки муаммони ҳал қилишнинг аниқ ечимини топиш учун фойдали ҳам бўлиши мумкин.

2. **Техник ахборотларни содалаштиринг.** Экологик мавзуда ижод қиладиган журналистлар кўпинча мураккаб маълумот ва ахборотлар билан ишлашларига тўғри келади. Бу ўринда гап, биринчи галда, рақамлар ва махсус атамаларнинг кўплиги ҳақида бормоқда. Шу боис зарур ахборот ва маълумотларни тўплагач, журналистик материални тайёрлашга ўтирар экансиз, ўқувчиларингиз, телетомошабинларингиз ва радиотингловчиларингизни унутманг, мақола, кўрсатув ёки эшиттиришингиз уларга мос бўлсин. Ҳар қандай атама ва воқеа-ҳодисани оддий тил билан тушунтириш мумкин. Бунинг учун эса журналистнинг ўзи муаммодан яхши хабардор бўлиши зарур. Шу ўринда базавий экологик билимлар қўл келади.

3. **Далилий ахборотлардан фойдаланишда эҳтиёт бўлинг** (рақамлар, атамалар, исм-шарифлар) – экология мавзусидаги ахборот билан ишлашда бу ҳол журналистнинг ўзига ўз кўядиган одатий талабидир.

4. Маълумки, журналистлар ҳар доим ҳам интервью берувчининг уни эълон қилишдан олдин кўриб бериш тўғрисидаги илтимосини қаноатлантиришмайди. Бизнинг фикримизча, экологик журналистикада сиз фикрларидан фойдаланган **материални иштирокчилар билан мувофиқлаштириб олиш** қоида бўлиши зарур. Сиз экологик билимлар соҳаси мутахассиси бўлмаганингиз боис (бундай бўлишингиз ҳам шарт эмас, аслида) олинган ахборотни талқин этишда жиддий хатоларга, фактлардан фойдаланишда йўл қўйилиши мумкин, уларни тўғрилаш учун эса соҳа мутахассисининг назари талаб этилади.

5. **Материалнинг барча иштирокчиларига нисбатан бир хил муносабатда бўлинг.** “Қайноққина” экологик муаммо тўғрисида материал тайёрлаш жараёнида журналистикага хос бўлган шов-шув ортидан қувиш, далил ва рақамларин баён этишда ҳиссиётдан берилиш каби ҳолатлар кузатилади. Аслида эса, бир томондан, воқеа-ҳодиса иштирокчиларининг нафсониятига тегмаслик, одамларда иккиланиш ҳисларини уйғотмаслик, иккинчи томондан эса ўқувчининг эътиборини тортиш талаб этилади. Ҳали ҳам аудиторияни ҳалокатлар, генетик ўзгаришлар ҳақидаги тафсилотлар кўпроқ қизиқтиради, деган фикр учраб туради.

6. **Ахборот манбаларига ҳавола беринг.** Экологик журналистикада ҳам ушбу талаб долзарб ҳисобланади. Бу ҳол яна ўша журналист фаолият олиб борадиган ноаниқлик вазияти билан боғлиқ бўлади, чунки сиз материални тайёрлашда ишлатган экспертнинг фикри бошқа экспертлар томонидан кескин танқидга учраши мумкин. Шу боис, амалда олинган барча ахборот мутлақ ҳақиқат эмас, балки фақат *субъектив фикр* бўлиши мумкин. Ана шу фикрлар эса хилма хил бўлади. Низо чуқурлашиб кетган ҳолатларда эса иш хатто судгача бориб етиши мумкин. Шу боис, турли шахсларнинг муаммо юзасидан ҳужжат билан қайд этилган (расмий хатлар, интервью стенограммаси, аудио ва видео ёзув) фикрларини имкон қадар сақлаб қўйинг.

7. Фақат муаммони қўйиш билан чекланмасдан, **эҳтимолий ечимларни ҳам таклиф этишга ҳаракат қилинг.** Экологик мавзунинг мураккаблиги ҳам шундаки, бу ўринда фақат муаммони кўтариб чиқиш билан чекланиш ярамайди, ҳар қандай муаммонинг ечими бўлиши керак. Эҳтимолий ечимларни излаш – ўта мураккаб вазифалардан биридир. Сиз унга турлича ёндошишингиз мумкин: жумладан, барча манфаатдор томонларни очик мулоқотга таклиф этиш (масалан, муаммони студияда муҳокама этиш) экологик муаммога ечим топиш йўлида муҳим қадам бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Агар муаммонинг ечимини топишга қийналсангиз (аксарият ҳолларда бу табиий), экспертларнинг

фикрларини келтириб ўтишга ҳаракат қилинг. Майли, улар турлича бўлсин, чунки, фикрлар хилма хиллиги билан танишиш аксарият ҳолларда ечимга олиб келади.

Назорат саволлари:

1. Экожурналистиканинг ўзига хосликлари нималарда намоён бўлади?
2. Ўзбекистон ОАВда экологик муаммоларни ёритишнинг ўзига хосликлари нималарда кўринади?
3. Ўзбекистонда экожурналистика ривожига тўсқинлик қилаётган қандай муаммолар мавжуд?
4. Журналистик материал тайёрлаш жараёнида нималарга эътибор қаратиш зарур?

4.4. Барқарор ривожланиш масалалари юзасидан журналист суриштируви ўтказиш

Режа:

1. Суриштирув мавзусини танлаш
2. Суриштирувнинг асосий босқичлари
3. Ахборот манбалари. Уларнинг таснифи, уларни олиш ва фойдаланиш услублари
4. Журналист суриштируви ўтказишда ахборот излашнинг махсус услубларидан фойдаланиш
5. Суриштирув материаллари асосида чоп этиш учун материаллар тайёрлаш

Асосий тушунчалар: суриштирув, ахборот манбалари, тасниф, олиш ва фойдаланиш услублари, материал тайёрлаш, журналист, тахририят.

Мавзу юзасидан тавсия этиладиган адабиётлар:

1. *Журналистское расследование. История метода и современная практика. Под общей редакцией А.Д. Константинова. Агентство журналистских расследований (АЖУР); СПб.: Издательский Дом “Нева”, М.: “Олма-пресс”, 2003. <http://evartist.narod.ru/text14/61.htm>*

Ҳар қандай суриштирув, исталган журналистик материал сингари ахборий сабабдан бошланади. Қандай ахборот суриштирув учун туртки бериши мумкин? Юзада кўриниб турган воқеа-ҳодисалар, далиллар билан бирга, жамоатчиликка маълум бўлмаган конфеденциал маълумотлар ҳам ана шундай сабаб бўла олади²⁵¹. Барқарор ривожланиш соҳасида суриштирув ҳам экологик муаммолар юзасидан, ҳам барқарор ривожланишнинг аниқ мақсадлари юзасидан олиб борилиши мумкин. Бугунги кунда Ўзбекистонда экология соҳасидаги долзарб муаммолар сирасига дарахтларнинг кесилиши, тупроқнинг бузилиши, чўлланиш, ичимлик ва сўхориш мақсадлари учун сув танқислиги, Орол инкирози, ҳаво ва тупроқнинг ифлосланиши, иқлим ўзгариши, чиқиндиларни утилизация қилиш муаммоси ва бошқалар қиради. Қайд этиб ўтилган йўналишлардан ҳар бири журналист суриштируви

²⁵¹ Журналистское расследование. История метода и современная практика. Под общей редакцией А.Д. Константинова. Агентство журналистских расследований (АЖУР); СПб.: «Издательский Дом «Нева»; М.: «Олма-пресс», 2003. <http://evartist.narod.ru/text14/61.htm>

объекти бўлиши мумкин. Экология мавзуси кенг қамровли ҳамда унда адашиб қолиш ҳеч гап бўлмагани боис, “нимадан бошлаш керак?”, деган савол туғилади.

Акс -садо бериши мумкин бўлган исталган воқеа-ҳодиса, ахборотга диққатли бўлиш керак. Бу кўп йиллик чинорларнинг кесилиши, Марказий Осиёдаги илк чиқиндиларни утилизация қилиш заводининг очилиши, янги Оролқум чўли ҳудудида саксовул ўтказилиши, ҳокимият органларидаги кадрлар ўзгариши бўлиши мумкин. Замира Болтаеванинг “Новая волна вырубки деревьев или как остановить беспредел”²⁵²(Дарахтлар кесилишининг янги тўлкини ёки ноқонуний ҳаракатларни қандай тўхтатиш керак?) номли мақоласи фикримизга яққол мисол бўла олади. Мақола ижтимоий тармоқларда тарқалган ташвишли фикрлардан бошланади:

“Интернетда Самарқандда дарахтлар кесилаётгани ҳақида янги далиллар пайдо бўлди. Ташвишга тушган шаҳар аҳолиси ўзларининг Фейсбукдаги саҳифаларига суратларни жойлаштирар экан, Самарқанд компьютер технологиялари ва гидромелиорация коллежи қаршиида жойлашган Мирзо Улуғбек номидаги бозда дарахтларни оммавий равишда кесиш бошлангани сабабини билолмай ҳайрон.

Боз 1994 йилда буюк қомусий олим, астроном Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан барпо этилган эди. Боз 10 гектар майдонни эгаллаган бўлиб, 1500 дан ортиқ манзарали ва мевали дарахтлар мавжуд. 2017 йил апрель ойида боз кесилган дарахтларнинг шох-шабба ва кундаларидан тозаланди. Машиий чиқиндилар, чириган барглари, ташлаб юборилган турли буюмлар – бознинг бугунги қийфаси ана шундай.

Бозбон Раҳим Мамадиев ҳар куни бозни машиий чиқиндилардан тозалайди. Чунки, Аҳмад Яссавий номли маҳаллага қарашли шу атрофдаги уйларда истиқомат қилувчи аҳоли эса кечаси билан чиқиндиларни боз ҳудудига чиқариб ташлашни одат қилишган. Бундан ташқари, маҳаллий қассоб Восе Исматов оила аъзолари билан боз ҳудудидан мол сўйишни йўлга қўйиб олган.

Биз унга боз ҳудудидан мол сўймаслигини кўп бора айтганмиз, аммо натижа йўқ. Ёзда бу ерда сассиқ ҳид ва чивинлардан юриб бўлмайди», - дейди Аҳмад Яссавий номли маҳалла маслаҳатчиси Зилола Норқулова. Аҳолининг айтишича, улар илгари боққа дам олиши, тоза ҳаводан, табиат гўзаллигидан баҳраманд бўлиши учун келишган. Энди эса дарахтлар кесилмоқда.

Қонунчиликка кўра, Ўзбекистонда дарахтларни кесиш тегишли рухсатнома олингандан кейин амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Биологик ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-тамоилларидан ўтиш тартиби тўғрисида” 2014 йил 20 октябрдаги қарорига кўра, Ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарни кесилишига фақат ҳудудий табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари билан келишув бўйича, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорига кўра, бинолар, иншоотлар ва коммуникацияларнинг қурилиши билан боғлиқ санитария кесилишлари тартибида йўл қўйилади. Қуриб қолган, табиий зараркунандалар ва касалликлар таъсирида кучли зарарланиб қуриётган дарахт ва буталарни кесиш ҳудудий табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари билан келишилган ҳолда, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорига кўра махсус рухсатномасиз амалга оширилади.

Тегинли рухсатномасиз дарахт ва буталарни кесганлик учун айбдорларга нисбатан жазо тариқасидаги жазо чоралари қўлланилади. Зарурат бўлганда эса, иш кўриб чиқиш учун ҳуқуқ-тартибот идораларига берилиши ҳам мумкин. Самарқанд вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳайвонот ва ўсимлик оламини муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғи Шавкат Инназаровнинг айтишича, жорий йилнинг биринчи чорагида 390 марта рейдлар ўтказилиб, натижада 85 та қоидабузарлик ҳолати

²⁵² <http://anhor.uz/society/novaya-volna-virubki-derevyev-ili-kak-ostanovity-bespredel>

аниқланган. *Жарималарнинг умумий миқдори 8 миллион сўмдан ортиқни ташкил этди*”²⁵³.



Фотосурат anhor.uz сайтидан олинди

Журналист З.Болтаева юқорида баён этилган далиллар асосида журналист суриштирувчи олиб боради ва қуйидагиларни аниқлайди: *“Дарахт ва буталарни кесишга рухсат олиш учун шахс маҳаллий ҳокимият ёки табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига мурожаат этиши мумкин. Аризада кесиш сабаби кўрсатилиши керак. Жорий йил 27 январда Самарқанд вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан Мирзо Улугбек номидаги боғ ҳудудидаги 50 та терак зараркунандалар билан зарарлангани, бу эса пиёдаларга хавф туғдириши, шу боис уларни кесиб, ўрнига декоратив дарахтлар экиш тўғрисида хулоса беради*».

Журналист суриштируви натижасида маълум бўлишича, *«Бир хил сценарий асосида бутун шаҳар бўйлаб кўп асрлик дарахтлар кесилиб, уларнинг ўрнига деярли соя бермайдиган декоратив дарахтлар экилаётган экан*”²⁵⁴.

Ушбу муаммонинг ечими ҳали маълум қилингани йўқ. Материал ва Самарқанд шаҳри аҳолисининг хати шаҳар ҳокимияти томонидан кўриб чиқилмоқда.

Дарҳақиқат, барқарор ривожланиш мақсадларига оид бўлган барча масалалар журналист суриштируви учун ахборот манбаси бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бунинг учун мавзунинг истиқболлилигини аниқлаб олиш зарур бўлади, холос.

Бизнингча, мавзунинг истиқболлилиги у келажакда жамоатчилик ўртасида уйғотиши мумкин бўлган акс садога боғлиқ. Материал жамоатчиликнинг ушбу мавзуга қизиқишини уйғота оладими, у мавзуга қандай муносабат билдиради, ва умуман муносабат билдирадими – журналист мана шу саволларни ўзига бериши ва уларга аниқ жавоб топишга уриниб кўриши керак. Айниқса, мавзу бир гуруҳ шахслар томонидан илгари сурилганда бу масала янада долзарблик касб этади. Гарчи манба ушбу масала бутун инсоният учун ўта муҳим ва долзарб эканини таъкидласада, аслида у фақат мана шу гуруҳ учун манфаатларига хизмат қилади холос. Афсуски, мавзунинг истиқболлилигини баҳолашнинг аниқ мезонлари мавжуд эмас. Журналист ва муҳаррир маълум бир мавзу юзасидан қарама қарши фикрга эга бўлган ҳолатлар ҳам кўплаб учраб туради.

Воқеа-ҳодисанинг акс-садолилиги индикатори мавжудми? Бу – журналистнинг тажрибаси, ўз ўқувчисини ҳис қилиш, жамиятдаги кайфиятларни тўғри англаш ва баҳолаш кабилардир. Ниҳоят, бу – ўта кучли ижтимоий адолат ҳисси ва шахсий ички

²⁵³ <http://anhor.uz/society/novaya-volna-virubki-derevyev-ili-kak-ostanovity-bespredel>

²⁵⁴ <http://anhor.uz/society/novaya-volna-virubki-derevyev-ili-kak-ostanovity-bespredel>

сезги. Жамият билдириши мумкин бўлган муносабатни баҳолаш жараёнида суриштирув объектига нисбатан мавжуд бўлган муносабатни ҳам ёддан чиқармаслик керак. Жамоат арбоблари ҳақида гап кетганда эса ўта эътиборли бўлиш зарур. Жамият шаклланган стереотиплардан осонлик билан халос бўлишни истамайди, баъзида эса ҳақиқатни билишнинг унинг учун қизиғи бўлмайди. Бу ўринда журналистнинг шахсий ахлоқ меъёр ва қоидаларидан бошқа бирор бир мезон мавжуд эмас²⁵⁵.

Мавзунинг акс-садо беришини баҳолашда унинг фан, жамият ва матбуот томонидан ўрганилганлик даражасини ҳам эътиборга олиш зарур. Тақиқланган мавзулар мавжуд бўлмаган, жамоатчилик салбий ахборотлар билан “кўмиб танланган”, ахлоқ чегаралари йўқолиб бораётган бугунги кунда дарахтларнинг асоссиз равишда кесилиши каби долзарб мавзу устида ишлаганда ҳам бефарқликка дуч келиш мумкин.

Мавзунинг акс-садо беришини баҳолаш мезонлари кўп жиҳатдан субъектив эканидан келиб чиқиб, бир нечта маслаҳатлар беришни лозим топдик. .

- Ушбу ёки шунга ўхшаш мавзу юзасидан эълон қилинган ахборотни баҳоланг. Сиздан олдин ҳам бу мавзуга мурожаат қилганлар кўп бўлганми?
- Агар сиз бошқалар кўп маротаба қаламга олган мавзуга мурожаат этаётган бўлсангиз, “бирор бир янги гап айта оламанми?” деган саволни ўзингизга бериб кўринг.
- Ўқувчиларни биринчи галда ўзларига ёки яқин инсонларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолатлар қизиқтиришини ёдда тутинг.
- Оддий инсонларни машҳурлар ҳаётига оид воқеалар кўпроқ қизиқтиради.

Агар сиз суриштирув жараёнида жамоатчиликда ушбу мавзуга қизиқиш паст деган хулосага келсангиз, тушкунликка тушмай, ишингизни охирига етказиб қўйинг. Материални ёзиш жараёнида айрим тузатишлар киритиб кетиш мумкин бўлади. Тажрибали журналист хатто энг зерикарли мавзуни ҳам “чиройли” тарзда тақдим эта олади.

Мавзунинг жамоатчилик ўртасида акс садо уйғотиш даражаисни баҳолаб олганингиздан кейин **бошлаган ишингизни амалга ошириш имкониятлари ва муддатларини белгилаб олиш** зарур бўлади. Ишни бошлар экансиз, ахборот излашнинг қандай восита ва йўлларига эгалигингиз, ушбу муаммо билан қанча вақт шуғулланмоқчи эканингиз, сиз суриштирув учун танлаган мавзу ўқувчига қанчалик қизиқ бўлиши ҳақида ўйлаб кўринг. Дейлик, сиз танлаган мавзу жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотишини ҳис этиб турибсиз, лекин, шу билан бирга, салкам ярим йил архивда ҳужжатларни ўрганишга, яна тахминан шунча вақт нувоҳларни излаб топиш ва улар билан суҳбатлашишга кетиши мумкин. Тахририят сизга шунча вақт учун маош тўлашга рози бўлармикан? Бизнингча, йўқ. Ёки сиз бир йилча ишламай, ўз ҳисобингиздан суриштирув олиб борадиган даражада таъминланган инсонмисиз? Агар жавобингиз салбий бўлса, суриштирув учун бошқа мавзу танлаган маъқул.

Муддатлар билан бирга, олдингизга қўйган вазифани бажариш имконияти ва даражасини ҳам эътиборга олинг. Юқоридаги иккита омил билан бирга **меҳнат сарфини** ҳам унутмаслик керак. Ҳар бир аниқ журналист суриштирувини амалга оширишнинг истиқболлилигини баҳолашда маҳсулдорлик жиҳатидан мақсадга мувофиқлик ҳам назардан қочирилмаслиги зарур.

Бирламчи баҳолашни талаб этадиган яна бир омил – **таваккалчилик ва хатар даражаси**. Исталган жиддий суриштирув маълум бир таваккалчиликка ва хатарга асосланган бўлади, чунки у ёки бу воқеа-ҳодиса ошкор бўлмаслигини истовчилар ҳар доим топилади. Шу боис таваккалчилик даражасини баҳолаш экансиз, уни четлаб ўтиш

²⁵⁵ Журналистское расследование. История метода и современная практика. Под общей редакцией А.Д. Константинова. Агентство журналистских расследований (АЖУР); СПб.: Издательский Дом “Нева”; М.: “Олма-пресс”, 2003. <http://evartist.narod.ru/text14/61>.

имкониятини чамалаб кўринг. Таваккалчилик ва хатар нафақат жисоний, шу билан бирга маънавий таъсир хавфини ҳам назарда тутати²⁵⁶.

Ҳар бир журналист, айниқса суриштирув ўтказаетган журналист тўқнаш келиши мумкин бўлган манбаларни бир неча тоифаларга бўлиш мумкин. Жумладан:

- 1) жонли ва жонсиз;
- 2) очиқ, қисман очиқ ва ёпиқ (конфиденциаль);
- 3) расмий ва норасмий;
- 4) бир марталик ва доимий.

Юқорида санаб ўтилган босқичлардан муваффақиятли ўтган бўлсангиз, бемалол суриштирувни бошласангиз бўлади.

Ҳар қандай журналист суриштируви қуйидагилардан таркиб топади:

- тадбирлар режасини ишлаб чиқиш;
- бирламчи ахборотларни йиғиш ва қайта ишлаш;
- манбалар билан ишлаш;
- йиғилган ахборотларни тизимга солиш;
- далилий базани шакллантириш;
- бош интервью;
- ҳуқуқий экспертиза;
- материални тайёрлаш²⁵⁷.

Суриштирув режаси – бу зарур гувоҳликларни топиш ва қўйилган саволларга жавоб олиш учун амалга оширилиши зарур бўлган хатти-ҳаракатлар кетма кетлигидир.

Ҳар бир аниқ суриштирув учун ёзма режа зарур бўлади. Айниқса, иш бригада услубида ташкил этилганда, яъни турли журналистлар битта катта журналист суриштирувининг турли йўналишларида изланиш олиб борганида тадбирлар режаси жуда қўл келади. Шундай қилиб, сиз ҳаракат режасини тузиб чиқдингиз. Энди бирламчи ахборотни йиғиш ва қайта ишлашга киришсангиз ҳам бўлади.

Бу босқич иккита асосий қисмдан иборат бўлади. *Биринчи қисм* – объект ёки воқеа-ҳодиса ҳақида очиқ манбалардан ахборот излаш. *Иккинчи қисм* – турли маълумотлар базаларида жамланган объектив ахборотни излаш.

*Очиқ манбалардан ахборот излаш*²⁵⁸ – кутубхона фаолиятига ўхшаш бўлади. Сизни қизиқтираётган мавзуга оид ОАВдаги барча мақолаларни кўтаринг, интернетдан, керак бўлса, архивлардан фойдаланинг. Натижада сиз жуда қимматли ахборот маҳсулоти бўлган ҳужжатлар тўпламига эга бўласиз. Ушбу материалларни таҳлил қилиб сиз нафақат мавзук юзасидан тасаввурга эга бўласиз, балки кейинги изланишларингиз учун озуқа ҳам оласиз.

Бирламчи ахборотни йиғиш ва қайта ишлаш босқичининг иккинчи қисмига – турли маълумотлар базаларида қайд этилган ахборотларни излашга ўтамиз. Ушбу ахборотлар нафақат якуний маҳсулотга ишончилилик бағишлайди, балки асосли тахмин ва хулосалар чиқариш имконини ҳам беради. Махсус услубларга бағишланган бобда бу ҳақда батафсил тўхталиб ўтамиз. Қайд этиш керакки: маълум бир объектив маълумотларни тўплаш учун журналист махсус билимларга эга бўлиши ҳам шарт эмас. Масалан, сиз дарахтларнинг ноқонуний кесилиши ҳақида материал тайёрлаясиз. Тегишли органга сўров билан мурожаат қилиш орқали ушбу маълумотлар тўғри ёки нотўғри эканига аниқлик киритиб олишингиз мумкин²⁵⁹.

²⁵⁶ Журналистское расследование. История метода и современная практика. Под общей редакцией А.Д. Константинова. Агентство журналистских расследований (АЖУР); СПб.: «Издательский Дом «Нева»; М.: «Олма-пресс», 2003. <http://evartist.narod.ru/text14/61>.

²⁵⁷ Ўша ерда.

²⁵⁸ Журналистское расследование. История метода и современная практика. Под общей редакцией А.Д. Константинова. Агентство журналистских расследований (АЖУР); СПб.: Издательский Дом «Нева»; М.: «Олма-пресс», 2003. <http://evartist.narod.ru/text14/61>.

²⁵⁹ Ўша ерда.

Журналист сўрови – баъзида ахборот олишнинг энг самарали усули саналади. Афсуски, ҳамкасбларимиз (балки, дангасалик боисдир) бу имкониятдан ҳам доим ҳам фойдаланишмайди. Шундай қилиб, сиз ўзингизни қизиқтирган мавзу юзасидан очиқ манбалар, махсус базалар ва бирламчи манбалардан йиғиш мумкин бўлган барча ахборотни тўплаб, тизимга солиб чиқдингиз. Энди таҳририят биносидан чиқиб, журналист суриштирувнинг кейинги босқичи – ахборот манбалари билан ишлашни бошлаш вақти келди.

Қайд этиш керакки, ушбу журналист суриштируви жараёнида сиз ишлашингиз керак бўладиган ахборот манбалари фақат ва фақат битта нарсага, яъни сиз ёки ҳамкасбларингиз айнан мазкур аниқ вазиятда зарур бўладиган манбаларга эгамисиз ёки йўқми, шунга боғлиқ бўлади. Жавобингиз “Ҳа” бўлса, улар билан учрашиб, суҳбатлашиб олсангиз кифоя, жавоб “Йўқ” бўлса – ана шундай инсонлрани топиш, улар билан танишиш, уларни сизни қизиқтираётган ахборотни беришга кўндириш керак бўлади²⁶⁰.

Муҳим қоида доим ёдингизда бўлсин: манбалардан олинган барча ахборотни компьютерда қайд этиб бориш ва архивга ташлаб қўйиш керак. Агар сиз мақолани ҳозир ёзмасангиз ҳам, кейинчалик ушбу ахборотлардан фойдаланишингиз мумкин бўлади. Бундан ташқари, ахборотни ўз вақтида қайд этиб бориш тўплаган далилларингизни мантикий жиҳатдан бир чизикқа тизиб чиқиш имконини беради. Битта мавзу юзасидан турли манбалардан олинган ахборотлар битта файлга (электрон шаклда) ва битта жилдга (қоғрз шаклида) жамланади. Бу, бир томондан ишингизни осонлаштиради, иккинчи томондан раҳбарият олдида ҳисоб беришда қулайлик туғдиради.

Битта журналист суриштируви материалларининг йиғиндиси қуйидаги бўлимлардан иборат бўлиши мумкин:

- шахсий ахборотлар (манбалардан олинган ахборотларнинг резюмеси);
- йўл-йўриқ кўрсатувчи ахборот (у қасрдан олинишига алоҳида боб бағишланади);
- хужжатлар;
- мақолалар нусхалари (ёки очиқ манбалар тўплами)²⁶¹.

Буларнинг барчаси биргаликда олиб борган ишингизнинг оралик натижасини акс эттирувчи **бирламчи маълумот** ҳисобланади. Маълумот – журналистик материал эмас. У бир жойга жамланган ва тизимга солинган, ортиқча баёнларсиз ахборот. Унинг қайсилари текширилгани, қайсилари эса ҳали исботланмаганини қайд этиб қўйинг. Маълумот тайёрлагач, сиз ахборот бўшлиқлари борлигини аниқлашингиз ҳеч гап эмас. Энди уларни етишмаётган маълумотлар билан тўлдириш керак бўлади. Маълумот асосида **резюме** тайёрланади ва унда журналист суриштирув олиб бориш жараёнида келган хулосалари баён этилади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам маълумотнома сизнинг архивингизда қолади. Чунки қачондир яна ушбу мавзуга қайтишингизга тўғри келиб қолса, қайтадан шунча ахборотни тўплашга вақт сарфлаб ўтирмайсиз²⁶².

Сўнгра маълум бир манбадан олинган ахборот мантикий жиҳатдан қисқача баён этилади. Тайёр бўлган ҳисоботларнинг нусхалари ахборот манбалари архивига ташлаб қўйилади. “Шахсий ахборотлар” тўпламининг бутун бўлими электрон шаклдаги битта файл бўлади, ҳамда тегишли мавзу бўйича иш якунига етгач, у архивга олинади²⁶³.

Ҳамма маълумот тўплангандан кейин бир ўтиришда чиролйи мақола ёзиб, эълон қилиш иштиёқи пайдо бўлади. Кўпчилик ҳамкасбларимиз журналистиканинг асосий

²⁶⁰ Журналистское расследование. История метода и современная практика. Под общей редакцией А.Д. Константинова. Агентство журналистских расследований (АЖУР); СПб.: Издательский Дом “Нева”; М.: “Олма-пресс”, 2003. <http://evartist.narod.ru/text14/61>

²⁶¹ Журналистское расследование. История метода и современная практика. Под общей редакцией А.Д. Константинова. Агентство журналистских расследований (АЖУР); СПб.: Издательский Дом “Нева”; М.: “Олма-пресс”, 2003. <http://evartist.narod.ru/text14/61>.

²⁶² Ўша ерда.

²⁶³ Ўша ерда.

принципларидан бири – журналист ҳар доим муаммога тааллуқли ҳар икки томонга ҳам ўз фикрини баён этиш учун имкон бериши кераклигини унутиб қўйишади. Журналист ўз материалида манфаатлари акс этган томонларга фикр билдириш ҳуқуқини бериши шарт. Бу босқич бош интервью деб номланади.

Усиз журналист суриштирувини яқунлаган деб бўлмайди. Бош интервью фақат ахлоқ қоидаларига риоя этиш учунгина керак эмас, интервью жараёнида сиз ҳаёлингизга ҳам келтирмаган жиҳатлар аниқланиб қолиши ва материалда урғуни мутлақо бошқача қўйишингизга тўғри келиши мумкин. Суриштирувингиз иштирокчисини бутун материал билан таништириш шарт эмас, бу хатто ортиқча ҳам, у фақат ўзига тааллуқли қисмини кўриб чиқса кифоя, чунки мақола эълон қилингунга қадар барча тафсилотларини ошкор этмаганингиз маъқул. Агар иштирокчи сиз билан суҳбатлашишни истамаса – бу унинг ҳуқуқи – мақола якунида фалончи қайд этилган далиллар юзасидан изоҳ беришни истамади, деб кўрсатиб ўтишингиз мумкин.

Одатдаги бош интервьюдан ушбу технологиянинг фарқи шундаки, танқидимиз объектлари охириги дақиқагача уларга нима учун у ёки бу савол берилаётганини билишмайди²⁶⁴.

Кейинги мажбурий қадам – ҳуқуқий экспертиза. Малакали юристнинг хулосасисиз низоли мақолани чоп этиб бўлмайди.

Юрист мақолага ижобий хулоса берди. Энди газета қачон сизнинг суриштирувингиз натижасини чоп этишини кутиш қолди. Нихоят, журналист суриштируви, албатта, донабай маҳсулот ҳисобланади. Аммо унинг элементларидан, айрим босқичларидан турли материаллар тайёрлашда фойдаланиш мумкин. Кундалик иш фаолиятингизда шуни асло унутманг²⁶⁵.

Назорат саволлари:

1. Суриштирув мавзуси қандай танланади?
2. Суриштирувнинг асосий босқичлари нималардан иборат бўлади?
3. Ахборот манбаи нима? У билан қандай ишлаш керак?
4. Журналист суриштирувида ахборот излашнинг қандай услубларидан фойдаланилади ?

4.5. Экожурналистикадаги стереотиплар. Уларни бартараф этиш мумкинми?

Режа:

1. Стереотиплар тушунчаси.
2. Экожурналистикадаги стереотиплар.
3. ОАВдаги стереотипларни йўқотиш усуллари.

Асосий тушунчалар: стереотиплар, экологик журналистика, оммавий онг; оммавий ахборот воситалари; стереотип, омма онгига таъсир кўрсатиш.

Мавзу юзасидан тавсия этиладиган адабиётлар:

²⁶⁴ Журналистское расследование. История метода и современная практика. Под общей редакцией А.Д. Константинова. Агентство журналистских расследований (АЖУР); СПб.: Издательский Дом “Нева”; М.: “Олма-пресс”, 2003. <http://evartist.narod.ru/text14/61>

²⁶⁵ Ўша ерда.

1. Демьянков В.З. *Стереотип // Краткий словарь когнитивных терминов / Кубрякова Е.С., Демьянков В.З., Панкрац Ю.Г., Лузина Л.Г. Под общей редакцией Е.С. Кубряковой. М.: Филологический факультет МГУ им. М.В. Ломоносова, 1996. С.177-179.*
2. Коханова Л.А. *Журналистика. Экология. Образование: Непрерывное экологическое образование в системе СМИ. -М.: 1997.*
3. Хотулева М.В. *Экологический риск: информационные аспекты. -М.: 1997.*

Стереотип (stereotype) – ижтимоий гуруҳлар ёки ана шу гуруҳларнинг вакили бўлган алоҳида шахслар ҳақидаги стандарт фикр. Стереотип фикрлашнинг мантикий шаклига эга бўлиб, ўта соддалаштирилган ва умумийлаштирилган шаклда, ҳиссий бўёқлар берган ҳолда айрим тоифа инсонларга маълум бир хусусият ва феъл-атворларни “ёпиштиради”, ёки уларда ана шу жиҳатларни йўқ деб кўрсатади²⁶⁶.

Оммавий ахборот воситалари инсонлар онгига фаол равишда стереотипларни – феъл-атвор ва хатти-ҳаракат стандартларини, ижтимоий афсоналар ва сиёсий хом ҳаёлларни сингдиради.

Илк бора “ижтимоий стереотип” атамасини У. Липпман ўзининг “Ижтимоий фикр” номли китобида қўлаган²⁶⁷. Унинг концепцияси кейинчалик ривожлантирилди ва қайта ишланди, ҳамда оммавий онгни стереотиплаштиришнинг тарғибот услубининг назарий асосини ташкил этди. У. Липпман оммавий онгни ҳамда матбуотнинг жамоатчилик фикри ва оммавий онгнинг шаклланишига таъсирини таҳлил қилиб, тасаввур, қабул қилишнинг бутун жараёнини стереотиплар – юзаки фикрлар бошқаради, деган хулосага келди. Шундан келиб чиқиб, оммавий ахборот воситалари стереотипларнинг шаклланишига фаол таъсир кўрсатади, дейишимиз мумкин. Бунда стереотипли тимсоллар билан воқелик ўртасидаги номутаносиблик кўзга ташланади. Индивид у ёки бу воқеа-ҳодисани объектив тарзда баҳолай олмай қолади. Тукрли ташкилотлар ва давлатлар маълум бир жамоатчилик кайфиятини шакллантиришда ОАВ ёрдамида ана шу қарама қаршиликлардан фаол тарзда фойдаланишади. Стереотип ижтимоий кўрсатма (йўл-йўриқ) билан бирга омма онгини бошқаришнинг асосий услуги ҳисобланади. Бугунги кунда жамиятда жинсий, маънавий-ахлоқий, этник стереотиплар мустаҳкам қарор топган. Стереотиплар омма онгини бошқаришнинг воситаси сифатида замонавий инсоннинг ҳаётий қадриятларини шакллантиришда ҳам ижобий, ҳам салбий рол ўйнаши мумкин. Қайд этиш керакки, хатто бевосита гувоҳлар ҳам воқеа-ҳодисани объектив тарзда баён этиб беролмайди. Гувоҳлар албатта уларни баён этишда ўзларидан нимадир қўшишади. Шу боис, воқеа-ҳодисанинг изоҳи сифатида берилган нарса аслида унинг ўзгартирилган кўриниши бўлади. Фақат айрим далилларгина бутунлигича бизнинг онгимизга ташқаридан келади, улар биз қаерда эканимизга ва нималар билан тўқнаш келишга ўрганиб қолганимизга боғлиқ бўлади.

Таъсир кўрсатишнинг кенг тарқалган механизмлари – стереотипларни яратадиган ва ушлаб турадиган механизмлардир. Бу оламни англашимиз биз уни ҳали кўра бошламасимиздан олдинроқ бошланади. Кўплаб нарсалар ҳақидаги тасаввурлар ҳали улар билан тўқнаш келмасдан туриб шаклланади. Агар олинган билимлар билмасдан туриб ҳосил бўлган тушунчаларни англаб етишга ёрдам бермаса, айнан улар қабул қилиш жараёнини бошқаради. Улар объектларни ёки таниш, ёхуд ғалати ва ғайриодатий тарзда белгилайди.

Инсонлар нисбатан объектив қарашларга таянишлари мумкин бўлгани ҳолда стереотипларга ишонишларининг сабабларидан бири улар бизнинг анъаналаримизнинг ўзагини ташкил этишида, жамиятда тутган ўрнимизни ҳимоя қилиш усули эканида бўлиши мумкин. Улар оламнинг тартибли, нисбатан қарама қаршиликлари бўлмаган тасвирини яратади. Унда бизнинг одатларимиз, дидимиз, имкониятларимиз,

²⁶⁶ Демьянков В.З. *Стереотип // Краткий словарь когнитивных терминов / Кубрякова Е.С., Демьянков В.З., Панкрац Ю.Г., Лузина Л.Г. Под общей редакцией Е.С. Кубряковой. М.: Филологический факультет МГУ им. М.В. Ломоносова, 1996. С.177.*

²⁶⁷ Липпман У. *Общественное мнение. М.: Ин-т Фонда «Общественное мнение», 2004. С. 238.*

қобилиятимиз, умидларимиз қулай жой олади. Стереотиплар деб баҳоланадиган тимсолларга уларнинг шаклланишидаги ўзига хосликлар барқарорлик бағишлайди.

Биринчидан, стереотип ҳар доим инсоннинг шахсий тажрибасидан узоқ бўлади. Замонавий дунёда стереотипларнинг асосий манбаи аксарият ҳолларда ОАВнинг тегишли тарзда танланган хабарлари бўлиб қолмоқда.

Иккинчидан, стереотипни эхтимоллий ўзгариш ёки бузилишдан маълум даражада сақлайдиган йўналиш билан бевосита алоқа стереотипга барқарорлик бағишлайди. Сиёсий стереотиплар инсоннинг бевосита эмпирик тажрибасидан нисбатан узоқроқ ва шу боис нисбатан барқарор ҳисобланади. Оддий инсон содир бўлаётган сиёсий жараёнларнинг фақат ташқи омилларинигина кўради²⁶⁸.

Глобал экологик муаммоларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг ОАВда ёритилиши бир қатор стереотипларни юзага келтирди. Кўпчилик томонидан қабул қилинган стереотиплардан бирига кўра, экологик муаммоларнинг юзага келишига бош сабаб – камбағалликдир. Атроф табиий муҳитнинг сифати инсонларни кун кечиришдан кўра камроқ ташқишга солади, шу боис улар атроф муҳит муҳофазаси билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга бирор бир фойда олишларига кўзлари етгандагина киришадилар ва маблағ сафрлайдилар. Шу боис, ишсизликка барҳма бериш ва маҳаллий аҳолининг даромадларини ошириш учун иқтисодий ўсишни рағбатлантириш керак.

Муқобил ёндошув тарафдорлари эса экологик муаммоларнинг пайдо бўлиши сабабини тенгсизликда кўришади. Бойларда ўзларининг керагидан ортиқ истеъмол қилиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий ва экологик муаммоларини камбағаллар зиммасига юклаб кўйиш имконияти бор. Камбағаллар атроф табиий муҳит инқирозидан ҳаммадан кўпроқ азият чекишади, шу боис улар ресурслардан экологик масъулият билан фойдаланишдан манфаатдорлар. Камбағаллар кун кечириш учун экологик жиҳатдан яхши ҳимояланмаган ҳудудлардан фойдаланишлари боис камбағаллик атроф табиий муҳит зарарланишининг сабабчиси бўлиб қолмоқда. Ресурсларни нисбатан адолатли тақсимлаш орқали тенгсизликка барҳам бериш – барқарор ривожланишнинг асосий шартларидан биридир.

Муқобилчилар иқтисодий сиёсатнинг мақсади куйидагилар бўлиши керак, деб ҳисоблашади: ресурслардан атроф табиий муҳитнинг қайта тикланиш имкониятига мос тарзда фойдаланиш, уларни адолатли ва иқтисодий жиҳатдан самарали тақсимлаш. Бундай тақсимот ишлаб чиқариш учун харажатлар, шу жумладан, ижтимоий ва экологик тўловлар ҳам ишлаб чиқарувчи маблағлари ҳисобидан амалга оширилишини назарда тутати. Муқобилчилар шунингдек, иқтисодиёт глобал трансмиллий корпорацияларга эмас, балки ички кичик ва ўрта бизнесга таяниши керак, деб ҳисоблашади.

Борган сари кўпроқ сиёсатчилар, иқтисодчилар, олимлар барқарор ривожланиш масаласида муқобил ёндошувларни жорий этишга ҳаракат қилишмоқда. Мақсад – у мамлакат сиёсатининг шаклланишига асос бўлишига эришиш. Улар ушбу илмий, ижтимоий ва экологик жиҳатдан асосланган ёндошув ўзини оқлашига ишонишади. Барқарор ривожланиш концепцияси иқтисод, экология, социология масалаларини биргаликда ҳал этишни, янги халқаро сиёсатни ишлаб чиқишни назарда тутати.

Экологияда энг кўп тарқалган стереотиплардан бири – “Сув – умумий бойлик” экани ҳақидаги қарашдир. Бунинг натижасида аниқ эгаси йўқми, демак “мен истаганимни қилишим мумкин” деган хулосага борилади. Яна бир стереотип “бунинг менга алоқаси йўқ” ва “Менга ҳеч нарса боғлиқ эмас” деган қарашлардир. Аксарият ҳолларда табиат ресурсларини тежаш, иқлим ўзгариши муаммоси ҳақида гап кетганда юқоридаги фикрларни эшитишга тўғри келади. Аммо аслида ҳам шундайми? ОАВ ушбу стереотипларни ўзгартира оладими? Биз, экология мавзусини ёритаётган журналистлар барқарор ривожланиш реаллик касб этиши учун бугун нима қилишимиз керак?

²⁶⁸ Акоюн НА. СМИ как фактор формирования стереотипов в молодежной среде: автореф. дис. ... канд. социол. наук. Майкоп, 2010. –С.22.

Биринчидан, қўл остида мавжуд барча ахборот манбаларидан фойдаланган ҳолда реал вазиятни объектив тарзда акс эттириш, табиат ресурслари устидан назоратнинг трансмиллий корпорациялар қўлида жам бўлиши жараёндан манфаатдор кучларнинг фитналарига учмаслик.

Иккинчидан, алоҳида олинган воқеа-ҳодисалар билан глобал экологик жараёнлар ўртасидаги алоқани кўрсатиб берган ҳолда муаммони чуқур таҳлил қилиш.

Учинчидан, ОАВнинг маърифат тарқатиш вазифаси борлигини унутмаслик. Бошқача айтганда, бизнинг вазифамиз – инсонларни атроф табиий муҳит муҳофазаси масалаларига қизиқтириш, уларни вазиятни яхшилашга қаратилган турли даражадаги аниқ тадбирларда иштирок этишга жалб қилиш. Ўз навбатида, биз экологик ҳалокатдан қочиб қутилиб бўлмаслиги ҳақидаги хабарлар билан одамларни кўрқитмаслигимиз, балки ҳар бир муаммо бўйича имкон қадар аниқ ечимларни таклиф этишимиз зарур.

Тўртинчидан, экологлар, турли соҳалар мутахассислари иштирокидаги материаллар, шу жумладан, интервьюлар ўқувчи, тингловчи, телетомошабин ва интернет фойдаланувчисига экологик муаммолар, улар хоҳ локал, хоҳ глобал миқёсда бўлсин, ҳар биримизнинг, фарзандларимизнинг, яқинларимиз ва қариндошларимизнинг манфаатларига, соғлиғига таъсир кўрсатишини англаб етишда ёрдам беради.

Ижтимоий роликлар, журналист суриштирувлари, инфографика, лонгрид, мультимедиавий сторителлинг, таймлайн кўринишидаги визуал статистик маълумотлар, шунингдек материаллар қаҳрамонларининг ҳикоялари юқорида қайд этиб ўтилган стереотипларни йўқотишга ёрдам беради.

Бу жараёнда фойдаланиш зарур бўлган воситалардан бири қонунчиликдир. Экология соҳасига оид қонунчилик, ҳамда жиноий ва маъмурий жазолар экологик муаммоларни ҳал этишда қўл келади. Журналистнинг энг муҳим вазифаси эса аҳолининг фикрлаш фалсафасини ўзгартиришдан, уни имкон қадар экологик қилишга ҳисса қўшишдан, ҳамда шу орқали аҳолининг экологик маданиятини шакллантиришга қўмаклашишдан иборатдир.

Назорат саволлари:

1. “Стереотип” тушунчаси ҳақида нималар биласиз?
2. Экожурналистикада қандай стереотиплар мавжуд?
3. Экологик стереотипларни йўқотиш учун қандай воситалардан фойдаланиш зарур?

4.6. Барқарор ривожланиш масалаларини ёритишда журналист этикаси

Режа:

1. Оммавий ахборот воситалари аудитория учун экологик мавзудаги ахборотларнинг асосий манбаси сифатида
2. Экология мавзусини ёритаётган журналистнинг жавобгарлиги
3. Экология мавзусига ихтисослашган журналистга қўйиладиган касбий талаблар.

Асосий тушунчалар: этика, принциплар, экологик журналистика, ишончлилик, холислик, экологик хавфсизлик, инсоннинг экологик ҳуқуқлари ҳимояси

Мавзу юзасидан тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Образование в интересах устойчивого развития: междисциплинарный взгляд на согласованные действия. Международная конференция по вопросам окружающей среды и общества, образование и информационно-разъяснительная работа в интересах устойчивости. Париж, ЮНЕСКО, 1997.

/http://unesdoc.unesco.org/images/0012/001271/127100e.pdf

2. Роль коммуникации и образования в устойчивом развитии прибрежных зон. Материалы технического семинара PACSICOM Париж, ЮНЕСКО, 1999. / <http://unesdoc.unesco.org/images/0011/001185/118569eo.pdf>

4. Международные принципы профессиональной этики журналиста <http://pravovrns.ru/?p=721>

Кундалик ҳаётда инсон атроф табиий муҳит ифлосланиши ёки унга зарар етказилиши ҳолатлари билан кўп ҳам тўқнаш келавермайди, ёки ҳар доим ҳам буни англаб етмайди. То экологик ҳалокат унга шахсан таъсир кўрсатмагунча инсон экологик муаммолар мавжуд эмас, деб юраверади. Инсоннинг психологияси шунақа. Экологик масалаларда етарлича маълумот ва ахборотга эга эмаслик ҳам инсоннинг бу борада ҳаракатсизлигининг асосий сабабларидан биридир. Экологик инқироздан чиқиб кетиш учун маъмурий қарорлар етарли бўлмаслиги мумкин, бунинг учун тизимли ёндошув, жамият ҳар бир аъзосининг ҳиссаси жуда муҳим. Айнан шу боис, аудиторияга у яшаб турган ҳудуд, мамлакат ва бутун жаҳон миқёсида атроф табиий муҳитнинг аҳволи ва ҳолати ҳақидаги ахборотни етказиб бериши мумкин бўлган экологик журналистиканинг роли ортиб бормоқда. ОАВда ушбу масалаларнинг малакали тарзда ёритилиши хабардорликнинг ортишига олиб келади, ҳар бир инсонни ўзини ўраб турган атроф табиий муҳит, демак бутун сайёрамиз фойдаси учун ҳаракат қилишга ундайди.

Бирор бир экологик муаммо ёки воқеа-ҳодисага мурожаат этар, уларнинг келиб чиқишини таҳлил қилар экан, журналист ўз ўзидан инсон фаолиятининг иқтисодиёт, сиёсат, ижтимоий ёки тиббий каби соҳалари билан тўқнаш келади ²⁶⁹.

Ушбу журналистика жанрининг фанлараролиги ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларидан хабардор бўлишни талаб этади, ваҳоланки, масалан, иқтисодчи-журналист фақат ўз мавзуси доирасида қалам тебратади ²⁷⁰.



Н. Қосимова олган сурат

Экология мавзусида фаолият олиб борадиган журналист экологик ҳодисаларнинг илмий ва амалий ўзига хосликларини тушуниши, экологик воқеа-ҳодисаларнинг тарихий илдишлари ҳақида билимларга эга бўлиши, шунингдек экологик сиёсат соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий қарорлардан, экологик ташкилотлар фаолиятидан хабардор бўлиши, кундалик экологик муаммолар ҳақида умумий тасаввурга эга бўлиши, ҳамда ана шу ахборотларнинг барчасини, қанчалик мураккаб бўлмасин, аудиторияга содда ва тушунарли тарзда етказиб бера олиши зарур.

²⁶⁹ Якубов Дж. Н. Журналистика и экология: проблемы и перспективы : на примере материалов СМИ Республики Таджикистан. Автореф. дисс. на соиск. степени кандидата филол.наук. <http://www.dslib.net/zhurnalistika>

²⁷⁰ Ўша ерда.

Барча экологик мавзуларни санаб ўтишга кўп вақт керак бўлади, шу боис ўз ичига қуйидаги мавзуларни олган асосий йўналишларни ажратиб кўрсатишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- *сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий йўналиши* – экология соҳасида юзага келган муаммоларни таҳлил қилишни назарда тутаяди, уларнинг халқаро ва сиёсий аҳамиятини аниқлайди, тузилишини ҳамда экологик қонунчилик йўли билан уни ҳал этиш йўллариини излайди;
- *билимлар йўналиши* – ўқувчига табиий тизимлар ва қонуниятларнинг ишлаши тўғрисидаги илмий маълумотларни тақдим этади;
- *экологик-иқтисодий йўналиши* – иқтисодий ва экологик амалиётни уларнинг ўзаро алоқасида кўриб чиқаяди;
- *ахлоқий-эстетик йўналиши* – инсоннинг табиат билан муносабатини ахлоқий нуқтаи назардан таҳлил қилади;
- *экологик хавфсизлик йўналиши* – фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишнинг илмий ва амалий усуллариини тақдим этади;
- *инсоннинг экологик ҳуқуқлари ҳимояси йўналиши* – инсоннинг хавфсиз атроф табиий муҳит, ишончли экологик ахборот олиш борасидаги ҳуқуқлари бузилиши, ҳамда кишиларни фаол экологик позицияси учун таъкид қилиниши ҳолатларини таҳлил қилади²⁷¹.

Экожурналистика журналистиканинг бошқа турларидан ахборотни тақдим этиш усули билан фарқ қилади. Нозик жихат шундаки, материал ўта ҳиссий шаклда тақдим этилмаслиги зарур, чунки бундай қилинганда ўқувчида кўрқув юзага келиши мумкин. Бошқа томондан эса, соф ахборий ёндошув ҳам ўзини оқламайди, чунки бу ҳолатда ўқувчининг “юрагига кириб бориш”нинг имкони бўлмайди. Эколог-журналист ўз материали маълум даражада ҳиссийликка эга бўлиши ва шу билан бирга, ўқувчини кўрқитиб юбормайдиган бўлиши борасидаги нозик нуқтани топа олиши керак.

Ҳар қандай бошқа журналистик материалда бўлгани каби экологик ахборотни текшириб кўриш, фақат ишончли манбаларга таяниш, ахборот соҳасидаги амалдаги қонунчилик талабларига риоя этиш талаб қилинади. Шунингдек, экология соҳасидаги у ёки бу долзарб масала бўйича ахборотнинг етарли эмаслиги аудиторияда ишончсизликни кучайтиришини унутмаслик лозим. Шу боис асосланган ва тўлиқ ахборотни тақдим этиш уни тарқатишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Габриэль Гарсиа Маркес таъбири билан айтганда, барча журналистларга учта хусусият хос бўлиши керак, булар: касбий малака, ахлоқ ва суриштирув олиб бора олиш кўникмаси.

Журналист касби ўқиб ўрганишни ва ихтисослашувни, шунингдек инсонлар билан мулоқот қила олишни, янги технология ва ижтимоий тармоқлардаги микдори ортиб бораётган ахборотлар билан ишлай олишни талаб қилади. Яна ўша Габриэль Гарсиа Маркес айтганидек, “журналистика – дунёдаги энг яхши иш, ҳамда дунё малакали, ўз ишининг фидойиси бўлган, ахлоқ қоидаларига риоя этадиган журналистларга эҳтиёжманд”²⁷².

Экологик мавзунини ёритишда журналист қандай ахлоқ қоидаларига риоя этиши зарур? Биринчи галда, 1983 йил Париж шаҳрида ЮНЕСКО шаъфелигида қабул қилинган журналист касб ахлоқининг халқаро кодексида акс этган 10 та принципга таяниши керак²⁷³. Булар:

1-принцип. Фуқароларнинг ишончли ахборотга бўлган ҳуқуқи.

2-принцип. Воқеа-ҳодисаларни объектив ёритиш – журналистнинг бурчи.

²⁷¹ Якубов Дж. Н. Журналистика и экология: проблемы и перспективы : на примере материалов СМИ Республики Таджикистан. Автореф. дисс. на соиск. степени кандидата филол.наук. <http://www.dslib.net/zhurnalistika>

²⁷² <https://ijnet.org/ru/blog/>

²⁷³ Международные принципы профессиональной этики в журналистике. http://yojo.ru/wp/?page_id=82

- 3-принцип. Журналистнинг ижтимоий масъулияти.
- 4-принцип. Журналистнинг касбий ҳалоллиги.
- 5-принцип. Жамоатчилик учун ахборот олиш ва ОАВда қатнашиш имконияти.
- 6-принцип. Хусусий ҳаёт ва қдар-қимматни ҳурмат қилиш.
- 7-принцип. Ижтимоий манфаатларни ҳурмат қилиш.
- 8-принцип. Умуминсоний қадриятлар ва маданиятлар хилма хиллигини ҳурмат қилиш.
- 9-принцип. Инсониятга хавф солувчи уруш ва бошқа фалокатларга қарши курашиш.
- 10-принцип. Янги жаҳон ахборот ва коммуникация тартибини ривожлантириш.

Бундан ташқари Ўзбекистон журналисти қуйидагиларга амал қилиши зарур:

- қонунийлик, адолат ва ҳолислик принципларига риоя этиш;
- ўз фаолиятини Ўзбекистон фуқаролари манфаатларини ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан виждонан амалга ошириш;
- ўзига юклатилган вазифаларни ҳолис ва объектив бажаришга тўқинлик қиладиган, шахсий манфаатлар билан боғлиқ бўлган қарорлар қабул қилинишга йўл қўймаслик;
- оммавий ахборот воситалари вакилларига экологик масалаларни ёритишда ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш;



Н. Қосимова олган сурат

- фуқаролар ва мансабдор шахслар билан мулоқотда эътиборли бўлиш;
- Ўзбекистон Республикасининг расмий давлат рамзларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш;
- этник ва ижтимоий гуруҳларнинг, диний конфессияларнинг эътиқод, анъана ва маданий ўзига хосликларини ҳурмат қилиш;
- табиий ва миллий маданият объектларини эҳтиётлаб сақлаш;
- экологик муаммоларни ёритишда экологик ҳалокатлар жабрдийдалари ҳақида гап кетганда, уларни жинси, ёши, ирки, миллати, тили, фуқаролиги, ижтимоий, мулкӣ ёки оилавий ҳолати, сиёсий ва диний эътиқоди кабилардан келиб чиқиб камситмаслик;
- манба билан интервью ўтказишда мулоқотга ҳалақит берувчи ҳақоратли фикр ёки жумлаларни, хатти-ҳаракатларни амалга оширмаслик.

Назорат саволлари:

1. Оммавий ахборот воситалари аудитория учун асосий ахборот манбаи бўла оладими?
2. Экология мавзусини ёритадиган журанлистнинг жавобгарлиги нималарда акс этади?
3. Экологик муаммоларни ёритишда журналист этикаси нималарда кўринади?

ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН АДАБИЁТЛАР

Қонун ҳужжатлари:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.-Т.: “Ўзбекистон”, 2012
2. Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни. www.lex.uz.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Экологик назорат тўғрисида”ги қонуни. www.lex.uz.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Экологик экспертиза тўғрисида”ги қонуни. www.lex.uz
5. Ўзбекистон Республикасининг “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни. www.lex.uz.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги қонуни. www.lex.uz.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуни. www.lex.uz.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуни. www.lex.uz.
9. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат санитария назорати тўғрисида”ги қонуни. www.lex.uz.

Асосий адабиётлар:

10. Коханова Л. А. Экологическая журналистика, PR и реклама / Под ред. Я. Н. Засурского М.: Изд-во Юнити, 2007.
11. Кочинева А., Берлова О., Колесникова В. Экологическая журналистика: Учеб. пособие. – М., 1998.
12. Проблематика периодической печати: Учеб. пособие / Под ред. Г.С. Вычуба и Т.И. Фроловой. – М.: ИМПЭ им. А.С. Грибоедова, 2008.
13. Шарон М. Фридман, Кеннет А. Фридман. Пособие по экологической журналистике. Изд-во Tasis, 1998.
14. Қосимова Н. С. Глобал иқлим ўзгариши ва журналистика. – Т.: “Турон-Иқбол”, 2016.
15. Eleanor Bird Richard Lutz Christine Warw. Media as partners in education for sustainable development. 2008. <http://unesdoc.unesco.org/images/0015/001587/158787E.pdf>
16. Азизов А. Киншина А. Образование в интересах устойчивого развития. <http://www.unesco.org/fileadmin/MULTIMEDIA/FIELD/Tashkent/pdf/part1correct.pdf>

Интернет-ресурслар

17. Культуры и динамика народонаселения и устойчивое развитие. Париж, ЮНЕСКО, 2001.
<http://unesdoc.unesco.org/images/0012/001240/124028eo.pdf>
18. Динамика образования и народонаселения: мобилизация умов в интересах устойчивого будущего. Париж, ЮНЕСКО, 1999.
<http://unesdoc.unesco.org/images/0011/001163/116355eo.pdf>
19. Образование в интересах устойчивого развития: междисциплинарный взгляд на согласованные действия. Международная конференция по вопросам окружающей среды и общества, образование и информационно-разъяснительная работа в интересах устойчивости. Париж, ЮНЕСКО, 1997.
<http://unesdoc.unesco.org/images/0012/001271/127100e.pdf>
20. Образование в интересах устойчивого развития. От Рио до Иоханнесбурга: Уроки десятилетия взятых обязательств. Встреча на высшем уровне по вопросам устойчивого развития, Иоханнесбург, 26 августа – 4 сентября 2002 г. - Париж, ЮНЕСКО, 2002.
[/http://unesdoc.unesco.org/images/0012/](http://unesdoc.unesco.org/images/0012/)

21. Принадлежит ли вам будущее? Исследовательский проект ЮНЕП/ЮНЕСКО по вопросам молодежи и устойчивого потребления. - Париж, ЮНЕП/ЮНЕСКО, 2001. http://www.unesco.org/education/youth_consumption/pdf/future.pdf
22. Роль коммуникации и образования в устойчивом развитии прибрежных зон. Материалы технического семинара PACSICOM Париж, ЮНЕСКО, 1999. <http://unesdoc.unesco.org/images/0011/001185/118569eo.pdf>
23. Семь комплексных уроков по образованию в интересах будущего. Париж, ЮНЕСКО, 1999. // <http://unesdoc.unesco.org/images/0011/001177/117740eo.pdf>
24. Преподавание и обучение в интересах устойчивого будущего: мультимедийная программа педагогической подготовки CD-ROM. Версия 3.0. - Париж, ЮНЕСКО/Университет Гриффита (Австралия), 2002. / www.unesco.org/education/tlsf/
25. Молодежные обмены. Комплект для обучения по вопросам ответственного потребления. Руководство. Париж, ЮНЕП/ЮНЕСКО, 2001. <http://unesdoc.unesco.org/images/0012/001240/1240>
26. Образование в целях гражданственности. Pour une education a la citoyennete. Educacion para la ciudadania (CD-ROM). - Париж, ЮНЕСКО/Интернационал образования/Presse en ligne, 2001.
27. ЮНЕСКО и образование в области прав человека. - Париж, ЮНЕСКО, 2003. <http://unesdoc.unesco.org/images/0013/001318/131836e.pdf>
11. Нестеренко Ф.П. и др. Словарь-справочник: журналистика, реклама, публик рилейшнз. - Т.: Зар калам, 2003. // виртуальная библиотека факультета журналистики НУУз.
28. www.ziyonet.uz – Ўзбекистон Республикасининг ахборот-таълим тармоғи.

ЭКОЛОГИЯ ЙЎНАЛИШИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ИНТЕРНЕТ-РЕСУРСЛАРИ

<http://www.gov.uz> – Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг портали;
<http://www.uznature.uz> – Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳит муҳофазаси давлат қумитасининг портали;
<http://www.climate.uz> – Иқлим ўзгариши бўйича БМТнинг доиравий конвенцияси бўйича Ўзбекистон Республикасининг биринчи миллий маърузаси;
<http://www.deserts.narod.ru> – RIOD-Марказий Осиё портали;
<http://www.carec.kz> – Марказий Осиё ҳудудий экологик маркази сайти;
<http://www.caresd.net> – Марказий Осиё ва Россия давлатлари барқарор ривожланиши ва атроф-муҳофазасига бағишланган портал;
<http://www.cawater-info.net> – Марказий Осиё сув ва экология масалаларига бағишланган портал;
<http://www.ec-ifas.org> – Халқаро Оролни қутқариш фондининг сайти;
<http://www.icwc-aral.uz> – Марказий Осиё давлатлараро мувофиқлаштирувчи сув хўжалиги бўйича комиссиянинг сайти;
<http://www.nature.kz> – Қозоғистон Республикаси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазирлигининг сайти;
<http://www.nature.kg> – Қирғизистон Республикаси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ўрмон хўжалиги бўйича давлат агентлигининг сайти;
<http://www.natureprotection.gov.tm> – Туркменистоннинг табиатни муҳофаза қилиш вазирлигининг сайти;
<http://www.eco-portal.kz> – Марказий осие давлатларининг экопортали;
<http://www.nesdca.narod.ru> – Марказий Осиё барқарор ривожланиш экспертларининг тармоғи;
<http://www.kazbiodivnet.narod.ru> – Қозоғистон Республикаси ННТларнинг экофоруми;
<http://www.biom.org.kg> – Қирғизистон экологик ҳаракатининг сайти;
<http://www.econews.uz> – Ўзбекистоннинг янгиликлар экопортали;
<http://www.eco.uz> – Ўзбекистон экологик ҳаракатининг портали;
<http://www.ecomaktab.uz> – “Экомактаб” ННТ сайти;
<http://www.ekolog.uz> – журналист Н. Қосимованиннг янгиликлар экосайти;
<http://www.ekobarqaror.uz> – журналист Н. Қосимованиннг янгиликлар экосайти;
<http://www.sreda.uz> – журналист Н. Шулепинаниннг янгиликлар экосайти;

ЭКОЛОГИЯ ЙЎНАЛИШИДА ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРУВЧИ ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТ ВА ЖАМҒАРМАЛАРНИНГ САЙТЛАРИ

www.un.org – Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг сатий;
<http://www.gnest.org> - атроф-муҳит муҳофазаси борасидаги технологик жараёнда қатнашадиган олим, технолог, муҳандисларнинг халқаро ассоциацияси Global Nest сайти;
<http://ecoorgan.zz.mu> – Ҳайвонларни муҳофаза қилиш бутунжаҳон жамиятининг портали;
cango.net/kg/partners – Donor Agencies and Program Supporters. Қўллаб-қувватлаш дастури донорлик агентликларининг сайти;
www.adb.org – Asian Development Bank. Осиё тараққиёт банкининг сайти
www.worldbank.org – The World Bank Group. Жаҳон Банкнинг сайти
www.jbic.ru – Japan bank for international cooperation (JBIC). Япониянинг халқаро ҳамкорлик банкининг сайти;
www.ebrd.com – European Bank for Reconstruction and Development. Реконструкция ва ривожланиш Европа банки;
www.gefweb.org – Global Environment Facility. Глобал экологик фондининг сайти;
www.unep.org – United Nations Environment Programme (UNEP). БМТнинг атроф-муҳит муҳофазаси бўйича бўлинмасининг сайти;

www.osce.org – The Organization for Security and Co-operation in Europe (OSCE). Европада ҳавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг сайти.

www.unesco.org – United Nations Educational, Scientific and Cultural Organization (UNESCO). БМТнинг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича дастури (ЮНЕСКО) нинг сайти;

www.panda.org – World Wide Fund For Nature (WWF). Бутунжаҳон ёввойи табиатни асраш фондининг сайти;

www3.acdi-cida.gc.ca – Canadian International Development Agency (CIDA). Канаданинг халқаро ривожланиш агентлигининг сайти (СИДА);

<http://www.unep-wcmc.org> – Бутунжаҳон атроф-муҳит муҳофазаси мониторингининг бутунжаҳон маркази;

<http://aarhusclearinghouse.unep.org> – Орхусс Конвенциясининг ахборот-мувофиқлаштирувчи механизмнинг портали;

<http://www.unep.org/env/pp/welcome.html> – Орхусс Конвенциясининг расмий сайти;

<http://wdc.nbi.gov/ma> – Биохилмаҳиллик ва экология бўйича бутунжаҳон маркази;

<http://www.unep.org/geo> – Атроф-муҳит ҳолати шарҳи;

<http://www.unep.org/wed> – Атроф- муҳит муҳофазаси халқаро куни бўйича маълумот (5 июнь).

ГЛОССАРИЙ

Тушунча	Изоҳ
Абиотик муҳит	(юнон тилидан “а” ва “bioticos”- тирик) – организмларнинг органик бўлмаган яшаш шароити.
Адаптация	(юнон тилидан “adapto” – мослашаман) – организм функцияларининг яшаш шароитига мослашуви.
Антропоген	инсон фаолияти таъсирида ўзгарган
Антропоцентризм	(юнон тилидан “anthropos” - инсон, “kenton” - марказ) – инсон коинот маркази ҳамда дунё яралишидаги охириги тирик жон эканлиги ҳақидаги қараш.
Ареал	(юнон тилидан “area” - майдон) – табиатда тур, оилаларнинг тарқалиш ҳудуди.
Атроф-муҳитнинг қаршилиги	турларнинг камайиб кетишига қарши табиат томонидан юзага келадиган жараёнлар
Атроф-муҳит	инсонни ўраб турувчи тирик ва нотирок табиат
Аутэкология	алоҳида организмлар ва турларнинг яшаш муҳити билан боғлиқлигини ўрганувчи экология фанининг бўлими.
Барқарор ривожланиш	ҳозирги авлоднинг эҳтиёжларини келгуси авлоднинг яшашига раҳна солмаган ҳолда қондириш.
Бағрикенглик	(лотин тилидан “tolerantia” - сабр) организмнинг муҳит омилларига мослашиш ва уларни кечиришдаги сабри, кўникмаси
Биогеоценоз	маълум бир геологик шароитда яшовчи турли хил турларни ўз ича олган экологик тизим.
Белгиланган концентрациялар	инсон саломатлиги учун хавф солмайдиган, атроф –муҳитдаги мавжуд зарарли моддаларнинг миқдори.
Белгиланган даражалар	зарарли жисмоний таъсир даражаси (электромагнит ва шовкинли ифлослантириш учун).
Биологик хилмаҳиллик	тирик организмлар, турлар ва экотизимлар мажмуаси.
Биомасса	маълум бир ҳудуддаги тур, гуруҳларнинг умумий жамланмаси
Биосфера	(юнон тилидан “bios” - ҳаёт, “sphire” - шар) – тириклик тирик бўлмаган моддалар билан ўзаро алоқадорликка киришувчи Ернинг қобиғи
Биотоп	биоценоз эгаллаб турган макон.
Биоценоз	(юнон тилидан “bios” - ҳаёт, “koinos” умумий) – битта ҳудудда биргаликда яшашга ўрганган популяцияларнинг

	жамланмаси
Гербицидлар	қишлоқ хўжалигидаги зараркунандаларга қарши ишлатилувчи кимёвий моддалар
Глобал	(юнон тилидан “globus” - шар) – Бутун дунёни қамраб олувчи.
Гуманизм	(юнон тилидан “humanus” одамий) – тенглик, адолатлилик, инсонийликка асосланган дунёқараш.
Деградация	(француз тилидан “degradation” - босқич) – сифатларнинг йўқолиши, ҳолатнинг ёмонлашуви.
Демография	(юнон тилидан “demos” - халқ, “grapho” - ёзаман) аҳоли тўғрисидаги фан
Дефолиантлар	ўсимликлар баргини тўқишга мўлжалланган кимёвий моддалар
Дивергенция	яқин қариндош турлар ўртасида фарқларнинг кучайиши. Тирик модда – мавжуд барча организмларнинг жамланмаси.
Иссиқхона эффекти	атмосферада Ернинг иссиқлик ютиш жараёнини секинлаштирувчи иссиқхона газларининг кўпайиши (карбонат ангидрид ва бошқалар). Оқибатда глобал иқлим ўзгариши юзага келмоқда.
Ифлослантувчи моддалар	экотизимлар фаолиятини бузишга қаратилган моддалар.
Инқироз	(юнон тилидан “krisis” - қарор, оқибат) – қийин ҳолат.
Индустриал жамият	(лотин тилидан “industria” - фаолият) – жамиятнинг ривожланиш босқичи, асосий жиҳатларидан бири ишлаб чиқаришнинг ўсиши билан тавсифланади.
Инсектицидлар	зараркунандаларга қарши ишлатиладиган кимёвий моддалар.
Кислотали ёмғирлар	таркибида азот оксиди ва олтингугурт бўлган ёмғирлар.
Конвергенция	эволюцион жараён оқибатида турлар ўртасидаги фарқларнинг камайиши
Коэволюция	бир ёки иккитадан ортиқ турларнинг биргаликдаги эволюцион ривожланиши.
Қизил китоб	камёб ва йўқолиш хавфи бўлган ўсимлик ва ҳайвон турларининг тавсифи.
Инқироз	(юнон тилидан “krisis” - қарор, оқибат) – қийин ҳолат.
Ландшафт	Ер қобигининг географик ҳудудий бўлиниш категорияси.
Локал	(лотин тилидан “localis” - маҳаллий) – унча катта бўлмаган ҳудудга тегишли.
Маданият	(лотин тилидан “cultura” – қайта ишлаш) - Homo sapiens томонидан яратилган ўзига

	хос ҳаракатлар, урф-одатлар мажмуи.
Мелиорация	табiiй ерларнинг яхшиланиши.
Метаболизм	организмдаги моддалар алмашилиш жараёни.
Мониторинг	(лотин тилидан “monitor” - огоҳлантирувчи) –биосфера ва унинг алоҳида элементлари ҳолатига баҳо берувчи кузатишлар тизими.
Мутация	(лотин тилидан “mutatio” - ўзгариш) ирсиятдаги ўзгаришлар бўлиб, наслдан-наслга ўтади.
Мувозанат	тизимнинг алоҳида параметрлари ўзгаришсиз ёки ўрта катталиқ атрофида айланади.
Ноосфера	(юнон тилидан “noos” - ақл, “sphaire” - шар) – инсоннинг Ерда пайдо бўлиши ва унинг атроф-муҳит билан алоқадорлигини англатувчи ақл соҳаси.
Озон экрани	кўтбларда 7 км.дан 50 километргача юқорида ётган, таркибида О ₃ ўта юқори даражада бўлган қобик.
Органик бирикмалар	таркибида углерод бўлган моддалар
Пестицидлар	қишлоқ хўжалигидаги зараркунандаларга қарши ишлатиладиган моддалар.
Популяция	(лотин тилидан “populus” - аҳоли) узок вақт давомида маълум бир ҳудудни эгаллаган маълум бир турнинг кўпайиши.
Рекреацион ресурслар	Дам олиш учун фойдаланиладиган барча кўринишлар: иқлимий, сув, гидроминерал, ўрмонлар, тоғлар ва ҳоказо.
Симбиоз	ҳар иккала тур ўзаро манфаатдор бўлган алоқадорлик.
Синэкология	ҳамжамиятларнинг яшаш муҳити билан алоқадорлигини ўрганувчи экологиянинг бўлими.
Табiiй-ассимиляцияли салоҳият	табiiй муҳитнинг ўзига зарар етказмаган ҳолда инсонга маҳсулот бериши
Табiiй-ресурсли салоҳият	хўжалиқ фаолиятига тортилувчи табиат ресурслари, аммо мазкур фаолият табиатга зарар етказмаслиги лозим.
Тур	табiiй биологик бирлик. Унинг барча аъзосини умумий генофонддаги қатнашиш боғлайди.
Токсик моддалар	(юнон тилидан “toxikon” - заҳар) организм ва атроф-муҳитда маълум бир салбий ўзгаришлар, касалликлар келтириб чиқарадиган моддалар.
Урбанизация	шаҳарлар ва уларда яшовчи аҳоли сонининг ўсиши.
Фито	ўсимликларга тегишли

Қўриқхона	(“буюраман” сўзидан олинган) – хўжалик фаолияти тақиқланган, қўриқланадиган ҳудуд.
Ҳамжамият	экотизимга кирувчи тирик организмлар жамланмаси.
Ҳудудий	(лотин тилидан “regionalis” - ҳудудий) маълум бир ҳудудга тегишли.
Чиқариб ташланадиган чиқиндиларнинг меъёри	ишлаб чиқариш корхонасидан табиатга чиқариб ташланадиган зарарли моддаларнинг маълум бир меъёри.
Экологик пирамида	трофик даражаларнинг график мутаносиблиги: сон, биомасса, энергия ва ҳоказо.
Экологик омил	тирик организмларга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган муҳитнинг ҳар қандай элементи.
Экология	(лотин тилида “oikos” - уй, “logos” - таълим) – тирик организмларнинг атроф-муҳит билан алоқадорлигини ўрганувчи фан.
Экотизим	атроф-муҳит ва ҳамжамиятнинг ўзаро алоқадорлиги
Экотоп	ҳамжамиятнинг яшаш ҳудуди
Этика	(يونون тилидан “etos” – феъл-атвор) инсонлар хатти-ҳаракатини ўрганувчи фалсафий йўналишлардан биридир
Яшаш жойи	яшаш учун зарур бўлган шароитларга эга бўлган ернинг бир қисми.

**АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ ХАЛҚАРО
ТАШКИЛОТЛАР**

БМТнинг ихтисослашган ташкилотлари	
ЮНЕСКО (БМТнинг таълим, фан ва маданият бўйича бўлинмаси)	1946 йилда ташкил топган. Мақсади халқаро майдонда тинчлик ва хавфсизликка хизмат қилган ҳолда мамлакатларнинг иилм-фан, таълим ва маданият соҳасидаги ҳамкорлигини ривожлантириш. Асосий йўналишларидан бири атроф-муҳит ва маданият ёдгорликлари муҳофазаси. Штаб-квартираси Парижда жойлашган.
БССТ (Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти)	1946 йилда ташкил топган. Асосий мақсади – Ердаги барча халқларнинг соғлигини юқори даражада сақлашга эришишдир Штаб-квартираси Женевада жойлашган.
ХМТ (Халқаро меҳнат ташкилоти)	Меҳнат қилаётганларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф солувчи омиллардан жамоатчиликни хабардор қилишга йўналтирилган халқаро ташкилот.
ФАО (БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги масалалри бўйича ташкилоти)	БМТнинг ихтисолаштирилган ташкилоти, 1945 йилда халқларнинг яшаш фаровонлигини ошириш ва овқатланишни яхшилаш мақсадида ташкил топган.
ХДТ (Халқаро денгиз ташкилоти)	1948 йилда денгиз ресурсларини асраш, кемачиликни тартибга солиш мақсадида ташкил этилган.
БМТ (Бутунжаҳон метеорологик ташкилоти)	1947 йилда ташкил этилган, атроф- муҳитни глобал мониторинг тизимида доирасида фаолият юритади.
АЭХА (Атом энергияси бўйича халқаро агентлик)	1957 йилда ташкил этилган. Атом электростанцияларнинг қурилиши ва эксплуатацияси қоидаларини ишлаб чиқади, лойиҳалаштирилади АЭСлар экспертизасини ўтказиши ва ҳоказо.
ХХТ (Халқаро ҳуқуқшунослик ташкилоти)	Табиат муҳофазасига бағишланган халқаро меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда қатнашади.

БМТ ДАСТУРЛАРИ ВА КОМИССИЯЛАРИ

ЮНЕП (БМТнинг атроф-муҳит муҳофазаси бўйича дастури)	БМТнинг ихтисослаштирилган бўлинмаси, 1972 йилда БМТнинг Стокгольм конференциясининг тавсиясига биноан ташкил этилган. Асосий вазифаси– мамлакатларнинг табиий муҳит ифлосланишини олдини олиш, табиат деградацияси, чўлланиш, сув сифатининг пасайишига қарши кураш.
--	---

БРК (БМТнинг Барқарор ривожланиш бўйича комиссияси)	1992 йилда Рио-де-Жанейро конференциясидан сўнг ташкил этилган. Мақсади – барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш, 53 та давлат аъзоси.
ЭМТААХМ(Экология муаммолари бўйича тезкор алоқа ва ахборот халқаро маркази)	Нодавлат, нотижорат ташкилот. Штаб квартираси Вашингтон шаҳрида жойлашган.
Гринпис (“Яшил дунё”)	Халқаро нодавлат ташкилот. 1971 йилда глобал экологик муаммоларни бартараф қилишга жамоатчилик ҳамда мамлакатларнинг ҳукуматлари эътиборини қаратиш орқали ҳал этиш мақсадида ташкил этилган.
БТХ (Бутунжаҳон табиат хартияси)	1982 йилда қабул қилинган инсоннинг табиат билан ўзаро алоқадорлигини, табиатни муҳофаза қилиш борасидаги тамойилларни амалга оширишга йўналтирилган дастурий ҳолатларнинг жамланмаси.
Бутунжаҳон ёввойи табиат фонди (WWF-International)	Халқаро нодавлат ташкилот. Асосий мақсади Ер экотизимлардаги бара биологик ресурсларни муҳофаза қилиш ва асрашга кўмаклашишдан иборат.
ХГД (Халқаро гидрологик дастур)	Сайёрадаги мавжуд сув ресурслари ва гидрологик жараёнларни ўрганади. Дастурда 130 дан ортиқ мамлакат қатнашади.
МСОП (Табиат ва табиий ресурсларни асровчи халқаро иттифок)	Ҳукуматлараро илмий-консультатив ташкилот. 1948 йилда ЮНЕСКО ташаббуси билан ташкил этилган. Асосий мақсади– табиий бойликларни сақлаш ва улардан оқилона фойдаланишни назорат қилиш.
БИД (Бутунжаҳон иқлим дастури)	1979 йилда қабул қилинган. Вазифалари: аҳолига иқлим ўйича маълумотларни инсон фаолиятини режалаштириш ва бошқаришда фойдаланишга ёрдам бериш.
БОХ (Бутунжаҳон об-ҳаво хизмати)	Халқаро ташкилот бўлиб, мақсади - барча мамлакатлардан метеоролик маълумотларни йиғиш ва улашишга ёрдам бериш.

ХАЛҚАРО ЭКОЛОГИК ТАШКИЛОТЛАР

Бутунжаҳон ёввойи табиат жамғармаси (World Wide Fund for Nature)	1961 йилда ташкил топган. Дунёнинг 120 та мамлакатада иш олиб боради. Жаҳон бўйлаб 5 млн. Нафар кўнгиллилари фаолият юритади. Ҳар йили WWF 1200 дан ортиқ экологик лойиҳаларни амалга оширади. WWF миссияси — Саёранинг биологик хилмахиллигини сақлаб қолиш, табиий муҳит деградациясини тўхтатиш.
---	---

	WWF нинг халқаро секретариати Швейцарияда жойлашган.
Глобал экологик жамғармаси (Global Environment Facility, GEF)	Мустақил халқаро молиявий субъект. Ўз фаолиятини БМТТД, Жаҳон банки, БМТнинг атроф-муҳит муҳофазаси дастурлари орқали амалга оширади.
Марказий ва Шарқий Европа учун атроф-муҳит муҳофазаси бўйича худудий марказ (МШЕХМ)	1990 йилда ташкил топган. Марказий ва Шарқий Европанинг 14 та давлати ва АҚШ аъзо. Штаб-квартираси Будапешт шаҳрида жойлашган.
Шимолий форум	1991 йилда ташкил топган. Шимолий худудлардан 14 та вакил аъзоси. Штаб-квартираси Аляскада жойлашган.
ОТОИИК (Осиё ва Тинч Океани учун иктисодий ва ижтимоий комиссия)	1947 йилда ташкил топган. Европанинг 59 та давлати аъзо. 1990 йилда Европанинг атроф-муҳит бўйича агентлиги ташкил этилди. Штаб-квартираси Брюсселда.
ХЭК (Халқаро экологик кенгаш)	1992 йилда ташкил топган. МДХнинг 11 та давлати аъзо.
Global Nest	атроф-муҳит муҳофазаси бўйича фаолият олиб бораётган олим, муҳандис, технологларнинг халқаро ассоциацияси
Чарльз Дарвин жамғармаси (Charles Darwin Foundation)	1959 йилда ташкил топган. Мақсади — Галапагос ороллари экотизимини сақлаш. Штаб-квартираси Галапагос оролларидаги Пуэрто-Айора шаҳрида жойлашган.
Табиатни асраш халқаро бирлашмаси (International Union for Conservation of Nature, IUCN) —	1948 йилда ташкил топган, Мақсади-табиий ресурсларни асраш, табиат ресурслардан фойдаланишда экологик тоза технологияларни киритишга кўмаклашиш. Бош офиси Швейцариянинг Гланд шаҳрида жойлашган. Унга 78 та мамлакат, 112 та ҳукумат ва 735 та ННТлар аъзо. международная организация, целью которой является сохранение природных ресурсов.
Халқаро яшил хоч	1993 йилда ташкил топган Халқаро экологик ташкилот. Штаб-квартираси Женевада жойлашган. 30 мамлакатда филиаллари мавжуд. Мақсади — саёранинг барқарор ва хавфсиз келажагини таъминлашга ҳисса қўшиш, атроф-муҳитни асрашга доир тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, экологик халокатда жабр кўрган инсонлар ва ҳайвонларга ёрдам бериш ва ҳоказо.
Ўрмонлар кузатув кенгаши (Forest Stewardship Council, FSC),	1993 йилда ташкил топган. Мустақил, халқаро ташкилот. 41 та давлат аъзоси. Ўрмонларни асраш бўйича Кенгаш сертификатига ҳозирда 82 та мамлакат

	эга. Ўрмон ресурсларини асраш ва улардан оқилона фойдаланиш тарафдори. Штаб-квартираси Торонто шаҳрида (Канада).
Бутунжаҳон кузатиш институти	АҚШнинг Вашингтон шаҳрида жойлашган. 30 нафар ходимга эга. Асосий мақсади кенг жамоатиликни глобал экологик муаммоларнинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатлари билан таништириш. Институт томонидан ҳар йили “Сайёра ҳолати” номли 30 та тилда тўплам чоп этилади.
Ер Хартияси ташаббуси	Хартия тарафдорлари Ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, Ерни асраш бўйича Хартиянинг ахлоқий меъёр ва тамойилларини тарғиб қилади. Ташаббус глобал ихтиёрий ҳаракат бўлиб, асосий мақсадиглобал ахлоқ асосида барқарор ривожланишга ўтишдир.
Гринпис (Greenpeace)	Халқаро экологик ташкилот. 1971 йилда Канадада ташкил топган. Асосий мақсади — экологик янгиланишни қўллаб-қувватлаш, инсонлар эътиборини глобал экологик муаммоларга қаратиш. Гринпистижорат, партиялар ва ҳукуматларнинг молиявий кўмагини рад этади. Худудий офислари Марказий ва Шарқий Европа давлатларида жойлашган.

ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ЭКОЛОГИК ЙЎНАЛИШДАГИ ХУЖЖАТЛАРИ

Катта масофаларда трансчегаравий ифлосланишлар тўғрисидаги конвенция	Мазкур ҳужжат аъзо-мамлакатлар томонидан атмосфера ҳавоси сифатини бошқариш соҳасида сиёсатни ишлаб чиқиш. Атмосферага чиқариб ташланадиган заҳарли газларнинг миқдорини камайтириш.
Хавфли чиқиндиларни трансчегаравий ташиш ва уларни утилизацияси бўйича назорат қилиш тўғрисидаги Базель конвенцияси	Давлатлар худудида хавфли чиқиндиларнинг экспорти, импорти ва транзитини бошқаришга йўналтирилган халқаро ҳужжат. Бугунги кунда Конвенцияга қатор кўшимчалар ва ўзгартиришлар киритилган.
Озон қатламини ҳимоялаш бўйича Вена конвенцияси ва Озон қатламини емирувчи моддалар бўйича Монреал протоколи озоновый слой.	Мазкур ҳужжатларга асосан таркибида озон қатламини емирувчи моддалар мавжуд ишлаб чиқаришни босқима-босқич тугатиш ёки уларни экологик жихатдан хавфсиз ишлаб чиқаришга йўналтирилган реконструкцияни амалга ошириш кўзда

	тутилган.
БМТнинг иқлим ўзгариши тўғрисидаги доиравий конвенцияси ва Конвенциянинг Киото протоколи.	Мазкур Конвенция доирасида мамлакатлар иқлим ўзгаришига таъсир кўрсатувчи атмосферага чиқариб ташланадиган заҳарли газлар миқдорини камайтириш мажбуриятини олишади.